

Сиддиқжон МЎМИНОВ, Дилшода ХОЛМАТОВА

ИЖТИМОЙ ЭКОЛОГИЯ МУАММОЛАРИ



Китоб курсатилган муддатда
топширилиши керак

Фойдаланилганлик сони _____

~~3059 13.02~~

карт

60.56.109)
М.99

Сиддиқжон МЎМИНОВ, Дилшода ХОЛМАТОВА

ИЖТИМОЙ ЭКОЛОГИЯ МУАММОЛАРИ

«Фаргона» нашриёти,
2014 йил.

УЎК:504.03

КБК:60.56

M99

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси Фаргона вилоят ҳудудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери маркази томонидан молиялаштирилди.

Масъул муҳаррир:

Йўлдош СОЛИЖОНОВ,

филология фанлари доктори,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Такризчилар:

Юсуфжон АҲМАДАЛИЕВ,

география фанлари доктори.

Фарходжон ТУРҒУНБОЕВ,

фалсафа фанлари доктори.

Мўминов, Сиддиқжон

Ижтимоий экология муаммолари: монография/С.Мўминов, Д.Холматова.
– Фаргона: «Фаргона» нашриёти, 2014. – 184 б.

Ушбу монография табиат, жамият ва инсон, инсоннинг чексиз олам ҳамда жамиятдаги ўрни, одамнинг яшайдан мақсад-муроди, инсоний одоб-ахлоқ масалаларига, бир сўз билан айтганда, табиат, жамият ва инсон ўртасидаги мувозанатни сақлаш, асраб-авайлаш масаласига қаратилган. Монография олий ўқув юртларининг ўқитувчи ва талабалари, академик лицей, касб-ҳунар коллежалари ўқитувчи ва ўқувчилари, қолаверса, кенг китобхонлар оммасига мўлжаллаб ёзилган. Ушбу китоб ўта глобал ва ўта долзарб мавзуга бағишланган бўлишига қарамай, содда, раван, илмий-оммабоп тилда баён этилган.

1.Холматова Д.

УЎК:504.03

КБК:60.56

20.1

FARG'ONA DAVLAT
UNIVERSITETI
AXBOROT RESURS MARKAZI
QABUL QILISH YIG'ISH VA
KATALOGLASH

©Фаргона» нашриёти, 2014 йил.

КИРИШ

«Ишончим комилки, бизни – ҳозир Ўзбекистонда истиқомат килувчиларнинг кўпчилигини тирикчилик ташвишлари – чин воқелик муаммолари билан бирга: «Бу ёруғ оламда биз киммиз ва не бир сир-синоатмиз, қаёққа қараб кетяпмиз? Инсоният янги аср – XXI асрга қадам қўйганида бизнинг ўрнимиз қаерда ва қандай бўлади?» – деган саволлар ўйлантириши табиий...»¹

Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асари муқаддимаси мана шундай жумлалар билан бошланади ва «Юксак маънавит – энгилмас куч» номли асарида бу саволларга мантиқий боғлиқ бўлган қуйидаги жавоб айтилади: «Агарки мендан, ҳозирги кунда маънавиятимизни асраш учун нима қилиш лозим ва унга таҳдид соладиган хуружларга нимани қарши қўйиш керак, деб сўралса, мен авваламбор шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуг аждодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши зарур, деб жавоб берган бўлардим...»²

Маълум бўлмоқдаки, инсоният бу ёруғ оламда кимлигини, қаёққа қараб кетаётганлигини ва унинг ўрни қаерда, қандай бўлишини билиши учун, энг аввало, ўзлигини англаши, тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли муносабатда бўлиши лозим экан. Хўш, ўзликни англаш деганда нимани тушунамиз? Воқеликка, умуман ҳаётга

1 Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1997. – Б.3.

2 Ислом Каримов. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – Б.17.

онгли муносабатда бўлиш, инсоннинг дунёга келиб-кетишдан муроди нима ўзи?

Юртбошимиз томонидан қўйилаётган шу ва шунга ўхшаш саволларга жавоб топиш, илғор дунёвий ва диний илмларга таянган ҳолда мана шу масалалар атрофида фикр юритиш истаги бизни ушбу мавзуда изланишлар олиб боришга даъват этди. Зеро, инсон ўзлигини англамагунча Ҳақни ҳам англамайди, бошқалар ҳам уни тушунмайди: «Эл нетиб топгай меники, мен ўзимни топмасам» (Алишер Навоий).

Атоқли физик, файласуф ва бошқа соҳа олимлари фан материянинг фақат физик қонуларини тушунтириб беришга қодирлигини, лекин бу моддий, жисмоний дунёдан ташқарида бўлган руҳий ҳолатларни билиш фаннинг кўлидан келмаслигини, бинобарин, бу борада оммани маърифатли қилиш руҳий маънавият вазифасига киришини таъкидлайдилар.

Кишилик жамиятининг умумий тараққиёти шиддатли тарзда ўсиб бораётган бугунги кунда халқ таълими тизими ҳам фан-техника ривожидан орқада қолиб кетмаслиги керак. Маънавийлик ва моддийлик ўртасидаги мутаносиблик, уларнинг ўзаро муносабатлари, инсоннинг ҳаётдан олган таълими, ўзлаштирган билимлари унда фақат маълумот даражасида қолиб кетмаслиги, балки улар амалиётга йўналтирилган, яъни бошқаларга фойда келтирадиган бўлиши керак. Ана шунда инсоннинг эзгу ниятлари, ҳиссиётлари ва фикру хаёллари рўёбга чиқиб, ҳаётий воқеликка айланиши мумкин. Маънавияти етук, фидокор инсонлар ушбу фоний дунёни соғлиқ, бахт-саодат масканига айлантириш масъулиятини ўз зиммаларига олишлари лозим. Буюк рус ёзувчиси Л.Н.Толстой таъкидлаганидек: «Инсон бахтли бўлиши керак. ▲гар у бахтсиз экан, унинг ўзи айбдор». Саодатга, бахтга етишнинг ягона йўли эса билим, ўзликни англашдир.

Билим ҳақида айтилган фикрларга қулоқ тутилса, уларда шундай ҳикмат мавжуд: «Билимдонга бало йўқ». Минг афсуски, биз кўп нарсани, ҳатто ўзимиз, ён-атрофимиздаги катта-кичик оламлар ҳақида билишимиз зарур бўлган энг оддий тушунчаларни ҳам билмаймиз. Аммо билишга интилишимиз шарт, билъақс тараққиёт секинлашиб, таназзулга юз тутиши турган гап.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда хурфикрлилик,

яъни оммавий ахборот воситаларининг барча турларида ўз фикри, нуктаи назарини очиқ изҳор этиш одатий ҳол ҳисобланади. Инсон хурфикрлиги тамойили деярли барча ривожланган давлатларнинг, шу жумладан, бизнинг Конституциямизда ҳам ўз аксини топган. Ана шу тамойилга асосан, ҳозирги тараққий этган мамлакатларда ҳар хил мавзуларда турли-туман адабиётлар нашр этилади. Бири бир фикрни ёки назарияни ўртага ташласа, бошқаси уни тасдиқлайди, эътироф этади, қабул қилади, иккинчилари унга қўшилмайди, баҳслашади, инкор этади. Учинчилари бетараф қолади, тўртинчи тоифа одамлар эса ўша фикр, таълимот ёки назарияларни илмий тадқиқ этиб текшириб кўради, янгидан-янги гоёлар, таълимотлар ва назариялар ишлаб чиқади, олимлар ва кенг омма муҳокамасига ҳавола этади, инсоният фойдасига, тараққиёт йўлида турли-туман ихтиролар қилади. Бу билан унинг ўзи ҳам фикрлашга, янгиликлар яратишга ўрганади ва бошқаларни ҳам ўргатади. Шундай тортишувлар, баҳслар билан ҳақиқат ойдишланиши, тараққиётга йўл очилади ва пировардида унга эришилади.

Ақлли одамлар тушуниб етмаган бирон-бир нарсани инкор қилишга шошилмайдилар. Ибн Синодек буюк аллома ҳам Аристотелнинг «Метафизика» асарини ўн бир марта ўқиб чиқиб тушунолмаган бўлса ҳам, уни инкор етмаган. Вақти-соати келиб, Форобийнинг мазкур китобга ёзган шарҳини ўқигандан кейингина тўлиқ тушунган. Биз эса, кўпинча, баъзи нарсаларни билимларимиз етарли эмаслигимиздан тушунмаслигимизни тан олгимиз келмайди. Ҳар эҳтимолга қарши, дарров унга салбий баҳо беришга ҳаракат қиламиз ёки умуман билмаслигимизнинг ошқор бўлиб қолишдан ҳадиксираб, бир йўла уни инкор қилиб, ундан қутулиб қўя қолгимиз келади. Баъзан ана шундай тафаккури қотиб қолган «билимдон»лар ҳозирги ақлли, зукко, ҳар нарсага қизиқувчан, билимга чанқоқ ёшларимизни ўзларининг тор фикр доираларига қиёслаб, уларнинг ақлий қобилиятлари ва истеъдодларига шубҳа ёки паст назар билан қарайдилар. Бугунги ёшларимизнинг билим ва ақлий қобилиятлари ўзлариникидан юқорироқ эканлигини тан олдилари келмайди.

Инсон ўзининг онгли ҳаёт кечириш даврида доимо турли-туман муаммоларнинг тагига етишга, жумбоқли саволларга жавоб топишга ҳаракат қилиб келган. Ана шундай саволларнинг энг муҳимларидан бири: «Ҳаётнинг ўзи нима ва инсоннинг ҳаёт кечиришдан мақсади

ҳамда вазифалари нималардан иборат?» каби саволлардир. Бундай саволларнинг юзага келиши ҳам, уларга қайтариладиган жавоблар ҳам бевосита оламнинг энг улуғ неъматлари чўккисиди турувчи СЎЗга бориб тақалади.

Бизгача бу мавзуда жуда кўп изланишлар олиб борилган. Улуғ бобокалонимиз Алишер Навоийнинг сўз ҳақидаги фалсафий қарашларидан тортиб, нутқ маданияти бўйича амалга оширилган барча изланишлар бу мавзуни четлаб ўтмаган. Айниқса, академик А.Рустамов, профессорлар Н.Маҳмудов, С.Мўминов, доцентлар Т.Содиқова, М.Раҳмонов, шунингдек, М.С.Каган, А.В.Лосев, Г.Г.Проводкин, Д.Карнеги, Я.Камычек, Ю.Шодиметов каби тадқиқотчи олимларнинг китоб ҳамда туркум мақолаларида сўз ва унинг инсон ҳаётида тутган ўрни ҳақида қимматли фикрлар билдирилган.³

Яхши ният билан ёзаётган китобимизда биз ҳам кўпчиликни қизиқтириб келаётган ҳаётий саволларга жавоб топишга, сўз ва унинг ижтимоий экологияда тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида фикр юритишга, мавҳумиятдан маълумиятга қараб боришда қилинган ва қилинаётган ишларга баҳоли қудрат ҳисса қўшишга ҳаракат қиламиз.

3 Қаранг: Рустамов А. Сўз хусусида сўз. – Т.: «Extremum press»; Рустамов А. Адиблар одобидан одоблар. – Т.: «Маънавият», 2003; Маҳмудов Н. Тилимизнинг тилла сандиги. – Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012; Маҳмудов Н. Тил. – Т.: «Ёзувчи», 1998; Сиддиқ Мўмин. Мулоқот мезони. – Т.: «Янги аср авлоди», 2004; Содиқова Т. Сўз сеҳри. – Т.: «DAVR PRESS», 2009; Раҳмонов М. Сўзлар оламга саёҳат. – Т.: «Фан», 2012; Сўз ҳақида 100 сўз (тўплаб нашрга тайёрловчи: А.Тилавов). – Т.: «Сано стандарт», 2011; Каган М.С. Мир общения. – М.: «Политиздат», 1988; Карнеги Д. Қандай қилиб дўст орттириш ва одамларга таъсир кўрсатиш мумкин? – Т.: «Шарк», 2010; Кайковус. Қобуснома. – Т.: «Ўқитувчи», 1986; Камычек Я. Вежливость на каждый день. – Москва: «Знание», 1988; Шодиметов Ю. Ижтимоий экологияга кириш. Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1994.

БИРИНЧИ БОБ

ИНСОН ВА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР

1.1. Экология – долзарб мавзу

«Ахборот асри» дея ном олган бугунги кунда инсоният олдиди замонавий, муҳим ва долзарб муаммолардан бири бўлиб турган экология ва унинг муаммолари ҳақида дунё олимлари астойдил бош қотирмоқдалар. Бу борада кўплаб мамлакатларда семинар ва анжуманлар ўтказилмоқда, турли тилларда илмий мақола, рисола ва китоблар чоп этилмоқда. Республикамиз Президенти Ислоҳ Қаримов ҳам ўз мақола ва китобларида бу масалага қайта-қайта мурожаат қилмоқда. Хусусан, 2010 йилнинг сентябрь ойида Нью-Йоркда БМТ саммитининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқида бу масалага Ер юзидаги энг глобал масалалардан бири сифатида эътибор қаратди ва жумладан шундай деди: «Экологияни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш, ҳозирги аномал табиий ўзгаришлар шароитида мингйиллик декларациясида белгиланган мақсадларга эришишда катта аҳамият касб этади. Орол фожияси экология муаммоларига масъулиятсиз муносабатда бўлишнинг яққол мисолидир».⁴

Асли юнонча oikos – уй-жой, ватан; logos – фан, таълимот сўзларидан олинган ва биргаликда яшайдиган тирик организмларнинг ўзаро ҳамда теварак-атрофдаги муҳит билан бўлган муносабатларини, шунингдек, олам ва биосфера ўртасидаги ўзаро муносабат масалаларини ўрганувчи фан бўлган экология бугунги кунда энг долзарб масалага айланганлиги боис унинг тармоқ ва соҳалари кундан-кунга ортиб бормоқда. Дунё аҳолисини бирдай қизиқтираётган бу долзарб масалага бизнинг ҳам бефарқ қараб туришимиз мумкин эмас, албатта. Шунинг учун биз ушбу тадқиқотимизда бу билим соҳаси бўйича ҳеч бўлмаса умумий

4 Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Қаримовнинг БМТ Бош Ассамблеяси Мингйиллик ривожланиши мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. – Б.7.

тасаввур ҳосил қиладиган «Экологиянинг ўзи нима?», «У қандай фан ва нимани ўрганади?», «Нима учун ҳозирги даврга келиб у долзарблик касб этиб қолди?», «Сўзнинг ижтимоий экологияни соғломлаштириш ёки бузишдаги ўрни қандай?» каби қатор саволларга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Экология дастлаб ботаника ва зоология фанларининг бир йўналиши сифатида вужудга келган. Бу атамани фанга 1866 йили немис биологи Эрнст Геккель (1834-1919) киритган. Бу фан ҳозирги пайтда инсон ҳаёти учун доимий ва энг муҳим зарурий бўлган табиий бойликлар (ресурслар): ер, сув, тупроқ, ҳаво, ўсимликлар, ҳайвонот дунёси, сув ости жонзотлари, қушлар, ҳашаротлар ва бошқа барча тирик мавжудотлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрганиш, уларни асраб-авайлаш, кўриқлаш, бутун табиатни, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби муаммолар билан шуғулланади.

Ушбу фаннинг аниқ йўналишлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: «Инсон экологияси», «Ўсимликлар экологияси», «Қушлар экологияси», «Сув ҳайвонлари экологияси», «Сув ҳавзалари экологияси», «Кемирувчилар ёки мўйнали ҳайвонлар экологияси» ва ҳоказолар. Бунда экологик ўрганиш объекти текширилаётган объектнинг яшаш муҳити, жойи, кўпайиш шароитлари, биологик турларнинг бошқа вакиллари билан, шунингдек, уларнинг рақобатчилари, муҳолифлари, душманлари (йиртқичлар, зараркунандалар) ёки шунчаки ён кўшнилари билан муносабатлари бўлиши мумкин.

XX аср охирларида инсониятнинг табиий муҳитга хўжасизларча ва тажовузкорона таъсир этиши сабабли олимлар томонидан табиатни асраб-авайлаш ва ундан оқилона фойдаланишнинг экологик илмий асослари ишлаб чиқилди. Натижада ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб, жамият билан атроф-муҳит ўртасидаги ўзаро муносабат қонунларини, шунингдек, атроф-муҳитни амалий муҳофаза қилиш масалаларини ўрганувчи инсон экологияси ёки социал экология шаклланди ва у социология фанининг ажралмас бир қисми сифатида ўрганила бошланди. У турли фалсафий, ижтимоий, иқтисодий, географик ва бошқа йўналишларни, масалан, шаҳар экологияси, техник экология, экологик этика ва ҳоказоларни ҳам ўз ичига олади. Бу янги фан соҳаси табиат ва кишилиқ жамиятининг

ўзаро муносабат қонуниятлари, табиатни асраш муаммоларини ҳал қилишнинг амалий чора-тадбирлари масаласи билан фаол шуғуллана бошлади. Кейинчалик олимлар замонавий илм-фанни ҳам экологиялаштириш ҳақида ўйлай бошладилар. Натижада аста-секин экологиянинг кўп йўналишлари: умумий экология, биологик экология, зоологик экология, геологик экология, тиббий экология, муҳандислик экологияси, инсон экологияси, турар-жой экологияси, овқатланиш экологияси, фикрлаш экологияси каби тармоқлари юзага келди.

Ҳозирги даврда онг шаклланишининг экологиялаштириш тенденцияси кучайиб, иқтисодий экология, эко-этика, эко-эстетика, экология ва руҳ муносабатлари, экологик ҳуқуқ, экологик сиёсат ва ҳоказо йўналишлар вужудга келмоқда.

Табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг назарий, амалий ва методологик жиҳатларини жаҳон цивилизацияси манфаатлари асосида ўрганувчи фалсафий фан сифатида юзага келган социологик (ижтимоий) экология кундан-кунга ривожланиб бормоқда ва ўзининг юксалиш босқичига кириш арафасида турибди. Бугунги кунда нафақат инсонни қамраб турган табиатни муҳофаза қилиш, балки ижтимоий муҳитни ҳам муҳофаза қилиш назариялари ишлаб чиқилмоқда. Шунингдек, ҳозирги даврда «табиат – жамият – инсон» муносабатларини одилона ҳал этиш учун бу масалага маданий муносабатда бўлиш зарурияти туғилмоқда. Натижада «экологик-ахлокий маданият», «экологик-ҳуқуқий маданият», «экологик-иқтисодий маданият» каби экологик маданият йўналишлари вужудга келди. Эндиликда экологик маданият махсус ижтимоий маданият сифатида инсон ва жамиятнинг табиатга нисбатан амалий муносабатларини ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилиш ишларини бажариш билан бирга, экологик маданиятни ривожлантириш усуллари, воситалари ва йўналишларини кўрсатиб бериш каби вазифаларни ҳам бажаради. Шундай қилиб, илм-фан ва техника тараққиётининг кейинги даврларда мисли кўрилмаган даражада юксалиб кетиши натижасида табиий атроф-муҳит муҳофазаси масаласи оламшумул муаммога айланиб, кескинлашиб бормоқда. Натижада бундан буён кишилиқ жамияти ҳаётида экологик маданиятнинг тобора устуворлашиб бориши зарурлиги

аён бўлиб қолмоқда. Бундан келиб чиқадики, жамиятимизда яшаётган, ўзини маданиятли деб ҳисоблайдиган, она Ер бағрида, гўзал табиат кучоғида Яратганга шукроналар айтиб юривчи ҳар бир инсон ана шу долзарб масала – экология, экологик маданиятдан ҳам, албатта, хабардор бўлиши шартдир.

Замонавий ижтимоий тараққиёт туфайли вужудга келган экологик масалалар атроф-муҳитнинг ифлосланишига ва фан-техника тараққиётининг бошқа салбий оқибатларига қарши чиқаётган бир қанча ижтимоий-сиёсий ҳаракатларга сабаб бўлди. Шундай жамоатчилик ҳаракатларидан бири «Яшиллар ҳаракати»дир. Бу ҳаракат, биринчи навбатда, ўз кучларини сув ҳавзалари, ҳаво ва тупроқ ифлосланишининг олдини олишга, ўсимликлар, ўрмонлар, ҳайвонот олами, умуман олганда, Аллоҳ яратиб қўйган табиий мувозанатни сақлаб қолишга қаратади. «Яшиллар ҳаракати» ядровий, кимёвий, биологик, бактериологик курулларга ҳамда тинч аҳолига, ҳайвонларга, ўсимликлар дунёсига беҳад зарар келтирувчи, пиёдаларга қарши ерга кўмиб қўйиладиган миналарга, шунингдек, инсонлар томонидан мўйнали ҳайвонларни тутиш учун уларга ғоят азоб берувчи қопқонлар қўйилишига қарши курашадилар.

Инсон нафақат жисм, балки у, биринчи навбатда, онг ҳамдир. Ва инсон нафақат бошқа одамлар, ҳайвонот, ўсимликлар олами, Ер, сув ва ҳаво, балки микроблар, вируслар, бактериялар билан ҳам яқин муносабатда ва алоқада яшайди. Улардан ташқари, яна инсон ўзи билиб-билмаган ҳолда турли-туман коинот мавжудотлари ва, энг асосийси, ўзининг яратувчиси – Аллоҳнинг иродаси ила ҳамшиша бирга, мустаҳкам алоқада бўлиб яшайди.

Биз ўзимизнинг ҳиссий аъзоларимиз орқали кўриб, билиб турган моддий оламимиз – бизни ўраб турган атроф-муҳитнинг фақат бир қисминигина биламиз. Холис кўп ўлчамли маконнинг бошқа қатламларида мавжуд бўлган мавжудотларни, эон (грекча аср, давр, замон)лар, лока (жуда майда элементар зарралар)ларни эса тасаввур ҳам қилолмаймиз. Улар бизни кўриб, кузатиб турувчи ва бизга таъсир эта олувчи кучлардан иборат бўлган алоҳида ҳаёт шаклига эгадирлар. Қуйида ана шулар ҳақида сўз юритар эканмиз, экология фани биз ўйлагандан ҳам кенгрок, қизиқарлироқ ва ахамиятлироқ эканлигини билиб оламиз.

1.2. Одамнинг ички ва ташқи экологияси

Атрофимизни куршаб турган оламларнинг ҳар бирида маълум ҳолатдаги бирламчи фазовий қувват мавжуд бўлиб, инсонга татбикан у руҳий қувват деб юритилади. Одам бу қувватдан онгли ва онгсиз равишда фойдаланиши мумкин. Ишимизнинг ушуб параграфида биз фақат икки хил қувват – эҳтирос ва фикрлар қуввати ҳамда уларнинг атрофдаги нарсаларга таъсири ҳақида сўз юритамиз.

Инсон ўзининг онгли ҳаёти жараёнида фазони уч хил: *идрокий-онгли, эҳтиросий-шуурий ва эҳтиросий-юксак онгли фикрлар* кўринишидаги қувват билан нурлантириб туради. Бу қувват фазони ё тозалантириб ёки ифлослантириб, бутун коинотга қадар йўналади. Шунингдек, у фазодан келувчи ҳаётбахш қувватни қабул қилиб олади ва одамларга таъсир этувчи, теварак-атроф, табиий муҳитдаги нарсаларда тўпланувчи сайёра қувват қобигини вужудга келтиради. Бундай қатламлашув туфайли қувват турлари ўзаро алоқага киришади. Зотан, бундай ўзаро таъсир ва қувватларнинг қатламлашуви кишининг ҳаёллари ҳамда ниятларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Айнан шу хусусият туфайли бирон-бир буюмга, нарсага яхши ният билан ҳам, ёмон ният билан ҳам таъсир ўтказиш мумкин.

Одам қандай бўлса, унинг қувват табақалашуви ҳам шундай бўлади. Вакт ўтиши билан буюмларда нафақат ижобий туйғу, фикрлар, балки касаллик келтирувчи қувватлар ҳам қатламлаша боради. Улар, айниқса, кийимларда ва уй-рўзгор буюмларида кўп тўпланади. Ҳар бир киши ўша қатламларнинг салбий таъсирини ички туйғу билан сезади. Гоҳида баъзи бир буюмлардан бесабабдан-бесабаб жиркана бошлаймиз, уларни ювиб-тозалашга ёки тезроқ ташлаб юборишга шошиламиз. Агар бу буюм бирон бегона кимса кўлига тушса, унинг қувват марказига таъсир қилади ва ўша одамнинг қувватини, унинг қувват алмашинувини, кайфияти ва руҳий ҳолатини ўзгартириб юбориши мумкин. Бундай қувватлар таъсирида одам дардчил бўлиб қолиши ёки, аксинча, руҳан янгилана бориб, кейинчалик олижаноб, машҳур кимсага айланиши мумкин. Инсон вафот этгандан кейин ундан қолган қувват –

эманация инсонга жисмонан таъсир этиш хусусиятидан ташқари, яна яратувчи ё бўлмаса емирувчи – ҳалок этувчи руҳий қувватга ҳам эга.

Инсонлар қадимдан марҳумларни иззат-эҳтиром билан дафн этганлар. Улар буни фақат ўлимдан кейинги ҳаётга ишонганлари учунгина эмас, балки фазони зарарли қувватлардан тозалаш учун ҳам қилганлар.

Турмушда одамларга ижобий таъсир ўтказиш ниятида яратиладиган ва ишлатиладиган махсус нафис буюмлар, масалан, турли хил тақинчоқлар, табиат манзаралари чизилган суратлар ва бошқа кўзни қувонтирадиган санъат асарлари ижобий қувват билан тўйинтирилган бўлади. Шунингдек, чин юракдан қилинган совғалар ҳам ижобий қувват қатламига эга. Совғаларнинг энг яхшиси ва қадрлиси – бу, китобдир. Чунки китобдан бошқа нарса бир кунмас-бир кун йўқ бўлиб кетади, унутилади. Совға қилинган ажойиб китоб эса сиздан унга бир умр эсдалик бўлиб қолади ва ҳатто бола-чакаларга ҳам ўтиб, оиланинг ва авлоднинг маънавий бойликларидан бири бўлиб қолади. Китоб эскирган сари қиммати оша бориб, ноёб, қимматбаҳо буюм – антикварга айланади. Агар биз бировга китоб совға қилмоқчи бўлсак, яхшиси, уни аввал ўзимиз ўкиб чиққанимиз маъқул. Чунки уни ўқиш давомида китобда махсус қувват тўпланади. Жаҳл ёки бепарволик, беписандлик, менсимаслик билан ҳеч кимга ҳеч нарса совға қилиб бўлмайди.

Эски буюм ва эски ҳовли хоналарида қувват кўп жамланган бўлади. Балки шу боис ҳам одам бўшаган уйга кўчиб келадиган бўлса, аввал уни таъмирлашга киришади ва шу йўл билан уни эски, зарарли қувват қатламларидан тозалайди. Ўзимизнинг қувватимиз хонамизга жо бўлиши учун шу уйда узоқ вақт яшашимиз керак ва уни вақти-вақти билан тозалаб, зарарсизлантириб туришимиз лозим.

Одамлар бекорга: «Бу уй ёки бу нарса (буюм) ота-онамдан қолган, ёдгорлик», деб айтмаганлар. Улар шу уй ёки буюмларда ота-оналарининг руҳи уфуриб туришини билганлар ёки ҳис этганлар. Улар доим меҳрибон ва мадаккор бўлганликлари каби улардан қолган нарса-буюмлар ҳам қандайдир мадад беришини қалбан туйганлар.

Уйга янги жиҳоз сотиб олаётганда эҳтиёткор ва эътиборли бўлиш керак. Бир вақтнинг ўзида уйга бир неча янги жиҳоз сотиб олинса, хонадон эгалари турли қувват таъсири остида қоладилар. Шунинг учун буюмларни бирданига эмас, балки бирин-кетин, керакли микдорда сотиб олган маъқул. Киши уйига фақат зарур буюмларнигина олиб кириши, жиҳозларнинг ҳар бирига ўрганиши, уларни покиза қилувчи нарсалар ва моддалар билан тозалаб туриши керак. Ҳар бир янги буюм уни ясаган одамларнинг қувватини ўзига сингдирган бўлади. Бундан ташқари, жиҳоз ясалган хом ашё ҳам қатта аҳамиятга эга.

Дунёда хатарли буюмлар ҳам борлигидан огоҳ бўлиш шарт. Айрим буюмлар чарчаган, умидсизликка тушган, инсониятга нафрати қайнаган одамлар томонидан ясалиши ҳам мумкин. Табиийки, бу кайфият қатламлари шу буюм орқали унга дуч келган одамга ҳам кўчади. Шу боисдан, аввало, буюм ясовчи уста ва ишчиларнинг иш, турмуш шароитлари яхши бўлиши керак. Японлар «Асосий эътиборни ишга эмас, ишчига қаратинг» деган шиорни бежиз танламаган. Бундан ташқари, улар оққўнгил, самимий, эзгу ниятли, руҳиятлари юксак инсонлар бўлмоғи керак. Хосиятсиз, нобоп буюмлар табиий муҳит мувозанатини бузади. Бу нарса, айниқса, руҳий биоқуввати кучсиз одамларга қаттиқ таъсир қилади ва турли касалликлар келтириб чиқариши мумкин.

Ҳамонки, буюмларнинг сеvimли, хосиятли ва хосиятсизлари бўлиши мумкин, деган эканмиз, бунга оид айрим мисоллар келтирамиз.

Бу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, нарса-буюмларнинг одамларга таъсири уларнинг ўша нарсаларга бўлган муносабатига ҳам боғлиқ бўлади. Ойбекнинг «Кутлуғ қон» романида фикримизга оид қуйидаги парчаларни ўқиймиз: (Гулсунбиби): «Тўғри, улар бой, жуда бой. Аммо Гулнорга тинчлик бермайди. Бойнинг уйи сарой бўлсин, барибир, Гулнорга зиндон бўлади...» (Гулнор): «Шу турмушимиздан, шу декчамиздан кўнглим сира узилмайди. Илгари ёмон кўрар эдим. Энди-чи? Энди шу чолдевор ҳовлимиз, шу тирикчилик кўзимга ҳар қандай бойларнинг серсават уйларидан яхши кўринади. Қапотим йўқки, бойнинг зиндонидан учиб ёнингизга борсам...» (Муаллиф): «Гулнор шу уйда ота-онанинг тергови

остида уч кун қамалгандан сўнг, Мирзакаримбойга узатилганига бир ойга яқин бўлди... *саройдек ҳашаматли, бой безакли уйларда уни ҳеч нарса қизиқтирмас, бу хонадоннинг одамлари ҳам душман, ёт, совуқ кўринар эди...*» (Бойнинг Гулнорга уйланиши хабарини эшитганидан кейин): «*Мирзакаримбойнинг уйи Йўлчи учун турмадан хунукроқ кўринди. Уч киш ишлаган хизматкорхона, у чирик намат, чирик кўрпа, у синиқ чойнак, у бемаза овқат, у захчирик ҳаво ёлғизгина Гулнорнинг хаёли, унга эришувнинг илиқ умиди билан безалгани учун, Йўлчига ширингина сезилар эди...* Унинг юраги Гулнор уйига интилди. Кўзи ёшли, уйқусиз инграган қизни ўз бағрига қамаган у уйни кўриш, деворларини ўтшини истарди...»

Юкоридаги парчалардан кўриниб турибдики, бойнинг уйи *сарой* бўлсин, бари бир Гулнорга *зиндон*, бу хонадоннинг *одамлари ҳам душман, ёт, совуқ кўринади*. Аксинча, *севимли кишиси – Йўлчининг дўптиси энг қимматли, энг нодир буюмдек ардоқли: «Йўлчининг дўптиси. У (Гулнор) дунёда энг қимматли, энг нодир буюмни топган каби ҳадсиз севинди. Тер, мой ва чангни йилларча ишимган, жияги чармдан қотиб, кирдан йилтираган бу дўптини яна тозалади, қоқди, кўзларига суртиб ўнди... Шунча буюм қаққа сигади... Буларнинг ҳаммасидан менга бир эски дўпти қиммат...»*

Кўриниб турибдики, нарса ва буюмлар уларнинг эгаларига турлича муносабат билан боғлиқ ҳолда одамларга ҳар хил таъсир кўрсатмоқда.

Энди бир ҳаётий мисол келтирамиз. Машҳур рус мусаввири И.Е.Репин (1844-1930)нинг 1581 йил 16 ноябрь куни Россия подшоҳи Иван Грозний IV (1530-1584) ўз ўғли Иванни қандай ўлдираётганини тасвирлаб чизган сурати унинг энг сирли, машғум таъсирга эга бўлган асарларидан бири ҳисобланади. Репин бу асарни чизишга кириша бошлаганидаёқ ғалати аҳволга тушган. У суратни чизиб тамомламагунча уни доим узоқроқ жойга яшириб кўяр, зотан ўзи чизаётган суратдан ҳатто ўзи ҳам кўрқарди. Даҳшатли подшоҳ Иван Грозний ҳаётини ипидан игнасигача ўрганган Репин асосий эътиборни унинг афт-ангори, хулқ-атвори ва кўринишидаги салбий жиҳатларга қаратган. «Мен гўё жодуланиб ёки сеҳрлаб қўйилгандек ишлардим, – деб ёзган эди кейинчалик Репин, – соат сайин даҳшат қопларди мени. Суратни кўрдим дегунча, юзимни

терс ўтириб олар, уни узоқ-узоқларга беркитиб ташлагим келарди. Уни кўрган дўстларим ҳам шундай аҳволга тушишарди. Аммо қандайдир сирли куч суратни чизишни давом эттиришга чорлар ва мен ишимни давом эттиришга гўё мажбурдек бўлиб қолгандим...»

1885 йилда сурат битади ва уни Москвадаги машҳур музей – Третьяков галареясига қўядилар. Сурат шундай даҳшатли манзарага эга бўлиб чикдики, уни кўрганларнинг эти жимирлаб кетарди. Ҳатто унинг ёнига террорчи ташкилот вакиллари, шу жумладан, «Ку-Клукс-Клан»чилар ҳам монархия тузумини тағ-томири билан кўпориб ташлашга онт ичгани тез-тез келиб турадиган бўлиб қолдилар.

1913 йили 16 январь куни Абрам Балашов деган одам суратга узоқ тикилиб қолади. Кейин азбаройи асаби дош беролмаганидан: «Қон, қон, жонга тегиб кетди-ку, қон!» деб ҳайқириб юборади ва суратни пичоқ билан тилка-тилка қилиб ташлайди. Кўп рассомлар суратни таъмирлашга роса уринсалар ҳам, лекин уддалай олмайдилар. Шундан кейин бу ишни қилишга Репиннинг ўзини чақирришга мажбур бўладилар. Сурат қайта таъмирлангандан кейин кўп ўтмай яна бир фожеа юз беради. Музейнинг бош ходими – рассом Хруслов расмни ҳар куни кўравериб ўта ҳаяжонланиб кетганидан бетобланиб ётиб қолади ва тез орада руҳий тушқунликка тушиб қолган Хруслов Соколникида ўзини ўзини поезд тагига ташлайди.

Шундай қилиб, нафақат нотаниш кишилардан, балки синалмаган ва шубҳали буюмлардан ҳам эҳтиёт бўлмоқ керак. Машҳур инглиз файласуфи Жорж Беркли (1685-1753) ҳеч қачон нотаниш буюмни кўлига олмаган экан. У ўтмишдан қолган ноёб осори-атиқаларни диққат билан кўздан кечиргандан сўнг ҳар доим тезда юз-кўлларини ювиб ташлар экан.

Қўлда ясалган ҳар бир буюмда инсоннинг асл моҳияти акс этади. Кечинмалари ўша буюм ёки асарда абадий муҳрланиб қолади. Заҳар, заҳарли газ ва бошқа моддалар таъсирини даф қилса бўлади, аммо салбий руҳий қувват ўша буюм йўқ бўлмагунча унда сақланиб қолаверади.

Биз кўпинча машҳур шоҳ асарлар қаршисида узоқ ўйланиб туриб қоламиз, ундан қаттиқ таъсирланамиз, ҳаяжонланамиз. Бу фақатгина ижодкор маҳоратигагина боғлиқ нарса эмас. Бизни

ҳаяжонга солган нарса ижодкорнинг бир бўлаги бўлган унинг ҳаётини кучи, руҳий кувватидир. Шунинг учун киши бирор буюм яратганда уни инсониятга нисбатан эзгу туйғулар билан бажариши жуда муҳим.

Ҳар бир инсон ўз ижоди учун масъулдир ва у Карма қонунлари бўйича яратган нарсалари, асарлари учун жавоб беради. Инсон фикрлари ва туйғулари шу қадар кучлики, қайсидир инсон бўлган ҳар бир жойда ўша инсоннинг мақсадига мувофиқ маълум бир муҳит пайдо бўлади.

Кишида яхши ёки ёмон кайфият уйғотадиган жойлар ҳам бор. Масалан, қабристонларга борсак, ғамгин бўлиб қоламиз, масжидда эса қалбимиз сокинлашади, кутубхоналарда фикрларимиз теранлашади, катта концерт залларида қалбимиз юксак туйғуларга тўлиб кетади ва ҳоказо. Инсон қаерда бўлмасин, ўзидан яхши ёки ёмон из (нишона) қолдиради. Табиатан енгил одамлар эзгу ниятдан кўра ёмон ҳисларга берилади ва ўзидан ёқимсиз из қолдиради. Одамларнинг кўпи айрилган сўз, қора, ёмон ҳаёллар, ниятлар вақт ўтиши билан ўз-ўзидан гойиб бўлиб кетади, деб ўйлайдилар. Минг афсуски, аслида бундай эмас.

Хуллас, одам ўз хоҳиш-истагига боғлиқ бўлмаган ҳолда моддийлик оламида яшайди, улар билан тинимсиз муносабатда бўлади. Ўз атрофидаги моддийлик олами билан қандай муносабат ўрнатиш эса ҳар бир кишининг онглилик ва сезгирлик даражасига боғлиқ.

1.3. Табиат экологияси

Инсон табиатнинг бир бўлаги бўлиб, уларни бирор дақиқа ҳам айро тасаввур этиб бўлмайди. Шундай экан, инсон буни доимо ёдида тутиши ва табиатдаги жонли-жонсиз нарсаларга дил кўзи билан боқиши, ўз атрофида рўй бераётган турли-туман воқеалардан ибрат олиши ҳамда тегишли хулоса чиқариши керак бўлади.

Уйимизда биз билан яшайдиган ёки узок ўрмонлардаги ҳайвонларнинг баъзи қилиқларини кўриб таажжубга тушамиз. Улар бир айб иш қилиб қўйсалар, худди инсонлар каби изтиробга тушиб қийналишади ёки уялишади.


Ҳайвонларда инсонлардаги каби ижтимоий онг йўқ, аммо қандайдир ўзларига яраша ақл, виждон каби ахлоқ категориялари мавжуддек туюлади. Масалан, ҳожат ушатган мушукни кузатсангиз, у ишини «бажариб» бўлгач, ахлатини кўздан яшириш учун типирчилаб айланиб қолади. У бу озодалиқни қаердан ўрганган? У ахлат кераксиз, ёқимсиз, ҳатто экологик томондан соғлиқ учун зарарли эканини қаердан билади? Мушукнинг стол устидаги ёки аквариумдаги балиқни ҳеч ким йўқлигида пайт пойлаб туриб ўғирлагандаги ҳолатини кўринг: уни жиноят устида қўлга тушириб, урмоқчи бўлсангиз, айбини бўйнига олиб «мени урманг, илтимос, иккинчи бу ишни қилмайман» ёки «айбим бўйнимда, нима қилсангиз қилинг» – деб ёлвориб, сизга илтижо қилгандек кўзларини юмиб олади. Яна бир мисол, болалар билан ўйнаётган мушук тасодифан «кўполлик» қилиб бирор чинни идишни синдириб қўяди ва ишни «пачава» қилиб қўйганини тушуниб, жазодан қочиш учун стол тагига кириб яшириниб олади. Буларнинг ҳаммаси ҳайвонларда ҳам виждон деб аталмиш туйғуга ўхшаш бирор нарса борлигини билдирмасмикан?!

Бургут, лайлак, каптар, ғоз каби парранда ва даррандалардаги эр-хотинлик садоқати, отнинг олижаноблиги, итнинг вафодорлиги, арслоннинг мағрур ва мардлиги, унинг ўз ўлжасига ҳеч қачон орқасидан келиб ташланмаслиги, туянинг уятчанлиги ва кекчилиги, қачонлардир уни ноҳақ урган бўлсангиз, бир кунмас-бир кун, албатта, ўч олиши каби одатларни улар қачон, қайси ҳайвонлар жамиятида ўрганишган?

Ҳайвонлар ҳақидаги бир китобда қайсидир циркда ғазабланган шер ўзининг ўргатувчисини бир чанг солиб ўлдириб қўйганлиги ҳақида ёзилади. Шундан кейин у жаҳл устида қилиб қўйган ишидан пушаймон бўлиб, овқат ҳам емай қўяди ва қафасининг бир бурчагида кўзини юмиб олиб қимирламай ётаверади. Овқатга ҳам, одамларга ҳам қарамайди. Шундан кейин унинг олдига «кўнгил олиш» учун бир ургочи шерни киритишади, лекин у шу заҳотиёқ «меҳмон»ни қувиб солади. Унинг ғам чекини узокка бормади. Ўзининг ўргатувчисини ўлдирган «гуноҳкор» панжаларини ғажиб ташлаб, ўз жонига қасд қилади.

Ҳа, ҳайвонлар ҳам биз каби изтироб чекади, қийналади,

857905



азобланади, ғам чекади, мотам тутади, гуноҳини ювиш учун ўз жонига қасд қилишгача бориб етади. Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Хўш, шер бу ғаройиб ибратни кимдан ва қаердан ўрганган? Умуман, ёввойи ҳайвонлар ўртасида инсонга етказилган мусибат учун ўзини-ўзи ўлдириш билан жазолашга чақирувчи қонунлар бормикан ўзи?

Бундай хулқ, олижаноблик, виждонийлик ҳатто барча инсонларда ҳам бор деб бўлмайди. Шунинг учун ҳазрат Алишер Навоий афсус ва надоматлар билан қуйидаги байтни битган бўлсалар ажаб эмас:

*Одам борки, одамларнинг нақшидир,
Одам борки, ҳайвон ундан яхшидир.*

Шундай қилиб, виждон, ақл деб аталмиш қонинотдаги барча ҳаракатланувчи нарсаларни ўзгартириб, аъло даражада парваришлаб боровчи Аллоҳнинг буюк неъматини – ҳар қандай тирик мавжудотнинг табиатига жойлаб қўйилган илоҳий қудрат деган хулосага келиш мумкин.

1.4. Турар жой экологияси

Инсоннинг тозалikka, покizаликка интилиши табиий интилишлардан биридир. Эртақ ва қадимги афсоналардан маълумки, ҳар хил ёмон ҳодисалар, кўпинча, ташландик, ўргимчак ин қурган ифлос жойларда рўй беради. Эътибор қилган бўлсангиз, полтергейст (бебош руҳлар тўполони) тўғрисидаги мақолаларда ўша уйнинг қандай ҳолатдалиги ҳақида маълумотлар йўқ. Полтергейст ҳодисаси рўй берган хонадон эгалари, кўпинча, руҳан покиза бўлмаганлар, уларнинг уй тутишлари ҳам рисоладагидек эмас. Яъни шундай кўнгилсиз, нохуш ҳодисалар инсоннинг ўзи-ўзига яратиб олган нобоп шарт-шароити туфайли рўй беради.

Фикрлари, эҳтирос ва орзулари нопок, нобоп бўлган одамлар латиф оламнинг паст даражали «кимсалар»и билан муносабатга киришадилар ва бу алоқалар яхшиликка олиб келмайди. Ҳамма гап шундаки, юзаки караганда бундай таъсирлар бизга унчалик сезилмайди, аммо у кайфиятимизга, руҳий ҳолатимизга, ишлаш

жараёнимизга ногаҳоний (бирдан) таъсир ўтказиб қолиши мумкин.

Ҳаммамиз табиатан нопок одамдан жирканамиз, ундан узокроқ туришга интиламиз. Чунки унинг ташки кўринишиёқ кайфиятимизни бузади. Энди қуйи қатламларга мансуб мана шундай кўзга кўринмас палид «зот»ларнинг уйингизда яшашини бир тасаввур қилинг-а! Улар зарарли, ёмон нур, бадбўй ҳидларга тўйиниши билан бирга, бизнинг ҳаётий қувватимиз билан ҳам озикланадилар ва ён-атрофидагиларга кўркув, ишончсизлик тўйгусини юктира борадилар.

Уй тозалиги масаласини оддий, одатий покizалик қонун-қондаларини тушунтиришдан бошласак ҳам бўлади.

Энг аввало, уйда чириган, ачиган, сасиган, бузилган маҳсулотларни, қуриган гулларни умуман сақламаслик керак. Чунки улар инсон учун зарарли бўлган нопок, ёвуз кучларнинг озукасидир. Улар бундай ифлос нарсалар бор жойга ўрганиб қолиб, аста-секин бу ерни ўзларига доимий макон қилиб оладилар.

Тайёрланаётган овқат хиди уйга, айниқса, ётоқхонага кирмаслиги керак. У ҳам атрофдаги буюмларга йиғилиб, қатламлашиб қолиб, чақирилмаган, исталмаган «меҳмон»ларни ўзига жалб этади.

Ётоқхона ҳавосини тез-тез янгилаб туриш лозим. Кечаси ҳам дераза ёки форточкани кия очиб ётиш мақсадга мувофиқдир. Чунки хонадон ҳавоси тоза бўлмаса, бундай жойга ўша чақирилмаган «меҳмон»ларнинг «ташриф буюриши» аниқ. Ҳовлида мағзава ва ювиндиларни ҳам қолдирмаслик керак. Аквариумлар, куш қафаслари ва хоказолар ёмон қувват манбаига айланмаслиги учун уларни доимо тоза тутиш лозим.

Латиф оламдан келган «меҳмон»лар ҳаммага ҳам илакишавермайдилар. Лекин танишларимиз, меҳмонларимиздан бири ўша салбий қувватли қуйи қатлам «аъзолари»ни бошлаб келиши мумкин. Шунинг учун ухлайдиган ва ишлайдиган хоналарга бегоналар кирмагани маъқул. Бу хоналардаги ҳамма йиғиштирув, тозалов ишларини ўзимиз бажаришимиз лозим. Шунда қувват қатламларимиз яхши бўлишига юз фоиз ишонишимиз ва хотиржам бўлишимиз мумкин.

Уй ичида йирткич ва хонаки ҳайвонлар боқиш яхши эмас. Агар латиф оламнинг қуйи қатлаидан келган «меҳмон»лар

уйимизга ўзлари киришолмаса, унда улар бунни ўша боқаётган ҳайвонларимиз орқали амалга оширадilar. Ҳеч қандай ҳайвонни хонамизга, айниқса, ётоқхонамизга киритмаслигимиз керак. Албатта, ҳайвонларни боқиш, парваришлаш мумкин, лекин улар биздан қанча узоқ турса, шунча яхши.

Умуман, турар жой экологиясига амал қилиш соғлом яшашимиз ва узоқ умр кўришимиз кафолатидир.

1.5. Экология ва дин муносабатлари

Аллоҳ ўзининг дунёга келтирган барча махлуқотлари ичида азизу мукаррам қилиб яратган Одам алайҳиссалом, Момо Ҳаво ва уларнинг зурриётлари яшаши учун табиатни, атроф-муҳитни соғломлаштириб, уларга экологик қулай шарт-шароит муҳайё қилган. Бу шароитларнинг яратилиш тарихи Одам Ато замонларига бориб тақалади. Ўша замонларда Ер, ҳаво ва бутун табиатни шундай тоза, мусаффо, гўзал қилиб яратилган эдики, натижада инсонлар жуда узоқ умр кечирганлар. Масалан, Одам Ато 930 йил, ўғли Шис алайҳиссалом 912 йил, Нуҳ алайҳиссалом 950 йил, Луқмони Ҳаким 1000 йилдан зиёд ҳаёт кечирганлар.

Ўша пайтдаги одамларнинг гавдаси ҳам жуда баҳайбат бўлган. Масалан, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборақ ҳадисларида айтилишича, Одам Атонинг бўйи 60 зироъ, яъни 45 метр бўлган экан. Ўша вақтдан бошлаб ҳозиргача инсоннинг хилқати, табиати, қиёфаси, бўй-басти (ва умри ҳам) камайиб бормоқда.⁵

Мукамал табиий шароитнинг кишилар томонидан мунтазам равишда бузиб келинаётганлиги оқибатида инсоният бугунги жунда ҳолат ачинарли табиий муҳитда яшашга мажбур бўлиб қолмоқда.

Хўш, диёримизда табиатга муносабат илгари қандай эди-ю, ҳозир қандай?

Маълумки, минг йиллар давомида Марказий ва Ўрта Осиё, шу жумладан, диёримиз халқларида экологик маданият жуда юқори бўлган. Кейинчалик бу ерларда Ислом дини жорий бўлгач, халқлар

5 Имом ал-Бухорий. Ҳадис.- Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1997. – Б. 141.

ўртасида бундай маданият Куръони карим ва пайғамбаримизнинг ҳадиси шарифлари асосида янада тараққий этди. Одамгарчилик, табиатни асраш урф-одатга айланиб кетди.

Ота-боболаримиз сувга тупурма, супуринди ва ахлатларни сувга ташлама; сутга сув қўшма, бу оқлик; уйингни тоза ва саранжом тут, шунда уйингдан кут-барака аримайди; хўл ўтин ёқиб, ҳавони захарлама; ҳайвонларга ва бошқа жонзотларга озор берма; қушларни ўлдирма, ҳатто чумоциларни ҳам босиб кетма – қарғайди, увол бўлади; ҳаром-хариш юрма, касофатга учрайсан каби ахлоқий меъёрларга доим амал қилиб келганлар. Бугунги кунга келиб, бу сўзлар ва урф-одатлар аста-секин унутила бошланди. Чунки, ҳаммамизга маълумки, собиқ шўролар даврида халқимиз диндан четлаштирилди. Мактабу илмгоҳлардан тортиб, барча ерда «дин – оғу, афюн», деб қулоғимизга қуйишди. Маданий меросимизни, маънавий қадриятларимизни ўрганишдан маҳрум бўлдик. Диний, ахлоқий, маънавий қадриятларимиз топталди. Боз устига Исломнинг эзгу мақсадлари ва вазифаларини билишдан ҳам маҳрум этилгандик. Қисқаси, дин қатъий қатағон қилинган, ихлосмандлар эса таъкиб ва тазйикдан кўрқиб, қаттиқ юрак олдириб қўйган эдилар. Бунинг натижасида маънавий-ахлоқий қадриятларимиз, қадимий эзгу урф-одатларимиз аста-секин унутила борди. Ўрнига эса, минг афсуски, халқимиз онгига қандай бўлмасин моддий эҳтиёжларни қондиришга ружу қўйишдек ҳирс ва худбинлик кириб келди. Буларнинг бари яшаб турган табиатимизга ўзининг салбий таъсирини ўтказмай қолмади ва бугунга келиб ачинарли ҳол – табиат муҳофазаси деган муаммо келиб чиқди.

Одамзод пайдо бўлгандан буён икки хил эҳтиёж билан яшаб келади: бири моддий талаб бўлса, иккинчиси маънавий чанқоқликдир. Буларнинг ҳар иккаласи одамларнинг турмуш тарзини белгилайди. Агар аввал моддий талаблар устунлик қилиб, инсоннинг яшаши, ҳаёти учун биринчи даражали зарурият ҳисобланган бўлса, жамият тараққиётининг маълум даврларига келиб, маънавий эҳтиёжлар рухий ҳамда моддий оламни белгиловчи асосий кучга айланди ва бу жараён тобора кучайиб бормоқда. Шу тарика инсонда емоқ, ичмоқ, кийинмоқдан кўра қувонмоқ, завқ олмоқ, мусика ёки сўздан лаззатланмоқ, севмоқ каби туйғулар устунлик қила бошлади.

Агар моддий эҳтиёжлар ўзининг чегара ва меъёрига эга бўлса, маънавий эҳтиёжлар чексиз ва узлуксиз руҳий оламга айланади. Чанқаш, чарчаш, очиқиш каби ҳаётий талабларни қондириш чегараси мавжуд. Аммо севги, орзу-ҳавас, ирода, илм, билим, кашфиёт, гўзалликка интилиш сингари маънавий эҳтиёжларнинг чегараси йўқ. Инсон маънавий юксалишининг энг юқори нукталарига унинг табиат ва одамзот ҳаётидаги ўзаро уйғунлик ҳамда мутаносибликнинг мавжудлигини англаши, ҳис этиши, табиат, инсон ва дунёнинг тартибли яратилиши ҳақидаги тушунчаси киради.

Табиатнинг бир бўлаги бўлган биз инсонлар ҳам ташқи муҳит: Ер, сув, ҳаво ва яна бошқа барча мавжудотлар билан боғлиқмиз. Барчамиз ана шу табиат билан боғланганимизни, ҳар биримиз ўз хатти-ҳаракатимиз билан ҳозирги ва келажак ҳаёт олдида жавобгар эканлигимизни қалбан ҳис қилишимиз даркор. Келгуси авлодларга тоза тупроқ ва мусаффо ҳаво, сув, дарахтлар, ўсимликлар, балиқлар, қушлар, йиртқич ҳайвонлар, кўкаламзор боғлар, умуман, табиатнинг барча гўзалликлари керак. Бунинг учун инсон табиатни булғамай, аксинча, тирик табиат кучларининг тикланишига ёрдам бериши ва уларнинг тур сифатида йўқ бўлиб кетишининг олдини олишда ўз ҳиссасини қўшиши керак бўлади.

Агар бурқсиб чиқаётган тутунлар, захарли газлар ҳавони, чиқинди сувлар дарёларни ифлос қилса, натижада сув жониворлари, балиқлар ҳалок бўлса, териси, мўйнаси, суяги учун ҳайвонлар қириб юборилса, бундан табиатгина эмас, инсоннинг ўзи ҳам катта зарар кўради. Шунинг учун ҳам табиат муҳофазаси, табиатни асраш, сақлаш, янаям аниқроғи, табиий муҳит муҳофазаси дейилганда, аввало, инсоннинг келажаги, ўзини ўзи ҳимоя қилишини тушуниш керак. Бу бизнинг келажакимиз, биздан кейин Ер юзида сақланиб қоладиган ёки бизнинг айбимиз билан бутунлай йўқ бўлиб кетиши мумкин бўлган ҳаёт муҳофазасидир.

«Авесто»даги алқов қўшиқлар, санолар башарият томонидан узоқ-узоқ йиллар мобайнида мароқ билан куйлаб келинади ва инсонларга келажакка умид, яхшилик, эзгулик, мардлик, қаҳрамонлик, меҳнатсеварлик, ижодкорлик, покизалик, ҳалоллик, ростгўйлик туйғуларини тарбиялади, ёвузликка нисбатан эса

нафрат ҳиссини уйғотишга хизмат қилди, мамлакатлар бўйлаб кенг тарқалди.

Зардуштийлик таълимотининг инсоният тараккиётидаги муҳим жиҳатларидан яна бири шундаки, агар масихийлик динида «ёвузликка қаршилик кўрсатмаслик» гоёси тарғиб қилинган бўлса, зардуштийлик дини ёвуз кучлар билан муроса қилиш эмас, балки унга қарши нафрат билан бор кучини ишга солиб, кескин курашмоқни буюради. Шунинг учун ҳам бу таълимот минг йиллар давомида инсониятнинг орзу-умидлари ва гоётда олижаноб ҳис-туйғуларини уйғотиб, бепоён ҳудудларда порлоқ маънавият машъали бўлиб, инсонлар қалбини эзгулик нури билан ёритиб келди.

1.6. Азалий удумлар ва экология

Аждодларимиз турмуш тарзига эътибор берадиган бўлсак, экология масаласи бугунги кундагидек инсоният олдида «муаммолар муаммоси» бўлиб турмаган бўлса-да, орасталик, покизалик ва бошқа экологик шароитларга катта эътибор берилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Олдинги параграфимизда алоҳида тўхталиб ўтилганидек, маънавиятимиз асоси бўлмиш Исломи дини асрлар давомида халқимизни озодаликка, покликка, саранжом-саришталикка, Ерни, сувни, ҳавони булғамасликка даъват этган. Ўсимликлар, ҳайвонот дунёси ва ҳоказоларга меҳр-шафқат назари билан қараш талаб этилган. Умуман, Исломи таълимотларида жонли-жонсиз табиатга, борликка муносабат кенг ўрин олган. Исломи дини кишининг маънавий дунёсини инсонийликка номуносиб бўлган барча нохуш қабоҳат ва разолатлардан пок тутувчи беназир бир восита бўлиш билан бирга, инсон соғлиғи учун муҳим бўлган бадан тозаллигига ҳам катта эътибор беради.

Баданни тозалаб ювиш, турар жойларни супуриб-сидириш, чанг ва губорлардан сақлаш учун ҳовли ҳамда кўчаларга сув сепиб супуриш, ўзи ва ўзгалар учун фойдали, тоза иқлим

шароитини яратиш, қабристонларни тозалаб туриш, ахлат ва бошқа чиқиндиларни йиғиб, махсус жойларга кўмиш каби ишлар қилинганки, ўша пайтларда экология атамаси ишлатилмаган бўлса ҳам, инсонларга экологик қулай шарт-шароит туғдириш ҳақида ғамхўрлик қилинган.

Ислом дини поклик, озодалик ва орасталлик дини эканлигини кўрсатувчи тарихий далиллар кўп. Масалан, Исломдан аввал аянчли бир ҳолда яшаган араблар ва уларнинг давлати шу дин туфайли жуда қисқа давр ичида жаҳоннинг энг маданиятли ҳамда кудратли давлатига айланди. Бундай ҳол, бундай ҳодисаларнинг юртимизда ҳам рўй бериши оламшумул аҳамиятга эга. Ҳозир Ўзбекистонда Ислом маданияти марказининг ташкилланиши бутун дунё халқлари эътирофига сазовор бўлмоқда.

Бундан 50 йиллар муқаддам, юқорида таъкидлаганимиздек, ҳали экология муаммоси кўтарилмаган бўлса-да, аждодларимизда экологик маданият юксак даражада бўлган. Биз буни шунчаки эслаб қолмасдан, балки уни яхшилаб ўрганишимиз ва ундан бугунги кунда фойдаланиш имконияти ва йўллари топишга ҳаракат қилишимиз лозим. Бунинг учун аҳолида аста-секин аждодларимизнинг оқилона экологик маънавият кўникмаларини қайта ҳосил қилиб боришимиз, кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришимиз керак.

Экологик маънавиятнинг асосий кўрсаткичлари – инсоннинг атроф-муҳитни, хонадонини, чорбоғу экинзорларини, шу жумладан, ўз танасини ҳам тоза, озода, саранжому саришта сақлашдан иборат. Уй ичи, ҳовли ҳар куни тозаланиб, супурилиб, кўрпа-тўшаклар офтобга ёйиб олинарди. Ҳовлида бир сиким ҳам ахлат қолдирилмасди. Хас-хашаклар йиғилиб, ўчоқда ёқиб юбориларди. Ҳовлини супурганда ҳеч қачон ариқ томонга қараб эмас, балки бир бурчакка супурилар, сўнгра тўпланган супуринди ҳовлининг бир чеккасида махсус қазилган ахлат ўрага олиб бориб ташланар, кир ювганда чиқадиган мағзава эса алоҳида қазиб қўйилган махсус кир ўрага тўкилар эди. Мева-чеваларнинг пўстлоқлари, пўчоқлар мол-қўйга берилар, овқат қолдиқлари, ювунди ва суяк итга, ушоқлар товукларга бериларди. Аввало, деярли барча хонадонда уй ҳайвонлари боқиларди, агар уйда бундай ҳайвонлар бўлмаса,

бу нарсалар уй ҳайвонлари бор кўшнларга чиқариларди. Ҳозир ҳам шаҳарлардаги айрим маҳаллаларда мана шундай тажрибага амал қилинади – уй ҳайвони боқадиганлар маҳалладаги ҳайвон боқмайдиган хонадонлардан пўчоқларни ҳар куни маълум бир пайтда йиғиштириб кетади. Бундан ҳар икки томон ҳам наф топади.

Оқар сувлар, ариқ ва анҳорлар бошидан охиригача тоза шишадек тоза сақланар эди. Бундай соф, покиза, зилол сувлар ариқлар орқали деярли барча хонадонлардан оқиб ўтар ва ичимлик сув сифатида бемалол ишлатилаверарди. Уни деярли дуч келган жойдан ичиш мумкин эди. У чиндан ҳам санитария жиҳатидан тоза эди. Бугун эса «ариклардан ётиб ичай сув» (Икбол Назаров) дея орзу қилмоқдамиз. Чунки ҳозир, минг афсуски, сувга ахлат ташлаш оддий бир ҳолга айланиб бормоқда. Энг даҳшатлиси шуки, баъзи бир диёнатсиз кимсалар анҳорлар, ариқлар устига ҳатто ҳожатхона қуриб олганлар. Улар бу ишларидан уялмайдилар ҳам. Яна кузда ҳўл хазонлар ва чиқиндиларни ёқиб, ҳамма ёқни саситиб юрган табиат кушандаларини айтмайсизми?

Ўлкамизда қадимдан деҳқончилик мавсуми эрта баҳорда ариқларни қазиб ва тозалаш, уватларни тартибга келтириш, экинзорларга солиш учун гўнг тайёрлаб қўйиш, ҳовузларни тозалаш мустақкамлаш, йўл ва кўприкларни тузатиш, янги қуришдан бошланган. Энг муҳими, бу ишларнинг ҳаммаси сидқидилдан, ҳашар йўли билан қилинар эди. Ҳашарда ҳамма қатнашарди. Ҳар бир оиладан камида бир киши ҳашарда албатта иштирок этар эди. Жисмоний ишга қурби етмайдиган ёки бирор жиддий сабаб билан ҳашарда қатнаша олмайдиган кишилар ҳашарчиларнинг овқатини кўтаришар, уларга моддий ёрдам ёки иш қуроллари билан кўмак беришар ҳамда бошқа ишларга кучлари етганича қарашар эдилар. Қўйингки, ҳеч ким бундай шарафли ишда четда турмасди. Кечкурунлари ҳашарчилар бирор жойда тўпланиб гурунг қилишарди. Ҳамма учун умумий ҳашар оши тайёрланиб, ўйин-кулги, ашула, ракс, аския, лапар айтишлар бошланиб, ҳашар қарс-баданг базмга айланиб кетарди. Ўзбек ҳашарларининг бундай типик намунаси 250 километрлик Катта Фарғона каналини 45 кунлик қисқа муддатда аъло даражада қазиб битказилганлигида яққол намоён бўлди.

Дехкончилик ишининг кейинги босқичи далаларни ўт-ўланлардан, қуриб қолган шох-шаббалардан тозалашдан иборат бўларди. Тўқайлар ҳамда бошқа жойлар тозаланиб, шу тариқа у ердаги дов-дарахтларнинг барк уриб ўсиши учун шароит яратилар эди. Бундай азалий удумлар, расм-русумларни қайта тиклаб, уларни халқ муҳокамаларига қўйиб, тарғиб қилиш, ўз оиласидагиларга сингдириш диёримизда маънавий-ижтимоий мухитнинг яхшиланишига олиб келади ва бунда маънавиятчилар зиммасига катта масъулият юкланади. Буларнинг ҳаммаси инсонларнинг тинч, тўқ, фаровон, осойишта ва бир-бирлари билан аҳил-иноқ яшашларига кафолат бўлади, саломатликларига ижобий таъсир кўрсатиб, фаровон, бахтли турмуш кечиришларига ва умрлари узайишига сабаб бўлади.

Ер, сув, осмон, умуман, табиат ҳақида, уларни асраб-авайлаш, қадрига етиш, мулоҳаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш барчамизнинг вазифамиздир. Барча табиат ва экологик шароит Аллоҳ мулки бўлиб, бизга фойдаланиш учун топшириб қўйилган омонатдир. Биз бу омонатни қандай бўлса шундайлигича авайлаб-асрашимиз, кўз қорачиғидек сақлашимиз керак бўлади. «Омонат» сўзи «иймон» сўзидан ясалган бўлиб, унинг зидди – хиёнатдир. «Омонатга хиёнат» деганда ўзига топшириб қўйилган нарсани эҳтиёт қилиб сақламаслик тушунилади. Нафақат табиат, балки бизнинг танамиз, бутун жисмимиз ҳам омонатдир. Биз уни ҳам беками қўст, соғ-саломат, бешикаст сақлаб юришга буюрилганмиз. Вақт-соати келганда бу омонатни яна тўлигича Ерга топширишимиз керак бўлади.

Юқорида келтириб ўтилган ҳақиқатларни асосан, «ҳеч ким кўрмади, билмади», деб топшириб қўйилган омонат – табиатни ҳеч қандай йўл билан булғамайлик. Чунки бунинг салбий таъсири инсониятга, шу жумладан, ҳар биримизга ҳам таъсир этиб, номаъмолимизга ёзилиб бораверади. Ҳар бир нарса асл ҳолида тургандагина Яратганга олқиш айтиб турар, бошқа нарсага айлангач, тасбеҳ айтишдан тўхтар экан. Масалан, дарахтнинг ўзи ва шохлари тасбеҳ айтиб туради. Аммо дарахтни кесиб ундан бирор буюм ясалгач, тасбеҳ айтишдан тўхтайдди. Ўсимликлар ҳам шундай: ўсиб турганда тасбеҳ айтар, қуриб қолса ёки юлиб ташланса, у «ўлиб»,

тасбеҳ айтишдан тўхтар экан. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз арзимас сабаблар билан дарахтларни кесиб, йўқ қилиб юборишга қарши чиққанлар. Ҳатто чумолига ҳам озор бермаслик буюрилган.

Мана шулардан бохабар бўлган ота-боболаримиз табиат муҳофазаси масаласида ўз аждодларидан қолган удумларга амал қилиб келганлар ва кам бўлмаганлар.

1.7. Экология ва мувозанат

Табиат ва унинг қонунлари шундай мукамал қилиб яратилганки, ундаги жонли-жонсиз мавжудотлар ўзаро алоқада ва бир-бирига боғлиқ бўлиб, бир хил мувозанатда турадилар. Табиатдаги ҳамма нарса зарарли ёки зарарсиз, фойдали ёки фойдасиз бўлиб туюлса-да, уларнинг биронтаси бесабаб яратилмаган. Уларнинг ҳаммаси бир-бири билан мустаҳкам алоқада, муносабатда бўлибгина қолмасдан, бир-бирларига бевосита боғлиқдирлар ҳам. Шунинг учун табиатдан фойдаланганда ана шу мувозанатга иложи борича камроқ зарар келтиришни ўйлаб иш тутиш лозим. Масалан, йиртқич ҳайвонлар ва уларнинг ўлжалари минглаб йиллардан бери ёнма-ён яшаб келади ва шу давр мобайнида табиий мувозанат вужудга келиб, у йиртқич ҳайвонларнинг ҳам, ўлжаларининг ҳам яшашига имкон яратиб берган. Йиртқич фақат қорни очгандагина ўлжасини овлаб, тутиб ейди. Еганда ҳам ожизини, касалини ейди. Чунки у ўлжаларини қувганда касалманди орқада қолиб кетади ва у «касал» йиртқичга ем бўлади. Натижада тўда касал шеригидан халос бўлади ва тўда ичида касаллик тарқаб кетишининг олди олинади, яъни йиртқич «санитар» вазифасини ўтайди.

Агар йиртқич ҳайвонларнинг фақат битта-иккитасини қорни очгандагина тутиб ейдиган бўлса, кўзи оч инсон ўзининг нафси учун ҳамма ҳайвонларни қириб юборишга тайёр, эртанги кунни, келажагини ўйлаб ҳам ўтирмайди. Бир вақтлар бўри, тулки, калхат каби йиртқич жонзотларни қириб ташлашга киришилган эди. Натижада кўплаб буғу ва кийиклар касалликка чалиниб қолди, кемирувчилар – сичқон, каламуш, юмронқозиқ ва бошқалар шу даражада кўпайиб кетдики, улар миллионлаб тонна ғаллани еб

ташладилар. Мушуклар камайиб кетган йиллари ҳам шундай ҳол кузатилган эди. Зарарли химикатлар ишлаб чиқарила бошланиши натижасида зараркунанда ҳашаротлар билан бирга фойдали жониворлар ҳам нобуд бўла бошлади. Юз минглаб кушлар, куёнлар ва бошқа ҳайвонлар озиқ топа олмай қирилиб кета бошладилар.

Бугунги кунга келиб, инсоният Ер юзидаги 240 турдан ортик ёввойи ҳайвонларни қириб юборди. Келажакда батамом қирилиб кетмаслиги учун улар билан бирга борган сари камайиб кетаётган бошқа турдаги ҳайвон, кушлар, ўсимликлар «Қизил китоб»га киритилди, яъни уларни тутиш ва овлаш қонун йўли билан ман қилинди.

Булардан маълум бўладикки, табиий мувозанатни бузадиган бўлсак, бундан, энг аввало, ўзимиз қаттиқ зарар кўрамыз. Шунинг учун ҳам, нафақат Ислом дини, балки бошқа барча динлар ҳам моҳиятан табиатга ва ҳамма жонзотларга муҳаббат билан қарашни, уларга нисбатан шафқатли бўлишни, ақл фармонларига бўйсуниб иш тутишни, табиатдан оқилона фойдаланишни ўргатади.

ИККИНЧИ БОБ

СЎЗ ВА ИЖТИМОЙ ЭКОЛОГИЯ

2.1. Фикрлаш экологияси

Фикр инсон рухий қувватининг бир тури бўлиб, атроф-муҳитга ва коинотга ўзига хос таъсир кўрсатади. Бу онгимиз томонидан бошқариладиган энг кучли қувватдир. Фикрлаш унсурини бўлган инсон мияси ҳеч қачон фаолиятсиз бўлмайди. Агар инсон ўзининг фикрлаш унсурини бирон-бир тартибга солмаса, у ўзининг фикрлари ҳақида кайғурмай, ҳар нарсани ўйлайверадиган бўлиб қолади. Чунки миянинг табиий эҳтиёжи инсон тирикчилигининг ҳосиласи – сезиш, ҳис этиш, ҳаяжонланиш, олам, табиат, ҳаёт ҳақида олган таассуротларини муҳокама қилиш ва буларга ўз муносабатини билдиришдан иборатдир. Шунинг учун инсон баъзан тез ўзгарувчан, инжиқ ва хаёли паришон ҳолда бўлади.

Айрим кишилар ўзининг фикрий тафаккурини яхши бошқара олмайди. Ўз фикрларини жамлай оладиган инсонлар фазони коинот тараққиёти учун асқотадиган соф, ёркин фикрлар билан тўлдирадилар. Заиф, мужмал, хира фикрларни эса безарар деб бўлмайди.

Одам эзгулик ва ёвузликни вужудга келтирувчи ўзига хос «корхона»дир. Ёмон ниятли, қабих одамларнинг ташқи кўриниши ҳам совуқ, ёқимсиз бўлади. Инсон онгининг салбий жиҳатдан кескинлашуви зулм, жаҳолат, жоҳилликдан бошқа нарсани вужудга келтирмайди. Аксинча, яхши ниятли, қалби тоза кишиларнинг юзлари доим кулиб, нур сочиб туради. «Чиройи бордан чўчима» мақолидан англашиладиган маъно ҳам шунга ишора қилади. Шунинг учун ҳам бировларнинг хато-камчилигини кўришдан кўра, энг аввало, ўзидаги иллатлардан қутулишга ҳаракат қилган маъқул. Инсон ўзининг фикрлаш қобилиятини тартибга солиб, ривожлантириши анча қийин кечадиган жараён бўлса-да, ҳаммаша яхши, покиза ниятлар қилиб юриш ҳар бир инсоннинг қўлидан келади. Шунингдек, йиллар, асрлар мобайнида ўзлимиз,

инсоният ва коинот ҳақидаги саёз билимларимиздан келиб чиққан заиф, нобоп, салбий ҳаёллардан фориг бўлишга интиломқозим. Онги юксак, олам ҳақида тасаввури ва дунёқараши кенг инсон ҳеч қачон салбий фикр юритмайди. Ҳамма вақт ўзини-ўзи англаган инсон бир кун бутун оламни – коинотни англайди. Рухияти юксак одам кимнидир фалокатдан қутқариши, аксинча, рухияти паст, тушқун кимса эса кимнингдир ҳалокатига сабабчи бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам бирон-бир ишга киришишдан олдин мақсадни яхшилаб аниқлаб олиб, сўнгра уни қувонч ва кўтаринки кайфият билан бошлаш керак. Ўз-ўзини ёки бировни мажбурлаш, зўрлаш салбий туйғуларни вужудга келтиради. Шундай экан, обдон ўйлаб, танлаб олган йўлимиздан шод-хуррамлик ила боришимиз лозим.

Инсон бу дунёга фақат машаққат ва азиятлар чекиш учунгина келган эмас. Салбий, ғаразли, нобоп фикрларни яхши ният билан алмаштириш керак. Доимо эзгу, гўзал нарсалар ҳақида фикрлаш керакки, бундан руҳимиз кўтарилсин. Нарса-ҳодисанинг яхши томонларини кўришга, пайқашга интилиш даркор. Ҳар бир нарсадан, ҳар бир инсондан иллат эмас, балки фазилат кидиришга ўрганиш ижобий хусусиятдир. Шу ўринда Садриддин Салим Бухорийнинг қуйидаги машҳур тўртлиги беихтиёр ёдимизга тушади:

Иллат излаганга иллатдир дунё,

Гурбат излаганга гурбатдир дунё.

Ким нени изласа топгай бегумон,

Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё.

Шунинг учун ҳам тажрибали мутахассислар бу ҳақда қуйидагидек маслаҳатларни берадилар: «Ҳаётга доимо умидворлик кўзи билан боқинг. Дунёда ҳеч нарса сабабсиз содир бўлмайди. Юз берган ҳар бир ҳодисада ўзига хос тараққиёт қонунлари зоҳир. Бу қонуниятлар инсонларни йўқ қилиш ёки уни қийнаш, азобу укубатларга гирифтор қилиш учун яратилмаган. Агар ҳаётингизда қандайдир нохушликлар, омадсизликлар, бахтсиз ҳодисалар содир бўлган бўлса, сабабини аввало ўзингиздан, ўз қилмишларингиздан кидиринг ва бундан тўғри хулоса чиқаришга, оқилона қарорлар қабул қилишга ўрганинг». Агар шундай ўйламас ва шундай қилмас эканмиз, демак, онгимиз ўша содир бўлган нохуш ҳодиса

моҳиятини чуқур тушуниш даражасига етмаган бўлади. Шунинг учун керакки, ҳар бир инсон тараққиёт жараёнидан, ҳаёт оқимидан четда бўлолмайди ва ундан ҳеч қачон қочиб кетолмайди. Яъни жамиятда мавжуд бўлиб, ундан айро яшаб бўлмайди. Ҳар бир инсон ўзи идрок эта оладиган тушунчаларга ишонар экан, унинг идрок эта олиш қувватидан юқори бўлган тушунчаларни жамлаб, ўзлаштириб олиши қийин бўлади.

Фикримизнинг кучи биз уни қандай яратишимизга боғлиқ. Кучли, мазмундор фикрлар миянинг зўриқиб кучланиши туфайли ҳосил бўлади. Инсон зўр бериб ўйлаганда, фикр юритганда боши атрофида нур каби кўз илғамас ғайбий қувват – ахбор оқими таралади. Бу эса атроф-муҳитга, хусусан, бошқа кишиларга озми-кўпми ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

Фикрнинг тиниклиги ва қатъийлиги кишига куч, илҳом бағишлайди, иродани тоблаяди, мақсадга етказиши. Аксинча, кучсиз фикрлар кишини журъатсиз, суист қилиб қўяди. Кўп касалликларни бузғунчи – ёмон фикрлар келтириб чиқаради. Сиз таратаётган бирор ёмон фикрни, сиздан жуда олисда бўлса ҳам, бирор кимса қабул қилиб олиб, уни амалга ошириши, масалан, айтайлик, қотиллик қилиши мумкин. Тўпланиб, димланиб, бурқсиб қолган «ифлос», тубан фикрлар фазони фақат булғабгина қолмай, балки инсониятга олис-олислардан келаётган ҳаётбахш оқимлар, ижобий қувватлар, самовий нурлар келишининг маромини бузиши ва олис оламларга эзгу фикрларнинг таралишига халал бериши мумкин. Демак, шундай экан, ўзингизга душман, авлодларингиз келажагига зомин бўладиган тубан фикрлардан воз кечинг, доим эзгулик сари интилган ҳолда фикр юритинг.

Инсонлар ўзларининг «ифлос», ёвуз фикрлари билан фазони тўлдириб юборса, у ўзини тозалашга мажбур бўлади ва инсониятни бирор восита, масалан, табиий офат, оммавий даҳшатли юкумли касалликлар, ўзаро қирғинбарот урушлар йўли билан кириб юборади ва шу йўл билан ёмонликдан «кутулади». Соф, эзгу фикрлар камалак нурлари каби товланиб, фазони турли ифлосликлардан тозалайди, ундаги нопокликларни олов каби қуйдириб, тозалаб, бартараф этиб туради. Демак, фикримиз қанчалик тиник, бегубор, соф бўлса, гўзал манзараларни шунчалик кўп кўрасиз ва фақат

фикр сифати учунгина эмас, балки инсон ва табиат, бутун борлик, чексиз коинотнинг ўзаро уйғунлиги учун масъул эканлигимизни англаймиз.

2.2. Сўзлашиш экологияси

Дунё медицинасининг асосчиси, машхур табиб Абу Али ибн Сино ўз давридаёқ инсон руҳини даволамай туриб, унинг танасини даволаш мумкин эмаслиги ҳақидаги хулосани баён этган эди. Шундан кейин юзлаб мутахассислар буюк табибнинг бу фикрини ҳар жиҳатдан тажрибадан ўтказдилар. Жумладан, академик К.М.Быков катта мия ярим шарлари пўстлоғи инсон ички организмнинг физиологик ва патологик ҳолатларини бошқариб туришлигини тажриба асосида илмий жиҳатдан асослади. Асаб, қанд, юрак, қон босими, ошқозон-ичак хасталиклари ҳаддан ташқари кўпайган бугунги кунда жаҳон тиббиёт ходимлари бу касалликлар асосида ижтимоий муносабатлар чоғида фикрни аниқ баён эта олмаслик ёки нутқ маданиятини кўпол равишда бузиш натижасида содир бўладиган руҳий зарба (стресс)лар туфайли юзага келаётганлигини эътироф этмоқдалар.

Врач ва ёзувчи Зорий Балаян бу ҳақда ташвишлиниб шундай ёзади: «Ҳозирги замон врачлари ўртасида «инфаркт эпидемияси» деган жумла пайдо бўлган. Бир қарашда инфаркт юқумли касаллик ҳисобланмайди. Аммо мулоҳаза қилиб қаралса, инфаркт инсондан инсонга аччиқ сўз, кўпол хатти-ҳаракат ва муносабатлар орқали юқишлиги маълум бўлади. Маълумотларга қараганда, руҳий зарбаларнинг аксарияти ҳасад, иғво, фитна ва шу каби ярамас иллатлар ҳукмрон бўлган носоғлом муҳит – ишхона ва баъзи оилаларда пишиб етилади».

Буюк мутафаккир Адишер Навоий асарларида сўз ўликни тирилтириши ва, аксинча, тирикни ўлдириши мумкинлиги ҳақида куйидагидек байтлар битилган:

Сўздан ўлукнинг танида руҳи пок,

Руҳ доғи тан аро сўздин ҳалок.

Кўринадик, сўз (нутқ) инсон физиологиясига жуда кучли таъсир этади. Чунки инсонларда ҳайвонлардан фарқли ўлароқ ички сигнал системаси мавжуд бўлиб, биринчиси ҳамма жонзотларники каби ички ва ташқи муҳит таъсиридан ташкил топадиган сигнал системаси бўлса, иккинчиси асосан сўздан ташкил топадиган сигнал системасидир. Юқорида келтирилган байтдан маълум бўлганидек, сўз инсон физиологиясига икки хил – ижобий ва салбий таъсир этиши мумкин. Аввало ижобий таъсир ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Мутахассисларнинг фикрига қараганда, эркаловчи сўз инсон физиологиясига кучли ижобий таъсир кўрсатади. Эркаланаётган пайтда қон айланиши яхшиланади. Қондаги кислород миқдори 10-15 фоизга ошиб, қон босими мўътадиллашади, нафас олиш енгиллашади. Айниқса, кичкинтой яқинларининг эркалатишларини ҳис этса, уларнинг жилмайишларини кўрса, мулойим овозларини, бир-бирларига ва унга хайрихоҳлик муносабатларини сезса, у ижобий эмоционал ҳисларни бошидан кечиради. Нафақат болалар, балки катталарга ҳам рағбатлантириш ва мақташ ижобий таъсир кўрсатади. Шу сабабдан бўлса керак, қадимдан ёшларни эркалаб, катталарни мактаб кучига-куч, қувватига-қувват кўшиб келинган. «Эркалатсанг, эр бўлади, йўкса қаро ер бўлади» қабилидаги мақоллар шу боис юзага келган бўлса ажаб эмас.

Оҳангнинг, ёқимли овознинг чақалоқ миясига ижобий таъсири ҳақида врач ва ёзувчи Жуманазар Бекназаров «Оила ва жамият» ҳафтаномасида ўзи бевосита гувоҳи бўлган қизиқ ҳаётий далил келтиради: «Санкт-Петербург болалар шифохоналаридан бирига амриқолик шифокорлар тажриба алмашиш учун келганларида оғирлиги 750 грамм келадиган чала чақалоқ туғилди. Онаси воз кечган. Бизнинг шифокорларимиз умид йўқ, дейишди. Бирок амриқоликлар чақалоқ парваришини ўз зиммаларига олдилар. Ўрис тилини биладиган ҳамшира ажратишди. Мен ҳайрон бўлдим: ахир шу бир парча гўшт чақалоққа тилнинг нима аҳамияти бор?! Ҳамшира эса чақалоқ атрофида шунчалик парвона бўлардики, асти қўяверинг. У шундай мулойим ва ёқимтой сирли овоз билан чақалоқни нафис эркалар эдики... Ҳамшира шеър айта туриб, аста-секинлик билан ашула бошларди. Ашула оҳанги гоҳида мунглироқ бўлса, баъзида шўх бўлар, мана шу ўзгаришларда ҳам қонуний

бир даврийлик сезгандим ўшанда. Яна шуниси аҳамиятлики, амриқолик шифокорлар талаби билан чақалокнинг онаси қидириб топилиб, бир неча ўн доллар эвазига унинг овози магнит лентасига ёзиб олинди. Боласини эркаловчи ширин сўзлар вақти-вақти билан чақалокқа эшиттириб турилди. Оддий, лекин чуқур маънога эга парвариш оқибатида боланинг ҳаёти сақлаб қолинди».

Ўзбеклар нутқида «Ҳайт деган туяга мадад» мақоли қўлланади. Бу мақолнинг тўғри маъноси шуки, туякаш туянинг юкини кўтариб, унга ёрдам беролмаса ҳам, вақти-вақти билан унинг «ҳайт», «ҳайт!» деб тургани туяга куч бағишлайди, рағбатлантиради, мадор бўлади. Мазкур мақол билан мажозан: «Бировнинг бирор мушкулини осонлаштириш қўлингдан келмаса ҳам, маслаҳатингни ёхуд унинг кўнглини кўтарувчи ширин сўзингни аяма. Шунинг ўзи ҳам унга мадор ва мадад бўла олади», деб одамийликка ундайдилар. Худди шундай мазмундаги «Ҳорма деган – кўшчига мадор»; «Ҳорма деган – ҳолга қувват» мақоллари ҳам бор.

Соҳа мутахассисларининг фикрига қараганда, «мухлис», «ишқибоз», «тарафдор» деганларининг бариси ҳам полвоннинг руҳини кўтаради, кучига-куч, қувватига-қувват қўшади. Андижоннинг чиноводилик Умнат полвон ҳар ҳафта 250 чакирим пиёда йўл босиб Кўқондаги сайилга бораркан. Унча-мунчасини санокка қўшмайдиган полвон бир кучли рақиб билан икки кун курашиб йиқитолмагандан кейин қишлоғига бориб, яқин биродарини бошлаб келибди. Учинчи кунги курашда рақиб энди уни кўтараётганда ошнасининг «Ҳа, Умнат!» деган овози янграбди. Полвон шу заҳоти ўзини ўнглаб, рақибини кўтариб ерга урибди. Кейин майдондан чиқиб ўртоғини бағрига босибди-да: «Менга «Ҳа, Умнат!» етишмаётганди», – дебди.

Нутқнинг инсон физиологиясига салбий таъсири ҳақида ҳам кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ёмон сўз орқали асабийлашганда одамнинг афт-ангори ўзгаради, ранги ўчади, бети қотади, қўл ва оёқлари титрайди, оғзи қакрайди, кўзи тинади, қулоғига сўз кирмай қолади, нафас олиши ва юрак уриши тезлашади. Бунинг устига, асаби заифлашган одамнинг ҳимоя воситалари сустлашади. Шундай пайтда одам ўзини босиб ололмаса, ёмон касалликка чалиниши, ҳатто кўнгилсиз, ножўя

ҳаракатга йўл қўйиши мумкин. Айниқса, хунук сўз, янглиш фикр адресанти медицина билан алоқадор киши бўлса, сўзнинг таъсир этиши янада кучлироқ бўлади.

Лукмони Ҳаким ҳақидаги ривоятлардан бирида айтилишича, ўздан олдинда қон туфлаб кетаётган қизчани кўрган ҳаким қизнинг орқасидан орқама-орқа бораверибди. Қиз уйига кириб кетгач, дарвозани тақиллатибди. Бир мўйсафид чиқиб, ҳакимни танибди ва уни уйга таклиф этибди. Гап орасида Лукмони Ҳаким: «Қизингиз бедаво дардга учрабди, афсуски, муолажанинг иложи йўқ», – дебди. Унинг бу сўзларини ҳалиги қиз эшик орқасидан эшитиб турган экан. Бирдан юраги дук-дук уриб, қалтираб йиқилибди ва хушидан кетибди. Хуллас, шу бир оғиз сўз оқибатида қиз рухий дардга гирифтор бўлиб, оламдан ўтибди.

...Кунларнинг бирида қизнинг отаси Лукмони Ҳакимни учратиб қолибди. Шунда ота:

– Тақсир, қизим дардга чалинганини қандай билиб эдингиз? – деб сўрабди.

Лукмони Ҳаким дебди:

– Қизингиз кўчада кела туриб, бот-бот қон туфлаганини кўрган эдим.

Бу жавобни эшитган қон шарт этиб, ўз пешонасига урибди. Кейин сал ўзига келгач:

– Э, аттанг, қизим ўша қуни шотут еб эди, сиз кўрган туфук шотут шарбати-ку. Эй, аттанг! – дебди.

Шунда Лукмони Ҳаким қон олдида тиз чўкиб, узр сўрабди:

– Сиз менга ва сўнги авлодларга унутилмас сабоқ бердингиз. Бир сўз билан соппа-соғ одамни ўлдириш ёки беморни оёққа турғизиб юбориш мумкин экан.

Бундан кўринадики, «ҳар бир инсон мутахассислигидан қатъи назар, энг аввало, психолог бўлиши, кишилар билан мулоқотда бўлганда, айниқса, врачлар беморлар билан бўладиган мулоқот жараёнида жуда хушёр бўлишлари лозим. Бу ҳақда К.М.Платонов: «Хотиржам бўлинг, сиз бу соғлигингиз билан ҳали узоқ яшасиз!» дейиш қаерда-ю, «Сиз ўттиз йилдан кейин ўласиз!» дейиш қаерда», деб ёзади ва врачнинг касбий хусусиятларидан бири жим туришни билишлик эканлигини таъкидлаб, римликлар медицинани бекорга

«индамаслик санъати» (ars muta) деб атамаганликларини уқтиради».

Бундай одатларнинг тилга татбиқ қилиниши лингвистик табуни юзага келтирган. Бунга, айниқса, медицина соҳасида қаттиқ амал қилинган. Яъни, врачлардан беморларга касаллик, айниқса, ёмон (юкумли) касалликлар ҳақида батафсил маълумот бермаслик, жумладан, касаллик номини айтмаслик талаб этилган. Тақиқланган сўзлар ўрнига бошқа сўз ва ибораларни ўйлаб топиш эса эвфемизм (грекча euphemco «яхши», «майин гапираман»)ни юзага келтирган. Масалан, *қизамиқ* ўрнида *оймома* (Самарқанд вилоятининг айрим туманларида); *чечак* ўрнида *гул*; *сил* (*туберкулёз*) ўрнида *узун оғриқ*, *пес* ўрнида *оқ* сўзларини қўллаш каби.

Ўзбек мулоқот хулқига кўра фақат беморларгина эмас, балки бошқа кишилар ҳам нохуш, хунук сўз (хабар)дан эҳтиёт қилиб келинади. Масалан, Ўзбекистоннинг жуда кўп ҳудудларида, жумладан, Хоразмда бирор кишининг ўлими ҳақида «ўлди» деб хабар қилинмайди. Бу сўзга нисбатан табу сақланади. «Ўлди» сўзи синонимларининг ўз қўлланма ўринлари бор. Агар вафот этган шахс кекса бўлса, *аманатини топишди*, *фожиали ўлим топса*, *кутарди* дейилади. Вафот этган шахс ўрта яшар бўлса, *қайтиш бўлди*, *мабодо чақалоқ ёки гўдак бўлса*, *сичради* деб хабар қилинади.

Врач сўзининг бемор руҳияти ва бошқа физиологик ҳолатига таъсири ҳақида М.В.Яновский медицинанинг йирик намояндаларидан бири С.П.Боткин фаолиятдан жуда кўплаб мисоллар келтирган. Уларнинг бирида айтилишича, С.Боткин қабулига келган бир бемор ўзида ўпка билан боғлиқ касаллик борлигини, бу ҳақда бир неча врачларга шикоят қилганлигини, бироқ уларнинг ҳаммаси «сиз касал эмассиз, фақат восвосга тушиб қолибсиз» деганлигини, аммо уларнинг гапига ишонмаётганини айтган. Шикоятчини сўроққа тутиб, унинг гапларига диққат билан кулоқ солиб турган Боткин: «Ҳа, сизда чиндан ҳам оз-моз касаллик бор экан. Аммо у шу даражада озки, сиз мана шу дорилардан ичиб турсангиз, тез кунда тузалиб кетасиз», – деган. Шикоятчи чиқиб кетганидан кейин С.Боткин бу воқеанинг шоҳиди бўлиб турган талабаларга: «Чиндан ҳам у жисмонан соппа-соғ. Бироқ унда оз-моз шубҳаланиш бор. Агар мен ҳам унга бошқа врачлар каби муносабатда бўлганимда, унинг шубҳаланиши давом этаверар эди.

Энди эса у касалини биладиган врачни топганлигига ишонч ҳосил қилди ва ҳар қандай дори унга шифо бўлади», – деб изох берган.

Сўз (нутқ)нинг адресат физиологиясига таъсири ҳақида турли касб эгалари ҳаётидан истаганча мисол келтириш мумкин. Аммо буларнинг ҳаммасидан келиб чиқадиган хулоса битта – дунёда дилозорликдан ёмони йўқ. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг куйидаги шеърини юқорида айтилган фикрларимизга хулоса сифатида келтирамиз:

Сино айтган экан:

Чанг бўлмаса гар,

Мингга кирарди, деб,

Инсон боласи.

Дорига ўрганган

Қовундай қайсар,

Чангга ҳам ўрганиб

Қолдик чамаси.

Ҳаким бўлмасам ҳам

Мен айтай сизга,

Узоқ яшамоққа

Бор битта ёрлиқ:

Мингга кирмасак ҳам

Кирардик юзга,

Дунёда бўлмаса

Гар дилозорлик.

2.3. Нутқнинг ҳасрат типи ва унинг сўзловчи физиологиясига таъсири

Нутқ одам психологияси ва физиологиясига фақат эшитиш (қабул қилиш) жараёнидагина таъсир этиб қолмай, балки инсон шуурида қайта шаклланиб, катта мия ярим шарлари қобигини ўзига хос тарзда тарқ этиш жараёнида ҳам психофизиологик функция бажаради.

Инсон онгига сезги аъзоларининг қайси бири (кўриш, эшитиш, хид, таъм билиш ва ҳ.к.) орқали бўлмасин таъсир этган нарса (оғрик, роҳат, шодлик, қайғу ва ҳ.к.)лар вужудда ўз инъикосини кўрсатади: беморнинг инқиллаши бадандаги оғрикнинг, хўранданинг «оҳ-оҳ» деб бошини қимирлатиши лаззатнинг, болалар қийқириғи эса шодлик, шодланишнинг инъикосидир. Кутилмаганда осмонда пайдо бўлган самолётни кўрган болалар «Самолёт!», «Самолёт!» деб бақирадилар. Бу ҳам бола шуурига кўриш ва эшитиш сезгиси орқали таъсир этган хабар (кувонч)нинг ўзига хос усулда намоён бўлишидир.


Кўринадики, инсон сезгилар орқали таъсирланган нарсаларни ҳар хил вербал ва новербал усуллар (тил ва нутқ бирликлари ёрдамида дардини айтиш, инқиллаш, кичқириш, сакраш...) орқали ифода этишга ўзида мойиллик сезади.

Ит оғриқдан инграйди. Чунки у эгасига «фалон жойим оғрияпти» деб айтолмайди. Аммо инсон ҳайвондан фарқли ўлароқ «бошим оғрияпти», «сиқилиб кетяпман», «чарчаб кетдим» деб айта олади. Зеро «...баъзи вақтда фалак бир одамни қайғуга солар, ул ўзи тушуниб, ўйлаб туриб, оҳ тортиб йиғлар. Бу ҳасратни ўз ичига сиғдирилмас. Бировга айтса, «Вой бечора» деюрмикин, деб қайғусини бировга айтмакка тилар...»

Куйида тил (нутқ)нинг худди мана шу экспрессив функциясининг инсон физиологияси билан боғлиқ жиҳатлари хусусида фикр юритамиз.

Нутқ ва мулоқотнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида япон олими Нисио Минору шундай фикр билдиради: «...сўзлаш ёки ёзиш жараёнида сўзловчи (ёзувчи) тингловчи (ўқувчи)га таъсир кўрсатади, аммо у бу информация (таъсир)ни бундан олдин ўз суҳбатдошидан олганлигини, бу қайта алоқа эканлигини унутмаслиги керак...»

Бу жараёни чизма орқали шундай тасаввур этиш мумкин:



Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, инсон суҳбатдоши билан баҳам кўришга шошилаётган қувончу шодлиги ҳам, қайғу-алами ҳам кимнингдир ёки ниманингдир таъсирида унга ўтади, реакция асосида таскин топади, қониқиш ҳосил қилади. Бу таъсирни учинчи бир одамга ўтказиш (баҳам кўриш) жараёни ўзбеклар нутқида бир сўз билан «ҳасрат» деб юритилади.

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «арз», «арз-дод», «нола», «шикоят» каби сўзлар «ҳасрат» сўзининг синонимлари тарзида изоҳланган бўлиб, бу сўзларнинг ҳаммаси «ҳасрат» сўзида семантик жиҳатдан ўз мужассамини топганлиги боис биз ишимизда бу сўзни термин сифатида қўллаймиз.

Тил (нутқ)нинг экспрессив функцияси ҳақидаги ишларда таъкидланганидек, кишилар мулоқот чоғида суҳбатдошларига бирор муҳим хабарни етказиш (қабул қилиш)дан ташқари бошқа мақсадларни, жумладан, сўзлашиш орқали шунчаки кўнгил ёзишни ҳам назарда тутадилар. Ишимизнинг ушбу қисмида мулоқотнинг худди мана шу функцияси таҳлил этилади.

Ўзида ҳасрат қилишга эҳтиёж сезган сўзловчи (адресант) турли жонли ва жонсиз, конкрет ва мавҳум тингловчи (адресат)ларга мурожаат этишини ҳисобга оладиган бўлсак, юқорида зикр этилган М.С.Каганнинг шу нуқтаи назардан тузган тасниф жадвали ҳар жиҳатдан асосли эканлиги маълум бўлади.

М.Каган тасниф-жадвалининг бизга маъқул томони шундаки, нутқнинг ҳасрат типиди ҳам адресантлар айнан шу таснифдагидек адресатлар билан мулоқотга киришади. Шу нуқтаи назардан нутқнинг ҳасрат типини куйидаги турларга ажратдик:

1. Адресантнинг реал ҳамсуҳбат (асл субъект)га ҳасрати.
2. Адресантнинг иллюзор ҳамсуҳбат (субъективлашган объект)га ҳасрати.
3. Адресантнинг хаёлий ҳамсуҳбат (квазисубъект)га ҳасрати.
4. Адресантнинг хаёлий ҳамсуҳбат (бадий персонажлар – квазисубъектлар)га ҳасрати.

Куйида уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Адресантнинг реал ҳамсуҳбат (асл субъект)га ҳа с р а т и

Инсон кўнглида пайдо бўлган ғам-андуҳлари, шодлигу кувончларини, энг аввало, ҳаётий шахслар – реал ҳамсуҳбатларга айтишга интилади. Адресантнинг реал ҳамсуҳбатга қиладиган ҳасрати, асосан, шахслараро мулоқотда, баъзан гуруҳ мулоқотида амалга ошади.

Шахслараро (реал) мулоқотда баъзан адресантнинг ёши ҳам муҳим бўлмай қолиши мумкин. Ҳаётда кўп кузатиладиган бундай мулоқот ёзувчи Сафар Барноевнинг «Бувижоним» ҳикоясидаги бувининг урушдан қайтмаган ўглини эслаб неварасига ҳасрат қилиши, яна шу ёзувчининг «Оқ гуллар» ҳикоясидаги Собир буванинг 2-3 яшар неварасига ҳасрат қилиши воқеаларида табиий тасвирланган. Гуруҳ мулоқотида (кўпроқ аёллар даврасида)ги ҳасратларда адресатларнинг адресант нутқини қай даражада тинглаётганлиги унчалик муҳим бўлмайди. Бундай ҳасратда адресант қай йўсинда бўлмасин, ўз ички туйғуларини ифода этиши муҳим ҳисобланади.

Адресантнинг реал ҳамсуҳбатга қиладиган ҳасратининг ўзига ҳос томонларидан бири шундаки, бундай мулоқотда баъзи ҳолларда адресатларнинг ўзи адресантларга ҳасрат қилиш учун имкон (шароит) яратиб берадилар. Бундай ҳолат хасталардан ёки яқинлари оламдан ўтган кишилардан ҳол-аҳвол сўраш учун борилган пайтларда кўпроқ кузатилади.

Ўтмиш алломаларидан Муҳаммад Содик Қошғарийнинг «Одоб ас-солиҳин» («Яхши кишилар одоби») китобининг касал кўрмоқ ва аздорор кишилардан ҳол сўрамоқ одобига бағишланган бешинчи бобида бу ҳақда шундай фикрлар билдирилган: «...ошнолардан ҳар қайси мариз (бемор)ни хоҳ кўз оғриғи ва хоҳ тиш оғриғи ва хоҳ чилқон ва хоҳ булардин ўзга бўлсун, бориб ҳолини сўрғай!... Ва қўлини пешонасига ё қўлига, ё юзига қўйиб ҳолини қайси ҳолдасиз, дегай». «Бемор гоҳ-гоҳ нола қилғай суннат сихатидин, на шикоят курбат (ғам) важҳидин бир нимарса бирла боғлаб нола қилғай, оғриғи бўлса, «Во раъсан», яъни «Вой, бошим» демак суннатдур...»⁶

6 Қошғарий М. Яхши кишилар одоби. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2002 й. – Б. 29-30.

Таъзияда ҳам шунга ўхшаш ҳолатни кузатиш мумкин: «Мазалари йўқмиди?», «Бетобмидилар?» ёки «Эшитмай қолмиз, шунақа бўп қопти-да...» дейди аздордан ҳол-аҳвол сўрагани (таъзия билдиргани) борган киши удумга кўра. Аздорор киши бундай саволни таъзия билдиргани келган жуда кўп кишидан эшитади ва уларнинг ҳар бирига оламдан ўтган кишининг сўнгги кун (дақиқа)лари ҳақида эринмай гапириб беради. Кўринадики, адресат биргина савол бериш орқали ғам-ҳасратга берилиб турган аздор (адресант)га ҳасрат қилиш учун вазият, шарт-шароит яратиб беради. Ҳар бир келиб кетувчига шу тарзда ҳасрат қилиш орқали аздорор яқин кишисидан жудо бўлишдек катта йўқотиш андуҳини ҳамдард кишилари билан бўлишади.

Адресантнинг иллюзор ҳамсуҳбат (субъективлашган объект)га ҳа с р а т и

Адресантлар баъзан реал ҳамсуҳбат топа олмаган пайтда иллюзор ҳамсуҳбатлар – ҳайвон ва нарса (предмет)ларга ҳам ҳикоя қаҳрамони каби ҳасрат қиладилар.

Андижонлик адиб Наби Жалолиддиннинг «Йиғи» қиссасида инсон ҳатто бақалар билан ҳам мулоқотга киришиши, бунинг сабаби ҳақида қуйидагиларни ўқиймиз: «...ўнг қўли билан бақани босди. Бақа жон талвасасида бир-икки типирчилади-ю, сўнг тинчиб қолди. Мўмин уни кўзлари олдига яқинроқ олиб келиб, тикилди.

– Ҳм-м, ушлаб олдимми?! – деди тиржайиб.

...Аслида ўттиз ёшдан ошган бу «болақай» бақани нега тутиб олганини ўзи ҳам билмасди. Кўнглида шундай истак пайдо бўлди, тамом. Балки кун бўйи индамай юравериш жонига тегиб, ҳеч курса, бақа билан бўлса-да, «гаплашгиси» келгандир...»

Олимлар бу хусусда қизиқ кузатиш ўтказишган: инфарктни бошидан кечирган бир хил ёшдаги юзта кишини уйида ит ёки мушуги бор-йўқлигини қараб иккига ажратишган, яъни 50 та ит-мушуги бор бемор ва 50 та уйида ит-мушуги бўлмаган беморлар назорат қилиб борилган. Маълум муддат ўтганидан кейин ит-мушуги бор 50 бемордан учтаси, шу муддатда ит-мушуги бўлмаган 50 бемордан эса 39 таси оламдан ўтган.

Саида Зуннуованинг «Гўдак хиди» тўпламига кирган «Шу уйнинг бекаси» ҳикояси қаҳрамони «Умринисо буви ёлғиз эмасди. Анча-мунча кунларнинг гувоҳи бўлган бу уй унинг назарида тирикдек эди. Ҳа, тирикдек у билан сўзлашарди. Устунлари баъзида қисирлаб, эшитяпсанми, мен ҳам қарияпман, мен ҳам ҳолдан кетяпман. Менинг бағримга ҳам инсон нафаси, илиқлик керак, даяётгандай бўларди...»


Адресантнинг нарсага ҳасрат қилиш орқали ҳам енгил тортиши – рухий ва физиологик жиҳатдан ўзини қийнаган дарддан фориғ бўлиши мумкинлиги «Искандарнинг шохи бор» номли ўзбек халқ эртагида ҳам образли тасвирланган: Искандар подшонинг сочини олган сартарош унинг бошида шохи – ўсмаси борлигини кўриб қолади. Бу сирни ҳеч кимга айтиш мумкин эмаслигидан қийналган сартарошнинг қорни кундан-кунга шишиб кетаверади. Ўйлай-ўйлай, охири, у сирини қудуққа айтиш орқали оғир азобдан қутулади.

Бундан яна шу нарса маълум бўладики, инсон нафақат эшитган, балки кўриш орқали таъсирланган нарсасини ҳам нутқ товушлари ёрдамида ташқарига чиқариб юбориш – ҳасрат қилиш билан ўзини рухий азобдан қутқариши ва физиологик ҳолатини яхшилаши мумкин. Адресантнинг иллюзор ҳамсуҳбат (нарсалар)га ҳасрати ва шу йўл билан азобдан, ҳаттоки ўлимдан қутулиб қолиши мумкинлиги тўғрисидаги қизиқ бир ривоят ҳаётий ва ишонарли эканлиги учун оғиздан-оғизга ўтиб келади. Унда айтилишича, ўтмишда ўта рашкчи бир савдогар йигит бўлган экан. Шу йигит уйланганидан кейин кўп ўтмай, савдо юзасидан сафарга чиқадиган бўлиб қолибди. Сафар олдидан ёш келинчакни инсон қадами етмаган тоғ этагига қапа тикиб элтиб кўйибди. Орадан маълум вақт ўтиб, куёв келиннинг олдига қайтиб келса, яшаш учун моддий неъматларнинг ҳаммаси етарли бўлишига қарамай, келин оламдан ўтган экан. Айнан шундай ҳолат яна беш марта такрорланибди. Ўта рашкчи ва қайсар савдогар йигит еттинчи марта уйланиб, яна ўша ҳолатни такрор этибди. Йигит узоқ сафардан қайтиб келганида, хотини ким биландир гаплашиб ўтирган экан. Рашкчи эр кела солиб хотинининг суҳбатдошини бир тепибди. Қарангки, келинчакнинг суҳбатдоши одам эмас, инсон шакли берилган қовоқ экан. Тепки

зарбидан қовоқ иккига бўлиниб кетибди ва ичидан бир коса зардоб оқиб тушибди. Шундан кейингина савдогар йигит олдинги олти хотинининг ўлими сабабини англаб етибди.

Адресантнинг ҳаёлий ҳамсуҳбат (квазисубъект)га ҳасрат

Турли кайфият ва ҳолат билан боғлиқ ҳолда инсон баъзан ўзи билан – иккинчи «мен» билан ҳам гаплашиши, ўз-ўзига ҳасрат қилиши мумкин. «Одамнинг ўз-ўзи билан мулоқоти аслида унинг бошқалар билан мулоқоти билан характерини ва ҳажмини белгилайди». Ҳасрат типининг бу турида адресант ва адресат тушунчаси бирлашиб кетади. Буни чизма орқали қуйидагича тасаввур этиш мумкин:



Ўз-ўзига ҳасрат қилиш соғлом саналадиган одамлардан кўра катта ёшдаги кишиларда, айниқса, ҳаётда кўп изтироб, қийинчилик тортган, турмушидан норози аёлларда кўпроқ учрайди. Буни ўзбеклар «ғудраниш» деб ҳам атайди: «...Менам хамиримни қилай, ҳали нон ёпишим керак. Келинга ёлчимаганингдан кейин, қариганда шунақа бўларкан-да, – дея ғудраниб-ғудраниб ошхонага кирди...» (Наби Жалолiddин).

Иккинчи «мен»га ҳасрат қилиш ҳолати кишиларда қутилмаган бахтсизлик ёки ўта қувончли воқеалар туфайли ҳаддан ташқари қувониш ёхуд дардга чалиниш оқибатида ҳам рўй беради. Бундай пайтда тафаккур фаолияти бузилиб, эзмалик, бекорга мулоҳаза

юритиш, қуруқ донолик қилишга мойиллик кучаяди, диккат-эйтибор қилишга арзимайдиган масалалар устида узук-юлук фикрлар айтилаверади. Фикрнинг узуклиги туфайли сўз ва жумла бўлаклари бир-бири билан боғланмайди. Бундай беморларнинг айтган гапларига мутлақо тушуниб бўлмайди. Беморнинг кайфият ва ҳолати тўғрисида сўраб кўриладиган бўлса, масалан, мана бундай жавоб беради: «Дуруст, уч пулга арзимайдиган ғийбат, фалончининг бунга нима дахли бор, онамга айтган эмишсиз...» Эзмалик ва фикрнинг узуклиги шизофрения билан оғриган беморларда кузатилади.

Адресантнинг хаёлий ҳамсухбатларга ҳасрати каторига худо (илохий ҳамсухбат)га қиладиган илтижоларини ҳам киритиш мумкин. Буни инсон ҳасратининг энг олий кўриниши деса ҳам бўлади. Чунки инсон юқорида санаб ўтилган адресатлар (кишилар, хайвонлар, нарсалар)га қилган ҳасратининг бирортасидан тўлик қониқиш ҳосил қилмайди. Нима сабабдан бундай эканлигига Абдулла Ориповнинг «Бандага сиғинма», «Ҳасрат», «Ибодат» шеърларидан анча асосли жавоблар олиш мумкин.

Адресантнинг хаёлий ҳамсухбат (бадий персонажлар – квазисубъектлар)га ҳасрати

Ҳасрат типининг бу тури, асосан, ижодкор адресантларга ҳослиги билан ажралиб туради. Чунки ижодкор кишилар юқорида санаб ўтилган адресатлардан ташқари ўзлари томонидан яратилажак бадий асар персонажлари билан хаёлан мулоқотда бўлиш орқали уларга ўзига ҳос усулда ҳасрат қиладилар. Чунки бадий асарнинг дунёга келиши ижодкорнинг кенг маънодаги ўзига ҳос ҳасратидир. Бу ҳақда машҳур немис шоири Хенрих Хейне шундай ёзади: «Марварид – чиганок касаллиги бўлгани каби, ижод – калб хасталигидир. Менинг ақлим ҳаяжонланиши ҳам шундай хасталик натижасидир, дохийлик эмас. Азобларни озгина пасайтириш учун мен шеърлар ёзардим...»

Ўзбек адибларидан Ўткир Ҳошимов бу ҳақда: «*Катта истеъдодларнинг қалби ҳамиша зириллаб туради. Чунки унда дард кўп бўлади*» деса, Абдулла Орипов:

*Дўстлар, демангиз, мен шеър
достон ёзажакман,
Мен шеър достон ичра бир
афғон ёзажакман, – дейди.*

Бу мавзу кўпроқ бадий мулоқот муаммосига алоқадор бўлиб, алоҳида тадқиқот объекти бўлганлиги боис бу ҳақда бошқа тўхталмаймиз.

2.4. Оҳанг ва ижтимоий экология

Инсоннинг руҳий камолоти ҳақида гапирар эканмиз, албатта, бу мақсадга мусиқа санъатисиз эришиб бўлмаслигини тан олмасдан иложимиз йўқ. Зеро, одамзот қадим замонлардан бери сеҳрли оҳанг, ёқимли овоз гадоси бўлиб келган. Шу ҳақдаги ривоятлардан бирида айтилишича, ўтмиш подшоларидан бири қўшиқни ва қўшиқ айтган кишини сира ёқтирмас экан. У шу даражага бориб етибдики, қўшиқ айтиш тугул ҳатто ҳиргойи қилган кишини ҳам қатл этиш ҳақида фармон чиқарибди. Фалакнинг гардиши билан баджаҳл подшо қаттиқ касалга чалинибди. Ҳар хил дорӣ-дармон унга қор қилмаганидан кейин бир табиб бу касалликни фақат қўшиқ орқалигина даф қилиш мумкинлигини айтибди ва шу йўл билан подшо шифо топибди. Шундан кейин у янглишганини англаб, ўз фармонини бекор қилган экан.

Кўҳна тарихимиздан шу нарса маълумки, инсон ҳаётида мусиқа азалдан беқиёс ўрин тутиб келади. Самарқанд яқинидаги Мўминобод қишлоғидан 3 минг 300 йиллик тарихга эга бўлган най чолғуси топилгани ҳам шундан далолат беради.

Юракни сел қилувчи чолғу асбобларининг моҳир ижрочилари Паганини, Ойстрах, Ростропович ва бошқа мусиқашунослар ҳеч қачон вабога чалинган эмаслар. Москвадаги ошқозон-ичак касалликлари илмий-текшириш институти тадқиқотчилари мазкур муаммо билан жиддий қизиқиб қолдилар. Масалан, Паганини «Кампанелла»ни уч соат давомида чалганда назорат пробиркаларидаги виброн (вергул шаклидаги бактерия)ларнинг

тўқсон фоизи ҳалок бўлганлиги аниқланган. Шундан кейин институт мутахассислари Моцарт, Сальери ва Шчедрин асарларидан вабога қарши дискни ёзиб олганлар. Улар бу дискни кунига уч марта эшитган одам вабо касалига чалинмаслигига кафолат бермоқдалар.

Муסיқа нафақат инсон, балки ҳайвон ва ўсимликларга ҳам кучли таъсир этиши олимлар томонидан эътироф этилган.

Францияда чиқадиган «Матэн» газетасининг таъкидлашича, мушукларнинг мумтоз муסיқага ҳайрон қоларли даражада ишқибозлиги аниқланган. Уларга, айниқса, Моцарт ва Вивальди муסיкалари жуда ёқар экан.

– Мушук қулоғининг 27 рецептори, – дея таъкидлайди «Матэн» газетаси, – табиий равишда оҳанг қабул қилишга лаёқатли. Улар ёрдамида мушуклар ўз ўлжасининг билинар-билинамас кимирашини, майсаларнинг енгил шитирлаши ва бошқа жуда кўп товушларни илғайди. Ҳатто ультратовушларни ҳам эшитиш қобилиятига эга. Уларда бундай қобилият одамларникига нисбатан уч баробар кучли.

Япониянинг «Коденко» фирмаси кизикарли тажриба ўтказди. Сабзавот плантацияларида овозни кучайтириб берувчи қурилма ўрнатилиб, ундан кеча-ю кундуз машҳур композиторлар – Бах, Бетховен ва Моцартларнинг куйи янграб турди. Қизиғи шундаки, муסיқасиз майдон билан муסיқа чалиниб турган жой солиштирилганда, классик куйнинг сеҳрли кучи билан шу жойдаги сабзавотлар икки марта тез ўсиб, кўп ҳосил берган.

– Космонавт учиш пайти ўзи билан чекланган вазнда буюм олиши мумкин, – дейди космонавт Солижон Шарипов «Jannatmakon» журнали мухбирига берган интервьюсида, – Мен Ўзбекистон ва Қирғизистон байроғи, ўзбек дўлписи, яқинларимнинг суратлари ҳамда бир даста мумтоз куйларимиз ёзилган дискларни олволганман. Ростки, муסיқа менга фалак илмидан ҳам кўпроқ завку шавк беради. Осмонга чиққанда мумтоз куйларимизни эшитиб, буткул ўзгача завқни туйдим. Умуман, муסיқа фақат маънавий озуқа бериб қолмай, инсон онгига, мия фаолиятига ҳам ижобий таъсир этади. Одам яхши куй эшитганда генлари фаоллашади, оқсил ишлаб чиқариш кўпаяди ва бу хотиранинг кучайишига хизмат қилади. Моцарт эффекти назарияси бўйича ҳам муסיқа IQ (интеллектуал

салоҳият)ни кўтаришга кўмак беради. Масалан, Американинг Флорида штати боғчаларида болаларга ҳар куни камида ярим соат муסיқа эшиттирилади. Жоржия, Теннеси штатларида эса янги туғилган чақалоқларнинг иммунитетини кучайтириш учун эмлаш қатори муסיқа тинглаш ҳам тавсия этилади.⁷

Машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздий ўзининг «Зафарнома» китобида Амир Темур даврида кўплаб муסיқий анжуманлар ўтказилганлиги ҳақида ёзади. Мустақиллик йилларида улғу бобокалонларимизнинг ана шундай анъаналарини давом эттирган ҳолда, мамлакатимизда муסיқа санъатини кенг ривожлантиришга қаратилган дастур ва режалар амалга оширилмоқда. Энг муҳими, бугунги кунда муסיқа санъати навқирон авлодларимизнинг юксак маънавий руҳида камол топишида бошқа санъат турларига қараганда кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатмоқда. Бу масалада, айниқса, ёшлар қалбини ўзига ҳар томонлама жалб этадиган эстрада санъатининг аҳамияти бекиёс эканини барчамиз яхши англаймиз. Эстрада санъатининг бугунги ва эртанги ривожи ҳақида сўз юритар эканмиз, авваламбор, «миллий эстрада» деган иборанинг маъно-мазмунига алоҳида эътибор беришимиз, уни ҳар қандай бегона таъсирдан, айниқса, «оммавий маданият» руҳидаги оқимлар таъсиридан ҳимоя қилишимиз зарур, албатта. Бу ҳақда гапирганда, бир ҳолатни афсус билан қайд этишимизга тўғри келади. Яъни, айрим ёш ижрочи ва ижодий гуруҳларнинг жамоатчилик эътиборига тақдим этаётган «асар»лари санъатнинг ҳеч қандай талаб мезонларига жавоб бермайди. Нафақат мавзу ва муסיқа, балки саҳна ҳаракатларида ҳам очикдан-очик ажнабий «оммавий маданият» кўринишларига тақлид, «юлдузлик касали»га чалиниш ҳолатлари тез-тез учраб тургани чинакам санъат мухлисларини ранжитмасдан қолмайди, албатта. Ақниқса, бизнинг миллий санъатимизга, ахлоқ-одоб қоидаларимизга мутлақо тўғри келмайдиган клиппар, турли тиллардаги сўзларни қориштириб ёки талаффузини атайлаб бузиб айтиш каби номуносиб ҳаракатларни айрим ёш ижрочилар ўзлари учун қандайдир янгича услуб деб билаётгани, санъатни, унинг моҳияти ва аҳамиятини тушунмасликдан бошқа нарса эмас.

⁷ «Jannatmakon», 2010, сентябрь. – Б. 40-41.

Маданий жамоатчилигимиз, айниқса, мусиқашунос олимлар, устоз санъаткорлар, композиторлар, шоир, ёзувчи ва журналистлар, кўп сонли санъат ихлосмандлари бу масала юзасидан ўз фикрларини очиқ билдириб бориши, шу тарика ёшларимизга тўғри йўл кўрсатиши зарур деб ўйлаймиз. Чунки биз учун ахлокий жихат ва хусусиятлардан номаъкул, миллий қадрият ва қарашларимизга ёт бўлган, аммо ҳозирги вақтда ҳаётимизга бостириб кириб келаётган мана шундай турли хил кўринишларни бамисоли юқумли касаллик деб қабул қилишимиз ва айна шу асосда бундай хусусиятларни ўта хавфли ҳолат эканини англашимиз лозим. Нега деганда, агар инсоннинг қулоғи енгил-елпи, тумтароқ оҳангларга ўрганиб қолса, бора-бора унинг бадиий диди, мусиқа маданияти пасайиб кетиши, унинг маънавий оламини сохта тушунчалар эгаллаб олиши ҳам ҳеч гап эмас. Охир-оқибатда бундай одам «Шашмақом» сингари миллий меросимизнинг ноёб дурдоналарини ҳам, Моцарт, Бетховен, Бах ва Чайковский каби дунё тан олган буюк композиторлар асарларини ҳам қабул қилиши қийин бўлади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун санъаткорлар орасида соғлом ижодий муҳит ташкил қилиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг мумтоз асарлари билан бирга, уларнинг кайфияти ва интилишларига мос келадиган замонавий эстрада намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, мусиқий таълимни янада ривожлантириш масалалари ўта муҳим аҳамият касб этади.

УЧИНЧИ БОБ

ТИЛ ШАРОФАТЛАРИ

3.1. Саломлашиш ва ундан келадиган шарофатлар

Ассалому алайкум,

Қоғоз!

Ассалому алайкум,

Қалам!

...

Ассалому алайкум,

Илҳом!

Худойимдан

Сўрадим

Сени...

Ассалому алайкум,

Юрак –

Эй,

Сўнги дамгача

вафодор!..⁸

Бу сатрларни 2014 йили «Фарғона» нашриёти томонидан чоп этилган таникли шоир Баҳодир Исонинг «Муҳаммад Юсуф» деб номланган достони муқаддимасидан кўчириб олдик. Биз билган, бизга ўргатишган таомилларга кўра, салом, одатда, кишилар ўртасида ўзаро бир-бирларига берилар эди. Шеър, шеърят шундай сарҳад билмас мўъжиза эканки, шоир минг йиллик таомилларни билгани холда, зоҳиран жонсиздек бўлиб кўринадиган предметлар: қалам, қоғоз, илҳом...ларга ҳам салом бермоқда. Зеро, «ассалому алайкум»нинг қудрати шу қадар буюкки, буни англаб етиш учун унинг маъносидан, тарихидан бохабар бўлишимиз лозим.

Бу жумла аслида «Ас-салом алайкум» шаклида, яъни «ас» ажратиб ёзилиши керак. Лекин бу сўзни қабул қилган кўпчилик

⁸ Баҳоир Исо. Муҳаммад Юсуф. – Фарғона. «Фарғона», 2014 й. – Б. 5.

халқларда қулайлик учун чизикчасиз «ассалом» шаклида кўшиб ёзиш одат тусига кириб кетган.

«Салом» сўзи арабча «салима» – ҳозирги-келаси замон шаклидаги «йасламу» феълидан олинган бўлиб, «саломатлик, тинчлик, хавф-хатарсиз, нуқсонсизлик, поклик, осойишталик, халос бўлиш, итоаткорлик, бўйсунуш, нажот топиш» каби қатор маъноларни англатади.

Ҳар бир ота-она тарбия, одоб берар экан, энг аввало, саломлашишни ўргатади. Халқимиз бежиз «Гапнинг боши – калом, одоб боши – салом» демаган. Бирор нотаниш киши билан кўришиб-танишмоқчи бўлсангиз, салом беришингиз билан гап гапга қовушади, ўртадаги бегонасираш, ноқулайлик барҳам топади. Ҳатто муҳолифингизнинг хузурига «ассалому алайкум» (сизга тинчлик омонлик бўлсин) деб кирсангиз, у жахлидан тушади, кеки йўқолади, кўнгли сизга мойиллашади. Саломлашишнинг савоби, бунга бериладиган ажр-мукофотлар-ку, ҳаммасини босиб кетади.

Абдуллоҳ ибн Аббос: «Ҳар бир нарсанинг ниҳояси бор, саломнинг ниҳояси баракотдир», деган. Хабарларда келишича, энг яхши амал очларни тўйдириш ва таниган-танимаган кишига салом беришдир.

Хусайн Воиз Кошифий бундай ёзади: «Агар «Саломга жавоб бериш одоби қайси?» деб сўрасалар, «Бунинг етти шарт бор», деб айт. Биринчидан, саломга хурсанд бўлиб алик олиш. Иккинчидан, салом беришга «Раҳмат», дейиш. Учинчидан, Ислом миллатига мансуб бўлмаган одам салом берса ҳам алик олиш. Тўртинчидан, саломга алик олувчининг ҳам таҳоратли, пок бўлиши. Бешинчидан, кўп киши турган бўлса, ораларидан бир одам саломга жавоб қайтарса кифоялиги. Олтинчидан, саломга ишорат ёки имо билан эмас, овоз чиқариб алик олиш. Еттинчидан, саломга алик олганда салом берган кишининг эшитиши зарурлиги».

Салом бериш ва алик олиш хусусида ахлоқ-одобимизнинг куйидаги бир қанча кўрсатмалари бор:

«Аввал салом, кейин калом» (яъни бошқа гап сўзлар).

«Оила аъзоларингиз хузурига, яъни уйингизга салом билан кириш, шунда сизга ҳам, оилангиз аъзоларига ҳам барака ёғилади».

«Одамларнинг Яратганга энг яқини – бошқаларга энг аввал салом берганидир».

Ҳар бир халқнинг ўзига хос саломлашиш одоби бор. Аммо куйидагича шарқона саломлашиш буларнинг энг гўзали ва чуқур маънолисидир:

Оқил ва одобли киши дўстлари ва яқинлари билан учрашганда, одамлар олдидан ўтаётиб, бирор мажлис ёки жамоат жойига кирганда, «Ассалому алайкум», деб салом бериши зарур. Саломни янада тўлиқ ва маънодор қилиш учун «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу баракотух», яъни «Сизга тинчлик-омонлик, Аллоҳнинг раҳмати ва баракоти бўлсин», дейилади. Алик олиш ҳам чиройли ва мукамал бўлиши керак.

3.2. Мурожаат одоблари ва ундан келадиган шарофатлар

Ўтмишда «ови юрса ҳам дови юрмай», тобора камбағаллашиб бораётган бир деҳқон йўл четида ўйланиб турса, фақиргина йўловчи ўтиб қолибди. Шунда деҳқон:

– Эй, донишманд, нима эксам, мен бойиб кетаман? – деб маслаҳат сўрабди.

Йўловчи унга пиёз экишни тавсия этибди. Нотаниш йўловчининг гапига кирган деҳқон ўша йили чиндан ҳам бойиб кетибди. Шодлигидан босар-тусарини билмай қолган деҳқонга яна ўша одмигина йўловчи учраганида:

– Эй, гадо, нима эксам, янада бойиб кетаман? – деб иккинчи маротаба мурожаат қилибди.

Шунда у яна бир экиннинг номини айтиб, йўлида давом этибди. Фалакнинг гардишини қарангки, кейинги йили деҳқоннинг омади чопмай, илгаригидан ҳам камбағаллашиб кетибди.

Бундан гоятда ғазабланган деҳқон ҳалиги йўловчини сабрсизлик билан кута бошлабди. Ниҳоят, у таниш йўловчи билан дуч келибди ва:

– Эй, нотавон йўловчи, нега мени алдадинг? Гапингга кириб, янада бойиш ўрнига буткул камбағаллашиб кетдим-ку! – деб ғазаб қилибди.

– Ўзингни бос, – дебди йўловчи. – Биринчи йили сен менга «донишманд» деб мурожаат қилдинг. Мен донишманднинг

жавобини бердим. Натихада сен бойиб кетдинг. Кейинги сафар эса менга «Гадо» сўзини муносиб кўрдинг ва мен гадонинг жавобини бердим, – деган экан...

Маданиятимиз «гуллаб-яшнаган» шўролар даврида дўсту ёрларимизга, таниш-нотанишларга мурожаат қилиш одобини ҳам бир қадар унутиб қўйганимиз ҳеч кимга сир эмас. Тилидан бол томиб турадиган, танишларининг бирига ака, бирига ўртоқ деб мурожаат қиладиганларни эса дарров лаганбардорликда айблашга ошиқадиган бўлиб қолдик. Буларнинг ҳаммаси ўта маданиятсизликдан ёки мурожаат одоби меъёрини билмасликдан келиб чиқади. Тилдаги ҳар бир сўз ўз вақти ва ўз ўрнида қўллангандагина, нутқимиз кўркем, ўзимиз маданиятли ҳисобланамиз. Зеро, тилдаги ҳар бир сўзнинг ўз ўрни, ўз меъёри бор.

3.3. Сукут ва ундан келадиган шарофатлар

Бутун онгли инсон оламида рамазон ойи ҳар жиҳатдан тийилиш фасли ҳисобланади. Ўз «мен»лигидан устун туриш ҳиссида тарбия топган онгли инсонлар бу муборак айда нафақат нафси, балки бошқа кўп нарсалар билан бир қаторда тилни ҳам тийиш зарурлигини яхши биладилар. Тилни тиймоқ одобларига бақариб чақирмаслик, сўз орқали бировнинг дилини оғритмаслик ва энг муҳими, гапириш зарур бўлмаган пайтда сукут қилиш кабилар қиради.

Алоқа-аралашувда ҳатто сукут (жим туриш, гапирмаслик) ҳам нолисоний восита сифатида иштирок этади ва ўзига хос муомалавий мазмун ифодалайди. Албатта, сукут сўз ёки гапдан фарқли ўлароқ муомала жараёнидан ташқари ҳолларда, яъни уйку ва шунга ўхшаш ҳолатларда муомалавий мазмун ифода этмаслиги мумкин. Шунинг учун тилшунос олим М.Саидхонов сукутни муомалавий мазмунга эга бўлган ва эга бўлмаган турларга ажратади.

Кузатишлардан маълум бўлишича, кўпгина халқларда муомала жараёнидаги сукут бир-бирига яқин мазмун ифода этар экан. Жумладан, ўзбекларнинг «Сукут – аломати ризо» деган гапи русларнинг «Молчание – знак согласия» деган гапи билан айнан мос

келса, немислар нутқида қўлланадиган «Жавоб бермасликнинг ўзи жавобдир» мазмунидаги гап «Аҳмоққа жавоб – сукут» деган ўзбек халқ мақоли мазмунига анча мос келади. Аммо «сўзнинг ҳақиқий ҳаёти – матн ичида» (А.А.Потебня) бўлгани каби, сукутнинг ҳақиқий мазмуни ҳам табиий муомала жараёнида аниқ билинади.

Ёзувчи Тилаводи Жўраевнинг «Шароит» ҳикоясидан олинган қуйидаги жумлаларда сукутнинг муомалавий мазмун турлари беихтиёр санаб ўтилади: «...Машинада алланечук сукунат зоҳир эди. Бу асло араз, гина, ўпка, таъна, маломат сукути эмасди. Бу сукут – роз сукути эди...» Кўринадик, вазият тақозоси билан боғлиқ ҳолда сукут бир қатор муомалавий мазмун ифода этиши мумкин экан. Абдулла Қаҳҳорнинг «Анор» ҳикоясидан олинган қуйидаги парчада индамаслик аразлаш, хафа бўлиш мазмунларини ифода этади:

« – Мушак, – деди Туробжон, – Муллажон қозининг боғида. Муллажон кози бешик тўйи қилган.

Хотин индамади.

– Шаҳардан тўралар ҳам чиққан, – деди Туробжон яна.

Хотин яна индамади....»

Чунки бу пайтда Туробжоннинг бошқоронги хотини ҳеч бўлмаса бир донагина анор топиб келолмаган эридан ва замона зайлидан хафа. Унинг бу пайтдаги ҳолатини ҳеч қандай сўз билан ифода этиб бўлмайди. Шунинг учун бошқоронги хотин ўз ички изтиробларини фақат индамаслик орқалигина изҳор қилади.

Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романидан келтирилган қуйидаги парчада эса сукутнинг таҳқирлаш мазмуни яққол ўз ифодасини топган: «...Отабек бу чўлтоқ супургини таниди ва унинг истеҳзоларини онглаб, маъносиз бу саволларга жавоб бериб ўлтуришдан сукутни хайрли топди. Гўё ўзининг бу сукути билан Онгли инсонқулга маънолик бир жавобни қилар эди. Чиндан ҳам Онгли инсонқул бу сукутдан таҳқирланди, тутуни кўкка кўтарилар экан бақирди:

– Нега жавоб бермайсан?!»

Ҳа, «нафратли сукутдан ортиқ хўрловчи жавоб бўлмас» ва «баъзан сукут ҳар қандай гапдан ҳам маъноли бўлади».

ТЎРТИНЧИ БОБ

ТИЛ ОФАТЛАРИ

Биз ҳар куни, ҳар лаҳзада гапирамиз ва бунга одатий бир нарсайи ўрганиб ҳам қолганмиз. Лекин тафаккур қилиб кўрсак, нутқ, овоз чиқариш ниҳоятда мураккаб, нозик бир жараён экани маълум бўлади. Бу жараёнда инсоннинг ақли рухидан тортиб, кичик пай ёки томирларигача иштирок этади. Шулардан бирортаси ўз вазифасини бажара олмай қолса ёки сувлашиб қолса, нутқ издан чиқади. Гапиришнинг рўй бериши ва ҳар бир индивид нутқининг турли-туманлиги – буларнинг бари улкан мўъжизадир. Бундай неъматни улуғ Аллоҳдан ўзга ҳеч ким бера олмайди. Шунинг учун бошқа неъматлар қатори нутқ неъматига, баён орқали ўз фикрини изҳор эта олиш неъматига ҳам шукр қилишимиз лозим бўлади.

Аллоҳ таоло Одамни ўзининг Ер юзидаги халифаси қилаётган пайтда улуг бир сирни берган. Бу ҳам бўлса, Одамга турли нарсаларнинг номларини ўргатишидир. Яъни инсон ўзини ўраб турган барча ашёларнинг белгиси сифатида уларнинг номларини идрок этади ва бу номларни ўз маъносидан ишлатади. Ҳис қилинадиган, жисмга эга бўлган нарсаларни фахмлаш учун нутқий рамзларни ишлатиш қудрати инсон ҳаётида энг улуг имкониятлардан бири ҳисобланади. Акс ҳолда, бировга тоғнинг нималигини тушунтирмоқчи бўлсанг, уни тоғ олдида олиб бориб, атрофидан айлангириб кўрсатишдан ўзга чора қолмаган бўлур эди. Агар Аллоҳ таоло инсонга ушбу қобилиятни бермаганида, Ер юзидаги ҳаётни ҳатто тасаввур қилиш ҳам қийин бўларди.

Ҳаётда ҳар қандай сўзнинг ўз ўрни, аҳамияти, салмоғи бор. Инсон бир сўз билан мўмин бўлиб, бир сўз билан иймондан чиқади. Никоҳ ўқилгандан кейин икки ёш бир оғиз сўз билан эр-хотинга айланишади. Улар «розиман» ва «қабул қилдим» сўзлари билан бир-бирларига ҳалол бўлишади. Шунингдек, биргина «талок» сўзи билан бир неча йил бирга яшаган эр-хотин ажрашиб, бутунлай бегоналашиб кетиши ҳам мумкин. Демак, сўзга эътиборли бўлиш, унинг қимматини тўғри англаш, оғзидан чиқаётган ҳар бир сўзга

жиддий муносабатда бўлиш онгли инсоннинг бурчидир. Ислолда инсоннинг каломига, унинг сўзлашув одобига катта эътибор берилган, нутқ фасоҳатига ва тил маданиятига алоҳида аҳамият қаратилган. Уламоларимиз бу соҳага оид зарур кўрсатмаларни Қуръони Карим оятлари ва Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари асосида тақдим этишган. Улар олдин каломнинг яхши ва ёмон бўлишини баён қилиб, сўнг яхшисини олишни, ёмонини тарк этишни тавсия қилишган.

Калом (сўз)нинг ёмони келтирадиган турли зарарларни уламолар «тил офатлари» деб номлашган. Ҳақиқатан, тилдан чиққан ёмон сўзлар ўз эгасига ҳам, ўзгаларга ҳам офат келтириши аниқ. Шунинг учун ҳам яхшилик дини бўлган Илом кишиларни барча офатлардан, жумладан, тил офатларидан ҳимоя қилиш чораларини кўради. Тил офатлари кўп: бемаъни, бефойда сўзларни гапириш, ботил, гуноҳ ишларни сўзлаш, сергаплик ва одамларга ёқиш учун сўзамоллик қилиш, фахш, сўкиш, одобсизлик, ахлоқсизлик билан сўзлар айтиш, ўзгаларни мазахлаш ва устидан кулиш, сирни ошқор қилиш, ёлгон сўзлаш, гийбат ва бошқалар тил офатларидир. Буларнинг ҳаммаси қораланган ва инсонлар улардан қайтарилган. Чунки бу сўзларнинг манбаи ёмонлик ва маломатдир. Қуйида мазкур тил офатларидан баъзилари ҳақида мушоҳада юритишга ҳаракат қиламиз.

4.1. Ёлгон ва ундан келадиган офатлар

Тил офатларининг энг ёмони ёлгон гапириш, ёлгон гувоҳликка ўтишдир. Ёлгончилик барча разилликларнинг онаси, кулфатларнинг боши, инсонни қабиҳ ишларга бошловчи, обрўсини тўқувчи иллатдир. Шу сабабдан Илом одобида ёлгон гапиришдан қайтарилган. Ёлгон ростнинг зидди бўлиб, хабарнинг воқеликка тўғри келмаслиги, ҳақиқатнинг хилофи каби маъноларни англатади. Бундай ҳолатларда хоҳ қасддан, хоҳ қасд қилмай баён этиш, гапириш ёлгон саналади. Ёлгон гапириш, ёлгон гувоҳлик бериш шариатимизда қаттиқ қораланган ва бу нарса улкан гуноҳ (гуноҳи қабира)га тенглаштирилган.

Ёлгондан асли йўқ нарсани тўқиш, бор нарсага маънони

ўзгартириб юборадиган даражада кўшимча кўшиш ёки нуқсон етказиш, бор нарсани гапираётганда маънони ўзгартириб юборадиган даражада ибораларни ўзгартириш каби ҳолатлар бўлади. Аллоҳ таолога ва Расулуллоҳ алайҳиссаломга қасддан ёлғон тўқиш куфрдир. Узрсиз ёлғон гуноҳи кабирадир.

Қуръони Каримда ёлғон ҳақида бир юз олтмиш еттита оят бор. Аллоҳ таоло «Наҳл» сурасида: «Ёлғонни фақат Аллоҳнинг оятларига иймон келтирмайдиганларгина тўқирлар. Ана ўшалар – ўзлари ёлғончилардир», деган. (105-оят)

Аллоҳ таоло «Ғофир» сурасида марҳамат қилади: «Албатта, Аллоҳ ҳаддидан ошган, каззоб шахсни ҳидоят қилмас» (28-оят).

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Мунофиқнинг аломати учтадир: гапирса, ёлғон гапиради, ваъда берса, устидан чикмайди ва омонат унга ишонилса, хиёнат қилади», деганлар. (Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар).

Ёлғончининг турлари кўп. Хиёнат – ёлғончиликнинг энг ёмон кўринишидир. Ёлғондан гувоҳлик бериш эса жамиятни бузишга, одамларга зулм, жафо етказишга, улар ўртасида адоват ва хусумат туғилишига сабаб бўлади. Бир инсоннинг мартаба-амалига, обрў-номига путур етказишга ҳаракат қилиб, бўҳтон уюштириш ва чақимчилик қилиш ҳам ёлғоннинг турларидан бўлиб, энг ёмон иллатлардан саналади. Одамларни кулдириш учун ёлғон тўқиш, кўрмаган тушини кўрдим, деб бошқаларга сўзлаш, фарзандга бирор нарса олиб бераман, деб алдаш, эшитган ҳар бир гапни суриштирмай тарқатиш, ёлғон қасам билан ўзганинг молини ўзлаштириб олиш ёлғоннинг энг хатарли кўринишларидир.

Мўминлар ёлғонни катта гуноҳ деб билишади. Улар ёлғон гапиришлари туфайли охиратда азобга гирифтор бўлишларидан қўрқиб, ёлғонни тарк этишади. Бироқ дунёда мутлоқ яхши нарса бўлмагани каби буткул ёмон нарса ҳам бўлмайди. Аммо нимагадир яхши деган нарсамизни ошириб мақташга, ёмон деган нарсамизни эса бутунлай қоралашга одатланиб қолганмиз. Бу эса ўз-ўзидан алдаш, кўра-била туриб ҳақиқатдан кўз юмишдан бошқа нарса эмас. Шу ўринда кўпчилик фақат ёмон томонларини биладиган ёлғоннинг яхши томонлари ҳам борлиги ҳақидаги ҳикматлардан

бирига эътибор қаратайлик: «Инсоннинг ҳар бир ёлғон гапи унга гуноҳ бўлиб ёзилади, уч хили эса бундан мустасно:

1. Урушда, чунки уруш ҳийла ва макрсиз бўлмайди.

2. Эрнинг хотинига муроса учун гапирган ёлғони.

3. Аразлаган икки кишини муроса ёки сулҳга келтириш ниятида гапирилган ёлғон гапи. («Ҳадис»дан)

«...Бир подшоҳ бир асирни ўлдиришга фармон берди. Шўрлик асир ҳаётдан умидини узиб, подшоҳни бошлаб сўка бошлади. Подшоҳ: «Нима деяпти?» деб сўради. Софдил вазирлардан бири: «Эй, подшоҳи олам, «Ҳар кимки ғзабини ичига ютар, у гуноҳ қилганнинг гуноҳини ўтар» деяпти, деб жавоб берибди. Подшоҳнинг раҳми келиб, вазирни афв этди. Софдил вазирнинг пайини қирқиб юрадиган иккинчи вазир гапга аралашиб, деди: «Бизнинг мавқеимизда бўлган одамлар подшоҳ ҳузурда рост сўзлашлари лозим. Бу асир подшоҳни ҳақорат қилди ва шаънига ёмон гаплар айтди». Подшоҳ бу сўзни эшитиб, кош-қовоғини солиб, деди: «Сен айтган рост гапда, унинг ёлғони менга маъқул тушди, чунки унинг ёлғони ҳайрихоҳлик юзасидан айтилган эди, сеники эса жиноятга бошлаш учун айтилди. Донишмандлар: «Фитна кўзғатувчи ростдан, маслаҳатли ёлғон яхши», деганлар...» (Саъдийнинг «Гулистон» асаридан).

4.2. Ғийбат ва ундан келадиган офатлар

Инсоннинг бор айбларини унинг йўқлигида зикр қилиш ғийбатдир. Ғийбатнинг ҳаром, гуноҳи кабиралардан эканини барча уламолар бир овоздан таъкидлашган.

Аллоҳ таоло «Хужурот» сурасида марҳамат қилади: «Баъзиларингиз баъзиларингизни ғийбат қилмасин. Сизлардан бирорталарингиз ўз ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўрурми? Ҳа, ёмон кўрасизлар. Аллоҳдан қўрқинлар! Албатта, Аллоҳ тавбани кўплаб қабул қилувчи, ўта раҳмлидир» (12-оят).

Ахлокимиз талабларига кўра, бир биродарингиз ортидан ундаги нуқсон ва камчиликларни гапириш ғийбат саналади. Борди-ю, унда бу камчиликлар бўлмаса, унга нисбатан бўҳтон ҳисобланади. Абу

Ҳомид Фаззолий: «Одамларни ўзлари йўғида ёмонлаш қалбларга қилинган хиёнатдир», деган. Хусайин Воиз Кошифий айтади: «Ғийбат гуноҳи зино гуноҳидан ҳам улкан». «Бўшамаса тили ғийбатдан, бўшамайди дил укубатдан», деб ёзади Фаридиддин Аттор.

Ғийбатчига кулоқ солган киши ғийбатга шерик саналади. Фақат унинг гапини тили билан инкор қилсагина, гуноҳидан қутулади. Ғийбат қилиш ўлган биродарининг гўштини ейиш кабидир.

Али ибн Хусайн (ҳазрат Алининг набираси) розияллоҳу анҳу айтди: «Ғийбат қилишдан эҳтиёт бўл, зеро, у одамлар итининг нонхурушидир».

Атоқли муҳаддис, фақиҳ, обид ва зоҳид Имом Ибн Ваҳоб айтади: «Ғийбат балосидан қутулиш учун агар бирор кишини ғийбат қилсам, бир кун рўза тутиб бераман, деб қарор қилдим. Бора-бора бу ҳам осон кўринди, иллатни батамом тарк эта олмадим. Шунда кимни ғийбат қилсам, бир динор садақа қилишга киришдим ва шу йўл билан ғийбатдан батамом қутулдим». Бу ҳақда машҳур ҳадислар ва саҳобалару солиҳ салафлардан қилинган ривоятлар кўп.

4.3. Чақимчилик ва ундан келадиган офатлар

Чақимчилик деганда бузғунчилик йўли билан одамларнинг гапини бир-бирига етказиш тушунилади.

Аллоҳ таоло «Қалам» сурасида марҳамат қилади: «Итоат қилма ҳар бир қасамхўр, ҳақирга, айбловчи, чақимчилик қилиб юрувчига, яхшилиқни ман қилувчи, тажовузкор, сергуноҳга» (10-12-оятлар).

Чақимчиликнинг ҳаромлигига онгли инсонлар ижмоъ қилишган. Баъзилар «Чақимчилик гуноҳи кабирадир», дейишган.

Ҳаммам розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Хузайфа унга: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Чақимчи жаннатга кирмайди», деганларини эшитганман», – деди».

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «У киши Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Албатта, одамларнинг (энг) ёмони бир юз билан, бировга (бошқа) бир юз билан келадиган иккиюзламачидир», деганларини эшитган

эканлар». (Иккисини Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар).

Чақимчиликнинг моҳияти пинҳон сирни фош қилиш ва ошкор этилиши ёқтирилмаган нарсани эълон қилишдир. Ҳар бир кўрган нарсасини бошқаларга бориб, гапиравериш чақимчиликдир. Онгли инсонлар бундай иллатдан тийилишлари лозим. Ҳасан Басрий мана шу хусусда шундай деганлар: «Ким сенга бир гапни етказса, билки, у сенинг гапингни ҳам бошқаларга етказди».

Сўйилган ҳайвоннинг аъзолари парчаланиб, бўлингани каби чақимчилик ҳам жамият аъзоларини парчалаб, бир-бирдан ажратиб, бўлиб ташлайди. Чақимчилик тарқалган жамиятда бирлик, ҳамкорлик йўқолиб боради. Бу эса ҳар қандай жамият учун ўта хатарлидир. Айтишларича, чақимчининг амали шайтоннинг шарридан ҳам зарарлироқдир. Чунки шайтоннинг амали васваса билан бўлса, чақимчининг амали бевосита бўлади.

4.4. Сўкиш ва ундан келадиган офатлар

Рост бўлса ҳам аччиқ-тизиқ ва уятсиз гапларни гапириш, сўкиниш шариатимизда қаттиқ қораланган. Сўкиш кабиҳ саналган нарсани очик-ойдин сўзлар билан ифодалашдир. Аччиқ-тизиқ ва кесатиш сўзлари рост бўлса ҳам нутқдаги фахш ва кабиҳликдан бошқа нарса эмас.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Онгли инсонни сўкиш ҳалокат жари ёқасига келган кабидир», дедилар» (Базор ривоят қилган).

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Наби соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Онгли инсонни сўкиш фосиқликдир. У билан уришиш куфрдир», дедилар» (Икки шайх ва Термизий ривоят қилганлар).

Шунинг учун ҳам онгли инсон зинҳор ва зинҳор бировни сўкмаслиги, хунук сўзларни оғзига олмаслиги керак. Бундай шармандалиқ ва одобсизликнинг яқинига ҳам йўламаган маъқул.

4.5. Масхара ва ундан келадиган офатлар

Масхара бировни паст санаш ва хор билишдир. Масхара маънавий жиҳатдан ақлни паст санаш ва ҳиссий жиҳатдан ишни хор санашдир. Бу нарса масхара эгаси учун арзийдиган ва масхара қилувчи учун арзимайдиган нарсадир. Масхара қилиш бировни пастга уриш ва хорлаш йўли ила кулгига олишдир. Гоҳида гап ва амалга таклид қилиш, имо-ишора билан ёки лақаб қўйиш билан ҳам масхара юзага келиши мумкин.

Аллоҳ таоло «Анбиё» сурасида марҳамат қилади: **«Батаҳқиқ, сендан олдинги расуллар ҳам истехзо қилинганлар. Бас, уларни масхара қилганларни ўзлари истехзо қилиб юрган нарса ўраб олди» (41-оят).**

Бошқа бир ояти каримада бундай зикр этилади: **«Эй, иймон келтирганлар, бир қавм бошқасини масхара қилмасин, эҳтимол, улар булардан яхшироқдир. Ва аёллар ҳам бошқа аёлларни (масхара қилмасинлар), эҳтимол, улар булардан яхшироқдир. Ва ўзингизни ўзингиз масхара қилманг, бир-бирингизга лақаб қўйманг» (Хужурот) сураси, 11-оят).**

Албатта, ўзгаларни масхара қилиш, одамларга истехзо билан сўзлаб, уларга озор бериш ёмон одат бўлиб, жамият аъзолари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг бузилишига сабаб бўлади.

4.6. Маддохлик ва ундан келадиган офатлар

Ортиқча ва ноўрин мактов маддохликдир. Бирор мансаб ёки манфаат илнжида одамларни юзига мактовчи, асли йўқ, ҳақиқатга зид ва ботил нарсаларни тарғиб қилувчилар маддох деб аталади. Ҳадисда келишича, бир киши Усмон розияллоҳу анхуни мактаганида, саҳоба Микдод ибн Асват розияллоҳу анху унинг юзига тупроқ сочиб юборган. Усмон «Бу нима қилганингиз?» деб сўраганида, Микдод бундай деган: «Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Агар маддохларни (мактовчиларни) кўрсангиз, юзига тупроқ сочинглар», деганларини эшитганман» (Имом Муслим ривоят қилган). Ноўрин маддохлик макталган

кишининг кибрга берилиб кетишига ва босар-тусарини билмай, ахлоқан бузилишига олиб боради. Натижада бундай одам ҳалокатга учрайди ва бора-бора одамгарчиликдан чиқади. Шунинг учун шариатимизда маддохликдан тийилиш буюрилган.

Абу Мусо розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: **«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир кишининг бошқа бировни мактаб, маддохлик қилаётганини эшитиб қолдилар ва: «Ўша одамни ҳалок қилдиларинг ёки белини уздиларинг», дедилар» (Бухорий ва Муслим ривоят қилганлар).**

Кишининг юзига макташнинг фойдаси ҳам, хатари ҳам бор. Агар макталаётган киши комил иймонли, ишончли, риёзатли, маърифатли бўлса ва мактовдан фитналанмаса ёки гурурга кетмаса, мактов ҳаром ҳам, макруҳ ҳам бўлмайди. Аксинча бўлса, кишининг юзига макташ қаттиқ макруҳ бўлади. Суннатга кўра, агар бир кишини макташга тўғри келиб қолса, «У шундай фазилатларга эга бўлса керак, деб ўйлайман, агар у шу сифатларга эга бўлса, «Унинг кифоячиси Аллоҳдир, Аллоҳ олдида бирор киши айбсиз эмас», дейиш керак.

Одамлар даражаларига қараб мактовни турлича қабул қилишади. Авом кишилар мактовдан яйраб хурсанд бўлишади, маддох айтаётган фазилатлар ўзларида мавжудлигидан фахрланиб, кибрланишади, мактовчини ўзларига дўст туттишади. Обидлар мактовдан иложи борича қочишга ҳаракат қилишади, кибр эгаллаб қолмаслиги учун қалбларини ихоталаб олишади. Орифлар эса бундай ҳолларда «Агар Аллоҳ айбларимни беркитмаганда, одамлар фақат фазилатларимни кўриб, мени макташмасди, демак, бу мактовлар Аллоҳга тегишлидир» деб фикрлайди ва барча мактовларни Парвардигорига ҳавола этади.

4.7. Сўзга эътиборсизлик ва ундан келадиган офатлар

Аллоҳ таолога, эътиқодга, диний таълимотларга оид сўз ва гапларни эътиборсизлик билан бузиб гапириш ҳам катта офатдир. Бунда куфр, ширк ва гуноҳ бўладиган гаплар айтилиб қолиши мумкин. Уламолар наздида инсонларнинг кўп сўзлари куфрдан

иборатдир. Мисол учун, Аллоҳнинг исмларидан бирортасини ёки унинг буйруғини, ваъдасини ёки таҳдидини масҳара қилиш куфрга олиб боради. Яна айрим сўзлар борки, улар айнан куфр калимаси бўлмаса-да, ўзи ҳаром саналиб, айтган кишининг кофир бўлиб қолиш эҳтимоли бор. Масалан, бир кишига «Таомни ўнг қўлингда е, бу суннат», дейилса, «Суннат бўлса ҳам, ўнг қўлда емайман» дейиш каби. Мусулмонларга қарата «Динсиз, иймонсиз, эътиқодсизсан, сен фожирсан, фосиқсан, мунофиксан» дейиш туйғайли ҳам кишининг иймонига заволят етиб қолиши мумкин.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Бир одам келиб Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга баъзи ишлар ҳақида гапириб: «Аллоҳ ва сиз истасангиз», деди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сен мени Аллоҳга тенг қилиб қўйдинг-ку! Аллоҳнинг ёлғиз ўзи истаса, дегин, дедилар».

4.8. Сухбатга ноўрин аралашув ва ундан келадиган офатлар

Олим бўлмаган кишиларнинг илмий гапларга аралашилари, илмнинг нозик тарафларидан сўрашлари ва сўз юритишлари ҳам қатъи офатдир. Айниқса, эътиқод масалаларининг нозик жойларидан сўз юритиш улар учун қони зарар бўлиб, бундан уларга заррача фойда йўқдир.

Аллоҳ таоло «Моёда» сурасида марҳамат қилади: «Эй, иймон келтирганлар! Ҳар хил нарсаларни сўрайверманглар. Агар сизга изҳор қилинса, ўзингизга ёмон бўладир. Агар улар ҳақида Куръон нозил қилиниб турган чоғда сўрасангиз, сизга изҳор қилинадир. Аллоҳ уларни афв қилади. Аллоҳ ўта мағфиратлидир, ўта ҳилмлидир» (101-оят).

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расуллудлоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Куръон хусусида талашиб-тортишиш куфрдир», дедилар».

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «...сизлардан менга энг ёқмайдиганингиз ва қиёмат куни мажлисида энг узоғингиз сергап, тили узун ва мутафайхикингиздир», – дедилар.

«Эй, Аллоҳнинг Расули! Сергап ва тили узунни биламиз, мутафайхиклар кимлар?» – дейишди.

«Мутакаббирлар», – дедилар».

«Маҳзанул-улум»да бундай ёзилган: «Мажлисида бўлаётган музокара ва мунозарага дахлинг бўлмаса, асло аралашма. Катталарга кинояли сўз қилма, тушунилиши қийин сўзларни мисоллар билан ойдинлаштир, мунозарада чегарадан ташқарига чиқма». Ноўрин саволлар сўраш ҳам тил офатларидан биридир. Бу борада ҳам асл қоидаларни билиб олиб, уларга амал қилиш лозим.

4.9. Беҳуда сўзлаш ва ундан келадиган офатлар

Вақтнинг қадрига етган одам уни фойдасиз нарсага сарфламайди. Чунки кераксиз гап-сўзлар билан машғул бўлган одам гавҳарни қўйиб, тезакни олган билан баробардир. Бу эса умрни бекорга бефойда ўтказишдир. Инсонлар ортикча сўзлашдан, беҳуда ва фикс сўзларни айтишдан қайтарилган. Пайғамбар аллайҳиссалом умматларини қийлу қол (ортикча бемаъни сўзлар)дан қайтарганлар (*Имом Бухорий*).

Ўтмишдошларимиз оз сўзлашни, кўп фикрлашни, сўзлаганда ҳам, фақат зарур, рост, фойдали сўзларни гапиришни одат қилганлар, бошқаларни ҳам шунга чорлаганлар. Молнинг вақтнинг, неъматнинг исрофи бўлгани каби сўзнинг ҳам исрофи бор. Агар ақл кишиларнинг гап-сўзлари миқдорига кўра ўлчанганида, одамларнинг энг ақллиси уларнинг энг сергаплари бўлар эди. Илк онгли инсонларда тортишув кам, амал кўп бўлган. Улар сўзга бахил, молга саҳий эдилар. Кейингиларда эса тортишув кўп, амал оз бўлди. Сўзга саҳий, молга бахилга айландилар.

Абу Дардо розияллоҳу анҳу айтади: «Оғзингдан кўра кулоқларингни кўпроқ ишлат. Оз гапириб, кўп тинглашинг учун сенга битта оғиз, иккита кулоқ берилган».

Юқорида зикр этилган тил офатларидан сақланиш ҳар бир онгли инсон учун жуда ҳам зарурдир. Зеро, сўз – фикрни етказиш қуроли, мақсад эса кўнглини забт этишдир.

БЕШИНЧИ БОБ

МАҚТОВ, ТАНБЕҲ ВА ИЖТИМОЙ ЭКОЛОГИЯ

5.1. Туташ фанлар туташуви

XX аср охирларида инсониятнинг табиий муҳитга хўжасизларча ва тажовузкорона таъсир этиши сабабли олимлар томонидан табиатни асраб-авайлаш ва ундан оқилона фойдаланишнинг экологик илмий асослари ишлаб чиқилди. Натижада ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб, жамият билан атроф-муҳит ўртасидаги ўзаро муносабат конунларини, шунингдек, атроф-муҳитни амалий муҳофаза қилиш масалаларини ўрганувчи инсон экологияси ёки социал экология шаклланди ва у социология фанининг ажралмас бир қисми сифатида ўрганила бошланди.

Тилшунослиқда тилнинг ижтимоий яшаш ва ижтимоий тараққиёт шароитини ўрганувчи соҳа сифатида юзага келган, социологлар ва тилшуносларни тобора бир-бирига яқинлаштираётган замонавий социолингвистика шу фан соҳасидаги ўта назарийлик, ноаниқлик ва айнан шунинг оқибатида юзага келаётган айрим нуқсонларни кўрсатиб бермоқда. Бунга мулоқот жараёнининг ўта мураккаб ва серкирра эканлигини ва худди шунинг учун ҳам алоҳида бир фаннинг ўзи бу муаммони яхлит тадқиқ этишга ожизлик қилганлигини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Шунинг учун бўлса керак, асримиз бошларида аниқ ва табиий фанларнинг, асримизнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса ижтимоий фанларнинг ҳам муайян жабҳада ўзаро яқинлашуви кузатилмоқда. Натижада социолингвистика, этнолингвистика, психолингвистика каби «туташ» фанлар, этнопсихолингвистика, социопсихолингвистика каби янги соҳа ва йўналишлар юзага келдики, инсон нутқини айнан фанларнинг мана шундай *туташ нуқтаси*да тадқиқ этиш ўта мураккаб жараён бўлган мулоқотнинг асл моҳиятини, унинг ўзига хос қонуниятларини атрофлича ўрганиш имконини беради.

Умуман, бугунги кунга келиб мулоқот жараёнини комплекс, яъни ижтимоий-лисоний аспектда тадқиқ этишга кучли эҳтиёж пайдо

бўлди. Биз ўз ишимизда танбех сўзини ўзбек тилининг изоҳли лугатида берилганидек, «ножўя хатти-харакат учун берилган таъсир, койиш, огоҳлантириш ёки жазо»⁹ маъносида қўллаймиз.

Мулоқот узвлари деганда алоқа, фикр алмашиш, сўзлашиш жараёнида бевосита ва бавосита қатнашадиган таркибий қисмлар назарда тутилади.

Маълумки, ҳар қандай мулоқотда сўзловчи ва тингловчи зарурий компонентлар сифатида албатта иштирок этади. Бу муаммога бағишланган кўпгина адабиётлардаги каби бизнинг ишимизда ҳам сўзловчи, яъни хабар берувчи, гапирувчи *адресант*, *коммуникатор* деб, адресантнинг нутқи қаратилган шахс-тингловчи *адресат*, *коммуникант* деб, мулоқотда бавосита (ботинан) иштирок этувчи ёки мулоқотга бавосита таъсир этувчи омиллар эса *таъсир бирликлари* (қисқача – ТБ) деб юритилади. ТБни шартли равишда куйидаги икки гуруҳга бўлиб таҳлил этилади:

I. Ички таъсир бирликлари. Бунга адресант ёки адресат шахси билан бевосита боғлиқ куйидаги белги-хусусиятлар киради:

1. Миллати.
2. Жинси.
3. Ёши.
4. Ижтимоий белгилари.
5. ТБга яқинлик даражаси.

II. Ташқи таъсир бирликлари. Бунга мулоқотга бавосита таъсир этувчи куйидаги ташқи омиллар киради:

1. Мулоқот вақти.
2. Вазият, ҳолат.
3. Ижтимоий муҳит.

Ишимизга назарий жиҳатдан асос бўлаётган энг муҳим илмий манбалардан бири – «Национально-культурная специфика речевого поведения» тўпламида биз тадқиқ этаётган муаммо «речевой этикет», «речевое поведение», «речевая коммуникация» деб юритилган. Кейинчалик худди шу китобнинг давоми сифатида чоп этилган «Национально-культурная специфика речевого общения народов СССР» китобида эса бу тушунчалар

⁹ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Беш жилд. III жилд. – Тошкент, 2007. – Б. 660.

«коммуникативное поведение» термини билан алмаштирилган. Бу термин остида муомаланинг миллат, ҳудуд, касб-кор, жинс ва бошқа ижтимоий гуруҳларга хосланган кўриниши назарда тутилган. Жумладан, «коммуникативного поведения азербайджанцев», «коммуникативного поведения таджиков» каби.

Биз бу атамани ўзбек тилида «мулоқот хулқи» деб қўллашни маъқул топдик. Бу атама ишимизда кўп такрорланишини инобатга олган ҳолда уни қисқартма – МХ шаклида қўллаймиз.

Европалик қатор етук тилшунос олимлар, хусусан, Амстердам (Голландия) университетининг профессори, нуфузли лингвист Тайн ван Дейк МХ масаласига доир қамровдор тадқиқотлари билан биз ўрганаётган мавзунинг теран таҳлил қилган. Дейк замонавий лингвистик прагматика, матн тушунчаси ва пайдо бўлиши, оммавий ахборот тизимида тилнинг тутган ўрни каби масалаларни ижтимоий-лисоний нуқтаи назардан тадқиқ этиб, мулоқот воситаларига ижтимоий, маданий факторларнинг таъсирини атрофлича таҳлил қилади. Муаллифнинг 1989 йилда Москвадаги «Прогресс» нашриётида чоп этилган «Язык. Познание. Коммуникация» («Тил. Билиш. Мулоқот») номли фундаментал китоби ҳам биз тадқиқот мавзуси қилиб олган мақтов ва танбеҳ масалаларини ёритишимизда назарий асос бўлди.

Мулоқот хулқи (МХ), жумладан, мақтов ва танбеҳ муаммосини миллий характер – миллат аҳолисининг ўзига хос урф-одатлари, қадрият ва анъаналари (ташқи ТБ)ни ҳисобга олмасдан туриб ўрганиш мутлақо мумкин эмас. Чунки МХ миллат характерининг узвий бир қисми бўлиб, улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир.

Миллий характер деганда, маълум ижтимоий гуруҳ (миллат) ўртасида асрлар мобайнида авлоддан-авлодга ўтиб келган ўзига хосликлар мажмуи тушунилади. Миллий характерга мазкур миллат аҳолиси сиғинадиган дин, атроф-муҳит ва ижтимоий турмуш тарзи жиддий таъсир кўрсатади ва бу таъсир ўз-ўзидан МХда намоён бўлади.

Нолисоний воситаларни қўллашда ҳам миллий ўзига хосликлар кузатилади. Жумладан, шундай имо-ишоралар борки, улар шартли характерга эга бўлиб, миллий хусусиятлар касб этиши мумкин. Чунки у жамоа томонидан маълум маънони ифодалаш символидир.

Бошқа бир этник гуруҳда эса бу ишора ё ҳеч қандай коммуникатив вазифа бажармайди ёки бошқа маънони англатиши мумкин. Масалан, Америка, Англия, Австралия ва Янги Зеландияда бош бармоқни тепага қилиш, асосан, ўткинчи машинани тўхтатиш, тўсиш учун қўлланилса, Грецияда бу ишора «овозингни ўчир!», «бас қил!» маъноларини англатади.

Буларнинг ҳаммасини билиш учун эса одам турли соҳалардан яхшигина хабардор бўлиши талаб этилади. Мулоқот хулқининг узвий бир қисми бўлган мақтов ва танбеҳ бериш, уни қабул қилиш ҳам шу маънода турли фанлар туташ нуқтаси билан боғлиқдир. Жумладан, танбеҳ ифода билан боғлиқлиги нуқтаи назаридан тилшуносликнинг, руҳият билан боғлиқлиги жиҳатидан психологиянинг, ахлоқ меъёрлари билан алоқадорлиги нуқтаи назаридан педагогиканинг тадқиқот объекти саналади.

5.2. Мақтов ва унинг ижтимоий экологияни шакллантиришдаги ўрни

Эркак киши дунёга келган чоғида «гўдак» деб аталгани каби, мақтовнинг «болалиги»ни «эркалаш» деб атаймиз. Қарангки, бу сўзнинг ўзаги ҳам «эр»дир. Зеро, чақалогининг «эр бўлиб» етишишини истаган ота-она уни гўдаклик чоғидан эркалаб катта қилади. Шунинг учун «Ҳадис»да ҳам: «Кимнинг ёш гўдаги бўлса, унга гўдакларча қилик қилиб эркалатсин!» дейилган.

Пайғамбарларимиз ҳадисларини қулоқларига қуйиб олган ота-боболаримиз бу кўрсатмаларга қатъий амал қилганлар ва ўғилларини «Тойчоғим», «Паҳлавоним» деб эркалаганлар. Бу сўзларни эшитиб улғайган ўғиллар ҳам шунга яраша бўлган. Шу боисдан бўлса керак, халқ оғзаки ижодида: «Эркалатсанг, эр бўлади, йўкса қаро ер бўлади», «Кўрқитмай ўстирдим – ботир бўлдингиз» қабилидаги ҳикматли гаплар учрайди.

Мухими шундаки, эркалашнинг афзалликлари фанда ҳам исботланган. Яъни олимларнинг кузатишларига қараганда, эркалашлар оғриқ қолдирувчи восита ҳисобланар экан. Бундай пайтда қон айланиш яхшиланиб, қондаги кислород миқдори 10-15

фоизга ошар, қон босими мўътадиллашиб, нафас олиш енгиллашар экан. Аммо биз кейинги йилларда «эркалаш» сўзига ҳам салбий тус бердик, болаларга нисбатан «боракалло», «кўп яшанг» жумлаларини ҳам кам қўллайдиган бўлиб қолдик. Бунинг ўрнига болаларни дўқ-пўписа, кўркитиш, танбеҳ бериш билан тарбиялаш йўлига ўтдик. Ўз ҳолича бирор ишни бошлаган болаларга «Кўй, ундай килма!», «Кўй, бундай килма!» дейишдан бошқасини билмай қолдик. Натижада болалар чиндан ҳам «кўйга айланадилар»:

Жуда ювошсан деб айтавериб биз

Кўйга айлантирдик хуркак олқорни.

Жуда ишлайди деб мақтайвериб биз

Эшак қилиб олдик учқур тулпорни.

Энди айтишим шарт шундайин сўзлар:

Кўйлар ўхшасинлар хуркак олқорга.

Токи бу сўзимни тинглаган кезлар

Эшаклар айлансин тагин тулпорга.

(Асрор Мўминов)

Болалигидан эркалик нималигини билмаган, аксинча, мустакил бошлаган ҳар бир иши ўша заҳотиёқ тазйикка учраган ўғил боладан катта бўлганида қандай эркак чиқиши мумкин? Боз устига, «тенг ҳуқуқлилиқ» деган деган тушунчани нотўғри тушуниш орқали баъзи бир ўғил болалар йигит бўлгач ҳам ўз сўзини ўтказа олмайдиган бўлиб қолмоқдалар. Энг ёмон томони шундаки, баъзи замондошларимиз тенгликни ҳуқуқ тенглиги деб эмас, оиладаги вазифа ва бурчнинг бир хиллиги тарзида тушунмоқдалар. Натижада оилада аёл эри билан ҳуқуқ талашадиган, баъзи масалаларда тенгма-тенг олишадиган бўлиб қолди. Оқибати шу бўлдики:

Ҳуқуқлари тенг аёл билан

Яшаш қийнар шўрлик эркакни. (Марҳабо)

Ўзларининг бу феъллари билан аёлларимиз ўтмиш донишмандларидан бирининг: «Оқила рафиқам! Агар эринг ёнингда бўлишини истасанг, шунинг пайига тушигинки, токи у ҳеч ерда сенинг ҳузурингдаги каби роҳат-фароғат ва мулойимликка дуч келмасин» дея қолдирган доно насиҳатларига зид иш тута бошладилар.

– Биласизми, эркак киши қай маҳал кўчага чикиб кетади? – дейди машхур адибимиз Абдулла Қаҳҳор Кибриё Қаҳҳорова билан бўлган бир галги суҳбатда. – Агар қидирганини уйидан тополмаса!¹⁰

Эркак киши уйидан нимани қидириши мумкин? Бизнингча, энг аввало, илиқликни, ширин калом ва мулойимликни қидиради. Бунинг учун аёл кишидан озгина диду фаросат билан бир қаторда салгина камтарлик ва эрга нисбатан хурмат маъносидаги итоат талаб этилади, холос. Шарқ аёллари азалдан мана шундай бўлганлар ҳам: «Увайсий юз жафо кўрсанг, ҳақиқат ёрдин доим» қабилдаги мисралар фақат Увайсийгагина тегишли бўлмаганлиги учун ҳам халқ тилидан хануз тушмай келаётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Зеро, хотин қанча итоаткор бўлса, у шунчалик муҳаббатга сазовор бўлган. Шу боис: «Эрдан садоқат, хотиндан итоат» каби мақоллар дунёга келган.

Ислом динида эса итоатли хотинларга «эзгу хотинлар» исмини бериб, амаллари баробарига ҳам кўп савоблар ваъда этилгандир. Итоатсиз хотинларни «ўсал хотинлар» деб атаб, дунёда кўрган машаққатларидан ортиқ охиратда ҳам бир қадар азоблар бўлишидан хабар берилмишдир. Энг муҳими, итоатли аёллар бу дунёда ҳам ҳеч нарса ютқизмаганлар, аксинча, жуда кўп нарсаларга мушарраф бўлганлар. Чунки «агар хотин ўз эрига қобилиятли, шижоатли, муваффақиятли, мўмин, садоқатли шахс деб муомала қилса, эр худди шундоқ бўлади, иншооллоҳ». Бунинг ёрқин далили сифатида шоир ва журналист Карим Баҳриевнинг қуйидаги гапларини келтирамиз: «Турмуш ўртоғим Илмира Назрулло қизи мени аслимдан ҳам кўра ақлли деб ҳисоблайди. Унинг бу фикри ёлгон чикмаслиги учун ақлли бўлишга мажбурман».¹¹ Агар бунинг акси бўлса-чи, яъни хотин эрни назар-писанд қилмаса, унинг имкониятларига ишониш, хурматини жойига қўйиш ўрнига, сўзини икки қиладиган, «али деса, бали деб турадиган» бўлса, эрнинг бурди кетади, эл олдида обрўси тўкилади. Чунки бошқалар олдида, айникса, хотини, бола-чақалари олдида сўзи ўлган эркакнинг шашти, ғурури ҳам ўлади. Эр йигитнинг уялгани эса ўлим билан тенгдир. Шу боисдан «Эман дарахтининг эгилгани – ўлгани», «Йигитнинг сўзи ўлгунча, шайтоннинг бўйни

¹⁰ Қаҳҳорова К. Чорак аср ҳамнафас. – Тошкент: «Ёш гвардия», 1987. – Б. 20.

¹¹ «Оила ва жамият» газетаси, 1996 йил (9, 27).

узилсин» қабалидаги дурдона фикрлар яратилган ва худди шунинг учун ҳам ота-боболаримиз аёлларга: «Эрингизга танбех берманг!» дея уктириб келганлар.

Булардан кўринадики, мақтов оиладаги ижтимоий муҳитни соғломлаштиришда ўта муҳим аҳамиятга эга. Олам тинч, рўзгорим бутун бўлсин, деган ҳар бир аёл, энг аввало, эрига ишониши, ҳурматини жойига қўйиши, қолаверса, мақтов эрларга ҳам ёқишлигини асло эсидан чиқармаслиги лозим.

5.3. Танбехнинг тур ва усуллари

«Бақиргандан кўра мароми билан секинроқ қилинган таъна кулоққа яхшироқ киради, зеҳнга яхшироқ ўрнашади»¹² деб ёзган эди хассос адибимиз Абдулла Қаҳҳор. Бундан танбехнинг ўзига хос тур ва усуллари мавжудлигини ҳам билиб олиш мумкин. Чунки: «Биров гапни ёглаб гапиреди, биров тиканак боғлаб гапиреди»¹³. Шу нуқтаи назардан қараганда, танбехнинг миллий, ҳудудий, индивидуал ўзига хосликлари мавжудлигини кузатиш мумкин. Яъни ҳар бир миллатда ҳам танбех бериш одати мавжуд бўлгани ҳолда, у ҳар бир миллат вакиллари томонидан ўзига хос тарзда ижро этилади. Бу нарса ҳар бир миллатнинг узок йиллардан буён авлоддан-авлодга ўтиб келаётган урф-одат, ахлоқ меъёрлари билан боғлиқдир. Жумладан, Европа халқлари нутқида «сен» ва «сиз» олмошларининг қўлланилиши Шарқ мамлакатлари халқлари нутқидагидан кескин фарқланади: уларда расмий нутқда ва бегоналарга нисбатан «сен» сўзи қўлланилса, Шарқда ёши катта кишиларга нисбатан, асосан, «сиз» ишлатилади. Шунинг учун ўзидан катта кишини сенлаётган одамга дуч келинадиган бўлса, «нега ўзингдан катта кишини сенлаяпсан» тарзида танбех берилади.

«Сен» ва «сиз» олмошларининг қўлланилиши бир миллат доирасидаги, турли ҳудудда яшайдиган кишилар ўртасида ҳам ҳар хил бўлиши мумкин. Чунончи, водийда эркаклар ўз турмуш ўртоқларини кўп ҳолларда «сиз»лаб гапирсалар, воҳа эркаклари асосан «сен»лайдилар.

12 Абдулла Қаҳҳор ҳикматлари. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1990. – Б. 30.

13 Абдулла Қаҳҳор ҳикматлари. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1990. – Б. 24.

Оёқни чалиштириб ўтириш Европа миллати вакиллари учун одобсизлик саналмагани ҳолда, мусулмон халқлари учун бундай ўтириш, айниқса, катта ёшдаги кишилар олдида, ўта одобсизлик саналади. Шунинг учун ҳам катталар олдида оёғини чалиштириб ўтирган ёшларга дуч келинса, катталар томонидан ўша заҳотиёк «тўғри ўтир» дея танбех берилади.

Юқоридагилардан ташқари, танбехнинг индивидуал ўзига хосликлари ҳам мавжуд бўлиб, мисол тариқасида машҳур адибимиз Абдулла Қаҳҳор фаолиятига мурожаат қилиб кўриш мумкин. Чунки устоз адиб ҳаётда танбех бериш борасида ҳам ҳеч кимда учрамайдиган усуллари қўллар эдилар. «Абдулла Қаҳҳор ўта талабчан, каттикқўл эдилар, – дея эслайди адибнинг турмуш ўртоғи Кибриё Қаҳҳорова «Чорак аср ҳамнафас» номли китобида. – Ҳамма нарса ўз жойида туришини яхши кўрар, ҳар қандай ишни сира эринмасдан, астойдил бажарар эдилар. У кишида бу нарса ҳозирча шу ерда тура турсин, эртага ўрнига кўярман, деган гап йўқ эди. ...Ҳеч эсимдан чикмайди: бир куни нимадир бўлиб, ўрним йиғиштирилмай қолган экан, кўзлари тушиб:

– Ҳа, нима бўлди? Ўрнингиз худди пўст ташлаган илондай тўлганиб ётибди! – дедилар...»

«...Бир куни чой дамлаб олдиларига қўйдим. Чойни қуйишлари билан қопқоқ пиёла ичига тушиб кетди. Бошқа одам бўлса: «Менга айтсангиз ҳам шуни боғлаб кўяр эдим-ку!» деб танбех бериши мумкин эди. Абдулла Қаҳҳор эса жилмайиб: «Ҳа, етказганига шукр, қопқогини ҳам чайиб ичадиган бўлдик!» деганлар... Бунақа оҳори тўкилмаган сўзу иборалар ўша заҳоти туғилар эди...»¹⁴

Танбех фақат сўз ва гаплар воситасидагина эмас, имо-ишора, хатти-ҳаракатлар орқали ҳам берилиши мумкин. Абдулла Қаҳҳорнинг «Дахшат» ҳикоясидан олинган қуйидаги парча фикримизни тасдиқлайди: «Нодирмоҳобегим сандал ичидан оёғини узатиб Унсиннинг болдирини чимчилади, кўзи билан «хайрият тушунмади, бас кил, гапирма» деб ишора қилди...»

Одоб-ахлоқ мавзуда ўтказилган баҳс-мунозаралардан бирида сўз олган бир тенгдошимиз мавзуга оид қуйидаги ҳаётний воқеани

14 Қаҳҳорова К. Чорак аср ҳамнафас. – Тошкент, 1987. – Б.58–60.

хикоя қилиб берган эди: «Ўтган куни дадам иккаламиз чой ичмоқчи бўлдик. Шу пайт телевизорда қизиқ кўрсатув бошланиб қолди. Мен чойни дамлаб, дастурхонга олиб келиб қўйдиму пиёла олиб келиш эсимдан чиқиб, телевизор кўриб қолибман. Шу пайт дадам «пиёла олиб келмайсанми?» дейиш ўрнига бошларидан дўппиларини олиб, чойнакка тутдилар ва «қуй!» дедилар. Мен дарров гапга тушундим ва уялиб кетдим...»

Танбехлар ўринли ва ўринсиз, мулойимлик ва қўполлик билан амалга оширилганлигига боғлиқ ҳолда одамларга турлича таъсир кўрсатади. Яъни ўринли ва одоб доирасидан чиқмаган ҳолда қилинган дўстона дашиномлардан эшитувчилар наф кўрса, бемаврид ва ўта қўпол танбехлар жуда хунук воқеаларга, ҳатто ўлимга ҳам сабаб бўлиб қолиши мумкин. Жумладан, собиқ иттифок даврида шовинизмнинг хунук одатларини ўзларига касб қилиб олган амалпараст гуруҳлар «бюро» деган сўзни кишилар юрагига гулгула соладиган, қалбни ларзага келтирадиган бир курол даражасига айлантириб олган эдилар. Натижада кўплаб раҳбарлар бюрода муҳокама этилганидан ёки куракда ҳам турмайдиган хунук сўзлар орқали ҳақоратланганларидан уйларига ҳам етиб бормаи ёхуд бюро хонаси остонасидаёқ юракларини чангаллаб жон берганлар. Ўша пайтлар бундай воқеалар жуда кўпайиб кетганлигидан Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг қуйидаги тўртлиги дунёга келган бўлса ҳам ажаб эмас:

Парво қилманг, бўлмагани бўлдирамиз,

Паймонаси тўлмагани тўлдирамиз.

Бир замонлар отар эдик, осар эдик,

Энди эса мажлис қилиб ўлдирамиз.¹⁵

Жоҳил ота-онаси ёки ўзи тарбияга мухтож ўқитувчиси томонидан қилинган ножўя танбехлар туфайли ўз жонига қасд қилган ўсмир ёшидаги ўқувчилар ҳам жуда кўпайиб кетган эди ўша пайтларда. Бунга мисол сифатида Ўткир Ҳошимовнинг «Қалбингга қулоқ сол» қиссаси персонажларини эслаш мумкин. Унда мактаб директори Васи́ла Назаровна 9-синф ўқувчиси Дилфузага дарс пайтида

15 Орипов А. Савоб. – Тошкент: «Маънавият», 1997. – Б. 55.

жуда қўпол танбех беради. Ота-онасини мактабга чақиртириб, жамоатчилик ўртасида шармандасини чиқаришлигини айтади. Бундан қаттиқ таъсирланган Дилфуза уксус ичиб, оламдан кўз юмади.

Булардан кўринадики, танбехни турли нуқтаи назардан ҳар хил тур ва усулларга бўлиб ўрганиш мумкин. Жумладан:

1. *Миллийлик нуқтаи назаридан:* умуминсоний ва бир миллатга алоқадор танбехлар.

2. *Ҳудуд нуқтаи назаридан:* фақат бир ҳудуд вакиллари ўртасидагина қўлланадиган танбехлар.

3. *Умумийлик ва индивидуаллик нуқтаи назаридан:* кўпчилик томонидан бир хилда, алоҳида шахслар томонидан ўзига хос усулда қўлланадиган танбехлар.

4. *Ахлоқ нуқтаи назаридан:* ўринли ва ўринсиз танбехлар.

5. *Маҳорат нуқтаи назаридан:* меъёрида ва мулойимлик билан, меъёрни билмасдан ва қўполлик билан қилинадиган танбехлар.

Танбехнинг тур ва усуллари ҳақида гап кетганда шеърин танбехлар хусусида ҳам тўхталиб ўтишга тўғри келади. Чунки, аслида, қайси мавзуда ёзилган бўлишидан қатъи назар, ҳар бир шеърни шоирларнинг ўз китобхонларига илинган танбехи сифатида қараш мумкин бўлганидан ташқари, уларнинг ичида бунга алоҳида урғу берилганлари ҳам бўлади. Жумладан, Ўзбекистон халқ шоири Охунжон Ҳақимов ўзининг «Киндиклар кўрғазмаси» номли шеъри сарлавҳасининг остига «Супермода»чи қизларга танбех» деб ёзиб қўйган. Бошдан охир танбех бўлганлиги учун бу шеър матнини тўлиқ келтирамиз:

Сизни кўриб дедим: «Оббо,

Қуни кеча эди зебо»,

Бугун бўлди нима бало?

Узун сочи қирқик қизлар,

Бу қанақа қилиқ, қизлар?

Киндигингиз очик, қаранг,

Ияк ости... буткул яланг.

Иситмангиз борми? Аттанг!

Қора сочи малла қизлар,

Жойидами калла, қизлар?

*Шу одатни ким ҳам оқлар?
Томи йўқлар сизни ёқлар.
(Ёниқ турсин болдир ёқлар).
Исми ўзбек, малла қизлар,
Сал ишласин калла, қизлар.*

*Малла сочлик басма-баси
Ва киндиклар «кўргазмаси»,
Боқиб туриб дейман: таҳсин!
Бу «ижод»га соҳиб сизлар,
Жойидами ўзи, эслар?*

*Ҳа, эркинсиз, юринг эркин,
Кўз-кўз қилиб киндик «кўркин».
Сизни чин эр олармикин?
Қулоқ солинг, ҳелло, қизлар,
Бу қанақа «ялло», қизлар?»¹⁶*

5.4. Танбех тинглаш таомили

Ҳар нарсанинг ўз таомил (тартиб-қоида, расм-русум)и бўлгани каби ўзаро мулоқотлар чоғида суҳбатдошлар томонидан бериладиган танбехни тинглаш, қабул қилишнинг ҳам ўзига яраша таомиллари борки, куйида шу ҳақда фикр юритамиз.

Жамоатчилик ўртасида танбех, асосан, катталар томонидан ёшларга, ота-оналар томонидан фарзандларига, эрлар томонидан хотинларига, бошлиқлар томонидан ходимларга нисбатан қўлланилади, деган нотўғри тушунча мавжуд. Аслида эса у ёш ҳам, мансаб ҳам, жинс ҳам танламайди. Фақат ҳамма гап унинг қандай усул, оҳангда ифода этилиши ва қабул қилинишидадир. Бу хусусда кичик бир ривоят келтирамиз: «Пайғамбаримиз (с.а.в.) чаҳорёрларидан бири – халифа Ҳазрат Алининг ўғиллари – имом Ҳасан ва имом Ҳусан бир чорбоғда айланиб юришганда етмиш ёшлар чамасидаги бир мўйсафиднинг таҳорат олаётганига кўзлари

16 Охунжон Ҳаким. Кўксингизда яшасам дейман. – Тошкент: «Шарқ», 2009. – Б.307.

тушиб қолибди. Мўйсафиднинг таҳорат олишидаги нуқсонни сезиб қолган имом Ҳусан секин акаларини нуқиб:

– Қаранг, ана бу отахон таҳорат қоидаларига амал қилмай такводорлик қилаётир, – дебдилар.

– Ҳа, ёш улуг бўлгач, одам фаромуш бўлиб қолади, – дебди имом Ҳасан мулоҳазага бориб. Кейин дебди:

– Лекин, келинг, бобони бир синаб кўрайлик.

– Қандай қилиб? – сўрабди имом Ҳусан қизиқсиниб.

– Мен худди бобо сингари таҳорат ола бошлайман. Сиз эса, «Ия, ака! Ундай эмас, бундай» деб, менинг таҳоратдаги қусурларимни дангал айтаверасиз, яъни бобонинг диққатини мунозарамизга қаратишга ҳаракат қиласиз! Уқдингизми?

– Ҳа, уқдим. Тасанно! – дебди имом Ҳусан.

Ака-укалар ҳалиги мўйсафид ёнига келишиб таҳорат ола бошлабдилар. Худди бобо сингари таҳорат олиш одатларига риоя қилмаётган имом Ҳасанга имом Ҳусан «дакки» бериб қолибди. Улар мунозараси беихтиёр мўйсафид диққатини ҳам ўзига тортди. Мўйсафид «дакки еган»нинг таҳорати билан ўзининг таҳорат олишини таққосласа, бир хил эмиш. «Эй, демак, мен ҳам нотўғри таҳорат олар эканман-да!» деб хаёлдан ўтказибди мўйсафид ва йигитга юзланибди:

– Балли, ўғилларим! Сизларнинг бу ерга келганларингиз менга катта сабоқ бўлди. Мен ҳам доимо мана шу шеригингиз сингари таҳорат олар эдим. Шеригингизга берган даккингиз менга ҳам катта ёрдам бўлди, раҳмат!– деб мўйсафид имом Ҳусанга миннатдорчилик бирдирган экан.»

«Танбех фақат зиёли, ўқимйшли, тушунган кишилар томонидан берилади» деган фикр ҳам унчалик тўғри эмас. Аксинча, бундай кишилар ўз сўзларининг қадрини билишлари, худа-беҳудага кишиларни мулзам қилавермасликлари кераклиги ҳақида Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асарида куйидагиларни ўқиймиз: «Олимки, жоҳил муқобалага келтуруб, илзом қилмоғи ҳавас бўлғай, анинг ўзига ушбу ихонат – ўқ бас бўлғай. Олим керакки, ўз илмининг поя ва микдорин асрағай, гавҳарни имтиҳон учун тошқа урмағай. (Яъни, олим киши бир жоҳилни қаршисига ўтказиб, уни мулзам қилишни истаса, бу олимнинг ўзи учун ҳақоратдир. Олим,

аввало, ўз илмининг даража ва салмоғини асраши керак, гавҳарни синаб кўриш учун тошга урмаслиги лозим).

Байт:

Хорага ҳар кишиким, дурри саминни урғай,

Хирад англарки, қаю бир бирини синдирғай...»¹⁷

Кайковуснинг «Қобуснома» асарида ҳам шунга оид куйидаги фикрларни ўқиймиз: «...сўралмаган сўзни айтмагил ва беҳуда сўздан парҳез қилгил, ҳар бир сўзни сўрасалар, рост айтгил. Сендан талаб қилмаса, кишига насиҳат қилмагил, панд бермагил, хусусан сени тингламагон кишига ҳеч сўз дема, чунки бундай кишилар пандни эшқўймағайла. Кўп кишилар орасида бир кишига панд-насиҳат қилмагил...»¹⁸

Кўринадики, танбех ким томонидан ва кимга берилиши жуда муҳимдир. Зеро, халқимиз «Гапни гапир уққанга, жонни жонга сукқанга, гап гапириб нетарсан онаси бевакт тукқанга» кабилидаги мақолларни бекорга яратмаган. Халқ юқоридаги мақоли билан: «Гапни укадиган, жон қулоғи билан тинглайдиган одамга гапир. Ярамас, аҳмоқларга гапириб ҳам ўтирма, барибир уқдиrolмайсан, гапинг зое кетади», демокчи бўлади.

Насриддин Афанди ҳақидаги латифалардан бирида айтилишича, «Афанди кўза кўтариб сувга кетаётган ўғлининг юзига бир тарсаки уриб, – кўзани синдирма, – дели.

– Бу нимаси, – деди хотини, – кўзани синдирмасдан туриб нега урасиз болани?!

Афанди жавоб берди:

– Синдиргандан кейин уришнинг нима фойдаси бор, ҳозир эҳтиёт шарт-да!...»¹⁹

Бундан «Танбехни қачон бериш керак?» деган табиий савол келиб чиқади. Республикамиз Президенти Ислоҳ Каримовнинг халқимиз томонидан севиб кутиб олинган «Юксак маънавият – енгилмас куч»

17 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. IX жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Мағбуот ва ахборот агентлиги Фафур Фулом номидаги нашриёт-мағбаа ижодий уйи, 2013. – Б. 530.

18 Кайковус. Қобуснома. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1986. – Б. 32.

19 Афанди латифалари. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – Б. 18.

номли асарида баён қилинган «...инсон ўз умри давомида оладиган барча информациянинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда олар экан»²⁰ деган жумлалардан келиб чиқадиган бўлсак, болани капкатта бўлганда сўқиб-туртиб, бўлар-бўлмас танбехлар орқали муззам қилгандан кўра, унинг тарбияси билан жуда эрта – она корнида эканлигидаёқ шуғулланишни бошлаб юборган маъқулдир. Чунки она-бола мулоқоти у ҳали туғилмасиданоқ бошланиб кетади. Шунинг учун темурийлар даврида ҳомиладор аёлларга юксак илтифот кўрсатиш: ёқимли куй ва қўшиқларни эшиттириш, кўнгли тусаган нарсаларни муҳайё қилиш орқали дунёга келажак фарзанд тарбиясига киришиб кетганлар.

Ҳар нарсада меъёр бўлгани каби танбех ҳам керагидан ортиқ даражада берилмагани маъқул. Чунки Ҳожа Абубакр Варроқ Термизий айтибдурларки: «Кўп сўз кўнглини каттик қилур.»

Танбех бериш кишидан каттагина маҳорат талаб қилганидек, уни тўғри қабул қилиш, ундан наф кўриш учун ҳам инсоннинг дунёқараши, билим даражаси юқори бўлмоғи лозим.

Танбех тинглаш одобидан, энг аввало, ёшлар бохабар бўлмоқлари лозим. Чунки Исмоил ал-Бухорийнинг фикрига қараганда, «Киши илм бобида нафакат ўзидан юқори ёки тенгдошларидан, балки ўзидан паст бўлганлардан ҳам ҳадис олмагунча, етук муҳаддис бўла олмайди».

Танбех тинглаш таомиллари бобида биз тенгдошларимизга куйидагиларга амал қилишни тавсия қиламиз:

- сизга танбех бераётган кишидан, ҳатто у ноўрин ёки ноҳақ танбех бераётган бўлса ҳам, ҳечам хафа бўлманг;

- ноўрин танбехдан керакли ва кераксизини фарқлаб олишга одатланинг;

- нолисоний ҳаракатлардан ҳам маъно топинг;

- кузатувчан бўлинг;

- сабрли бўлинг;

- асабийлашманг;

- тинглаш аъзоларингизни (тинглаш фақат қулоқнинггина вазифаси эмас) чиниктириб боринг;

- мумтоз куй ва қўшиқларни тинглашга одатланинг.

20 Исмоил Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: «Маънавият», 2008. – Б. 53.

5.5. Лисоний воситалар орқали ифодаланадиган танбехлар таҳлили

«Инсонни танимоқчи бўлсанг, уни гапга сол. Сўзидан унинг ким эканлигини билиб оласан»²¹ – дейди машҳур мутафаккир Жалололиддин Румий. Зеро, сўз ҳақиқатнинг сояси ва парчасидир. Ундан инсоннинг ички оламини яққол билиб олиш мумкин. Чунончи, биров киссавур бўлса-ю, унга «Инсонни сўзидан билишади» дейишса, у миршаб таниб қолмаслиги учун ҳеч гапирмайди. Қуйидаги ҳикоят ҳам шунга ўхшайди: Кичкина бир бола чўлда онасига «Она, тунда менга шайтон кўрқинчли кўриняпти, кўрқяпман», – деди. Она боласига: «Кўрқма, шарпа кўзингга кўриниши билан унга қараб жасорат билан отилки, бунинг хаёл эканини биласан», – деди. Шунда бола: «Оҳ, онажоним, агар у шарпага ҳам онаси шундай насихат қилган бўлса, мен нима қиламан? Агар унга «Гапирма, кўринмайсан!» деган бўлса, мен уни қандай топаман?» – деди. Она: «Унинг олдида гапирма, ўзингни унга от ва кут, балки оғзидан бирор сўз чиқар. Агар унинг оғзидан ҳеч сўз чиқмаса, истар-истамас сенинг оғзингдан бир сўз чиқади ёки сенинг қалбингда бир тушунча ёхуд сўз пайдо бўлади. Худди ана шу тушунча ёки сўз орқали унинг (шарпанинг) аҳволидан хабардор бўласан. Чунки у сенда бир фикр туғилишига сабаб бўлгандир. Сенинг ичингда вужудга келган ўша сўз ва фикр унинг тушунча ва аҳволининг аксидир», – деб жавоб берди.

Шайх Муҳаммад Саррозий (Оллоҳ раҳмат қилсин) муридлари даврасида ўтирганда муридларидан бирининг кўнгли калла кабоб тусади. Шайх: «Дарҳол бунга калла кабоб келтиринг», – деди. Бошқалар: «Унинг кабоб истаганини қаердан билдингиз?» – деб сўрадилар. Шунда шайх: «Анча вақтдан буён мен учун керак бўлган нарса қолмаган. Мен лозим нарсаларнинг барчасидан ўзимни тозалаганман, поклаганман. Ниҳоят, ойна каби тоза ва порлоқ бўлдим. Энди эса менинг кўнглим калла кабобни истади ва бу менга тегишли эмас эди. Балки фалончи истаги менинг ойнамда акс этарди. Чунки ойнанинг ўзи соф ва шаклсиздир. Унда бирор

21 Жалололиддин Румий. Ичиндаги ичиндадир. – Тошкент: «Меҳнат», 2001. – Б. 35.

нарса кўринса, демакки, бу ўзганинг шаклидир», – деди.²²

Бу каби узоқ кириш сўзидан муддао шуки, бир қарашда адресант томонидангина берилаётгандай бўлиб кўринадиган танбехда адресат ҳам ботинан иштирок этади. Яъни бирор кишига берилаётган танбех, койиш сўзининг адресант оғзидан чиқишига адресат бош сабабчи бўлади. Шунга оид ривоятда айтилишича, бир йўловчи унга тегажоглик қилган бир болани «ҳароми» деб сўқибди. Буни эшитиб қолган ҳалиги боланинг отаси йўловчини қозига судрабди. Бўлган воқеани эшитган қози йўловчига айб қўйишдан олдин боланинг отасидан: «Шу болангиз дунёга келишига сабаб бўлган кечада ҳаром аралашмаганмиди?» – деб сўрабди. Ота чуқур ўйлаб қараса, чиндан ҳам ўша тунда кўшнисининг ўтинини сўроқсиз олиб, унда иситилган сувда чўмилгани ёдига тушибди ва айб ўзида эканлигини айтиб, қозидан ҳам, йўловчидан ҳам узр сўраган экан.

Кўринадикки, лисоний воситалар орқали амалга ошадиган танбехлар ҳам шунчаки ёки тасодифан оғиздан чиқиб кетадиган сўзлар эмас экан.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, лисоний воситалар орқали бериладиган танбехлар адресантнинг аҳвол-руҳияти, ички олами ва билим даражаси билан боғлиқ бўлиб, у қўпол, мулоим, содда, самимий, кинояли ва бошқа усулларда баён қилиниши мумкин. Бу ҳақда бир талабамиз юморга бой, ҳазил-мутойибани яхши кўрадиган акаси берадиган танбехлар ҳақида шундай дейди:

«...Тошкентда ўқиб келган акам ҳазиллашиб гапиришни яхши кўради ва қуйидаги ҳолларда шундай танбехлар берганлари ёдимда:

* *Чойни дамлаб келиб, қуйиб бериш ёдимдан кўтарилиб ўтирганимда:* «Чой қуйиб бермайсанми?» дейиш ўрнига «Кўшнимиз Мўмина опани айтиб чиқинглар, чой қуйиб берсин» деганлар;

* *Овқатни келтириб, қошиқ келтиришни унутганимда:*

«Хайрият, шўрвани ҳам панжалаб ичадиган бўлибмиз»;

* *Сочимни калталатиш учун пул сўраганимда:* «Чиндан ҳам кестирмасанг бўлмайди, узунлигидан тўлигингни ўпай, дейди-я» ва ҳоказо...

22 Жалололиддин Румий. Ичиндаги ичиндадир. – Тошкент: «Меҳнат», 2001. – Б. 36.

Лисоний воситалар орқали берилган танбехларга бадий асарлардан ҳам кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Қуйидаги бадий асарларда турли социолектлар томонидан ўринли-ўринсиз, жўяли-жўясиз қўлланган танбехлардан гуруҳларга бўлган ҳолда айрим намуналар келтирамиз:

1. *Отанинг қизига берган ножўя танбехи:* «Балли, Раъно, ана жиннилик! – деди маҳдум, – атлас кўйлак сенга ҳайф, сенга бўздан бошқаси албатта ҳайф!» Раъно ўрнидан турди, дадасидан уялиб, лой қўлларини орқага яширди...

(А.Қодирий. «Мехробдан чаён»)

2. *Оналар томонидан қарғаш усулида бериладиган танбехлар:* «Муборакхоним бирдан тўхтади, вужуди титраб кизига ўқталган муштани ўзининг кўкрагига, бошига уриб дод солди:

– Худоё бўйнинг узилмасин, болам! Бўйнинг узилмасин!..»

(А.Қахҳор. «Муҳаббат»)

3. *Раҳбар-ходимлар ўртасидаги кинояли танбехлар:* «Айб ўзингизда! – деди (Қаландаров) кўлини бигиз қилиб, – одамлар билан аймоқи бўлиб катталарни бетгачопар, беандиша, ёшларни шапшак қилиб кўйдингиз! Бунақа фуқаропарварликдан ишга фойда йўқ! Ҳар ким ўз иззатида туриши керак!..»

...Қаландаров ғижинди ва нима дейишини билмай:

– Колхоз ёки қолган бўлса, эр-пер топиб бера қолай, – деди.

Саида унинг афтига қаради.

– Мен сизни фақат яхши пахтакор деб билар эдим, бошқа касбингиз ҳам бор экан...»

(А.Қахҳор. «Синчалак»)

4. *Инсоннинг ўз-ўзига берадиган танбехлари:* «Қаландаров ичиди ўзини сўқди: «Шу маҳмадона билан сўз уриштириб нима обрў топар эдим, нима кераги бор эди?!...»

(А.Қахҳор. «Синчалак»)

5. *Дўстнинг дўстга ҳазиломуз танбехи:* «Сен канақасан ўзинг, касал бўлсанг касалга ўхшаб ёт. Сен ўзингга ёпишган касалга ҳам қасам ичворгансан. Касалликнинг ҳам хурмати бўлади. Иззат қилиб ётсанг, икки-уч кун мехмон бўлади-ю кетади...»

(Тоҳир Малик. «Шайтанат»)

Лисоний воситалар орқали бериладиган танбехларда

синонимларнинг ўрни ва аҳамияти жуда каттадир. Чунки «Тўғри сўз тукқанингга ёқмас» деган мақол фақат бизнинг замонимизга келиб пайдо бўлиб қолган эмас. Бундан бир неча юз йиллар илгари ҳам одамлар бу мақолни ва у англатган маънони яхши билишган. Аммо шундай бўлса-да, ҳақиқатгўй одамлар ҳамма замонларда ҳам рост гапни, тўғри сўзни айтиб, ножўя ҳапти-ҳаракат қилаётган кишиларга ўз вақтида танбех бериш йўлини топганлар. Фақат бир хил мазмундаги гапни турли кўриниш ва ҳар хил оҳангда айтганлари учун уларнинг ярми жазо олган бўлса, ярми тақдирланган. Бу ҳақда ҳатто қуйидагидек ривоятлар ҳам тўқилган: «Хорун ар-Рашид туш кўрса, ўттиз икки тиши тушиб кетганмиш. Халифанинг кайфи учиб, муажжим ва муаббир (таъбирчи)ларни чақирибди ва улардан кўрган тушининг таъбирини сўрабди.

Шунда муаббирлардан бири:

– Эй, амир ал-мўминин, бутун қавм-қариндошинг ва уруг-аймогинг ўлиб, ўзинг якка-ю ёлғиз қолар экансан, – дебди.

Хорун ар-Рашиднинг юрак-бағри эзилиб, совуқ нафаси учун бу муаббирни юз дарра уринглар, деб фармон берибди. Бу совуқ каромат барибир унга тинчлик бермабди ва эртасига бошқа муаббирни чақириб, бу тушнинг таъбирини сўрабди:

– Эй, амир ал-мўминин, Худойи таоло сизга бениҳоя умр, бекиёс давлат берган, сиз барча қавм-қариндош ва авлодингизга нисбатан узоқ умр кўрар экансиз, – дебди.

Бу сўздан Хорун севиниб кетибди ва шундай дебди:

– Иккаласи ҳам бир гапни айтди, аммо буниси фикрини одоб билан, чиройли иборалар топиб айтгани учун юз динол мукофотга сазовор бўлди, биринчиси томдан тараша тушгандай кўпол сўзлар айтиб кўйиб, юз дарра еди...»

Кўпчилигимиз бу каби ривоятларни ўқиган, билган бўлишимизга қарамай, ҳаётда уларга амал қилишни ё истамаймиз ёки амал қилиш кўлимиздан келмайди.

Кўнглида ёмонлиги бўлмаса ҳам, танбех бериш усулини билмасликлари туфайли суҳбатдошлари кўнглини ранжитиб кўяётганларга тез-тез дуч келиб турамыз. Масалан, яқинда автобусда шундай воқеанинг гувоҳи бўлдик:

– Ҳозирги ёшларнинг бети йўқ, – деди ўрта ёшлардаги бир киши

автобусда ўтириб кетаётган ўсмирга қараб. – тоғанга жой берсанг, ўласанми?

– Кечирасиз, қарамай қолибман. Шунни тўғрилиқча айтсангиз ҳам бўлар эди-ку! – хафа бўлди ўсмир ўрнидан тураркан.

Автобусда ғала-ғовур кўтарилди: кимдир уни, кимдир буни ёқлаб гапирди. Аммо нима бўлганда ҳам ўсмирнинг эътирози ўринли эди. Юқоридаги танбех ва ҳатто ҳақорат оҳангидаги гап мазмунини: «Ука, тоғангизга жой берсангиз яхши бўлар эди» тарзида – илтимос маъносида айтса ҳам бўлар эди. Шунда бу гапнинг таъсири ва тарбиявий аҳамияти бир қадар ортарди.

Шунинг учун ҳам Абдулла Қаҳҳор кишилар билан ўзаро мулоқотда сўз қўллаш, фикрни баён қилиш маҳоратига алоҳида эътибор бериш зарурлигини доимо таъкидлар экан. Бу ҳақда ёзувчи Носир Фозилов «Устозлар даврасида» номли китобида қуйидагиларни ёзади: «Бир муҳокамада адабиёт ва санъат ҳафталигига меҳмон бўлиб келган қардош ёзувчининг асарини бир мунаққид қаттиқ танқид қилиб қўйди. Абдулла ака бундан жуда хафа бўлди-ю, муҳокамадан сўнг танқидчини холироқ жойга қақриб олиб, танбех берди:

– Айтган гапларингиз, билдирган мулоҳазаларингиз ҳаммаси ниҳоятда тўғри. Аммо гап уни қай йўсинда айта билишда. Эрини тоқатсизлик билан кутаётган аёлга: – Эрингиз фронтда бомба тагида қолиб ўлди! – дегандан оддийгина қилиб: «Жуфти ҳалолингиз ўк тегиб ўлди» дейиш осонроқ, енгилроқ эшитилади. Буни фарқ қила билиш керак. Сиз «вазелинлаб» гапиришни билмас экансиз...»²³

Шунинг учун ҳам Кайковус «Қобуснома»сида шундай насиҳат қилади: «...Бир сўзни бир иборат билан айтса бўлур, эшитгон кишининг эса қўнгли ундин тийра (қоронгу) бўлмай ва яна ўша сўзни бир иборат билан айтса бўлурким, эшитгон кишининг жони ундин роҳатда бўлмай...»²⁴

Танбехни бу йўсинда баён қилиш нафақат ўзбек халқи учун, балки бутун дунё аҳолиси учун ҳам хос бўлиб, бу ҳақда америкалик машхур социолог Дейл Карнеги «Ўзингизга нафрат уйғотмай туриб танқид қилиш усули» номли мақоласида қуйидагиларни ёзади:

23 Фозилов Н. Устозлар даврасида. – Тошкент: 1988. – Б. 87.

24 Кайковус. Қобуснома. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1986. – Б. 33.

«Куннинг яримларида ўзининг пўлат куйиш заводи цехларининг биридан ўтаётиб, Чарльз Шваб бир неча ишчи чекаётганини кўриб қолди. Улар «Чекманг!» деб ёзиб қўйилган тахтача остида турарди. Шваб уларга тахтачани кўрсатиб: «Сизларга нима бўлди, ўқишни билмайсизми?» – деб сўради? У ишчилар олдига келди. Ҳар бирига биттадан сигара тутқазди ва: «Йигитлар, агар буни цехдан ташқарида чекиб тамом қилганларингизда, мен сизлардан миннатдор бўлардим», – деди. Ишчилар қондани бузишларидан унинг хабардорлигини биларди. Унга қойил қолишди, чунки у нафақат бу тўғрида гапирмади, ҳатто уларга кичкина совга қилиб, уларнинг ўзлари муҳимликларини ҳис қилишга мажбур қилди. Бундай одамни севмасдан бўладими?...»²⁵

Мактов ва танбех бериш борасида қатта тажрибага эга бўлган машхур социолог бу ҳақдаги мақолаларини умумлаштириб, қуйидагиларни алоҳида таъкидлайди:

«Гапни суҳбатдошингиз обрўсини самимий тан олиш ва мактовдан бошланг»;

«Одамларга хатоларни тўғридан-тўғри эмас, восита орқали кўрсатинг»;

«Суҳбатдошингизни танқид қилишдан аввал, ўзингизнинг хатоларингиз ҳақида гапиринг»;

«Суҳбатдошингизга ниманидир буйруқ қилиш ўрнига, унга савол билан мурожаат қилинг»;

«Одамларга обрўларини сақлаб қолиш имконини беринг...»²⁶

25 Карнеги Д. Қандай қилиб дўст орттириш ва одамларга таъсир кўрсатиш мумкин – Т.: «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2010. – Б.191.

26 Карнеги Д. Кўрсатилган асар, 186-200- бетлар.

5.6. Нолисоний воситалар орқали ифодаланадиган танбехлар таҳлили

«Инсон кўринишидан ҳеч нарса демаса ҳам, ичида ҳамиша гапиради», дейди буюк мутафаккир Жалолиддин Румий ва бу фикрини давом эттириб, яна шундай ёзади: «Сўз – идрок қилишда сўзга мухтож бўлганлар учундир. Сўзсиз идрок этганларнинг сўзга қандай эҳтиёжи қолади? Идрок эта билганлар учун кўкларнинг, ернинг ҳаммаси сўздор. Ҳафиф бир сасни эшитганга бақириб-чақиришнинг нима ҳождати бор?..»²⁷

Буларнинг ҳаммаси тилшуносликнинг «паралингвистика» – «нолисоний восита» деб аталмиш ўта қизиқарли ва ўта зарур бўлими билан бевосита боғлиқдир. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, одамлар ўзаро мулоқотлар чоғида ўзлари айтмоқчи бўлган фикрнинг фақат 7 фоизинигина сўз, қолган 38 фоизини оҳанг ва 55 фоизини имо-ишоралар орқали баён этар эканлар.²⁸ Бироқ мана шундай катта соҳа ўзбек тилшунослигида назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам жуда кам даражада ўрганилган. Шунинг учун танбехнинг паралингвистик воситалар билан боғлиқ томонлари ҳақида сўз юритишдан аввал тилшуносликнинг бу катта соҳаси ҳақида баъзи бир фикрларни билдириб ўтишга тўғри келади. Илмий услубда «пара.лингвистика» атамаси фаолроқ қўлланилишига боис аввал шу термин луғавий маъноси хусусида тўхталамиз.

ПАРАЛИНГВИСТИКА (р-инг.) тилшуносликнинг бир бўлими бўлиб, «тилга ёндош» деган маънони англатади ва тилшуносликда бу термин остида фикрни нолисоний йўл билан баён қилиш назарда тутилади. Шунга кўра «новербал», «нолисоний», «экстралингвистика» сўзлари бу атамага синоним сифатида қўлланилади.

«Инсоннинг ҳар бир табиий физик ҳаракати кинетик новербал восита жумласига кирмасдан нутқнинг алоқа жараёни билан боғлиқ бўлган киши ҳаракати новербал восита саналади...» (Г.В.Колшанский.)

27 Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадир. – Тошкент: «Меҳнат», 2001. – Б. 23.

28 Қаранг: Формановская Н.И. Речевой этикет и культура общения. – Москва: «Высшая школа», 1989. – с. 117.

М.Саидхонов паралингвистик (новербал) воситаларни куйидаги турларга ажратади: фонацион НВ, кинетик НВ, мимик НВ, аралаш НВ²⁹.

Инсон ўз нутқини маълум ҳаракатлар билан биргаликда йўналтириши ва бу ҳаракатлар ўзига хос маъно касб этиши доимо психолог, социолог ва лингвистларни бирдек қизиқтириб келган ҳамда уларнинг тадқиқот объектларига айланиб улгурган.

Дастлаб рухшунослар новербал воситаларни «Ифодали хатти-ҳаракатлар» деб номлаганлар ва уларни «Экспрессив хулқ» рубрикаси остида эмоционал доира контекстида тадқиқ этганлар. Бунга Ч.Дарвиннинг «Выражение эмоции у человека и животных» («Инсонлар ва ҳайвонларда таъсирланишнинг ифодаланиши») номли асари туртки бўлганлигини таъкидлайдилар. Рус психологлари эса «Ифодали хатти-ҳаракатлар»ни ижтимоий персонал нуқтаи назаридан новербал хулқ (хатти-ҳаракат), новербал коммуникация сифатида баҳолайдилар.

XX асрнинг 40-йилларида рухшунос С.Л.Рубинштейн ифодали ҳаракатларга изоҳ берар экан, «Ифодали ҳаракатлар нутққа маълум даражада аралашиб, кўшилиб кетади ва улар хабар етказиш, таъсир этиш куралига айланади», деб таъкидлайди. Чунки новербал воситалар идрок этишнинг специфик объекти ҳисобланади ва унинг элементларидан «Нимани ифода этади?», «Қандай ифода этади?», «Нима учун ифода этади?» каби саволларга жавоб топиш имкони мавжуд. Яъни сўзловчининг нутқидан унинг нима гапираётгани билинса, унинг шу нутқни баён этиш жараёнидаги хатти-ҳаракатларидан қандай гапираётгани кўринади. Зеро, коммуникатив вазиятларда адресант нутқига аралаш ҳолатда келган новербал воситалар лисоний бирликлар билан биргаликда нутққа қўшимча маъно кўшиб келади. Бошқача қилиб айтганда, новербал воситаларни психологлар идрок қилиш, таниш, шархлаш орқали уларнинг ўзига хос семантизациясини ўқиш мумкинлигини эътироф этадилар.

НOVERBAL воситаларнинг айнан ана шу ўзига хос семантизацияси паралингвист, экстралингвист, психолнгвист, социолнгвистларни

29 Саидхонов М. Алоқа-аралашув ва имо-ишоралар. – Тошкент: «Фан», 2008. – Б. 44.

доимо ўзига жалб қилиб келган ва тилшуносликда бир қатор тадқиқотларнинг вужудга келишига сабаб бўлган.

Коммуникатив актдаги новербал воситаларнинг ўрни, роли, маъноси, ишлатилиш хусусиятлари бир қатор файласуф, психолог, социолог ва тилшунос олимлар томонидан атрофлича тадқиқ этилган бўлса-да, социумнинг ижтимоий вазифаси: касби, хунари билан боғлиқ жиҳатлари ҳозирча ўз тадқиқини кутмоқда. Шунинг учун турли касб эгалари мулоқот хулқининг ўзига хос хусусиятларини очиб беришда уларнинг ана шу мулоқот хулқида маълум ўринни эгалловчи новербал воситалардан қай тарзда ва қандай фойдаланишига, улардан англашиладиган ўзига хос семантизацияларга эътибор қаратдик.

Шу ўринда коммуникацияда қўлланилувчи новербал воситаларнинг туркум ва турлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтишга тўғри келади. Рус руҳшуноси В.А.Лабунская ўзининг «Невербальное поведение» асарида коммуникатив актда кишилар томонидан ижро этиладиган новербал воситаларни туркум, тур, компонент ва элементларга ажратади. Унга кўра, новербал воситалар дастлаб экстралингвистика, просодика, кинесика, такесика каби туркумларга ажратилади. Туркумлар ўз навбатида турларга, яъни экстралингвистика: пауза, йўталиш, хўрсиниш, кулиш ва йиғлаш каби турларга; просодика: талаффуз, овоз, темп, тембр каби турларга; кинесика: экспрессия, авербал ҳаракатлар, кўз қараш каби турларга; такесика: статик ва динамик тўқнашишлар каби турларга бўлинади ва улар ҳам ўз навбатида компонент ҳамда элементларга ажралади.

Умуман олганда, новербал воситаларга нутққа қўшимча экспрессив бўёқ берувчи ҳаракат сифатида қараб келинган ва олимлар қадимдан бу муаммо билан шуғулланганлар. Зеро, новербал воситалар адресантнинг ички дунёсини кўрсатиб туради. Яъни шахс ички руҳий оламининг ташқи кўриниши ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, новербал воситаларни нутқнинг тасвири, сурати деб ҳисоблаш мумкин. Бинобарин, новербал воситалар айнан мулоқот даврида жорий этилган нутққа қўшимча тарзда нутқнинг социал регулятив (созлаш) вазифасини бажаради.

НOVERBAL воситалар бевосита коммуникация жараёнида нутққа

қоришиб унга эмоционал кўриниш, экспрессив «жон киритиш» учун хизмат қилар экан, турли касб эгалари мулоқот хулқида хос бўлган шундай хатти-ҳаракатлар ҳам борки, улар нутққа қўшилмайди, яъни нутқ иштирокисиз қўлланилади. Бундай хатти-ҳаракатлар ҳам ўз замирида алоҳида мазмун ва маъноларни билдириб туради. Чунончи, рус психоллингвистлари кишилардаги бундай хатти-ҳаракатларни «невербальное поведение» номи остида изоҳлайдилар. Биз ҳам ўз тадқиқотимизда ана шу атаманинг ўзбек тилидаги муқобили бўлган «новербал хатти-ҳаракат» деб номладик. Турли касблар характерида хос бўлган новербал хатти-ҳаракатларни профессионал ёки социал новербал хатти-ҳаракатлар сифатида баҳолаш мумкин. Бу эса «Ҳар бир ижтимоий соҳа вакилига тегишли новербал хатти-ҳаракатларни ажратиб олиш мумкинми?» деган ҳақли саволни тугдиради.

Кузатишларимиздан ҳар бир социум, ўз ижтимоий соҳаси талабига кўра, маълум функцияни бажариш билан бирга, ана шу функцияга тегишли бўлган новербал воситалардан фойдаланиши маълум бўлди. Бунга кўплаб мисолларни келтириш мумкин: биргина серкатнов кўчада транспортлар ва пиёдалар ҳаракатини тартибга солаётган ДАН ходими ҳаракатларини кўз олдингизга келтиринг. Унинг ҳар бир ҳаракатлари кўча ҳаракати қатнашчиларига маълум информацияни беради, яъни ДАН ходими ўзига хос новербал хатти-ҳаракатлар орқали ҳайдовчилар ва пиёдалар билан коммуникацияга киришади. Ҳаракатни тартибга солувчи ДАН ходими (регулировщик)нинг ҳаракатларидан «тўхтаганг», «юринг», «тайёрланинг» каби семантизациялар (танбех, огоҳлантириш, буйруқ)ни тушуниш мумкин. Ёки ҳарбий соҳага хос новербал воситаларнинг мавжудлигини ҳарбийларнинг ўзаро коммуникатив муносабатларида ҳам кузатиш мумкин. Уларнинг қадам олиши, ўзини тутиши, саломлашув ва мурожаат босқичларида бажарилган ўзига хослиги билан ажралиб туриши барчага маълум. Шунингдек, топширик билан фаолият кўрсатаётган бир гуруҳ ҳарбийлар гуруҳ боши (командир) билан, орадаги масофадан қатъи назар, махсус новербал хатти-ҳаракатлар ёрдамида маълумот алмашадилар. Чунончи, командирнинг чап қўлни кўтариб, кафтини мушт қилиши «Ҳаракатланишни тўхтатинг» маъносини, шу ҳолатда муштини

ёзиб юбориши «Беркининг!» маъносини, кўрсаткич бармоғини юқорига қилиб, ҳавода доира чизиши «Ўраб олинг!» маъносини англатади.

Дарсга кирганда ўқитувчи ўқувчиларнинг ўринларидан туриб унга салом беришини кутади. Дарс пайтида шовқинни босиш, ўқувчиларга танбех бериш учун ручкасини столга уриб тақиллатиб «Тинчланинг», кўрсаткич (указка)ни кўргазмага теккизиб, «Эътибор қилинг» каби сигналларни бериш билан коммуникацияга киришади.³⁰

Булардан кўринадики, танбех фақат сўз ва гаплар воситасидагина эмас, имо-ишора, хатти-ҳаракатлар орқали ҳам берилиши мумкин. Абдулла Қаҳҳорнинг «Дахшат» ҳикоясидан олинган қуйидаги парчада фикримизга оид қуйидагиларни ўқиймиз: «Нодирмоҳбегим сандал ичидан оёғини узатиб Унсиннинг болдирини чимчилади, кўзи билан «хайрият тушунмади, бас қил, гапирма» деб ишора қилди...»

Машҳур америкалик социолог Дейл Карнеги мавзумизга оид қуйидаги фикрларни ёзган: «...Жон Венамейкер ўзининг Филадельфиядаги улкан универсал магазинни ҳар куни айланиб чиқарди. Бир куни у пештахта олдида сотувчини кутиб турган харидорни кўриб колди. Унга ҳеч ким эътибор қилмасди. Сотувчилар пештахтанинг нариги бошида тўпланишиб олиб, ҳиринглашар, гап сотишарди. Венамейкер уларга лом-лим демади. Вазминлик билан пештахта ортига ўтди-да, харидорга ўзи хизмат кўрсатди ва харидор танлаган нарсани ўраб бериш учун сотувчига узатди-да, ўзи магазинни айланишда давом этди...»³¹

Нолисоний воситалар орқали танбех беришнинг тур ҳамда усуллари ранг-баранг ва жуда кўп бўлиб, оддийгина томоқ қириб қўйиш, норози оҳангда гапиришлар, бир маънили қараб қўйишлар орқали ҳам содир этилиши мумкин. Айниқса, оталарнинг оддийгина томоқ қириб қўйишларида олам-олам маъно яширинган бўлади.

30 Яна қаранг: Расулов Қ.А. Ўзбек мулоқот ҳулқининг функционал хосланиши. Филол. фан. номз. дис. автореф. – Тошкент, 2008. – Б. 15.

31 Карнеги Д. Қандай қилиб дўст орттириш ва одамларга таъсир кўрсатиш мумкин? – Тошкент: «Шарқ», 2010. – Б.192.

Бу ҳақда Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиеванинг «Томоқ қириш» номли шеъри ҳам бор:

*Ота келганлигин доим қишу ёз
Томоқ қиришидан билар эдилар.*

*Болаю катталар чиқарди пешвоз,
Барсдай юришидан билар эдилар.*

*...Энди у йўлбарс йўқ, тортмасдан сергак,
Бемалол ўтирар уйда аёл, ой.
Эркак шундай бўлса, келганда эркак
Аёл типирчилаб топмай қолса жой...*

*Бу аёл олдинам бемалол эди,
Уддалай олмади эрга шамликни.
Қабул қилолмади эркакнинг диди
Аёлдаги бу тур хотиржамликни.*

*...Аёл энди ҳушёр, қулоғи овда,
Йиғлаб эслар эрин ҳар бир қиришин.
Энди тушларини қилар безовта
Шовқин. Ва эркакнинг томоқ қириши...»³²*

5.7. Оиладаги танбехлар

Китобимизнинг олдинги саҳифаларида кўпроқ мулоқот жараёнининг муҳим кўринишларидан бири бўлган танбех ва унинг ифодасига оид назарий маълумот беришга ҳаракат қилдик. Бундан кейинги тадқиқотлардан кўзланган асосий мақсад эса турли социолоктлар ўртасида қўлланадиган танбехларни ижтимоий-лисоний нуқтаи назардан таҳлил этишдир.

Маълумки, оила ва унга қўйиладиган талаб, оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар миллий ва ҳудудий ўзига хосликларга эга. Аммо шунга қарамай, бу соҳада ҳам умуминсоний, яъни турли

32 Худойбердиева Ҳ. Томоқ қириш // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 2010 й., 5 март.

миллат ва ҳудуд кишилари учун муштарак бўлган анъана, урф-одатлар ҳам мавжуд бўлиб, бунинг мавзумизга алоқадор томонлари ҳам анчагина. Шунинг учун, аввало, оиладаги танбехларнинг умуминсоний томонлари хусусида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Бу ҳақда машҳур америкалик социолог Дейл Карнеги «Қандай қилиб дўст орттириш ва одамларга таъсир кўрсатиш мумкин?» номли китобида ҳаётий ва қизикарли мисолларни келтиради: «Англиянинг бош вазирларидан энг иззатлиси бўлган Гладстон уйдагиларни ҳеч қачон танкид қилмасди. Нонуштага тепа каватдан тушаётганида, оиланинг қолган аъзолари уйғонмаганларидан хабардор бўлгач, ўз норозилигини билдириш учун, ўзига хос йўлни топиб олган эди. У баралла овозда уйни мунгли ашула билан тўлдирарди. Бу кўшиқ унинг яқинларига Англиянинг энг банд фуқароси нонуштасини пастда, ёлғизликда кутаётганидан хабар берарди. Устомон муомала соҳиби ва одамларга меҳрли бўлган бу зот оиласида ҳам танкид (яъни ўринли, ўринсиз танбехлар) дан ўзини тийиб турарди...»³³

Бугунги кунда бутун Ер юзи аҳолиси танийдиган социолог Дейл Карнегининг мана шу машҳур китобидан ўрин олган «Эр-хотинлар бахтига гўр қазишнинг тез усули» номли мақоласида Наполеон Бонапартнинг жияни, Франция императори Наполеон III, граф Л.Н.Толстой, Америка Президенти Авраам Линкольнлар оилаларидаги чуқур фожеаларга ҳам оддийгина эр-хотинлик муносабатлари, соддароқ қилиб айтганда, хотинларининг ноҳўя таъна-дашномлари сабаб бўлганлиги зикр этилади. Жумладан, унда Линкольннинг турмуш ўртоғи феъл-атворидаги кўпол хатти-ҳаракатлар ҳақида шундай парча бор: «...Никоҳ тўйларидан сўнг бир куни эрталаб Линкольн ва Линкольн хоним нонушта қилаётган эди. Линкольн бир нарса қилган эди, бу хонимнинг гашига тегди. У нима қилганини энди ҳеч ким билмайди. Лекин Линкольн хоним жини тутиб қолганидан чашкасидаги кайноқ кофени эрининг бетига сепиб юборган. Бу воқеа ўша ердаги яшовчилар кўз олдида содир бўлган.

Линкольн унга ҳеч нима демаган, хоним унинг юзини ва

33 Карнеги Д. Қандай қилиб дўст орттириш ва одамларга таъсир кўрсатиш мумкин? – Тошкент: «Шарқ», 2010 й. – Б. 236.

қийимларини сочиқ билан артаётганда, у хўрланган ҳолда ва жим ўтирарди...» Мақола сўнгида Д.Карнеги шундай хулоса чиқаради: «Эрларнинг уйни ташлаб кетиб қолишига оид минглаб ишларни кўрган, Нью-Йорк судида оилавий муаммолар бўйича ўн бир йил ишлаб келган Бесси Хамбургернинг фикрича, аёлларнинг ўз эрларини айбсотиши эрларнинг кетиб қолишига асосий сабаблардан бири бўлган...»³⁴

Мусулмончилик қонун-қоидаларига кўра, хотинларнинг эрларига танбех беришлари у ёқда турсин, уларнинг руҳсатисиз уй остонасидан бир қадам ташқарига чиқишлари ҳам мумкин эмас. Аммо бу дегани эрлар хотинларига истаганча танбех беришлари мумкин экан-да, деган хулосани ҳам келтириб чиқармаслиги керак. Мана шу ва умуман эр-хотинлар ўртасидаги танбехлар ҳақидаги фикрларини билиш учун, ўзбек миллатига мансуб, ҳар икки томон ҳам олий маълумотга эга бўлган 25 нафар эркак ва 25 нафар хотинлар ўртасида куйидаги сўровномани ўтказиб кўрдик:

**«ЭР-ХОТИН ЎРТАСИДАГИ ТАНБЕХЛАР»
МАВЗУСИ БЎЙИЧА СЎРОВНОМА**

№	Саволлар	Вар.	Жавоб вариантлари
1	Мусулмончилик қоидаларига кўра, эр хотинига танбех бериши мумкинми?	а	Ҳа
		б	Йўқ
		в	Меъёрида
2	Мусулмончилик қоидаларига кўра, хотин эрига танбех бериши мумкинми?	а	Ҳа
		б	Йўқ
		в	Қисман
3	Оила бошлиқлари бир-бирларига қаерда танбех бергани маъқул?	а	Қ а й н о н а - қ а й н о т а л а р и олдида
		б	Болалар даврасида
		в	Якка ҳолда

34 Карнеги Д. Қандай қилиб дўст орттириш ва одамларга таъсир кўрсатиш мумкин? – Тошкент: «Шарқ», 2010 й. Б. 232.

4	Ноўрин танбехга қандай муносабатда бўлган маъқул?	а	Танбехга танбех орқали
		б	Тесқари қараб кетиш билан
		в	Ноҳақ эканлигини тушунтириш учун қулай фурсатни кутиш билан
5	Танбех бераётганда турмуш ўртоғингиз ҳолатига эътибор берасизми?	а	Ҳа
		б	Йўқ
		в	Баъзан
6	Танбех беришдан олдин мақташ керакми?	а	Ҳа
		б	Йўқ
		в	Мутлақо
7	Турмуш ўртоғингиздан танбех эшитиб турасизми?	а	Ҳа
		б	Йўқ
		в	Баъзан
8	Турмуш ўртоғингиздан илк бор танбех эшитганингизда қандай ҳолга тушгансиз?	а	Қаттиқ хафа бўлганман
		б	Тўғри қабул қилганман
		в	Ёмон кўриб қолганман
9	Танбех бериш маъносида хотин кишини қалтаклаш мумкинми?	а	Ҳа
		б	Йўқ
		в	Баъзан
10	Танбех бераётганда турмуш ўртоғингиз ота-оналари шахсига эътибор берасизми?	а	Ҳа
		б	Йўқ
		в	Баъзан

Сўровнома натижалари қуйидагича бўлди:

№	Вар	Эркаклар	Аёллар
1	а	20 (80 %)	21 (84 %)
	б	1 (4 %)	1 (4 %)
	в	4 (16 %)	3 (12 %)
2	а		1 (4 %)
	б	3 (12 %)	1 (4 %)
	в	22 (88 %)	23 (92 %)
3	а		
	б		
	в	25 (100 %)	25 (100 %)
4	а	1 (4 %)	
	б		4 (8 %)
	в	24 (96 %)	21 (84 %)
5	а	23 (92 %)	21 (84 %)
	б		2 (8 %)
	в	2 (8 %)	2 (8 %)
6	а	24 (96 %)	22 (88 %)
	б	1 (4 %)	1 (4 %)
	в		2 (8 %)
7	а	2 (8 %)	21 (84 %)
	б	4 (16 %)	2 (8 %)
	в	19 (76 %)	2 (8 %)
8	а	1 (4 %)	15 (60 %)
	б	22 (88 %)	8 (32 %)
	в	2 (8 %)	2 (8 %)
9	а	3 (12 %)	
	б	21 (84 %)	24 (88 %)
	в	1 (4 %)	1 (4 %)
10	а	1 (4 %)	3 (12 %)
	б	23 (92 %)	20 (80 %)
	в	1 (4 %)	2 (8 %)

Ўзбеклар хонадонида қайнона-келин муносабатлари ўта нозик ва ўта масъулиятли бўлиб, ёш оиланинг келажаги кўпроқ мана шу икки киши ўртасидаги мулоқотнинг қай тарзда кечишига боғлиқ

бўлиб қолади. Мулоқотда «устаси фаранг» бўлган ўзбек онахонлари ўз келинларини аввалбошдан каттиққўллик ва меҳрибонликни омухта қилган ҳолда тарбиялайдилар. Бундай онахонлар, одатда, келинларини бўлар-бўлмас нарсага тергайвермайдилар – ўз сўзларининг кадрига етадилар. Мана шундай оналар ҳақидаги ўзбек латифаларидан бирида куйидагиларни ўқиймиз: «Бир қайнона уйларига меҳмон келганда келинларига ҳеч гап айтмас, фикрларини нозик имо-ишоралар орқали маълум қилар экан. Меҳмоннинг олдида ўтирганича, келинларига ишорали танбехлар, йўл-йўриқлар бериб тураркан. Масалан, келинлари караганда пиёласидаги чойни бир марга хўплаб, дастурхон устига қўйса, келган меҳмон озгина ўтириши ва овқатга уннамаслик кераклигини, икки марта хўпласа, суюқ овқат қилиш кераклигини, уч марта хўпласа, тезроқ ошга уннаш кераклигини аңлатаркан...»

Ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар ҳам жуда нозик бўлиб, ноўрин ва кўпол танбехлар орқали ўз жонига қасд қилган фарзандлар ҳақидаги гаплар ҳам баъзан қулоққа чалиниб туради.

«Агар ўғлингиз чекмаслигини истасангиз, – дея ўз тажрибалари ҳақида ўртоқлашади Дейл Карнеги, – унга насихат қилманг ва сиз нимани исташингизни ҳам гапирманг, яхшиси унга чекиш – бейсбол командасига киришга халақит бериши ёки юз ярдли масофага чопиш мусобақасида ғалаба қозониш имкониятидан маҳрум қилишини айтинг...»³⁵

Оталар ва болалар ўртасидаги танбехларда ёзма мулоқотлар, яъни мактублар ҳам катта ўрин тутаяди. Бунга мисол сифатида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўгли Ҳумоюнга ёзган хатини эслаш мумкин: «*Хатингни худ ташвиш била ўқиса бўладур ва асру муғлақтур... Бундин нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз била бит: ҳам сенга ташвиш озроқ бўлур ва ҳам ўқиғучига.*»³⁶

«Агар Сизда болаларингизни танкид қилиш истаги пайдо бўлиб қолса, – дейди Дейл Карнеги, – танкид остига олишдан аввал, америка журналистлигининг классик асарларидан бири бўлган

35 Карнеги Д. Қандай қилиб дўст орттириш ва одамларга таъсир кўрсатиш мумкин? – Тошкент: «Шарқ», 2010 й. – Б. 32.

36 Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. – Тошкент: «Юлдузча», 1980 й. – Б.321.

«Отанинг тавбаси»ни ўқиб чиқинг. Бундай асарлар кўнгилининг самимий кўтаринки дақиқаларида ёзилади. Улар шунчалик кўп муштарийлар юрагининг сезгир торларини чертиб ўтадиларки, улар доим қайта-қайта чоп этилиб туради. Ўз даврида анчагина шов-шувга сабаб бўлган, коллежларнинг даврий нашрлари-ю, ўрта мактабларнинг журналларигача нашр этган бу мақолада, жумладан, куйидагиларни ўқиймиз: «Ўғлим, эшит! Бу сўзларни айтаётганимда сен ухляяпсан. ...ўзимнинг ёмон кайфиятли аламимни сендан олмоқчи бўлдим. Юзингга фақат нам сочиқни теккизганинг учунгина, мактабга бориш учун кийинаётганингда сенга сўқиндим. Ботинкангни ювмаганинг учун сенинг адабингни бериб қўйдим. Қийимларингдан ниманидир полга тушириб юборганингда, сенга жаҳл билан бақирдим.

Нонушта пайтида ҳам сени айбсита бошладим. Сен чойни тўқиб юбординг. Овқатни очкўзлик билан ютардинг. Тирсагингни стол устига қўйдинг. Нонингга ёғни ҳаддан ташқари қалин суриб юбординг. Ундан сўнг ўйнаётгани кетаётганингда, мен эса поездга шошаётганимда, сен менга ўгирилиб қўлингни силкитдинг ва менга қичқирдинг: «Хайр, дада!» Мен бўлсам хўмрайдим ва жавоб бергандим: «Елкаларингни тўғрила!»

Кейин, кун охирида, ҳамма нарса янгидан бошланди. Уйга йўл ёқасидан кетаётиб, тизангда соққачаларни ўйнаётганингни кўриб қолдим. Сенинг пайпоқчаларингда тешиқлар бор эди. Сени олдимга тушиб, уйга кетишга мажбур қилиб, ўртоқларинг олдида сени хўрладим. «Пайпоқлар қиммат туради. Агар сен уларни ўз пулингга сотиб олганингда, эҳтиёткорроқ бўлардинг!» Тасаввур қилиб кўр, ўғлим, буни фақат отанг гапирётган эди!

Ёдингдами, кейин сен кутубхонага, мен ўқиб ўтирганимда, қандай кирганинг: кўрка-писа, кўзларингда дард билан! Менга халақит берганингда асабийлашиб, газетадан кўзимни узиб сенга кўз ташлаганимда, сен остонада иккиланиб тўхтаб қолдинг. «Сенга нима керак?» – кескин сўрадим...»

Шундай қилиб, агар сиз оилангизни бахтли қилиб сақламоқчи бўлсангиз, учинчи қондани эсланг: **т а н қ и д қ и л м а н г!**³⁷

37 Карнеги Д. Қандай қилиб дўст орттириш ва одамларга таъсир кўрсатиш мумкин? – Тошкент: «Шарқ», 2010 й. – Б. 237, 238, 239.

Ота ва ўғил муносабатлари ҳақида сўз кетар экан, ҳақиқий ўзбекона муносабатларни ўзида мужассам этган машҳур «Ўтган кунлар» романидаги Юсуфбек ҳожи ва Отабеклар муносабати беихтиёр ёдимизга тушади ва ҳар қандай ҳолатда ҳам ота хурматини ўрнига қўя олган Отабекнинг муомала маданиятига яна бир қарра қойил қоламиз: «Ўзбек ойим келиб кирганидан сўнг Юсуфбек ҳожи бир неча вақт ўйлаб қолди. Ўзбек ойим депсиниб-депсиниб эрига қараб олар эди. Анчагина сўзсиз ўтиргандан сўнг ҳожи мулойимона сўз очди:

– Ўғлим, ҳали сен эшитдингми, йўқми, ҳайтовур, биз сенинг устингдан бир иш қилиб қўйдик...

Отабек, маълумки, уларнинг «қилиб қўйган ёки қилмоқчи бўлган ишларини» албатта билар эди. Шундай ҳам бўлса, билмаганга солинди:

– Ақлли кишиларнинг ўғиллари устидан қилган ишлари албатта номаъқул бўлмас, – деди.

Ҳожи ўглининг бу жавобидан ерга қаради ва нима деб давом қилишини билмай қолди...»³⁸

Аждодларимиз удумига кўра, отага нисбатан «сен» сўзи қўлланмайди. Отасини «сен»лаган фарзандлар эса дўзахи ҳисобланади. Абдулла Ориповнинг «Жаннатга йўл» драматик достонида фикримизга ҳамоҳанг қуйидаги парчани ўқиймиз:

«Ўзга одам:

– Қайси куни йиглаб кетди бир мўйсафид чол,

Тарозибон не деса – шу, ишонамиз-да!

Етти марта ҳаж савоби бўлмабди қабул.

Йигит: – Нечук энди?

Ўзга одам:

– У дунёда рўй бериб қай ҳол

Отасини сенсирарган экан бир бор ул...»

«Биз – фарзандлар учун дунёда отамиздан улугроқ, отамиздан кучлироқ, билимдонроқ одам йўқ эди, – дея эслайди Ўткир Ҳошимов. – Онам икки гапнинг бирида «ҳой, ўғлим, ҳозир аданг

38 Қодирий А. «Ўтган кунлар». – Тошкент: Гафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974 й. – Б. 137.

кепқоладилар, дарров сизга ўт юлиб кел», «ҳой, кизим, аданг кепқоладилар, ҳовлини супур», «адангни соатига тегма», «адангни жаҳллари ёмон, шовкинламай ўтиринглар» деб қайта-қайта тайинлар эдилар. Ҳолбуки, «жаҳли ёмон» адамиз биронтамизни бирон тарсаки урган эмаслар...

Кейин тушунсам, отани қаттиқ иззат қилиш, керак бўлса, «ота шахсига сиғиниш» фақат яхшиликка олиб келишини билгани учун ҳам онам шундай қилган эканлар. Бу мутелик эмас, донишмандлик экан!

Агар шунинг оти «феодаллик» деб аталса, раҳмат, бундай «феодализм»га!...»³⁹

5.8. Устоз-шогирд ўртасидаги танбеҳлар

Дунёда фаолиятининг асосий қуроли тил бўлган касблар ҳам борки, уларнинг бошида ўқитувчилик туради. Қайси фан мутахассиси бўлишидан қатъий назар, ўқитувчи тилдан мохирона фойдаланиш ҳадисини олмаган, демаски, чинакам маданий нутқ малакасини эгалламаган бўлса, дарсадаги нутқи ўтмас, ночор ва рангсиз бўлса, унинг билими қанчалик чуқур ва тугал бўлмасин, қирқ беш дақиқалик фурсат унинг учун ҳам, ўқувчи шўрлик учун ҳам бениҳоя оғир азоб. Она тилида пухта, лўнда ва ширадор нутқ туза олиш малакаси ва маҳорати математика ўқитувчиси учун ҳам, она тили ўқитувчиси учун ҳам бирдай зарурий фазилатдир⁴⁰.

Аммо ҳеч кимга сир эмаски, мана шундай шарафли касб эгалари ичида ҳам ўзаро мулоқотда, айниқса, устоз-шогирд муносабатида тил маданияти қондаларини қўпол равишда бузадиганлари ҳам учраб туради. Ўқитувчини ҳар томонлама мукамал деб ҳисоблайдиган ўқувчилар уларнинг оғзидан ножўя сўзлар чиққанига гувоҳ бўлсалар, айниқса, ножўя танбеҳлар эшитсалар, улар буни ҳазм қилолмасликлари ва ҳатто ўз жонларига қасд қилишгача боришлари ҳам мумкин. Бунга мисол сифатида

39 Ҳошимов Ў. Дафтар хошиясидаги битиклар. – Тошкент: «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2008 й. – Б. 148-149.

40 Қаранг: Махмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007 й. – Б. 18.

ёзувчи Ўткир Ҳошимовнинг «Қалбингга кулоқ сол» қиссаси персонажларини эслаш мумкин. Унинг бош қаҳарамонларидан бири – мактаб директори, аллақачон балоғат ёшидан ўтиб кетган бўлишига қарамай турмушга чиқмаган Василя Назаровна 9-синф ўқувчиси Дилфузани дарс пайтида Рустам деган йигитдан олган хатини ўқиб турган ҳолда қўлга туширади ва унга қаттиқ танбех беради: «Ота-онангни педсоветга чақириб шарманда қиламан», – дейди. Бу иснодга чидай олмаган Дилфуза уксус ичиб ўз жонига қасд қилади.

Бу билан ёзувчи одамлар билан мулоқотда, айниқса, ўқитувчилар ўқувчиларга дакки бераётганларида жуда хушёр бўлишлари керак, деган хулосани китобхоннинг ўзига ҳавола қилади.

Устоз-шогирд ўртасидаги танбехларга бўлган муносабатларини аниқлаш мақсадида вилоят малака ошириш институтига Фарғона вилоятининг турли шаҳар ва туманларидан малака оширишга келган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг турли фан ўқитувчиларида қуйидаги сўровномаларни ўтказиб кўрдик:

**«ЎҚИТУВЧИ-ЎҚУВЧИ ЎРТАСИДАГИ ТАНБЕХЛАР»
МАВЗУСИ БЎЙИЧА СЎРОВНОМА**

№	Саволлар	Вар.	Жавоб вариантлари
1	Ўқувчига танбех бериш керакми?	а	Ҳа
		б	Йўқ
		в	Меъёрида
2	«Сўкаверсанг бети, ураверсанг эти қогади» деган фикрга қўшиласизми?	а	Ҳа
		б	Йўқ
		в	Қисман
3	Ўқувчига қаерда танбех бериш керак?	а	Синфда
		б	Дўстлари даврасида
		в	Якка ҳолда
4	Қандай восита орқали берилган танбех кўпроқ таъсир этади?	а	Сўз орқали
		б	Имо-ишоралар орқали
		в	Паст овозда ва меъёрида берилганда

5	Танбех бераётганда ўқувчилар жинсига эътибор берасизми?	а	Ҳа
		б	Йўқ
		в	Баъзан
7	Ўқувчи ўқитувчисига танбех бериши мумкинми?	а	Ҳа
		б	Йўқ
		в	Йўлини топиб
8	Ўзингиз танбех эшитиб турасизми?	а	Ҳа
		б	Йўқ
		в	Баъзан
9	Танбех бериш маъносида ўқувчини калтаклаш мумкинми?	а	Ҳа
		б	Йўқ
		в	Баъзан
10	Танбех бераётганда ўқувчилар ота-оналари шахсига эътибор берасизми?	а	Ҳа
		б	Йўқ
		в	Баъзан

Ҳаммаси бўлиб 50 нафар ўқитувчидан ўтказилган СЎРОВНОМА натижалари қуйидагича бўлди:

№	Вар.	Миқдори	Фойзи
1	а	10	20
	б		
	в	40	80
2	а	33	66
	б	4	8
	в	13	26
3	а	1	2
	б		
	в	49	98
4	а	11	22
	б	14	28
	в	25	50
5	а	45	90
	б	1	2
	в	4	8

6	а	17	34
	б	13	26
	в	20	40
7	а	4	8
	б	25	50
	в	21	42
8	а	11	22
	б	11	22
	в	28	56
9	а	2	4
	б	41	82
	в	7	14
10	а	11	22
	б	35	70
	в	4	8

Ё К И

**«ЎҚИТУВЧИ-ЎҚУВЧИ ЎРТАСИДАГИ ТАНБЕХЛАР»
МАВЗУИДАГИ СЎРОВНОМАнинг изоҳли
ЖАВОБЛАРИ**

№	Вар.	Жавоблар	Фоиизи
1	а	Ўз касбингиз, вазифангизга бефарқ эмассиз	20
	б	Фаолиятингизда эътиборсизлик, лоқайдлик кузатилади	
	в	Танбех бериш одобларидан бохабарсиз	80
2	а	Мақол мазмунини тўғри англагансиз	66
	б	Мақол моҳиятини тўғри тушунмайсиз	8
	в	Мақол моҳиятидан тўлиқ хабардор эмассиз	26
3	а	Танбех бериш ўрнини доимо тўғри белгилай олмайсиз	2
	б	Танбех беришда вазиятни ҳисобга оласиз	
	в	Танбех бериш ўрнини тўғри белгилай оласиз	98

4	а	Танбех бериш воситасини қисман тўғри тушунасиз	22
	б	Ўзингизга эътиборли бўлишларини хоҳлайсиз	28
	в	Тўғри, таъсирли танбех берасиз	50
5	а	Танбехнинг нозик томонлари билан ҳисоблашасиз	90
	б	Танбехда хатоликка йўқ кўясиз	2
	в	Танбехда беътиборсиз	8
6	а	Ўзингизга нисбатан талабчансиз	34
	б	Сизни натижа кизиқтирмайди	26
	в	Беътибор эмассиз, кўнгилчансиз	40
7	а	Одил фикрлайсиз, ўқувчилар билан дўстона алоқадасиз	8
	б	Ўқувчилар фикри сизни кизиқтирмайди	50
	в	Эҳтиёткор, зийрак ва ҳушёрсиз	42
8	а	Ростгўйсиз, танбех тинглашни биласиз	22
	б	Мурасага мойилсиз	22
	в	Ўрта йўлни танлайсиз	56
9	а	Педагогик маҳоратингизда камчиликлар кузатилади	4
	б	Касбингиз масъулиятини чуқур тушунасиз	82
	в	Янглишмовчиликларга йўл қўйиб турасиз	14
10	а	Мулоҳазакор, масъулиятли ва сезгирсиз	22
	б	Андишани суймайсиз	70
	в	Кайфият одамисиз. Эътиборлироқ бўлинг	8

5.9. Шифокор-бемор ўртасидаги танбехлар

Юқоридаги фикрлардан маълум бўлганидек, ҳар бир соҳадаги мулоқот ўз қонуниятларига эга. Айниқса, инсон руҳияти билан муттасил боғлиқ ҳолда фаолият кўрсатадиган шифокорлар мулоқоти алоҳида ўзига хосликлари билан ажралиб туради. Тиббиёт илмидан маълумки, инсон мулоқотдан маҳрум қилинганда унинг ички дунёси бузила бошлайди. Руҳшуносларнинг кузатишларига қараганда, инсон мулоқотдан маҳрум қилинган даврдан бошлаб унинг ички дунёси салбий таъсир ола бошлайди⁴¹. Шундай экан, шифокорлар, аввало, ҳамма беморлар билан, қолаверса, узок вақт мулоқотдан маҳрум бўлган беморлар билан муомалада жуда эҳтиёткор бўлишларига тўғри келади. Бу мулоқотнинг ҳамма босқичларига тегишли бўлиб, жумладан, беморларга танбех бериш диққат ва эътибор талаб этадиган алоҳида жараёнлар. Шундай экан, ҳар бир шифокор беморни алоҳида, бетакрор индивид сифатида қабул қилмоғи ва уни ҳеч такрорланмас руҳият намунаси сифатида ўрганмоғи, мулоқот қилмоғи зарурдир.

Ал-Хоразмийнинг фикрига қараганда, ҳар бир ҳодиса учун маълум сабаб ва макон бўлиб, бу ҳодиса ундан ташқарида бўлиши мумкин эмас. Буюк алломанинг айнан фикрини мавзумиз нуктаи назаридан баҳолайдиган бўлсак, муомалани «ҳодиса», «сабаб»ни касаллик деб, «макон»ни шифохона деб белгиласак, у ҳолда бемор шифокорнинг икки томонлама мулоқоти айнан шу маконда, айнан шу сабаб билан «ҳодиса юз беради», деб талқин қилишимиз мумкин бўлади. Бу ҳолатдаги шифокорнинг бемор билан бўладиган муомаласи, билъақс, матбуотда, радио ёки телевидениедаги нутққа кўча олмайди. Шифокорнинг кенг оммага қаратилган нутқининг айрим олинган бемор билан кечадиган муомаласини асло муқояса қилиб бўлмайди, албатта.

Шифокор бемор билан мулоқотда ҳар бир беморнинг ўзига хос белгилар, хусусиятларни ва маълум тиббий-маънавий тамойилларни

41 Йўлдошев М. Ҳамшира меҳнати психологияси. – Тошкент, 2002. – Б. 81.

хисобга олган ҳолда амалга ошириши мақсадга мувофиқдир⁴².

Жамики жонзотлар, айниқса, уларнинг энг мукаммали ва мутлақ ҳукмрони бўлган инсонлар табиатан эътибор ва муносабатга муҳтож бўлади. Шунинг учун баъзилар одамларда ҳамдардлик ҳиссини уйғотиш ва бошқаларнинг эътиборини ўзига қаратиш мақсадида бемор ҳам бўлиб оладилар. Бу ҳақда Д.Карнеги қуйидагиларни ёзади: «Миссис Мак Кинлини мисол қилиб келтирайлик. Ўзининг муҳимлигини ҳис қилиш иштиёқи тўлиб-тошиб кетганидан, Қўшма Штатлар Президенти бўлган эрини, зарур давлат ишларини йиғиштириб қўйиб, хотинини ухлашга кўндириш учун, каравотига суяниб, уни соатлаб қучиб ўтиришга мажбур қилган. Эрининг диққатини ўзига жалб қилиш ташналигини қондириш учун, шифокор тишларини тартибга солаётганида, эридан у билан бирга ўтиришни қаттиқ талаб қилган».⁴³

Шундай экан, шифокорлар беморлар кўнглига боқиши, улар билан бўладиган мулоқот жараёнида, айниқса, танбех беришда ўта эҳтиёткор бўлишлари талаб этилади. Бироқ ҳаётда ўзини шифокор санайдиган, аммо бундай улуг мартабага мутлақо нолойиқ бўлган қуйидагидек тиббиёт ходимлари ҳам учраб туради: «...Бир қишлоқ врачлик пункти (ҚВП) мудираси бизнинг олдимизда ҳомиладор, рангпар бир аёлни саволга тута кетди. Анемиядан дард чекиб, ўзи шундоқ ҳам қийналиб турган бечора аёл мудиранинг саволларидан довдираб, биздан ийманар, қоқсуяк қўлларини юзига парда қилишга уринарди.

– Эринг ҳалиям ичяптими?

– Ҳмм...

– Ичма, десанг ўласанми, ахир?! Ҳамма айб сенда ўзи, ландавур-латтасан, эрни мундоқ бошқаролмайсан ҳам.

– Нима қилай, ахир, опа, худо инсоф бериб қолар...

– Э, худони тинч қўй! Қайнанг-чи, у нима деяпти?

– Ўғил туғасан деяпти. Ўғил туғсанг, эринг ичмай қўяди, дейди.

42 Қосимов Э.Й. Шифокорнинг нутқ маданияти ва бемор билан мулоқот санъати. – Тошкент: «Шарқ», 2002 й. – Б. 55.

43 Карнеги Д. Ўша асар. – Б. 23.

– Ҳа, савил! Мана шу сенга ўхшаган ношудлар ҳомиладор бўлиб оласанлар-да, камқонга чалиниб, бизнинг ҳам кўрсаткичларни тушириб юборяпсанлар. Юқоридан комиссия келиб, мана ҳозир бизни сўкиб ўтиришибди. Катта-катта егин, десанг, топган гаплари «пул йўқ». Ароққа пул топиляпти-ку!»⁴⁴

Бу матндан кўриниб турибдики, шифокор оғзидан чиқаётган сўзлар бу соҳа ходимлари ахлоқ-одоб меъёрларига мутлақо жавоб бермайди. Уларнинг бу каби ҳақоратомуз танбеҳлари беморлар ҳолини баттар ёмонлашишга олиб келишдан бошқасига ярамайди. Бу каби мисолларни, афсуски, жуда кўплаб келтириш мумкин.

44 Мирзақулов Р. Соғлом турмуш тарзи нима? // «Фаргона ҳақиқати», 2010 й., 14 апрель.

ОЛТИНЧИ БОБ

ОИЛА ВА ИЖТИМОЙ ЭКОЛОГИЯ

6.1. Оила – жамият пойдевори

Оила аъзолари – ота-ўғил, она-қиз, қайнона-келинларнинг нутқий муносабатлари ҳақида ва унинг ижтимоий экологияни шакллантиришдаги ўрни ҳақида сўз юритишдан аввал «Оиланинг ўзи нима?», «Одоб ва унинг турлари деганда нимани тушунамиз?», «Оилада нутқий муносабат қандай бўлиши керак?» каби қатор саволларга жавоб топиб олишга тўғри келади. Шунинг учун биз, аввало, айнан мана шу саволларга жавоб топиб олишга ҳаракат қиламиз.

«Ўзбек тилининг изоҳли лугати»да оилага шундай изоҳ берилган:

ОИЛА (а) 1. Эр-хотин, уларнинг бола-чақалари ва энг яқин туғишганларидан иборат бирга яшовчи кишилар мажмуи, хонадон.⁴⁵

«Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли лугати»да оила, оила ахлоқи тушунчаларига махсус саҳифалар ажратилган:

«ОИЛА – эр-хотинлик иттифокига, қариндошлик алоқаларига, умумий хўжалик юритадиган эр-хотин, ота-она ва болалар, ака-ука ва опа-сингиллар, бобо-бувилар ва бошқа қариндошлар ўртасидаги муносабатларга асосладиган кичик ижтимоий гуруҳ, жамиятнинг асоси, давлат қудратининг манбаи. Оиланинг ҳаёти моддий (биологик, хўжалик) ва маънавий (ахлоқий, ҳуқуқий, психологик) ва жараёнлар билан характерланади. Оиланинг маънавий олами серқирра ҳодиса бўлиб, наинки оиланинг жамиятдаги сиёсий-ижтимоий мавқеини, балки тарихий тараққиётга хос хусусиятлари, шунингдек, иқтисодий имкониятлари, демографик ва этнографик, этнопедагогик ва этнопсихологик анъаналарни ҳам қамраб олади. Оиланинг инсон маънавий камолотида тутган ўрни ҳам беқиёсдир. Шу маънода, Республикамиз Президенти Ислоҳ Каримов

45 Ўзбек тилининг изоҳли лугати. III жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007 й., 97-б.

таъкидлаганидек, «Халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, энг қимматли анъаналар: ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму ҳаё, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар, энг аввало, оилада шаклланади». Оила – тарихий категория. Унинг шакл ва функциялари мавжуд ижтимоий муносабатлар характери, шунингдек, жамиятнинг маданий тараққиёти даражасига боғлиқ. Айни вақтда, оила жамият ҳаётига ҳам кучли таъсир этиб, қатор функцияларни (бола туғиш, уй-рўзгорда меҳнат қилиш, хўжалик юритиш, ўз аъзоларининг жисмоний эҳтиёжларини қондириш, ёш авлодни тарбиялаш, маънавий ва ахлоқий-эстетик камолотига таъсир кўрсатиш) бажаради. Тадқиқотчилар энг қадимий даврда тартибсиз жинсий муносабатлар ҳукм сурган, оила ҳали шаклланмаган, бу алоқалар ўрнини гуруҳий никоҳ эгаллаган, кўп жуфтли оила пайдо бўлган, деб ҳисоблайди. Моногамиянинг (бир никоҳли оила) қарор топиши билан аёллар эркаклар томонидан назоратга олиниб, патриархал давр бошланган. Аёл аста-секин ўз эри – хўжайинининг мулкига, қулига айланган. Бойлик ортириш ва уни қонуний ворисларга бериш оиланинг асосий мақсади бўлиб қолган. Моногамик оила кенг тарғиб қилинган қадимий зардуштийликда оила ва никоҳ масаласига муҳим аҳамият берилган. Оила ва никоҳ Яратувчининг талабига мос келгани боис уни бузиш тақиқланган. Агар оилада эр ёки хотин ахлоқсизлик, яъни бузуқчилик содир этса, ундай кишилар жазоланган. Шу орқали оила мустаҳкамлиги учун курашилган. Шарқда оила қадимдан муқаддас ватан ҳисобланган. Унинг мустаҳкамлиги дарз кетишига йўл қўйилмаган. Масалан, «Авесто»да наслнинг поклиги, тозалигига ҳам алоҳида эътибор берилган, қариндош-уруғ, ака-уканинг қуда-анда бўлиши қораланган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, оилага бўлган эътибор янада ошди. Оила – жамият, давлатнинг энг муҳим хужайраси, зарраси, бўғини. Оила уч жиҳатни: никоҳни, оилавий мулк ва анжомлар, улар ҳақидаги ғамхўрликни ҳамда болалар тарбиясини ўз ичига олади. Қонунга биноан, никоҳ тузиш шартларида энг муҳими – никоҳга қирувчиларнинг ўзаро розилиги ва уларнинг никоҳ ёшига етганлиги ҳисобланади. Оила поклик ва софлик, икки томонлама муҳаббат, садоқат ва

вафодорликка асосланиши керак. Оила мустаҳкам, тинч, фаровон, соғлом бўлсагина, жамиятда барқарорлик вужудга келади. Унинг мустаҳкамлиги оиладаги тинчлик-хотиржамлик, бир-бирига бўлган самимий муносабат, оила аъзоларининг ахлоқий тарбиясига боғлиқ. Маълумки, хулқ-одоб инсон маънавий қиёфасини ифода этади. Оила хулқ-одоб кадриятларини шакллантиришдаги асосий мезон бўлиб, бу жараёнда оила, мактаб, маҳалла ва жамоатчилик ташкилотлари фаолиятларининг уйғунликда иш олиб боришлари мақсадга мувофиқдир. Оила инсоният узлуксизлиги ҳамда кадриятлар, урф-одатлар ва анъаналарни, қолаверса, бутун бир халқ маданий, маънавий меросини авлоддан-авлодга ўтишини таъминловчи омилдир. Айнан оилада инсонларга хос маънавий, ахлоқий кадриятлар: ўзаро ҳурмат, иззат, ишонч, мулозамат, муҳаббат, ҳамкорлик, ҳамдардлик туйғулари яққол намоён бўлади. Оиладаги энг асосий мезон икки томоннинг бир-бирини тушуниб, қўллаб-қувватлаши, оғир ва қувончли дамларда бир-бирига ҳамдард-ҳамнафас бўлишини таъминловчи ҳаракат уйғунлигидир. Оиланинг муқаддас бурчи ва вазифаси нафақат фарзандни дунёга келтириш, балки уларни юксак маънавиятли ва маърифатли қилиб тарбиялаш, жамиятда ўз ўрнини мустақил топишига шарт-шароит яратиш беришдан иборатдир. Фарзанд тарбиясида оиладаги маънавий муҳитнинг тўғри йўлга қўйилиши, ота-онанинг ибрати ва масъулияти ҳар қачонгидан муҳимдир. Оила муносабатлари, асосан, ота-она ва фарзандлар ўртасида кечгани боис ота оила сарбони ҳисобланади. Турли муаммоларни ҳал қилишда отанинг фикри ҳамда маслаҳати муҳим аҳамият касб этади. Бироқ фарзанд тарбиясида матонатли, фидойи, сабр-тоқатли, баъзан қаттиққўл, тежамкор отанинг ҳам, меҳридарё, бағрикенг юмшоққўнғил онанинг ҳам ўз ўрни бор. Оиладаги соғлом муҳит, ота-она тарбияси орқали нафақат жамиятнинг бугунги куни, балки унинг истиқболи, авлодлар ворисийлиги ҳам белгиланади. Президентимиз таъкидлаганидек, «Оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарордир».

6.2. Оила ахлоқи

Халқимиз жуда қадим замонларданок оилани муқаддас ҳисоблаб келган. Оилавий муносабатларга асос бўлган одоб-ахлоқ меъёрлари диний меъёрлардан аввал шаклланган. Оила ахлоқи ҳозир мавжуд бўлган ахлоқ меъёрларининг энг қадимийси ва энг муҳими. Оила ахлоқи фақат эр ва хотин ўртасидаги муносабатни ифодалаб қолмай, балки фарзандларнинг етук инсон сифатида шаклланишининг дастлабки ва асосий мезонидир. Бинобарин маънавий бой, ахлоқан пок ва жисмонан соғлом фарзандларни тарбиялаб вояга етказиш дастлаб оилада амалга оширилади. Инсонга бир умр ҳамроҳ бўладиган инсоний фазилатлар – эзгулик, яхшилик, яратувчанлик, фидойилик, садоқат, мардлик оиладан бошланади. Ўзбекона оила, ўз анъана ва тарихига биноан, фарзандларини миллий фаросат ва нафосат сарчашмаларидан баҳраманд қилиб тарбиялаб келади. Масалан, Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романидаги асосий қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари, муомала маданиятидаги назокат, меҳр-оқибатлилиқ, меҳмондўстлик, иймонлилиқ, эътиқодлилиқ, меҳнатсеварлик каби инсоний фазилатлар ўзбекона миллий оилада шаклланади. Оила ёшларни ахлоқ-одобли, ростгўй, меҳнатсевар, ҳалол бўлиб, вояга етиши учун замин тайёрлайди. Оила тарбияси фарзанднинг келажакда ким бўлиб етишишида муҳим ўрин тутаяди. «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида таъкидланганидек, «Маълумки, ўзбек халқи азалдан ўзининг болажонлиги, оилапарварлиги билан ажралиб туради. Албатта, фарзандга меҳр кўйиш, уларнинг қорнини тўқ, устини бут қилиш ўз йўли билан, лекин болаларимизни ёшлиқ чоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш биз учун доимо долзарб аҳамият касб этиб келган. Бу масалага эътибор бермаслик нафақат айрим ота-оналар, балки бутун жамият учун жуда қимматга тушишини ҳам кўпгина ҳаётий мисолларда кўриш мумкин.

Ўз-ўзидан равшанки, юқорида зикр этилганидек, бола тарбиясида соғлом насл масаласи ҳам муҳим роль ўйнашини инкор этиб бўлмайди. Ақли расо ҳар қайси инсон яхши англайдикки, бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб

аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди... Бугунги кунда бизнинг қилаётган барча ишларимиз фарзандларимизнинг бахту саодати, уларнинг ёруғ келажаги учун амалга оширилмоқда. Лекин бахту саодат фақат бойлик, молу мулк билан белгиланмайди. Одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, иймон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бугун жамиятнинг энг катта бойлигидир»⁴⁶. Демак, бола оилада жамиятнинг, миллатнинг қиёфасини кўради, шу муҳитда унинг табиати, дунёқараши ва миллий ахлоқий қиёфаси шаклланади ҳамда камол топади. Бола учун оиладаги соғлом ижтимоий руҳий муҳит умуминсоний ва миллий ахлоқий кадрятлар манбаидир.

Мустақиллик йилларида оилада ахлоқий фазилатларни камол топтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 1998 йилнинг «Оила йили» деб эълон қилиниши ҳамда ҳозирги даврда ёш оилаларга ғамхўрлик қилиш тўғрисидаги ҳукуматимизнинг қарор ва таъдирлари шундан далолат беради. Оила ахлоқи ҳар бир оила аъзосининг маънавий қиёфаси орқали бир-бирини тушунишидир. Оила ахлоқи оиланинг шону шарафи, ғурури, бурч ва вазифаларини кўрсатиб берувчи мезондир. Оилада покиза насл-насаб туйғуси ва у билан фахрланиш – пировард оқибатида ватанпарварлик, халқпарварлик ифтихорини юзага келтиради. Юртбошимиз таъкидлаганидек, «насл» ва «насиба» деган сўзлар ўртасида қандайдир илоҳий боғлиқлик бордек туюлади. Албатта, ҳар бир бандга ризқ-насибани Оллоҳ таоло беради. Лекин бу ҳаётда насибаси бутун ва тўла бўлиши учун инсоннинг ўзи ҳам чин дилдан интилиши, зурриётини соғлом муҳитда тарбиялаши катта аҳамиятга эга эканини унутмаслик зарур. Шарқона кадрятлар, ахлоққа асосланган ўзбек оилаларида ўз шахсий фаровонлигидан кўра оила шаънининг баланд тутилиши, қариндош-уруғ ва яқин одамларга, қўни-қўшниларга ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўйилиши – олий даражадаги кадрят бўлиб, оилани ташқи муҳит билан боғлашга ва мустақкамлигини таъминлашга хизмат қилади. Оила ахлоқи ва маънавияти қанчалик бой ва теран бўлса, жамият

46 Ислам Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: «Маънавият», 2008 й., Б. 55-56.

ҳам шу қадар бой бўлади, оила маънавиятида жамият маънавий олами тажаллий топади. Муайян халқнинг миллат сифатидаги ўзига хослиги ҳам унинг маънавиятида жилोलаниб туради. Оила ахлоқи – миллийликнинг барча аломатларини ифодаловчи кўзгу, турмушнинг миллий асоси. Оила ахлоқининг юксак маънавий жиҳатдан шаклланиши мамлакатимизда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон жамият қуриш гаровидир.

6.3. Одоб – инсон зийнати

Одоб – (араб. «адаб» сўзининг кўплиги) – жамиятда эътироф этилган хулқ меъёри. У шахс маънавий ҳаётининг ташқи жиҳатини ифодалаб, ўзаро муносабатда, оила, меҳнат жамоасида намоён бўлади. Одоб асосини ахлоқий тамойиллар, меъёрлар, тарбияланганлик даражаси ва эстетик идеал талаблари ташкил этади. У кишининг жамоада ўзини тутиши, одамлар билан муомала қилиши, турмуш тарзи, бўш вақтини ташкил этиши кабиларни ўз ичига олади. Инсоннинг диний эътиқоди унинг одобли бўлиб камол топишида муҳим ўрин тутади. Одоб биринчи навбатда, оила муҳитида, қолаверса, таълим-тарбия, ижтимоий фойдали меҳнат, амалий тажриба жараёнида шаклланади. Ёши улғайган сари инсоннинг одоб даражаси кенгайиб боради. У киши фаолиятини, маънавий етуклиги, маънавиятини белгилайдиган мезон. Одоб «тарбияли» маъносини ҳам англатади. Ота-онанинг яхши одобни фарзандларга ижобий таъсир қилади. Уларда ватанпарварлик, фидокорлик, садоқат, мардлик, жасурлик, чидамлилиқ, вазминлик, кадр-қиммат, ташаббускорлик каби хислатларни шакллантиради. Одобли бўлиш эл ўртасида одоб сақлаш, насиҳатларга амал қилиш, инсоф, имонли бўлишнинг асосий омилдир. Одоб илм эгаллаш, бадий, ахлоқий, шеърый асарларни мутоала қилиш асосида шаклланади. Одобли киши яхши амалларни одат қилади, кўни-кўшни, дўст-биродарлар, ота-оналар хурматини жойига кўяди, соф виждонли бўлади. Демак, тилини одоб билан қуроллантирган, кўлини тўғрилиққа одатлантирган кишигина камолотга етишиши мумкин.

Тилимизда «одоб» тарзида талаффуз қилинишга одатланиб қолинган арабча «адаб» сўзи, аслида, яхшилиққа чақиритишни англатади ва у «маъдаба» ўзагидан олинган. Маъдаба эса одамларни яхшилиққа, маънавий зиёфатга чақиритишни англатади. Одоб ҳам одамлар доимо даъват қилинадиган маънавий «маъдаба», яъни зиёфат бўлгани учун шу номни олган.⁴⁷

Инсон одобни шарм-ҳаё, билим, ақл, меҳрибонлик, поклик, тўғрилиқ, хайр-эҳсон билан баҳоланади. Яъни одоб инсон хулқ-атворининг меъёридир. Инсон одобининг қандайлиги унинг билими, ақли, муомаласига боғлиқ. Яхши фазилатли, яхши одобли инсонлар мазмунли, мароқли ва фаровон ҳаёт кечирадилар. Яъни одоб – яхши хулқ-атвор, шарм-ҳаё ва ахлоқ покизалигидир. Одоб шундай меъёр, ўлчов, андоза ва сарҳадки, одамлар бир-бирлари билан муносабатда унинг юзасидан амал қиладилар.

Ҳаёт тажрибалари шуни кўрсатадики, одобли одамлар эъзоз топиб, фаровон ҳаётнинг баланд чўққиларига етадилар ва бой-бадавлат ва тинч-тоғув ҳаёт кечирадилар.

Одоб илмсиз ва илм одобсиз ноқисдир, яъни инсон бу икки нарсани ўзида акс эттириши лозим. Илм-одоб ёпиқ эшикларни очувчи калитдир.

Илмли ва одобли инсонларда одамгарчилик фазилатлари кўп бўлиб, ёмон йўлга боришга, ёмон ишларни қилишга йўл қўймайди:

Ким ақл йўлидан юрса, у киши

Ҳеч маҳал бўлмагай ёмонлик иши.

(Абулқосим Фирдавсий)

Илм, одоб ҳамма жойда, ҳамма ишда, айниқса, оилада жуда зарур. Зеро, яхши одоб-ахлоқ ва яхши тарбия оиладан бошланади. Бунинг учун ота-она ва бошқа ёши катталар яхши хислатлар ва одатлар эгаси бўлишлари лозим. Чунки одам сихат-саломат, бақувват ва олим бўлиши мумкин, аммо яхши фазилатларсиз комил инсон ҳисобланмайди. Хуллас, одамлар одобли ва олижаноб инсонларни хурмат-иззат қиладилар, яхши кўрадилар.

47 Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Ижтимоий одоблар. – Тошкент: «Nihol-nashr», 2013 й., – Б. 6.

6.4. Оила аъзоларининг бурч ва вазифалари

Фарзандларни оилали, уйли-жойли қилиб, набиралари бўлиб, бобо ё момо бўлиш бу, бебаҳо бахт-саодатдир. Чунки шириндан-шакар набиралар қуршовида яшаш, уларнинг кундан-кунга шаклланиб боришини кўз ўнгиди кўришнинг ўзгача ҳузур-ҳаловати бор.

Оиланинг фаровонлиги ва барқарорлиги йўлида ҳар бир оила аъзосининг ўз ўрни, ўз вазифалари мавжуд. Жумладан, бу борада бобо ва момолар ҳам ўз мавқеига эгадирлар.

Оилада бобо ва момо, энг аввало, оила сарбони, раҳнамоси ва таянчидирлар. Ҳар бир оила ишида улар дуоғўй, маслаҳатчи ва йўл кўрсатувчи бўладилар. Чунки улар кўпни кўрган бўлиб, ҳаётда кўп тажрибаларга эгадирлар. Иккинчидан, улар оила посбони бўладилар. Ота-оналар бемалол уларга таяниб, фарзандларини уларга қолдириб ўз ишларига борадилар ёки бошқа уй юмушлари билан банд бўла оладилар.

Шундан келиб чиққан ҳолда, бобо ва момолар, биринчи ўринда, набиралар тарбиясида муҳим аҳамият касб этадилар. Чунки набиралар оилада ҳаётни асосан улардан англайдилар. Бобо-момолар уларга ибратли ҳаётий ҳикоя ва эртақларни айтиб, набиралар онгини шакллантирадилар.

Одатда, набиралар кўпроқ бобо ва момоларини яхши кўрадилар. Албатта, бу бежиз эмас. Зеро, аксарият бобо ва момолар набираларига нисбатан ғамхўр ва меҳрибон бўладилар. Ахир, набирани «қандак ўрик донаси» деб бежиз айтилмаган. Боболар ва момоларнинг вазифалари ана шу ғамхўрлик ва меҳрибонликлардан фойдаланган ҳолда набираларни тўғри йўлда тарбиялашдир. Шу билан бирга, оилада тўғри қарор қабул қилиш, набиралар ота-онасини улар олдида айбламаслик, уришмаслик, улар ҳурмат-эҳтиромини набиралар қалбида уйғотиш, оилада низолар чиққанда уларни тинчгина бартараф этиш каби фазилатлар бобо ва момоларимизга хосдир. Шунга кўра, бобо ва момолар бу шарафли номга сазовор бўлганларида оила муқаддаслигини англаган ҳолда, ана шу масъулият ва вазифаларини хис этишлари керак. Фақат шундагина оила фаровонлик, бахт-саодат ва барқарорликка эриша олади.

Тажрибали педагог, «Оила одоблари» китобининг муаллифи Али Муҳаммад Пўлодий бобо ва момоларга ўзининг қуйидаги маслаҳатларини тавсия қилади:

1. Бобо ва момолар ҳамиша ўз набиралари билан самимий муомалада бўлиб, уларга ғамхўр ва меҳрибон бўлишлари лозим.

2. Ҳамиша уларнинг тўлиқ номларини айтиб мурожаат қилишлари ва ҳаммаларини бир хил эркатлашлари керак.

3. Улар набиралари олдида ёлғон, кабиҳ, ҳақоратли сўзларни айтмаслиги, жанжал қилмасликлари даркор.

4. Набиралари олдида уларнинг ота-оналарини уришмасликлари, уларнинг ёмон жиҳатларини ошқор қилмасликлари керак. Бу уларнинг ота-оналарига бўлган меҳр-муҳаббатларини сусайтириши мумкин.

5. Бобо ва момо оила бошлиқлари бўлганликлари боис, ҳар қандай тўй-маъракалар уларнинг бошчилигида ўтказилади. Шу боис дабдабали тўйларга, катта ва беҳуда сарф-харажатларга йўл қўймасликлари керак.

6. Набираларнинг ҳар бир ғамхўрлиги ва совғаларини хурсандчилик билан қабул қилиб, уларга миннатдорчилик билдириб, дуо-фотиҳа қилиб руҳлантиришлари лозим.

7. Ўзларининг хушмуомалалиги, меҳрибонлиги, раҳм-шафқатлари, феъл-атворлари билан фарзандлари ва набиралари ҳавасини уйғота олишлари даркор.⁴⁸

Фарзанд ота-она мевасидир. Уни туғиш, парваришлаш, тарбиялаш ва вояга етказиш учун ота-она не-не машаққатларни бошдан кечирадилар. Ўзлари емай, киймай фарзандига едирадилар, кийдирадилар. Не-не орзу-умидлар билан уни тарбиялаб жамиятга тортиқ қиладилар. Бу йўлдаги уларнинг заҳмат ва машаққатлари ҳар қанча иззат-эҳтиром ва қадрлашга лойиқдир.

Фарзандлар ота-она насли, халқ ва миллат анъаналарининг давомчиларидир. Бизда ота-она эҳтироми, катталарни эъзозлаш таърихий анъанага айланган. Ота-онани ҳурмат қилиш, уларни эъзозлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳар бир фарзанднинг бурчидир. Аммо ҳаётда айрим фарзандлар ҳам учраб

⁴⁸ Пўлодий А. Оила одоблари. – Фарғона. «Фарғона», 2012 й., – Б. 56-58.

турадики, олий маълумотли, яхшигина касб-ҳунар эгаси, олим, файласуф, етук санъаткор, бошлик, бой-бадавлат бўла туриб, ота-онаси ҳолидан хабар олмайдилар. Гўё ота-оналари йўқдек ҳафталар, ойлар, ҳатто йиллар эсларига олмайдилар.

Ўзбекона урф-одатларга кўра, оилаларимиз серфарзанд бўлиб, аксарият ҳолларда фарзандлар оилали бўлганидан сўнг ер олиб, бошқа жойга уй-жой қуриб, ота-онаси ҳовлисидан алоҳида яшашади. Кўп ҳолларда оиланинг кенжа фарзанди ота-онаси билан қолишади. Лекин фарзандларнинг алоҳида яшаши ота-онасидан узоқлашиш маъносини бермайди. Фарзандлар хамиша ота-оналари ҳолидан хабар олиб турадилар. Уларга ҳар жихатдан кўмаклашадилар. Бироқ ота-оналарини эсдан чиқариб, ўз ташвиши билан юрадиганлар, ота-онасидан ойлар, йиллар давомида ҳам хабар олмайдиганлар, баъзида уларнинг нарсаларини олиб кетадиган, ўзлаштирадиган фарзандлар ҳам учрайди. Бундай фарзандларни ҳеч ким ҳеч қачон оқламайди.

Ҳукуматимиз ўз қонунларида ота-онага ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўйилган. Мамлакатимиз Конституцияси фарзандларга ота-оналарга ғамхўрлик қилиш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш вазифасини юклайди.

Китобларда фарзандларнинг ота-оналарига нисбатан 80 ҳақи келтирилган. Бундан 40 тасини ота-она ҳаёт бўлганда, 40 тасини ота-она вафот этганда бажо келтиришлари лозим экан. Ҳаёт бўлганда қирқ ҳақдан ўнтаси жисмга, ўнтаси тилга, ўнтаси дилга ва яна ўнтаси мол-давлатга тааллуқли.

Жисм ҳақи – бу ота-онага чин дилдан хизмат қилиш, уларга хамиша яхши қараш, улар розилигисиз бирон ишни қилмаслик, улар олдида очиқ чехра билан ўтириш, ғамгин, баджаҳл кўринмаслик, улар чақирганда зудлик билан ҳозир бўлиш...

Дил ҳақи – уларга меҳр-шафқат билан қараш, яхшилик қилиш, хурсандчиликларига шерик бўлиш, ғамгин бўлганларида кўнгилларини кўтариш, кўп гапирганларида малол олмаслик, уларга озор бермаслик, орзу-ниятларига етишларида қўлдан келганча кўмаклашиш, улар қанча узоқ умр кўрсалар шунча шод бўлиш...

Тил ҳақи – уларга мулојим муносабатда бўлиш, баланд овоз билан гапирмаслик, улар номини тилга олиб чақирмаслик, улар

гапирганда, гапирмаслик, иш буюрганларида рад қилмаслик...

Мол-давлат ҳақи – энг аввало, ўзингга либос олмасдан, ота-онангга олиб бер, уларга ширин таомлар ҳозир қил, овқатланиш чоғида дастурхондан энг лаззатли ва сифатлисини улар олдига қўй. Бирор нарсани сотиб олиш истагида бўлсалар, олиб бер, чунки сен истаган нарсаларни вақтида олиб берганлар. Яшаш жойларига оро бер. Улар узоқда яшасалар, гоҳ-гоҳида меҳмонликка таклиф қил. Ота-онанг дўстларини ҳам хурмат қил, улар олдида ота-онанг чехраси очилади.

Ота-она вафотидан сўнги қирқ ҳақнинг энг асосийлари: майитни зудлик билан дафн этиш чорасини кўрмоқ лозим. Таъзия маросимида ўзинг дод-фиғон қилма, бошқаларга ҳам бунга йўл қўйма.

Дафндан сўнг тез-тез қабрлари зиёратига бориб тур. Бошқалар ота-онасини ёмонлик билан эслама, чунки сенинг ота-онангни ҳам шундай ёдлашадилар...

Али Мухаммад Пўлодий фарзандларга қуйидаги маслаҳатларини ҳавола этади:

1. Ҳар бир фарзанд кимнинг фарзанди ва насл-насаби қандайлигини билиши керак. Аждодлари яхши инсонлар бўлгани боис, улар шаънига иснод келтирмаслиги керак.
2. Фарзанд ўз ота-онасига қандай муносабат қилса, фарзандидан шундай муносабат кутиши керак.
3. Фарзандлар ҳар бир хайрли ишни бошлашдан олдин ота-онасидан маслаҳат ва фотиҳа олиши керак.
4. Ота-онаси ҳолидан хабар олмай уларни ўз ҳолига ташлаб қўядиган ё қариялар уйига топширадиган фарзандлар ноқобил фарзанд ҳисобланади.
5. Фарзанд ота-онасини бошқаларга муҳтож қилмаслиги керак.
6. Фарзанд ота-она ҳақига нимаики қилишни хоҳласа, улар тириклигида қилгани маъқул.
7. Фарзанд ота-онаси вафотидан сўнг улар номига иснод келтирмаслиги даркор.
8. Вафотидан сўнг ҳам уларнинг қариндошлари ва ошна-оғайнилари билан дўстлик ришталарини узмасликлари лозим.⁴⁹

⁴⁹ Пўлодий А. Оила одоблари. – Фарғона, «Фарғона». 2012 й., – Б. 56-58.

6.5. Оналар ва болалар ўртасидаги муомала одоблари

Оилада соғлом ижтимоий муҳитни яратишда оналарнинг ўрни бекиёс бўлиб, бу ҳақда кўплаб мақола ва китоблар битилган. Жумладан, атоқли адибимиз Тохир Маликнинг ўз номи ўзи билан «Одамийлик мулки» деб аталган китобида бу масалага алоҳида боб ажратилган. Ушбу китобнинг «Хурмати волидайн – фарзи айн» дея номланган бобида она-бола мулоқоти қандай талқин қилинганлиги хусусида фикр юритамиз.

Мазкур боб баёнига киришар экан, муаллиф, аввало, китобхонни бу ўта долзарб мавзу – ота-оналар ва фарзандлар муносабатлари мавзусига бефарқ бўлмасликка чақиради ва ўз қалбига мурожаат қилиб, кўйидагиларни ёзади: «Эй, кўнгил! Сен жамиятдаги ана шундай фожиага шоҳидсан. Нечун жимсан? Нечун бундайлар билан мураса қиласан? Нечун уларнинг дастурхони атрофида ўтириб, таомидан ейсан? Сен қариялар уйидаги бечораларнинг кўзларидаги ёшларни кўрмадингми? «Ота-онанинг йиғлаши боладан норози бўлганларидан далолат беради ва бу эса катта гуноҳлардандир», деган ҳадиси шарифни била туриб, нечун уларни огоҳ этмайсан?»⁵⁰

Аввало, Қуръони карим, ҳадиси шариф, улуғ мутафаккирларнинг дурдона асарлари ва турли ривоят ҳамда ҳикоят китобларидан олинган иқтибослар орқали ўзининг бу мавзудаги қарашларини баён этар экан, муаллиф оналар ва болалар муносабати, ўзаро ҳурмат ва эъзозлари, аввало, ширин сўз орқали бўлишлигини таъкидлайди ва кўпинча ўз-ўзига мурожаат услубидан фойдаланади: «Эй, кўнгил! Бу гўзал муомала сенда ҳам борми? Бор бўлса, умринг армонсиз ўтажасак. Йўқ бўлса-чи? Аввало айтгин: нима учун йўқ? Ўн тагина сўзни айтишига тилинг нима учун айланмайди? Сенга нима тўсиқлик қилади? Эҳтимол, онангни қаймоқ билан боқишига пулинг йўқдир. Қаймоқ сўзинг-чи? Асал сотиб олишига пулинг етмас, аммо асал каби тотли дуо олиш учун ниманг етишмайди?» (81- б.)

Болалар оналарига «қаймоқ сўз» айтишнинг уддасидан ҳам чиқа олмасалар, ҳеч бўлмаганда уларга қаттиқ гапирмаслик учун

50 Малик Т. Одамийлик мулки. – Тошкент: «Шарк» наприёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2013 й. – Б.69. (Қолган иқтибослар ҳам шу китобдан олинди).

тилларини тийишларига тўғри келади: «Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) Тайсала ибн Миёсдан: «Дўзахдан қўрқиб жаннатга киришни хоҳлайсанми?» – деб сўрадилар. «Албатта, хоҳлайман», – дедилар Тайсала. «Ота-онанг тирикми?» – деб сўрадилар. «Отам вафот этган, аммо онам борлар», – дедилар Тайсала. Шунда Абдуллоҳ ибн Умар дедиларки: «Катта гуноҳлардан ўзингни сақлаганингдан кейин онангга қаттиқ гапирмасанг, унинг об-овқатини бериб турсанг, албатта жаннатга кирасан». (80- б.)

Фарзандларнинг ота-оналарига қаттиқ гапирмасликлари каторида уларга ёки уларнинг хузурларида «уфф» сўзини ишлатмаслик туради: «Агар хузурингда уларнинг бирлари ёки икковлари кексаликка етсалар, бас, уларга «уфф» дема, уларга озор берма ва уларга яхши сўз айт. Икковларига меҳрибонлик ила хокисорлик қанотингни настлат ва «Роббим, алар мени кичикликда тарбия қилганларидек, уларга раҳм қилгин», деб айт.

Бу амр Аллоҳнинг қатъий ва ўзгармас буйруғи. Бу буйруқни бажариш ихтиёрий эмас, балки ҳар бир банданинг бурчи. «Уфф» сўзига боғлиқ икки маъно бор: 1. Ота-онага ёмон сўз айтиб, беҳурмат қилмаслик. Мисол учун: ота-она шига буюрганда «уфф, тинч кўймас экансиз-да» ёки «уфф, шу гапларингиз ҳам жонимга теғди», «уфф, сизга ҳеч тушунтириб бўлмас экан-да» каби норизоликни ифода этишни Яратган бизга ман этиятти. 2. Ишдан чарчаб қайтдингиз ёки кўнглингиз бир нимадан гап. Ўзингизча «уфф» деб кўйдингиз. Билмайсизки, шу «уфф»ингиз билан ота-онангиз қалбини тилиб юбордингиз. Уларнинг «болам оғир синовга тушибди», деб озорланганларини англамадингиз. Энди улар кунлаб, балки ойлаб кўзларингизга термулиб, наришонлик булутининг кўтарлишини кутадилар. Сиз ўзингизга учраган панишодай тавишини биргина «уфф» билан фил ҳолатида катталаштириб, ота-онангизга узатдингиз. Демак, биз ота-онамизни тавишимизга шерик қилмаслигимиз керак экан...» (78- б.)

Оналарнинг рози ёки норозилиги сўз билан эмас, хатти-ҳаракат, имо-ишора ёки биргина жилмайиш орқали ҳам ифода этилиши мумкин. Бу ҳақда китобда шундай ёзилади: «Бир биродаримизнинг ҳикоялари гоаят таъсир қилган эди: «Ҳайит арафасида онам билан

бирга бозорга тушидик. Ниятимга кўра, энг аввал онажонимга янги маҳси олиб бердим. Ўша ернинг ўзида маҳсини кийдириб кўйдим. Кейин ковушларини ҳам янгиладим. Сўнг таглик-патак олиб келиб ковушларига солдим. Кейин Туркиянинг янги пайпогидан ҳам олиб бердим. Онажоним тураётганларида «Энди рўмол олиб берсам, бош-оёқ сарпо қилган бўларканман» деб ҳазиллашдим. Онам «ҳа-ҳа» деб кулиб кўйдилар. Гап-сўзларимизни эшитиб турган маҳсидўз: «Онахон, бу йигит ўғлингизмилар?» – деб сўради. «Ҳа» дедилар онам. Шунда маҳсидўз деди: «Ҳозир жуда улуг иш рўй берди. Розилик билан шундай жилайдингизки, мана шу кулгингиз ўғлингиз учун еру осмоннинг гулга тўлганидан ҳам яхшироқ бўлди...» (73- б.)

Бир жилмайиш орқали розилик ифода этилгани каби: «Ота ёки онанинг ноқобил фарзандига қараб «сени оқ қилдим», деб эълон қилиши шарт эмас экан. Дилларини оғритишининг ўзиёқ фарзанднинг оқ бўлиши дейдилар. «Оқ бўлиш»нинг лугавий маъноси – ажралшидир. Яъни фарзанд ота-онасидан тириклайин ажралапти...» (69- б.)

Ота-она ва фарзандлар муносабати борасида «...афсусларким, орамизда «бола отадан кўрқиб, зириллаб туриши керак», деган нотўғри қоидага риоя қилувчилар ҳам топилади. Агар умр бўйи болаларини шундай тутишга интилган одам вафот этса, фарзандлари «қутилганимизга шукр» дейишмасмикин?..» (77- б.)

«Одамийлик мулки»нинг мазкур бобида, юқоридагилардан ташқари, оналар дуосининг жуда тез ижобат бўлишлиги, тириклик чоғларида уларнинг розилиklarини олишга шошилиш лозимлиги каби қатор масалалар хусусида ҳам алоҳида тўхталиб ўтидиган ва боб куйидаги фикрлар билан ниҳояланади: «Минг йиллар мобайнида яратилган китобларда ота-онани иззатлашга доир насиҳатлар қилинган. Бу насиҳатларнинг муаллифлари кўп бўлгани билан маъноларида фарқ кам. Шу боис мазкур бобни ўн биринчи асрда яшаган Амир Унсурўлмаоний Кайковуснинг... насиҳатлари билан яқунлашни маъқул топдик: «Эй, фарзанд, билгилким, ақл юзасидан фарзандга ота-онани ҳурмат қилиш вожибдур, нединким унинг асли ота ва онадур... Ўз фарзандинг сенинг ҳақингда қандай бўлишини тиласанг, сен ҳам ота-онанг ҳақида шундай бўлгил.

нединким, сен ота-онангга нима иш қилсанг, фарзандинг ҳам сенинг ҳақингда шундоқ иш қилур, чунки одам мевага, ота-она дарахтга ўхшайдур. Дарахтни ҳар қанча яхши тарбият қилсанг, меваси шунча яхшироқ ва ширинроқ бўлур. Ота-онага иззат ва ҳурматни қанча кўп қилсанг, уларнинг дуолари шунча тезроқ мустажоб бўлур...» (87- б.)

6.6. Оталар ва болалар ўртасидаги муомала одоблари

«Ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабат ҳам севишганлар ўртасидаги муносабат сингари оғир ва шу қадар ҳаяжонлидир». (Андрей Моруа)

Мавзунинг нозик ва мураккаблиги шундаки, бу ҳақда ота-бола муносабати пайдо бўлган кундан буён қанча кўп қайгурилган бўлса, шунча кўп фикрлар айтилган ва шунга яраша қоғозлар қораланган. Дунёда «шарқ донишмандлиги» номи билан машҳур бўлган ҳазинага асос солган аждодларимизнинг бу борада қолдирган мерослари беҳисобдир. Аммо ҳар қандай ғоя, ҳар қандай ҳикматли фикр ҳам тез-тез такрорланиб, эслаб турилган тақдирдагина авлоддан-авлодга етиб боради ва халққа хизмат қилади. Айниқса, буюк ўзгаришлар юз бераётган, янги, мустақил ҳаётга қадам қўйилаётган даврда аждодлар қолдирган ўғитларга қулоқ тутиш, уларга таянган ҳолда иш юритиш ғоятда муҳимдир: «Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик, дейдилар», (Абдулла Қодирий) ахир!

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, китобларда зикр қилинишича, ота-онанинг фарзандда саксонга ҳақи бор. Улардан қирқтаси тириклик вақтида ва қолган қирқтаси улар оламдан ўтганларидан кейин фарзандлар томонидан адо этиладиган ҳақлардир. Тириклик чоғидаги қирқта ҳақнинг ўнтаси тилга, ўнтаси танга, ўнтаси дилга ва яна ўнтаси молга тааллуқлидир.

Тилга тааллуқли бўлган ўнтаси шундан иборатки, аввало, уларга мулоийим муомала қил ва доимо тавозеда бўл. Иккинчи, уларга баланд овоз билан гапирма. Учинчи, кўп гапирма ва кўполлик қилма. Тўртинчидан, уларнинг отини айтиб чақирма. Бешинчи,

улар гапирётганларида сўзларини бўлма. Олтинчи, уларнинг айтганларини рад қилма. Еттинчи, мурожаат қилганда «сен»лама. Саккизинчи, улар қичқириб гапирсалар ҳам, сен қичқирма. Тўққизинчи, уларнинг гапларига «оҳ», «уф» деб хитоб қилма. Ўнинчи, уларнинг гапларида хато бўлса, сен тўғри бўлсанг ҳам эътироз қилма.

Танга тааллуқли бўлган ўнта ҳақнинг энг муҳим жиҳатлари шундан иборатки, ота-онага доимо хурмат кўзи билан қаралади, қилма деб буюрилган ишлар қилинмайди, улар розилигисиз ҳеч ишга қўл урилмайди. Улар ўтирадиган жойга асло ўтирма. Уларнинг олдида очиқ чехра билан ўтиргайсан. Қовоғингни солма, хўмрайиб қарама...

Машхур ҳофиз – Ўзбекистон ва Туркменистон халқ артисти Комилжон Отаниёзовнинг болалигида бўлиб ўтган куйидаги воқеани уни гўдақлик чоғларидан яхши билган кишилар эҳтирос билан эслайдилар. «Комилжон беш-олти яшар бола пайти. Бир куни отасининг хурматли меҳмонлари келишди. «Комилжон, ўғлим, томга чиқиб, меҳмонларнинг отларига ўт сол!» – деб буюради оталари. Чой ичилади, фурсат ўтади, лекин Комилжондан дарак бўлмайди. Ҳеч келавермагач, оталари ўғлини чақириб изласалар, беш яшар бола уйнинг бир бурчагига тикилиб, йиглаб ўтирган эмиш. Сабабини сўраса, айтибдики... «Ота, менга номаъқул юмуш буюрдингиз. Уйда хурматли кишилар ўтирса-ю, мен томга – уларнинг бошларига чиқиб, отларига ўт ташласам. Бу одобсизлик эмасми?..»

Машхур ҳофизни камолга етказган Хоразмда ҳозир ҳам эсини таниган йигитлар оила каттаси – отасининг олдида, яъни у ўтирган хонада, даврада чордона қурмайдилар. Отаси ўтирган хонада чордона қурган фарзанд ўз падари бузрукворининг йўқлигини истаётган ва оила каттаси деб ўзини ҳис қилаётган саналади. Шунингдек, бу воҳада бобоси ҳаёт болаларга ўз отасига «ака» деб мурожаат қилишни ўргатадилар. Агар болалар «ота» деб чақирсалар, бу ёш отанинг ўз отасига, яъни болаларининг бобосига хурматсизлиги деб баҳоланади⁵¹.

51 «Туркистон» газетаси, 1992 йил 5 февраль.

Отани хурмат қилишни болалар оналаридан ўргатадилар. Аммо, минг афсуски, оиладаги носоғлом муҳит туфайли орамизда отасининг хурматини жойига қўйиш у ёқда турсин, унга қўл кўтараётган, ҳатто ўз отаси жонига қасд қилаётган падаркуш фарзандлар ҳам учраб турибди. Мана, бир ҳаётий мисол: Бундан бир неча йил муқаддам Чироқчи туманидаги далаларнинг бирида кекса отахоннинг жасади топилди! Даҳшатни қарангки, пул ва мол-дунё талашиб, уни ўз пушти камаридан бўлган ўғиллари ўлдиришган ва мурдани даштга кўмиб кетишган экан!..

Бир умр елкада кўтариб ўзи,

Ўзи боласининг раҳмига муштоқ,

Ўғиллар муштидан кўкариб юзи

Оталар йиғлагай сочлари оппоқ...

(Мухаммад Юсуф)

Давлат ҳисобхоналари берган маълумотларга қараганда, бугунги кунда қариялар уйида яшовчиларнинг 68 фоизини фарзандлари бор ота-оналар ташкил этар экан! Н. исмли 82 ёшли отахонни Тошкентдаги қариялар пансионатига олиб келишганига уч ҳафта бўлган. Шундан бери у доим кўзига ёш олиб сўзлайди: «Менинг уйим, болаларим бор. Нега мени бу ерга ташлаб қўйишди?» – деб ҳамшира-ю докторларни ҳоли-жонига қўймайди. Отахоннинг саволига жавоб бериши керак бўлган кишилар – фарзандларидан эса дарак йўқ!..

Икки дунёсини куйдириб юрган бу қаби ноқобил фарзандлар кулоғига «Ота рози – худо рози», «Қарингни кафтингда сақла», «Эй, ўғил, ҳаддингда тур, отанг сени сотганда ҳам...» қабилидаги доно ҳикматларни ва улуғ шоиримиз Бобораҳим Машрабнинг:

Боги ризвои истасанг, амри падарга ёр бўл,

То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сенинг,

деган пурҳикмат сатрларини такрор ва такрор айтгимиз келади.

Ҳа, агар биз имкони борида тавба-тазарру қилмас, нафсимизни тийиб, виждонимизни покламас эканмиз, қонунлар ҳам, парламентлар, ҳуқуқ посбонларининг қарорлари ҳам юртни обод, эл кўнглини шод эта олмайди.

Болаларнинг оталарига муомала одоблари ҳақида жуда кўп

фикрлар билдирилади. Аммо оталарнинг ўз болалари билан қиладиган муомала одоблари ҳақида жуда кам ёзилади. Шунинг учун қуйида оталарнинг болаларига қиладиган муомала одоблари хусусида фикр билдиришга ҳаракат қиламиз.

Маълум бўлишича, аждодларимизнинг катталарни ҳурмат қилиш ҳақидаги фикрлари кичикларни иззат қилиш тўғрисидаги фикрларига қараганда анчагина кўп экан. Бунинг асосий сабабларидан бири яна ўша шарқона удумларимизга бориб тақалади. Чунки мусулмон халқларида катта ёшдаги кишиларга, айниқса, оталарга насихат қилиш одобдан саналмайди. Аммо «Ақл ёшда эмас – бошда» деганларидек, инсон бир умр – бешиқдан то қабргача ўрганиб яшайди. Зеро, «аввал биз болаларимизга ўргатамиз. Сўнгра ўзимиз улардан ўрганамиз. Кимки буни хоҳламас экан, ўз давридан орқада қолади» (Я.Райнис). Шунинг учун бўлса керак, америкалик психолог Роберт Стромнинг «Қандай қилиб бува бўлиш мумкин?» деб аталган ҳафталик курси тезда оммалашиб кетди. Соатига ўн доллар тўланса, бас, неваралар билан қандай муомала қилиш тўғрисида кўп нарсаларни билиб олиш мумкин («Ёш ленинчи», 1990 йил, 16 июль).

Ҳа, инсон, у ҳатто ўз боланг бўлган тақдирда ҳам, ғаройиб бир синоатки, унинг қалбига ҳар доим ҳам тўғри йўл топиб бўлавермайди. Бунинг учун, болаларни дунёга келтиришдан ташқари, уларни бир умр севиш ва тинимсиз мулоқотда бўлишга тўғри келади.

Хўш, шундай экан, ота ва бола мулоқоти қачондан бошланади? Ота ўз боласини қачондан бошлаб тарбия қилишга киришади?

Бу савол бола тарбияси ҳақидаги машҳур ривоятни ёдимизга солади. Унда айтилишича, ёш эр-хотин тўнғич фарзандларини кўтариб донғи оламга кетган улуғ ҳаким Ибн Сино ҳузурига боришибди.

– Боламизни қандай тарбиялаш ҳақида маслаҳат берсангиз. Токи, камолга етганда халққа фойда келтирадиган, эътиборли киши бўлсин, – дейди эр.

– Қачон туғилди? – сўрабди улуғ ҳаким.

– Эрта билан, – жавоб берибди хотини.

– Эх, азизлар, кечикибсизлар, – дебди Ибн Сино, – эрта билан

туғилган экан. Ҳозир чошгоҳ бўлди. Бола туғилишидан тўққиз ой олдин унинг тарбияси ҳақида қайғуриш керак эди. «Хотинни бошдан, болани ёшдан» дейишган, ахир...

Ҳа, халқимизда фарзандга меҳр-муҳаббат, уни кадрлаш онада нишона кўринган чоғданоқ талаб этилган. Чунончи, ҳомила пайдо бўлгач, муайян муддатдан бошлаб эркакнинг аёлга қўпол муомала қилмаслиги, аччиқ сўз айтмаслиги, аксинча, ширин орзулар, яхши ниятлар, завқли қўшиқлар, мароқли латифалар айтиб, аёл кўнглини кўтариши шарт бўлган. Бола туғилгач эса қулоғига азон айтиш билан унинг мурғак қалбига илк бор Яратганнинг номи ва мусулмон оҳанглари муҳрланиши удум бўлган. Шунингдек, чақалоққа чиройли исм қўйиш ҳам ота-онанинг фарзанд олдидаги энг муқаддас бурчларидан бири ҳисобланган. Чунки ота-оналар томонидан қўйилган исм жамиятнинг янги аъзоси бир умр такрор-такрор эшитиладиган ва ҳар гал қулоғига чалинганида уни мана шу номга мослаштириб турадиган муқаддас, даъваткор сўзга айланади.

Шундай қилиб, туғилганидан беш-олти кун ўтар-ўтмас, чақалоқ ўзининг бокира туйғулари билан дастлабки тарбия маскани – оилага кириб келади. Пешоналарига давлат ато этилган, яъни эналари ва момолари билан бир ҳовлида яшайдиган ёш оила соҳибларига ҳавас қилган ҳолда, бундай кишилари оламдан ўтиб кетган ёки улардан олисда яшайдиган мустақил оилалар ҳолини энди бир тасаввур этиб кўринг: яна бир кишига кўпайган хўжаликнинг бахтиёр отасини ишга кузатиб қўйган келин уйда бутун бошли рўзгор ташвишлари-ю, ёш гўдаги билан ёлғиз қолади. Кунлар кетидан кунлар ўтиб чақалоқ улғайиб, дадажонисининг ишдан келишини сабрсизлик билан кутадиган ва «Дадажон, нима опкелдиз?» дея сўроққа тутадиган ширинтойга айланади.

Худди мана шу дақиқадан оталар ва фарзандлар ўртасидаги зоҳирий мулоқот бошланади.

Энди шошманг, шошманг, биродар! Тўғри, ойликни ойликка учма-уч етказиб юрганингиздан ҳам хабаримиз бор. Аммо шундай бўлса ҳам, ҳузурингизга югуриб чикқан ширинтойингизнинг бурро-бурро қилиб берган саволига:

– Сенга ҳар куни нарса олиб келавераманми? Қоч, ишдан чарчаб келдим! – дея кўрманг! Зинҳор бундай дея кўрманг. Ҳали

олам, турмуш нима эканлигини англаб ҳам етмаган гўдагингизни росмана ҳаёт билан таништиришга, ўзингиз худонинг ожиз бир бандаси эканлигингизни болага тушунтиришга ошиқманг. Зеро, ҳар қандай бола учун ўз отасидан зўрроқ, кўркмас ва бойроқ одам бўлмайди дунёда. Дадасидан мўлжалидагидан озроқ пул ундирган талаба қизнинг биринчи курсда ўқиб юрган пайтда «дада деганда ҳам пул бўлмайдими?!» дея эркалагани ҳақида тенгдошлари баҳс-мунозара дарсида гапириб беришган эди.

Шундай экан, болаларингиз ўйланганидек, дунёдаги энг кучли, энг бой одамлигингизча қолишни истасангиз, ишдан қайтишингизда болаларингизга нимадир (арзон нарса) олиб келинг. Ўз насибангиздан уларга олиб беринг, кучоғингизга олиб, бошларини силанг, чунки руҳшунос олимларнинг фикрига қараганда, бола беш ёшгача ваъз эшитишни эмас, шўхлик қилишни, қум ўйнаш, кўлмак кечишни, тўполон қилишни, борингки, сўқиниш, муштлашишни ва яна жуда кўп нарсаларни хоҳлайди. Чунки бу давр руҳнинг бақувватлашиш давридир. Шарқ донишмандларининг бола тарбияси ҳақидаги фикри ҳам шунга мос келади: «Беш ёшгача болага подшога муомала қилгандек муомала қилинг. Беш ёшдан ўн олти ёшгача кулга муомала қилгандек, ўн олти ёшдан кейин эса дўст, ўртоққа муомала қилгандек муомала қилинг». Ишонингки, болалигида меҳрибонлик кўрган бола ёмон бола бўлиб етишмайди. Аммо биз, кўпинча, бунинг аксини қиламиз – тарбияни қаттиққўллик, тинимсиз тергаб туриш деб тушунамиз. «Нега чойни тўқдинг?», «Овқатни шопиллатиб ема!», «Чойни хўриллатиб ичма!», «Нега лалаясан?!» тарзидаги даргазаб танбеҳларимиз болаларга қай даражада салбий таъсир этишини эса ҳаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Шуни унутмаслик керакки, илк бор «лапашанг» дея ҳақоратланган бола «мен лапашанг емасман» деб эътироз билдирса-да, бу сўзни такрор-такрор эшитавергандан кейин унинг онгига «чиндан ҳам лапашанг эканман-да» деган фикр ўрнашиб қолади ва туппа-тузук бола росмана лапашангга айланади. Натижада мустақил бирор иш бошлашдан чўчийдиган, кўйдек ювош бўлиб қолади:

*Бола пайти бирор юмушга
Уринса у, «қўй» дедик дарров,*

~ 124 ~

*Ўсмирликда мустақил ишга
Интилса у, «қўй» дедик дарров.
Катта бўлди, лаёқати йўқ,
«Қўй» сўзига кўниккан тамом.
Ҳа дейишга ҳаракати йўқ –
Унга ҳоким «қўй» деган калом.*

(Асрор Мўминов)

«Мумкин эмас», деган қатъий тақиқ услубига асосланган тарбия услубимиз болага ўз майлларини эркин намоён қилишга йўл бермайди. Натижада болаликда ўтиб кетиши мумкин бўлган шўхлик, эркалик, тўполончилик каби майллар катта ёшлик даврида ҳам сақланиб қолади. Ёши бир жойга борганда қутилмаган қилиқлар кўрсатиб кўядиган кишилар болалигида худди мана шундай тақиқ остида тарбияланган бўлиб чиқадилар.

Айниқса, ўсмир ёшидаги болалар билан мулоқотда ҳар қачонгидан ҳам ҳушёрроқ бўлишга тўғри келади. Чунки бу пайтда бола шахси, ғурури айни шаклланиш палласига кирган бўлади. Шунинг учун бу даврда болалар шахсиятига тегадиган гап айтиш, кўпчилик олдида изза қилишдан жуда эҳтиёт бўлиши лозим. Акс ҳолда, ўйламай айтилган бир оғиз сўз туфайли ўта кўнгилсиз воқеалар рўй бериши ҳеч гап эмас. Шунинг учун ота-боболаримиз ўсмир ёшидаги болалар билан тарбия бобида алоҳида ва холи жойда суҳбат қурганлар. Суҳбат мазмуни бошқалардан сир тутилган. Ҳозир эса болалар шахсини ҳурмат қилиш у ёқда турсин, ота-оналар ва болалар ўртасидаги муносабат тобора аянчли тус олиб бормоқда. Бу нафақат миллий, балки умумбашарий муаммога айланиб қолмоқда. «Британиялик ота-оналар ўртасида «Болаларни қалтаклаш керакми?» мазмунида берилган саволга қатнашчиларнинг 90 фоизи албатта қалтаклаш керак, деган жавобни айтган. Шуниси қизиқки, савол-жавоб вақтида аёллар эркаларга нисбатан кўпроқ баджаҳл эканликларини намоёиш этдилар. Тадқиқотда қатнашган оналарнинг 95 фоизи ўз боласини қалтаклашларини тан олишди». («Ёш ленинчи», 1990 йил, 12 март).

Худди мана шундай ғоя натижасида Хабаровск ўлкасидаги Де-Кастри посёлкасининг касалхонасида уч ёшли бола нобуд

~ 125 ~

бўлди. Врачлар қанчалик уринишмасин, ўлар ҳолатга етказиб калтакланган бола ҳаётини сақлаб қолишнинг имкони бўлмади. Ўз ўғлини уриб ўлдирган ота эса енгилгина чўчитиб қўйилди, холос. Маҳаллий суд унга 8 йил қамоқ жазосини берди. (Олгин водий», 1992 йил, 1 декабрь).

Биз эса бундай ёвуз ғоялардан узоқ юрадиган, аксинча, дилбанди учун жонини беришга ҳам тайёр турадиган боболар авлоди эканлигимизни ҳеч қачон ёдимиздан чиқармаслигимиз керак. Бунинг ёрқин далили сифатида улуғ бобомиз Бобур Мирзо ҳаётида рўй берган бир ҳаётий воқеани эсга олишимизнинг ўзи кифоя. ...Ҳали 49 ёшга ҳам тўлмаган, шуҳрати дунёга кетган, халқ орасида «Ғозий», яъни «Енгилмас» деган юксак унвонга эришган шоҳ Бобур ўғли Ҳумоюнга табибларнинг қарашлари фойда бермаётганлигига ақли етганидан кейин ўғли учун ўз жонини қурбон қилишга аҳд қилади. Бу ҳақда Бобурнинг қизи Гулбаданбегим шундай ёзади: «Саройнинг неча уламои каромлари подшо ҳазратларини бу қароридан қайтишга ундадилар. Лекин отам кўнмадилар... Кўнгиллари ул ҳазратни олий қурбонликка ундар эди. Йиғлаб, кўз ёши тўкаётган сарой ходимлари орасидан ўтиб, Муҳаммад Ҳумоюн ётган хонага кирдилар. Акам тўшакда оғир иситмада куйиб, ҳолдан тойиб ётардилар. Отам унинг бошига бориб, кўлларини дуога очдилар. Сўнг вазмин қадам ташлаб, унинг атрофида уч қарра айландилар. Такрор-такрор дедиларким: «Ё, Оллоҳи карим, унинг дардини менга бергин! Унга келган бало менга урсин!..» Сўнг ҳазратнинг йиғи аралаш шу сўзлари эшитилди: «Садакам қабул бўлди!.. Ниятимга етдим!.. Муродимга етдим!.. Оллоҳи карим тилагимни қабул айлади!..» Фалакнинг ишини қарангки, шу тарика Ҳумоюн соғая, Бобур Мирзо эса бетоблана бошлайди ва икки ой ўтгач, вафот этади...

Ҳа, оталарнинг болалар олдидаги бурчлари, уларга қиладиган муомаласи ҳам болаларнинг оталари олдидаги бурч ва қарзларидан унча катта фарқ қилмайди. Зеро, бугунги болалар эртанги оталардир. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов башорат қилганидек, ҳаёт деб аталмиш «шиддат-ла тортилган камон» уларни ҳам бир умр болалик оламига боғлаб қўйган эмас:

*Оталар боладан ранжиса озроқ
Гоҳида шундайин сўзни дейдилар:
– Болам, кексаларни қадрла кўпроқ,
Боғлаб қўйган эмас бизни, – дейдилар.*

*Кекса дилингизга тушмасин титроқ,
Оталар, чайқалиб турибди олам.
Сиз ҳам болаларни қадрланг кўпроқ –
Боғлаб қўйган эмас болаларни ҳам.⁵²*

Оталар ва болалар ўртасидаги муомала одоби мавзусига мумтоз адабиётимизда ҳам, замонавий ўзбек адабиётида ҳам жуда катта эътибор қаратиб келинади. Асосий мавзудан узоқлашиб кетмаслик учун замонавий ўзбек адабиётида бу мавзу қандай ёритилаётганлиги хусусидаги айрим фикрларимизни баён қилишга ҳаракат қиламиз.

Абдулла Орипов юқорида келтирилган шеърдан ташқари яна бир қатор шеърларида оталар ва болалар мавзусига эътибор қаратади. Жумладан, «Бир куни ранжитди отани фарзанд...» деб бошланадиган шеърда куйидагиларни ўқиймиз:

*Бир куни ранжитди отани фарзанд,
Ота ўз уйидан бош олиб кетди.
Аммо Оллоҳ меҳри бўлиб сарбаланд
Ота қаъбатуллоҳ васлига етди.*

*Ота фиғон чекди қаъба қошида,
Гўё унут бўлгай аламлар бари.
Нажот чарх урса-да гарчанд бошида
Сира кетолмади бир сўздан нари.*

*Қаъбага сизинар экан кекса чол
Аламин ошқора этди оламга.
Деди: ибодатим кетса ҳам увол
Фақат саодат бер ўша боламга!..⁵³*

52 Орипов А. Сурат ва сийрат. - Тошкент, 1981 й. - Б. 88.

53 Орипов А. Сурат ва сийрат. - Тошкент, 1981 й. - Б. 88.

Кўринадика, ота фарзанди каттиқ ранжитган, ҳатто уйдан ҳайдаб чиқарганда ҳам унинг хор-зор бўлишини истамайди – саодатли бўлишини хоҳлайди.

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ижодида ҳам биз фикр юритаётган мавзу ўзига хос тарзда қаламга олинади. Жумладан, 2008 йили Тошкентдаги «Ниҳол» нашриёти томонидан чоп этилган «Биз бахтли бўламиз» деб номланган тўпламидан ўрин олган «Ота», «Ота уй», «Отам минган оқ тулпор», «Маъсуда», «Билолим», «Узр», «Мадина» номли қатор шеърларида оталар ва болалар муносабати ҳеч қайси ижодкорниқига ўхшамаган тарзда талқин этилган. Фикримиз исботи учун қизи Нозимага бағишлаб ёзилган «Узр» номли шеърини тўлиғича келтирамиз:

*Шухратга ўч бўлсам керак мен гумроҳ,
Ёлгон бўлса керак дилда нолам ҳам.
Тўпори байтларим битар пайтим гоҳ
Кўзимга кўринмай қолар болам ҳам.*

*Оламни эркалаб, эрка сўз излаб,
Боламни эркалаб бир сўз айтмайман.
Мушукдай суйкалиб келса ҳам музлаб,
Бетидан бир ўпмай уйдан ҳайдайман.*

*Қалам ушладимми, демак, ўйин бас,
Яйраб очолмайди гул дудогини.
Бундан юрак ютиб сўраша олмас,
Хонамда қолдирган кўгирчогини.*

*Бурчак-бурчакда жим тортишар бурун,
Билмам, қандай ўй-у хаёл ичида.
Тузсиз шеърларим деб, шириндан-ширин
Болаларим юрар оёқ учиди.*

*Улар шеър ёзмасин ҳеч менга ўхшаб,
Мендан нафи кўпроқ тегар элимга.
Шоҳ асар бўлса ҳам тупурдим ўша –
Боламни йиғлатиб ёзган шеъримга!..⁵⁴*

54 Муҳаммад Юсуф. Биз бахтли бўламиз. – Тошкент: «Ниҳол», 2008 й., 118-б.

Ортиқча изоҳсиз ҳам тушунарли бўлган бу мисралардан келиб чиқаётган хулоса шу бўлмоқдаки, инсон кўнгли, ёш бола калби ҳар недан азиз. У огрийдиган, ранжийдиган бўлса, дунё ларзага келади. Шунинг учун ҳам ота фарзанди кўнглини ўкситиб, ранжитиб кўйишни сира истамайди. Бола дилини ранжитиб шеър ёзгандан, ҳатто у шоҳ асар бўлган тақдирда ҳам, ёзмаган маъқул. Шоир бу ўринда чапани, сўзлашув нутқида хос бўлган «тупурдим» сўзини кўллашдан ҳам ўзини тийиб туrolмади.

Сиддиқ Мўминнинг 2012 йили Тошкентдаги «Наврўз» нашриёти томонидан босилиб чиққан «Оилада улғаяр Ватан» номли шеърлар тўпламидан ўрин олган қатор шеърлар, шунингдек, «Ўғлимга хат» достонида мавзумизга оид фикрлар баён қилинган. Достоннинг «Оталар зикрида» деб номланган бобида бу масалага, айниқса, алоҳида урғу берилади:

*Айланагин бўйингдан, кўзларинга кўз тумор,
Ўтир, ўғлим, сен учун айтадиган гапим бор.
Паҳлавоним, шунқорим, қил сўзимга эътибор:
Осмонда бир худою, Ерда ёлғиз отанг бор.*

*Мўртсан, ҳали билмайсан дунёнинг не эканин,
Отасизлар ҳаётда тинмайин панд еганин.
Уқиб олгин аجدодлар ёшларга не деганин:
Осмонда бир худою, Ерда эса отанг бор.*

*Катта-кичик тўсиқлар чиқар ҳали йўлингдан,
Ўз-ўзича «даҳолар» тутмоқ бўлар кўлингдан,
Фарқла, чиқса «қариндош» ногоҳ ўнг-у сўлингдан,
Осмонда бир худою, Ерда ёлғиз отанг бор.*

*Басавлатми, савлатсиз – тоғдек баланд шони бор,
Бадавлатми, давлатсиз – ота деган номи бор.
Отаси бор ўғилнинг кўлтигида нони бор,
Осмонда бир худою, Ерда эса отанг бор.*

*Қиёмат бўлгани шу – отанг агар ранжиса,
Ранжиса эмас, ҳатто бир озгина инжиса,
Тинчийман, деб ўйлама, отанг агар тинчиса,
Осмонда бир худою, Ерда ёлғиз отанг бор.*

*Отадек меҳрибон йўқ – ҳамма айбинг кечирар,
Емасдан едиради ва ичмасдан ичирар.
Беномуслар қалбидан ота номин ўчирар,
Осмонда бир худою, Ерда эса отанг бор.*

*Биринг икки бўлмайди отанг рози бўлмасдан,
Хурматинг, эъозингдан кўнгли роса тўлмасдан.
Дуосини олиб қол тиригида – ўлмасдан,
Осмонда бир худою, Ерда ёлғиз отанг бор.*

*Кўрдим отасин хўрлаб, меҳрга зор қилганни,
Ўйга сиздирмай, ҳайдаб, кўчада хор қилганни.
Шунда ҳам ота йиглаб, ўглин дуо қилганни,
Осмонда бир худою, Ерда эса отанг бор.*

*Яшар асли оталар бу дунёда болам деб,
Тўқилмасин беҳуда ҳаттоки бир толанг деб.
Сен ҳам яша оламда отажоним, отам деб,
Осмонда бир худою, Ерда ёлғиз отанг бор.*

*Ота рози бўлса гар худо рози, дейдилар,
Қилиб бўлмас отани ҳеч норози, дейдилар.
Қалбиннинг туб-тубига қўйгин ёзиб, дейдилар:
Осмонда бир худою, Ерда эса отанг бор.*

*Айтдим дилда борини эзмаликка йўйсанг ҳам,
Бирин тинглаб, бирини бир чеккага қўйсанг ҳам.
У барибир ота-да, феълларидан тўйсанг ҳам,
Осмонда бир худою, Ерда ёлғиз отанг бор.⁵⁵*

55 Сиддиқ Мўмин, Оилада улғаяр Ватан. – Тошкент: «Наврўз», – Б. 127-130.

Кўриниб турибдики, оталарнинг оилада, жамиятда тутган мавқеи жуда ҳам баланд: осмонда Худо бўлса, ерда отадир. Шунинг учун бу улуг зот билан мулоқотда бўлганда фарзандлар ўта хушёр бўлишлари талаб этилади.

6.7. Қайнона-келин ўртасидаги муомала одоблари

Қайнона бўлиш жуда мураккаб ва мушкул вазифадир. Ундан қатта тажриба, билим ва маҳорат талаб этилади. Бир неча келин ва куёви бор хонадонда набираларга меҳрибон момо бўлиш, уларни тарбиялаш ва эркалатиш, оилада тинчликни сақлаш, келин-куёвларнинг қариндошлари билан муроса қилиш, келинлар уйини рўзгор ашёлари билан тўлдириш, уларга уй-жой курдириш машаққатли ва масъулиятли ишлардир. Бунда чуқур мулоҳаза, сабр-тоқат, эҳтиёткорлик керак, чунки ҳар бир келин бошқа-бошқа оилаларда улғайган бўлиб, турлича хислатларга эгадирлар.

Қайнона оилада муҳим мавқега эга. У тинчлик-тоғувликни, аҳилликни ва оила аъзоларининг яхши муносабатларини таъминлай олади. Айниқса, келинлар муаммосини ҳал қилиб, қайнога ва куёвларга яхши маслаҳат бериб, тўғри йўлга элтади.

Қайнона-келин ўртасидаги муомала одоблари ҳақида сўз юритишдан аввал келинлик макоми ва унга қўйиладиган талаблар хусусида қисқача тўхталиб ўтишга тўғри келади. Чунки муомала одоби меъёрлари ҳар бир одамнинг ижтимоий мақомидан келиб чиқиб белгиланади. Вақт шамол каби ўтиб кетади. Қарабсизки, кечагина орзулар гирдобиди шод-хуррам, озод паррандалар каби учиб юрган қизалоқ бошқа бир даргоҳга келин бўлибди. Бу нозиккина келин кечагина ота-онасига эркатойлик қилиб, истаган ишини, истаган кийимини кийиб, истаган қон-қариндошлар ва дугоналари уйларига истаган вақтида борар, истаган маҳал телевизор кўрар, истаганича истироҳат қилиб, вақтини ўз хоҳиши билан ўзи истаган нарсага сарфларди. Энди эса бошқа даргоҳ, бошқа муҳит, бошқа шарт-шароит, бошқа одамлар, бошқа муносабат, бошқа хислатлар. Энди бу янги хонадонда ўз оиласида ўрганган одоб-ахлоқи, рўзгор ишлари, мушоҳада тажрибалари керак бўлади, токи бу янги оилада

ўз ўрнини топиб, ўзига яраша ҳурмат-эҳтиром қозонса.

Тўйнинг аввалги кунлари янги хонадон аҳли келинчакка меҳрибонлик ва самимийлик билан муносабат қиладилар. Ана шу кунларда келин эҳтиёткорлик билан аста-секин янги хонадоннинг муҳити ва феъл-атворларини ўрганади. Ҳар бир хонадон аъзолари билан муносиб муомалада бўлиш йўлларини излайди. Бир ҳафтадан кейин унга ҳаёт синови бошланади. Энди у ҳамма вақт ҳар бир ишда озод эмас. Энди ҳар бир ишни ижозат билан қилишига тўғри келади. Ҳар куни эрталаб ҳаммадан олдин туриб, ҳовлини супуриб, эрталабки нонуштага дастурхон ёзиб, хонадон аҳлини иш ва ўқишларига жўнатиб, хўжалик ишлари билан шуғулланади.

Ҳар бир оила аъзоларига очиқ чехра ва самимий табассум билан муомала қилиш келинларнинг яхши сифатларидан ҳисобланади. Айниқса, қайнона ва куёвнинг опа-сингиллари билан яхши муносабатда бўлиб, улар ҳурмат-эътиборини жойига қўйиш келиннинг муҳим вазифаларидандир. Ҳаётга ҳар томонлама тайёр келин ота-онасига раҳматлар келтиради.

Али Муҳаммадхон Пўлодийнинг «Оила одоблари» китобида келинларга қуйидаги тавсиялар берилади:

1. Оилада яхши ният, умид ва орзулар билан яшашни ўрганинг.
2. Турмуш ўртоғингизга аввалдан меҳрибон ва ғамхўр ҳамда итоаткор бўлинг. Бирор бир ножўя иш ва ё ножўя сўзингиз билан уни ранжитмасликка ҳаракат қилинг. Акс ҳолда бу қилмишингиз бутун ҳаётингиз давомида хижолат ва пушаймонлигингизга сабаб бўлади. Ёдда тутинг: у келгусида фарзандларингиз отаси, оила пушти паноҳи, таъминотчиси, энг яқин маслаҳатчи ва бир умрлик дўстингиз бўлади.
3. Ёлғончилик, ёлғонга қасам ичиш, бахиллик, игвогарлик ва хиёнатдан узоқ бўлинг.
4. Эрингиз пул, мол-мулкни асрагувчиси бўлинг. Уни руҳсатсиз бировнинг манфаатига сарфламанг. Чунки ўғрилиқ ва хиёнат кечирилмас гуноҳдир.
5. Хонадон сирини ҳатто ота-онангизга ҳам айтманг.
6. Хонадон аъзолари ўртасида низо чиқарманг, уларни бадном қилишга уринманг. Чунки «Чоҳ қазиган – чоҳга йиқилур».

7. Исрофгарчиликка йўл қўйманг, ҳар бир сўм ва ҳар бир нон бурдаси қадрига етинг.

8. Ҳаддан ташқари сунъий пардоз-андозга берилиб кетманг. Шарм-ҳаёни энг зўр пардоз деб билинг. Ҳусн ҳусн эмас, ҳаё хусндир.

9. Мол-давлатга кўнгиш қўйманг.

10. Оиланинг бор-йўғида шукрли ва сабр-тоқатли бўлинг.

11. Оила осойишталиги, эр ва фарзандларингиз саломатлигини бебаҳо давлат деб билинг.

12. Бирор жойга бориш, бирор нарса сотиб олиш, бирон ишни қилишни истасангиз, аввало, эрингиздан руҳсат сўрасангиз одобдан бўлади. Зарурат бўлиб қолиб, эрингиз бўлмаса, қилган ишингиздан уларни хабардор қилинг. Чунки Суқрот айтганидек: «Ҳар бир сир олдинроқ ё кейинроқ ошкор бўлади».

13. Ҳамма вақт кечиримли бўлинг. Оила аъзоларига гина-адоват қилиш келинчакка ярашмайди.

14. Хонадоннинг яхши қадбонуси бўлишга ҳаракат қилинг. Оилада низолар, кўпинча, келиннинг ҳунарсизлигидан бошланади. Хонадон аҳлига лаззатли пишириқларни тортиқ этиб, улар кўнглини шод этинг.

15. Ўз пулингиз ё ота-онангиз томонидан йиғган молларингизни эрингизга кўз-кўз қилишингиз одобдан эмас.

16. Оила аъзоларингиз олдида бошқаларнинг мол-давлатини таърифлаб, оилангиз яқинлари камчиликлари ва ножўя ишлари ҳақида гапирманг. Аксинча, уларнинг яхши ва ибратли жиҳатларини мақтанг.

17. Эрингизни асоссиз рашк қилманг. Бу ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

18. Хонадон аҳлининг ғазабланган ҳолатида ёки мастлигида ўзингизни узоқ тутиб, хомуш бўлганингиз маъқул.

19. Оила аъзоларингиз ва эрингизнинг ярашмайдиган, ювилмаган ё эски кийимда ташқарига чиқишларига йўл қўйманг. Бордию кийимга эътиборсиз бўлсалар, сиз ўргатинг, уларга ярашадиган кийимларни кийишларига урининг.

20. Эрингиз олдида хунук ва бадбўй кийимлар билан ўтирманг. Кийимларингиз тоза, нафис ва хушбўй бўлишига ҳаракат қилинг.

21. Эрингиз олдида ҳаддан ташқари ноз-карашма ва пардоз-андоз қилишингиз ҳам яхши эмас. Ўртача меъёрни танлаш маъқул.

22. Кам гапириш, кам ичиб ейиш, кам ухлашни одат қилинг.

23. Ўз қон-қариядошларингизга қандай муносабат қилсангиз, эрингиз қариндошларига ҳам шундай муносабатда бўлинг.

24. Сизнинг яқинларингиз томонидан эрингизнинг яқинларига ҳурматсизлик содир бўлишига йўл қўйманг. Сиз улар ўртасида муросакор бўлинг.

25. Агар сизнинг маслаҳатингизга эҳтиёж бўлса, ўз мулоҳазаларингизни айтинг, йўқса ҳар бир ишга беҳуда аралашаверманг.

26. Яхши хотин-қизлар билан суҳбатда бўлинг, ёмонларидан узоқ юринг.

27. Ҳамма вақт ўзингизни ҳақ деб билманг. Атрофдагиларнинг тўғри маслаҳатини ҳам қабул қилинг. Нотўғри бўлса, гап қайтармасдан, ўз фикр-мулоҳазаларингизни тушунтиришга ҳаракат қилинг.

28. Агар сўзингиз ва муносабатингиз низо чиқишига сабаб бўлиб қолса, яхшиси, ўзингизни кўрмаган ва эшитмагандек тутинг.

29. Эрингиз ва унинг яқинлари томонидан содир қилинган камчиликларни уларга рўқач қилиш унчалик яхши эмас.

30. Агар эр-хотин аҳил ва яхши фазилатли бўлсалар, оила даромадини маслаҳат билан, биргаликда барча эҳтиёжларга сарф қилишлари маъқул. Агар эри ёмон одатли бўлса, хотин ўзи барча даромадларда оқилона фойдаланиши керак.

31. Тўйнинг илк кунларидан қайнона ва қайнсингиллар билан яхши муносабатни йўлга қўйинг, улар кўнглини топинг.

32. Келин ва куёв томонидан қилинган ҳамма жиҳозлардан бир хил фойдаланиш керак. Айрим келинлар ўз ота-оналари томонидан қилинган буюмларни эҳтиёт қиладилар. Бу тўғри эмас.

33. Барча меҳмонларни, хоҳ сизга, хоҳ эрингизга қарашли бўлсин, бир хил иззат-икром билан қарши олинг. Ўз ота-онангизга қандай меҳрибонлик қилсангиз, эрингиз ота-онасига ҳам шундай меҳрибончилик кўрсатинг.

34. Келинингиз келажақда сизга яхши муносабатда бўлишини истасангиз, ўзингиз қайнонангизга яхши муносабатда бўлинг.

35. Эрингиз оила аъзолари ўртасида ҳурмат-эҳтиром ва аҳилликни барқарор этишга ҳаракат қилинг. Улар ўртасидаги низолар сабабчиси бўлманг.

36. Эрингиз билан шундай яхши муомала қилингки, бошқа жойда бундай хузур-ҳаловат топмасин.

37. Доимо ширинсўз, хушмуомала, камтарин, иболи, итоаткор, саранжом-сарийшта ва гўзал бўлишга ҳаракат қилинг.

38. Жиддий далил-асоссиз эрингиздан талок сўраманг. Чунки ривоят қилишларича, эркак киши бу калимани тилга олганда бутун борлик – тоғ-тошлар, дашт-саҳро, дов-дарахтлар ларзага келар экан...»⁵⁶

6.8. Эр-хотинлар мулоқотида саломлашув ва мурожаат босқичларининг тутган ўрни

Мулоқотда саломлашув ва мурожаат бир-бирларига жуда яқинлиги ҳамда юзма-юз, масофали коммуникация билан боғлиқ ҳолда ўринларини алмаштириб туришлигини инобатга олган ҳолда уларни ёнма-ён – бир босқич каторида келтирдик. Юзма-юз мулоқот, одатда, саломлашувдан бошланса, масофали (суҳбатдошлар бир-бирларини кўрмай турган пайтдаги) мулоқот асосан мурожаатдан бошланади. Масалан, бирор юмуш билан таниш ёки нотаниш жойга борган киши, энг аввало, уй эгасининг исмини айтиб чақиради, тингловчи кўрингандан кейингина унга салом беради.

Бир қарашда оддийгина кўринган саломлашиш мулоқот жараёнида жуда катта психологик функция бажаради. Жумладан:

1. Мулоқотнинг тўғри ва реал амалга ошиши учун замин яратади.

2. Тингловчида сўзловчига нисбатан ижобий фикр уйғотади.

Шунинг учун ҳам бўлса керак, дунё тилларининг деярли барчасида саломлашишнинг мулоқотда тутган ўрни ҳақида кўплаб мақола ва китоблар ёзилган. Жумладан, Н.И.Формановская шу мавзудаги китобларидан бирини: «Сиз «салом» дедингиз!» («Вы сказали: «Здравствуйте!») деб номлаган ва бу китобда

⁵⁶ Пүлөдий А. Оила одоблари. – Фарғона: «Фарғона», 2012 й., – Б.14-16.

саломлашишнинг коммуникация жараёнида тутган бекиёс ўрни ҳақида асосли мисоллар келтирган.

Вазият тақозосига кўра, мулоқот баъзан саломлашишдан олдин, баъзан саломлашишдан кейин тингловчига қарата қилинган даъват, чақириқ билан бошланади ва бу «мурожаат» деб аталади. Айрим адабиётларда мурожаат, чақириш, ундаш оттенкаларини қамраб олувчи сўзларни «вокатив формадаги сўзлар» деб берилган.

Халқимизда «Сўз боши – салом, иш боши – интизом» деган мақол бор. Бу бежиз айтилмаган, албатта. Ҳар бир ота-она фарзандига таълим-тарбия берар экан, энг аввало, саломлашишни ўргатади.

Бирор нотаниш киши билан кўришиб-танишмоқчи бўлсангиз, салом беришингиз билан гап-гапга қовушади, ўртадаги бегонасираш, ноқулайлик барҳам топади. Ҳатто душманлар хузурига ҳам «Ассалому алайкум» («Сизга тинчлик-омонлик бўлсин») деб кириб борилса, у жаҳлдан тушади, кеки йўқолади, кўнгли кириб келувчига мойиллашади.

Салом бериш хусусида ахлоқ-одобларимизнинг куйидаги бир қанча кўрсатмалари бор:

1. Аввал салом, кейин калом (яъни бошқа гаплар).
2. Салом бермагунча бировни хузурларингизга қўйманглар ва таомга чақирманглар.
3. Оила аъзоларингиз хузурига, яъни уйингизга салом билан кириш, шунда сизга ҳам, оилангиз аъзоларига ҳам барака ёғилади.
4. Бир-бирларингиз билан саломлашиб юринглар, шунда ўрталарингизда меҳр-муҳаббат уйғонади.
5. Салом тўлик, сўзларни бузмай, одоб билан берилади. У «салом», «сомалайкум» (маъноси: «сизга ўлим бўлсин»), «салом бердик», «привет» каби шаклларда бўлмаслиги керак.
6. Ҳаддан ташқари энгашиб, ерга букилиб салом бериш одобимизда ман этилган. Хиёл эгилиб салом бериш кифоя.
7. Нотаниш кишиларга ҳам, ёш болаларга ҳам салом берилади.
8. Ҳеч ким йўқ уйга кирганда ҳам салом берилади.

Саломга алик олишнинг ҳам бир қанча шартлари мавжуд. Бу ҳақда Хусайн Воиз Кошифий бундай ёзади: «Агар «Саломга жавоб бериш одоби қайси?» деб сўрасалар, «Бунинг куйидаги шартлари бор» деб айт. Биринчидан, саломга хурсанд бўлиб алик олиш. Иккинчидан,

салом берганга «рахмат» дейиш. Учинчидан, саломга албатта алик олиш. Тўртинчидан, кўп киши турган бўлса, ораларидан бир одам саломга жавоб қайтарса кифоялиги. Бешинчидан, саломга ишорат ёки имо билан эмас, овоз чиқариб алик олиш. Олтинчидан, саломга алик олганда салом берган кишининг эшитиши зарурлиги...»

Агар бирор киши биров орқали сизга салом айтиб юборган бўлса, бунинг жавобини («Ассалому алайка ва алайҳи» деб) дарҳол қайтаришингиз лозим. Салом мактуб орқали юборилган бўлса, дилингизда ёки хат орқали ёзма равишда «Ваалайкум ассалом» дейилади.

Мурожаат шакллари муомала маданиятини белгиловчи асосий омиллардан бири бўлиб, бу билан сўзловчи тингловчига ўз муносабатини ифода этибгина қолмай, ўзининг маданият даражаси ва умумий савиясини ҳам намойиш этади. Мурожаат мулоқотда муҳим аҳамиятга эга бўлиш билан бирга, мулоқотнинг қандай давом этиши кўпинча шу биргина сўз билан боғлиқ бўлиб қолади. Ўзбек мулоқот хулқида мурожаатнинг ўрни бекиёс. Худди шу ўринда таникли шоир ва адиб Улуғбек Ҳамдамнинг «Наъматак» деб номланган мини романида келтирилган куйидаги ҳикматли байт ёдимизга тушади:

Қандай кўз-ла боқса одам оламга,

Шундай жавоб айлар олам одамга...⁵⁷

Сухбатдош ҳам, бутун олам ҳам унга қандай кўз билан боқишимизга қараб бизга ўзини намоён қилади. Шунинг учун ҳам ўзбек мулоқот хулқида мурожаатга алоҳида эътибор берилади. Фақат ўзбек тилида эмас, айрим (масалан, украин, болгар ва бошқа славян) тилларда «чақирув келишиги» деб аталадиган мурожаатни шакллантирувчи махсус график восита мавжуд. Бу ўринда шуниси кизиқки, болгар тили қачонлардир мавжуд бўлган ҳамма келишикларни унутиб, фақатгина «чақирув келишиги»ни сақлаб қолган. Зеро, мурожаат шакллари барча халқларда мулоқотни зарур тарзда олиб бориш учун катта аҳамиятга эга бўлиб, мурожаат орқали тингловчининг қайси ижтимоий гуруҳга мансублиги, ёши,

⁵⁷ Улуғбек Ҳамдам. Ватан ҳақида кўшиқ. – Тошкент: «Академнашр», 2014 й., – Б. 414.

жинси, ижтимоий функцияси ва бошқа хусусиятлари ифодаланиши мумкин. Бундан ташқари, мурожаатлар суҳбатдошларнинг яшаш жойи, жинси, ёши, касби ва бошқа ижтимоий белгилари ҳақида ҳам маълумот беради.

6.9. Кириш (даромад) босқичи ва унинг эр-хотинлар мулоқотида тутган ўрни

Мулоқот босқичлари орасида сўзловчига алоҳида масъудият юклайдиган, унинг ички ва ташқи таъсир бирликларини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилувчи босқич бу даромад босқичидир.

«Даромад» форс-тожикча сўз бўлиб, фойда маъносидан ташқари, муқаддима, кириш тушунчаларини ҳам билдиради ва бирор мақсадни англатиш учун шу мақсад атрофида узоқдан бошланган гапни ифодалайди. Масалан: «Шунақа қилиб, Нарзини ҳам юбормоқчимисиз?» – деди кампир, дарров гапнинг даромадини пайқаб» (Х.Назир, «Маёқ сари»). Ёки «Кенжанинг қисқача даромадидан кейин залда шундай кайфият туғилдики, Аббосхоннинг башараси Саидийга тасалли бермай қўйди» (А.Қаҳҳор), «Бу йил совуқ эрта тушадиганга ўхшайди, деб биз томонлардаги одамларнинг одати бўйича даромад қила бошлади Шокиржон» (Ш.Ризо).

Ўзбеклар нутқида «Бердисини айтгунча шошмай тур», «Томдан тараша тушгандай гапирма» қабалидаги мақоллар замирида ҳам суҳбатдошни суҳбат мавзуга тайёрлаш – дипломатик мулоқот учун вазият яратиш фикри яширинган. Дипломатия – бирор мақсадга эришиш йўлида усталик билан олиб борилган муомала. Зеро, тадбиркор ва ақлли одамлар суҳбатдошларига бирор жиддийроқ фикрни айтишдан олдин тингловчини суҳбат мавзуга обдон тайёрлаб олишга, ўз фикрини олдиндан тасдиқлашиб олишга ҳаракат қиладилар. Шунда эшитувчи ҳар қандай ҳаяжонли ёки кайғули хабарни ҳам енгил қабул қилади ва тўғри муносабатда бўлади.

Муҳими шундаки, умуминсонийлик хусусиятига эга бўлган бу усул суҳбатнинг муваффақиятли чиқишига ижобий таъсир кўрсатади.

Одамларга шундай усул билан муомала қилиш орқали дунёга машҳур бўлган ва «Афина сўнаси» деб ном олган ажойиб инсон – Сукрот мантик ва фалсафа соҳасидаги кашфиёти билан инсон тафаккури йўналишини кўп жihatдан ўзгартириб юборган эди. Унинг тасдиқ жавоби олишга асосланган исботлаш усули эндиликда «Сукрот услуби» номи билан машҳурдир. Бу услуб моҳияти шундан иборат эдики, суҳбатдошига «хўп» дейишга мажбур қиладиган саволлар берар эди. У бир «этак», «ҳа, шундай» деган розилик йиғмагунча суҳбатдошидан тасдиқ кетидан тасдиқ ундираверган. Бундан бир неча дақиқа илгари кескин эътироз билдириб турган фикрга қандай қилиб қўшилганини билмай қолгунча у ҳамсуҳбатига саволлар бераверган.

Эсини таниган аксар ўзбек суҳбатдошлари тингловчига бирор жиддийроқ фикрни айтишдан олдин уни суҳбат мавзуга руҳий жihatдан тайёрлаб олишга ҳаракат қилишади. Бу мусулмон халқларига, жумладан, ўзбекларга пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)дан қолган одат бўлиб, Шарк алломаларидан бири Аҳмад Лутфийнинг пайғамбаримиз ҳақидаги китобларидан бирида бу ҳақда қуйидаги фикрларни ўқиймиз: «Чанқаган тупроқ сувга қандай муҳтож бўлса, тингловчилар ҳам суҳбатга шундай бир эҳтиёжлари борлигини сезмагунча бирон бир маъруза қилишни тўғри деб билмасдилар, аммо таблиғ этилиши лозим ҳақиқат бўлса, аввал тингловчиларнинг етарлича диққат-назарларини ўзларига жалб қилиб, кейин асл масалани тушунтирардилар. Ҳар хил ишлов бериш учун темирни аввал қиздириб олиш лозим бўлганидек». Масалан, Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романидан қуйидаги парчани бунга мисол қилиб келтириш мумкин:

«Орадаги сўзсизлик узоққа чўзилавергач, кутидор Ҳасаналидан сўради:

– Бек саломатми?

Зиё ака сўз ўнқови келганини пайқаб, Ҳасаналининг жим туришига ишорат қилди ва ўзи жавоб берди:

– Бизнинг сизга чақирилмаган меҳмон бўлишимиз ҳам Отабекнинг соғлиғи учундир.

Кутидор бу жавобдан бир нарса тушунолмади ва шунинг учун қайталаб сўради:

– Отабек соғми?

– Бу кунгача Отабек саломат, – деди Зиё ака салмоқлаб, – аммо бекнинг мундан кейинги соғлиғи сизнинг кўлингизда қолганга ўхшайдир.

Кутидор яна тушунолмай таажжуб билан меҳмонларга қараб олди.

– Тушунолмадим...

– Яъни Отабек бу кунгача саломат, – деди Зиё ака яна. – Аммо мундан кейинги соғлиғи сизнинг кўлингизда...

– Меним кўлимда?

– Сизнинг ихтиёрингизда.

– Отабек каби бир йигитнинг соғлиғи ҳар бир ақлли киши учун мақсад бўлса ҳам, – деди таажжуб билан кутидор, – лекин сўзингизнинг шуниси кизикдиким, бир йигитнинг соғлиғи иккинчи бир кишининг ихтиёрида бўлсин.

Зиё ака бояғи вазиятни бузмади:

– Ажабланмангиз, ўртоқ, – деди, – бекнинг мундан кейинги соғлиғи ихтиёрингизда, бу ўйин эмас – тўғри гап.

Кутидор тўсатдан муддаонинг ким ва нима тўғрисида бўлганлигини пайқаб қолди ва ўзида бир турлик ўнғайсизлик сездди.

Гарчи муддао кун каби ошқора бўлган бўлса ҳам, нима учундир кутидор Яна ўзини тағрифилга солиб сўради:

– У кимнинг қизи эмиш?

Зиё шоҳичи кутидор тарафидан ўзига бериладиган шу саволни кутиб турган эди.

– Сизнинг каримангиз, – деди». ⁵⁸

Бу мисолда сўзловчилар (Ҳасанали ва Зиё шоҳичи) томонидан тингловчи (Мирзакарим кутидор) ўртасида муддаога ўтишдан олдин уни бериладиган хабарга, суҳбат мавзусига аста-секин олиб кириляпти, яъни мулоқотнинг кириш (даромад) босқичи амалга оширилмоқда. Мулоқот вазиятидан келиб чиқиб, ўзбеклар мулоқот хулқида жуда нозик масала саналган совчиликка оид нозик имо-ишоралар, лисоний ва нолисоний воситалардан фойдаланилган. Масалан, муддаога ўтишдан олдин Отабекнинг соғлиғи бундан кейин кутидор қўлида эканлиги нозик кочирим билан (пресуппозиция) ишора қилиняпти. Бунда ташқи таъсир бирликлари мулоқот вақти («Қош қорайиб, қоронғу тушаёзган эди. Ҳаво булут, аччиғ, совуқ ел тўрт томонга югурар, онда-сонда қор учкунлари қувалаб зирқиратар эди»), вазият, ҳолат («...Зиё шоҳичининг кулиб айткан сўзларига кутидор сира ҳам тушунмас ва кутилмаган меҳмонларнинг келиш сабабини сўрамоқдан ийманар эди») тингловчи (Мирзакарим кутидор)да таажжуб билан бир қаторда «нозик ниманидир» аңлатар эди. Сўзловчилар томонидан амал қилинган мулоқотнинг ўз ўрнидаги даромад босқичи буни янада яққолроқ очиб беради.

Маълумки, ўзаро мулоқотга киришиш жараёни ижтимоий ҳаётнинг турли доираларида, ҳар хил муҳитларда амалга оширилади. Сўзловчи ўзига олдиндан маълум бўлган умумий билимлари асосида тингловчига мурожаат қилади. Яъни тингловчининг ёши, касби, ижтимоий ҳолати, таниш-нотанишлигидан ҳамда ўзаро мулоқот ҳаётнинг қайси доирасида (расмий ёки норасмий), мулоқотнинг қайси босқичида амалга оширилаётганидан келиб чиқиб амалга оширилади.

⁵⁸ Абдулла Қодирий. Ўтган кунлар. – Тошкент, Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1974 й., – Б. 42-44..

Тингловчининг таниш ёки нотанишлигига кўра қўлланилувчи мурожаат бирликларида «таниш тингловчи (тингловчи)» ва «нотаниш тингловчи (тингловчи)» пресуппозицияси, сўзловчи ва тингловчи ёшига кўра «ёш тингловчи», «ёши катта тингловчи» ва «тенгдош тингловчи», ўзаро алоқа-аралашув, мулоқотга киришиш ўрнига кўра сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги муносабат, «расмий» ёки «норасмий» муносабат ифодаловчи каби пресуппозициялар ўз ифодасини топади.

Демак, мулоқот ўрнига, шароитига, вазиятига кўра, битта тингловчига турлича мурожаат шакллари билан мурожаат қилиш мумкин. Чунки ҳар бир инсон оилада, дўсту биродарлари орасида, жамиятда, хизмат доирасида ўз ўрнига, ўз мавқеига эга. Бинобарин, мурожаат бирликлари мулоқот вазияти, сўзловчи ва тингловчининг ўзаро муносабати, тингловчининг жамиятда ва оилада тутган ўрни, унинг ёши, жинси кабилардан дарак берувчи, матнда маълум (номлашдан ташқари) пресуппозицияни ифодаловчи ўзига хос қалит сўзлардир.

Мурожаат бирликлари мулоқотнинг тўғри ва аниқ амалга ошиши учун замин яратиш ҳамда тингловчида сўзловчига нисбатан ижобий ёки салбий муносабат уйғотиш каби психологик вазифани ҳам бажаради. Мулоқотнинг асосий босқичи бўлган даромад босқичини амалга оширишда мурожаат бирлиги мулоқот ўрни, сўзловчи ва тингловчининг ўзаро муносабатидан келиб чиқиб, вазият учун мос равишда танланади. Шунга кўра, тингловчининг яшаш жойи, миллати, қариндошлиги, касб-ҳунари, ёши, бажараётган вазифасига кўра мурожаат қилинади.

Юқорида таъкидланганидек, ҳар қандай матнда хоҳ илмий, хоҳ бадиий, хоҳ публицистик матн бўлсин, унда кириш босқичи албатта ўрин олган бўлади. Буни Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг нутқлари мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Хусусан, Юртбошимиз томонидан қилинган маърузаларга эътибор қаратадиган бўлсак, ушбу нутқларда кириш босқичи, аввало, мурожаат бирликлари билан уйғун ҳолда амалга оширилганлигини кузатишимиз мумкин. Масалан, 2010 йилнинг 12 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Президент Ислоҳ Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 21 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда қилган маърузасида кириш босқичи қуйидагича ифодаланади:

«Қадрли дўстлар!

Аввало, мана шу ҳашаматли ва бетакрор бинода сиз, азизларим билан кўришганимдан хурсанд бўлганимни, ўзимнинг чуқур ҳурматим ва меҳримни билдириш – мен учун катта бахт, десам, қалбимда, юрагимда бўлган гапни айтган бўламан»...⁵⁹

Бу каби кириш босқичини Президентимизнинг ҳар бир нутқларида кўришимиз мумкин. Бундан ташқари, бошқа давлат раҳбарлари томонидан Президентимиз номига йўлланган самимий қутловларда ҳам бу каби кириш босқичларини кузатамиз:

Италия Республикаси Президенти Жоржо Наполитано томонидан йўлланган самимий қутловда шундай дейилади:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Жаноби Олийларига!

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Мамлакатингизнинг миллий байрами муносабати билан Сизга ўзимнинг самимий табриқларимни ва Ўзбекистон халқига фаровонлик тилаб билдирган энг эзгу истакларимни йўллаш менга улкан мамнуният бахш этади.

...Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари янада мустаҳкамланаверсин, Сизга ва бутун Ўзбекистон халқига тинчлик-

⁵⁹ Ислоҳ Каримов. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққийтимизнинг муҳим омили. // «Халқ сўзи», 2010 йил, 8 декабрь.

омонлик ва фаровонлик тилайман».⁶⁰

Швейцария Конфедерацияси Президенти Дорис Лойтхард томонидан йўлланган самимий қутлов эса шундай бошланади:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига!

Мухтарам Президент Жаноби Олийлари!

Ўзбекистон Республикаси ўз миллий байрамини нишонлаётган ушбу фурсатдан фойдаланиб, Швейцария федерал Кенгаши ва шахсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимизни йўллаб, сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, мамлакатингизга тараққиёт ва фаровонлик тилайман».

Коммуникация жараёнида даромад босқичини қўллаш-қўлламаслик ёки уни қай даражада, қандай усулда қўллаш суҳбатдошнинг индивидуал хусусиятлари – миллати, яшаш жойи, жинси, ёши, касб-кори ва бошқа ижтимоий белгилари билан боғлиқ. Чунончи, айрим миллат кишилари ўз сўзларини тўғридан-тўғри «гапнинг индаллоси»дан бошлашга одатланишган бўлса, бошқалари муддаога ўтишдан аввал узоқ даромад қиладилар. Ғарб миллатига мансуб бўлган немислар, инглизлар ва руслар коммуникатив жараёнда даромад босқичига умуман амал қилмайди. Кесим – рема доимо эгадан кейин келади. Бу нутқда ҳам акс этади. Улар гапни тўғридан-тўғри мақсадга ўтишдан бошлайдилар. Японларда эса муддаога ўтишдан олдин, албатта, об-ҳаво ҳақида гапирилади, бу айниқса, уларнинг бир-бирларига ёзадиган хатларида қоида даражасига айланиб қолган. Лекин шундай коммуникатив жараёнлар ҳам учраб турадики, бундай пайтда нутқнинг даромад босқичи инсонийлик, унинг шахсини ҳурмат қилиш вазифасини бажаради. Фикримизни олис Перу мамлакатига бўлиб ўтган қуйидаги воқеа тасдиқласа ажаб эмас: «Мексика чемпионатидан аввал Перу терма командасига бразилиялик Диди

60 «Халқ сўзи» газетаси. 2010 йил 7 сентябрь, №174.

бош мураббий этиб тайинланди. Бегона юртдан келган мураббий билан тил топишиб кетиш, табиийки, енгил кўчмайди. Ва юзаки қараганда оддий ходисадек туюлган бир воқеа Дидининг обрўсини осмон қилиб юборади.

Перу командаси Уругвай терма командаси билан учрашувга шай бўлиб турган кун эрталаб умидли ўйинчилардан бири Фуэнтеснинг отаси вафот этгани ҳақидаги хабарни Дидига етказишади. Диди шошмайди, у йўл-йўлакай саломлашгандек, Фуэнтес дам олаётган хонага киради, атайин у ёқ-бу ёқдан гурунг бошлайди. Анча суҳбат куради. Ҳаётнинг аччиқ-чучукларидан сўзлайди, ҳар қандай одамнинг, айниқса, эркак кишининг бошига оғир кун тушганда вазминроқ бўлмоғи зарурлигини айта туриб, гап орасида Фуэнтеснинг отаси қазо қилганини кистириб ўтади. Фуэнтес ток ургандек сапчиб тушади, бугунги машғулотлардан ва кечкурунги ўйиндан озод этилганини эшитиб, лабини қимтиб қолади. У уйига, дафн маросимига жўнайди. Окшом учрашув бошланиши олдидан эса... у стадионда ҳозир бўлади ва майдонга тушишга тайёрлигини айтади.

Шу воқеадан сўнг Перу футболчилари Дидини устоз деб атай бошлайдилар».

Диди каби инсон руҳининг кашфиётчилари билан бирга фикрини ўта тўмтоқ ифодаладиган, гап бошлашнинг оддий қонун-қоидаларини билмайдиган кишилар ҳам учраб туради:

– Ўғлингизни отиб қўйишибди, – дейди Фарғона вилоятидаги қишлоқлардан бирида ёлғизгина ўғли билан кун кечирадиган онага қаердандир ҳаллослаб келган қўшни аёл томдан тараша тушгандай. Табиийки, ёлғиз ўғли ҳақидаги, бунинг устига ҳеч қандай тайёргарликсиз айтилган бу хунук хабарни муштипар онанинг юраги кўтара олмайди. Ўйламай айтилган бир оғиз хунук гап онанинг умрига зомин бўлади.

Ҳеч қандай тайёргарликсиз, дабдурустдан бошланадиган

сухбатларга, айниқса, телефон орқали бўладиган сухбатларда гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Телефон жиринглайди. Фикрингиз бўлиниб, керакли тугмачани босасиз. Қандайдир бегона овоз саломсиз, алиқсиз:

– Ким бу? – дейди.

Ўзини таништирмасдан, кўкқисдан сўроққа тутаётган кимсага танбех бериш, кўнғироқ қилаётган одам аввал ўзини таништириб, муддаосини муомала маданиятига риоя қилган ҳолда изҳор этиши кераклигини айтиш унчалик тўғри эмас.

Мухими шундаки, бу одат дунё халқларининг кўпчилиги учун хос бўлиб, Япония, Англия, Испания каби ривожланган давлатларда давлат аҳамиятига эга бўлган, ҳатто расмий муаммолар ҳам об-ҳаво, спорт, саломатлик, шаҳар янгиликлари мавзуидаги ўзаро гаплар билан бошлаш одат тусини олган. Италияликлар эса расмий масалаларни ҳам норасмий жойларда, масалан, унчалик катта бўлмаган ресторанларда эркин ҳал қилишни яхши кўришади.

Ўзбеклар мулоқот ҳулқида гапнинг даромад босқичи хилма-хил ижтимоий-лисоний функцияларни бажаради.

«Вақт намозгарга яқин. Кўча қатқалоқ... Йўлчи ҳеч нарсага назар солмай, одимларини катта ташлаб бораркан, Шокир ота учради, у бошига тушган қайғу ва фалокатлардан жуда мункиллаб қолган эди. Йўлчини кўриши билан:

– Ҳа, гувори, ҳали бир кишлоқнинг сени қидириб юрганди, йўликдими? – деди.

Йўлчи ўз кишлогидан келган одам билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўраша олмаганига афсусланди. Чунки кузнинг бошида онасига йигирма сўм юбориб, шундан буён ҳеч қандай хабар олмаган, ўзи ҳам йўқлолмаган эди.

Ташқари ҳовлида таҳорат қилаётган бойдан ҳамқишлоғи тўғрисида сўради. Бой бет-қўлини артиб, «бу ёққа юр!» деб имлади.

Унинг орқасидан Йўлчи меҳмонхонага кирди. Мирзакаримбой танчага ўтириб, қўлини пешонасига тираб бир муддат сукут қилди, сўнг сўзини нимадан бошлашни билмай, соқолининг учини тишлаб деди:

– Сенга бир хат бор, – бой патнис тағидан хатни чиқарди, – лекин хушхабар келтирган эмас. Сен, албатта, оғир, ақлли йигитсан, Оллонинг ризосига бўйсунарсан...

– Қандай хабар экан, айтаверинг, – Йўлчининг қошлари, кўзлари савол ва шубҳани ифода қилди.

– Эй, дунёйи бевафо!.. Онангдан айрилибсан, жиян!

Йўлчи бутун гавдаси билан сесканиб, ёлғиз «А!» деган кескин товуш чиқарди... Сўзлашга тили қотди, юзи бўздай оқарди. Унинг бақувват, метин гавдаси, кўксига тўлган қайғуни кўтаришга ожиз каби эгилди, букилди. Мирзакаримбой Йўлчига далда бериш учун, Оллонинг ризосига буйсуниш кераклигини, ўлим ҳар кимнинг бошида омонсиз қиличини тутиб турганлигини, не-не пайғамбарлар, не-не азиз-авлиёларни ўлим олиб кетганлиги ҳақида гапирди...»⁶¹

Бу парча бадий адабиётдан олинган бўлса-да, лекин ҳаёт ҳақиқати жуда ишонарли тарзда тасвирланган. Бундай асар муайян миллат маиший-ижтимоий турмушининг эркин кўзгуси ҳисобланади. Шу боис машҳур туркшунос, тарихчи ва файласуф Лев Гумилёв ўзининг назарий фикр-мулоҳазаларини асослаш учун фақат тарихий фактларга, қадимий манбаларга эмас, балки Лев Толстой, Чингиз Айтматов, шунингдек, Ф.М.Достоевский, И.С.Тургенев каби буюк адибларнинг асарларидан олинган мисолларга ҳам тез-тез мурожаат этиб турарди.

Том маънода «типик воқеалар типик шароитда тасвирланган» бадий асар лингвистика фани учун ҳам тадқиқот объекти бўлиши мумкин. Хусусан, ўзбек миллатига хос бўлган мулоқот

61 Ойбек. Кутлуғ қон. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1975 й., – Б.188.

хулқи коммуникатив вазият, коммуникатив стратегия ва нутқнинг даромад босқичи «Кутлуг қон» романида келтирилган парчада ҳаққоний тасвирланган. Бунда ёзувчи дастлаб китобхонни коммуникатив вазиятга ҳозирлайди: «Вақт намозгарга яқин. Кўча қатқалоқ...» каби тасвирлар кўз ўнгида намоеън бўлган китобхон, албатта, қувончли ҳодиса рўй бермаслигини олдиндан ҳис этади. Сўнгра муаллиф суҳбатдошни (Йўлчини) «бошига тушган қайғу ва фалокатлардан жуда мункиллаб қолган» Шокир отага рўпара қилади. Яъни коммуникатив вазиятнинг даромад босқичи табиий-динамик равишда ривожланиб боради ва тингловчи коммуникатив андоза воситасида прагматик контекстни тушуниши учун муносиб вазият яратилади (Йўлчи қишлоқдаги онасини эслайди, ҳамқишлоғи билан учраша олмагани учун афсусланади ва ҳоказо). Нолисоний воситалар билан ифодаланган даромад эса («Бой бет-қўлини артиб, «бу ёкка юр!» деб имлади») тингловчи (Йўлчи)ни хийла ҳовуридан туширади ва прагматик контекстга муносиб равишда коммуникатив стратегия танлаш имконияти пайдо бўлади: Мирзақаримбой, аслида, салбий қаҳрамон бўлса-да, лекин ўзбек бўлгани учун мулоқот хулқининг миллий тартиб-қоидалари доирасида ҳаракат қилади. Совуқ хабарни қандай айтишни олдиндан режалаштириб қўйган бой патнис остидан хат чиқариб беради. Ваҳоланки, бой Йўлчининг саводсиз эканини, хатни ўқий олмаслигини жуда яхши биларди. Лекин барибир хатни эгасининг қўлига топширади ва Йўлчининг хаёлини яна шу даромад хатти-ҳаракати (предмет) воситаси билан бир оз чалғитади – уни коммуникатив вазиятга ҳозирлайди. Бундан ташқари, у хизматкорига далда беради, ўзи ҳам унга қўшилиб руҳан азобланади, ҳамдардлик билдиради.

Биз бу мисолда нутқнинг ижтимоий-лисоний аспекти ўзбек мулоқот хулқининг ўзига хос миллий хусусиятларини яққол ифодалаганини кўришимиз мумкин. Турли ижтимоий табақага мансуб бўлган бу миллат вакиллари ўзбекларга хос бўлган мулоқот

хулқи нормаларига амал қиладилар.

Демак, мулоқотнинг даромад босқичи бошқа миллатларга нисбатан ўзбекларда ўз ўрнида қўлланади ва ундан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинади. Бу ҳалқимизнинг миллий минталитетига ҳам бир жиҳатдан боғлиқ бўлиб, у шарқона ахлоқ-одоб белгиси бўлиш билан бирга, инсон кўнглининг нозик қирраларини теран ҳис қила билган ҳолда инсон кўнглини авайлаш, гапни узоқдан бошлаш орқали суҳбатга руҳан тайёрлаш, даромад босқичида қўлланган фақат ўзбекларгагина хос бўлган мурожаат бирликлари орқали тингловчининг берилажак хабар орқали ёлғиз эмаслигини ва бу орқали сўзловчига тингловчи билан яқинлик даражасини билдириш каби вазифаларини бажаради:

«Бобур номаълум хавф-хатардан сесканиб, Хўжа Абдуллага ёрдам сўрагандай қаради:

– Устод!

Хўжа Абдулла унга томон сурилиб:

– Амирзодам, бардам бўлинг, – деди.

– Не қилай, айтинг! – шивирлади Бобур.

– Хукм чиқаринг! Беклар ясоққа етсин деб талаб қилмоқдалар.

– Сиз-чи, устод?..

– Амирзодам, – шивирлади Хўжа Абдулла, – подшоҳлик удумига биноан, хатарли уруш пайтида тождорлар шаънига номуносиб гап айтган одам жиноятчи ҳисобланур! Дарвеш гов яна бу ерда ҳам тилини тиймай чатоқ қилди. Барча бекларни ёмонлаб, қарғаб, оловга мой сепди! Энди сиз... битта Дарвеш говни деб барча беклардан воз кечолмагайсиз, вазият таҳликали... Сиёсат учун говни ясоққа етказмоқдан бошқа илож йўқ!» (Пиримқул Қодиров) каби.

Маълумки, сўзловчи коммуникатив мақсаднинг қандай эканлиги, тил бирликларининг алоқа жараёнида бажарадиган вазифасига кўра, нутқнинг у ёки бу кўринишига хос сўзларни қўллайди. Алоқа жараёнида сўзловчи ўз фикрларининг тингловчи

томонидан тез ва осон тушунилишини, таъсирчанлик, бўёқдорликни таъминлаш мақсадида тилда мавжуд бўлган лисоний воситалардан фойдаланади. Нутқ иштирокчиларининг фикр ифодалашда тил бирликларидан ташқари, кўл, бош, гавда ҳаракатларидан ҳам фойдаланиши нафақат тингловчига маълумот етказишга, балки ўша ҳолатдаги сўзловчининг ҳиссиётлари, муносабатини кўрсатиш – таништиришга ҳам хизмат қилади.

Дунё тилларининг аксариятида сўзловчи суҳбатдош учун энг зарур деб билган маълумотни, муҳим нарса-ҳодисаларни олдин, унча зарур бўлмаган маълумотларни, кўшимча изохларни, дафъатан эсга келиб қолган нарса ҳодисаларни кейин айтади: «Меҳмонлар келар эмиш эртага», «Аям бериб юборди курут...» (Ойбек. «Қутлуғ қон») каби.

Ушбу ҳодисани руҳий ҳолат билан алоқадор ҳолда ўрганиш бир қатор немис олимлари номи билан боғлиқдир. Жумладан, XIX асрнинг машҳур олими Г.Фон де Гебеленц сўзловчи онгида ҳосил бўладиган тасаввур боғланишига эътибор беради. Нутқ предикати сифатида иштирок этадиган биринчи тасаввур – «руҳий субъект» ҳақида маълумот берадиган иккинчи тасаввур «руҳий предикат» бўлади, дейди.

Умуман, ижтимоий муҳит, айниқса, болаликдаги ижтимоий муҳит, нутқда мулоқотнинг турли босқичларида ва, айниқса, мурожат шакллари билан қўлланадиган даромад босқичида ўзининг аниқ таъсирини кўрсатади. Мурожат шакллари у ёки бу миллат вакилларининг мулоқот хулқи аниқ фарқланиб туришлиги учун ҳам бўлса керак, айнан шу мавзуда турли тил материаллари мисолида кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилган. Аммо узок тарихга ва бой маданий меросга эга бўлган ўзбек халқи нутқи учун хос бўлган мурожат шакллари, айниқса, бу масаланинг диалект билан боғлиқ социолингвистик хусусиятлари махсус тадқиқ

этилмаган.

Нотаниш кишиларга нисбатан қўлланадиган ва диалектлар бўйича фарқланадиган мурожат шакллари кўллаш орқали амалга ошириладиган кириш босқичини куйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин:

- қариндош-уруғ номларини қўллаб мурожат этиш орқали амалга ошириладиган кириш босқичи;

- лавозими, касб-кор, вазифа номларини қўллаб мурожат этиш орқали амалга ошириладиган кириш босқичи;

- ҳайвонларнинг номларини қўллаб мурожат этиш орқали амалга ошириладиган кириш босқичи.

Ўзбеклар табиатан меҳмондўст, очикқўнғил бўлганликлари учун бўлса керак, кўпинча нотаниш кишиларга ҳам қариндош-уруғ номларини айтиб мурожат этиш орқали кириш босқичини амалга оширадилар.

Фарғона вилояти қишлоқларида яшовчи аҳоли нутқида «уста буво», «ошпаз амаки», «қоровул тоға», «шопир ака» каби мурожат шакллари кўп қўлланилади. Аммо гавжум шаҳарларда, жумладан, Тошкент шаҳрида бундай мурожат шакллари, асосан, меҳмонлар томонидан айтилгандагина кулоққа чалинади.

Нотаниш тингловчига ҳайвон номлари орқали мурожат этишда ҳам ҳар хилликлар кузатилади. Жумладан, кириш босқичида Фарғонада «тойчоқ», «шер бола», «кўзичок» каби мурожат шакллари катта ёшдаги сўзловчилар томонидан ёш ўғил болаларга нисбатан қўлланса, Жиззах вилоятида «кулуним», «бўталоқларим» каби мурожат шакллари катта ёшдаги тингловчиларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин.

Умуман, кириш босқичини мурожат бирликлари орқали амалга ошириш турли диалектларда ўзига хос кўринишга эга бўлиши мумкин. Буни билмаслик эса суҳбатдошлар ўртасида турли тушунмовчиликлар ва норозиликларга сабаб бўлиши эҳтимолдан

холи эмас.

6.10. Тил шарофати – оила фаровонлиги

«Бошингга не бало ёгса, бировданмас, ўзингдандур. Ва ё унга билиб-билмай кўпол айтган сўзингдандур...» деган байтни «Бошингга бахт куши кўнса, бировданмас ўзингдандур. Ва ё унга билиб айтган ширин-шакар сўзингдандур» тарзида ўзгартириш ҳам мумкин, деб ҳисоблаймиз. Чунки ширин тил инсоннинг энг яқин дўсти бўлиб, тил шарофати оила фаровонлигини таъминловчи энг қулай ва энг мақбул усуллардан биридир. Бу ҳақда руҳшунос, педагог ва филолог олимлар томонидан берилган тавсиялар асосида тайёрлаб, «Насаф» нашриёти томонидан чоп этилган «Аёлнинг эрига муҳаббатини орттирувчи 57 маслаҳат» номли рисолада жуда қимматли фикрлар берилган.⁶² Ота-она ёки ака-опанинг ўз фарзандлари ёки сингилларига маслаҳатлари тарзида берилган бу фикрлар мавзумизга бевосита алоқадор бўлганлиги учун уларни жузъий қисқартириш ва айрим ўзгартиришлар билан келтирамиз:

1. Турмуш ўртоғингга хуш ёқадиган ном билан мурожаат қил.

Барчамиз, шубҳасиз, исмимиз билан хитоб қилишларидан севинамиз ва инсон учун ўз исми қаерда бўлмасин исмларнинг энг чиройлисидир. Хоҳлаган бир инсонга бегона ном билан мурожаат қилганимизда, исм инсон учун нақадар аҳамиятли эканлигига гувоҳ бўламиз. Шу пайтда у инсоннинг юзига бир боқинг-а! Қандай кўринишда? Қошлари чимирилган. Ўзига нисбатан бошқа исм билан мурожаат қилганидан жуда хафа... Зеро, ҳар бир инсоннинг исми ўзи учун жуда қадриlidir.

Шундай экан, оқила хоним! Эрингга хуш ёқадиган ном билан мурожаат қил. Уйда унга ёқадиган бирор ном бўлса, фақат ўша ном билан атагин. Хуш ёқувчи лақаб бўлса, фақат ўша билан мурожаат

62 Қаранг: Аёлнинг эрига муҳаббатини орттирувчи 57 маслаҳат. – Қарши: «Насаф», 2010 й.

қил. Шундай қилсанг, эринг сенга кўнглини очади ва севгиси янада ортади.

2. Ширин тил – жон озиғи.

Турмуш ўртоғингнинг озми-кўпми камчиликлари бордир. Бу инсониятга хос. Ҳаммамизнинг ҳам хато ва камчиликларимиз бор. Лекин сен эрингнинг айбларини тузатишни истасанг, унга: «Турмуш курганимизга шунча йил бўлганига қарамасдан, ҳалиям шу хатони қиляпсиз», дея кўрма. Унга бундай дейиш билан, характеридаги баъзи жаҳатлар ўзгаради деб ҳисоблайсанми? Аминманки, сен буни олдин ҳам айтдинг ва жавобини ҳам биласан. Бу сенинг хатоингдир. Чунки сен эрингга қандай таъсир кўрсатишни билмайсан. Уни хатти-ҳаракатлари туфайли мақтасанг ва чиройли хислатларидан сўз очсанг нима қилади?! Кейин эса ўзгаришини истаганинг жиҳатларидан гапирарсан. Шубҳасиз, бу янаям чиройли ва уни ўзгартириш учун янада таъсирлироқ йўлдир. Масалан, фараз қилайлик, эринг ишлари жудаям кўп ва сен билан уйда ўтиришга ҳеч вақти бўлмапти. Ишдан кеч келгани учун фақат ухляпти ва сен ҳар куни оз бўлса ҳам сен ва фарзандларинг билан бирга ўтиришини хоҳлайсан. Буни унга гўзал шаклда шундай айтишинг мумкин: «Азизим, ҳар куни қанчалик кўп ишлаб чарчаётганингизни биламан ва сизни тушунаман. Сиз фарзандларнинг яхши яшаши учун тиришаётган қадрли турмуш ўртоқсиз. Аммо бирга ўтказишимиз мумкин бўлган озгина вақтни бизга ҳам ажрата оласизми? Бу сизнинг кундалик чарчоғингизни ҳам чиқаради. Қолаверса, фарзандларимиз ҳам вақти-вақтида сиз билан суҳбат қилишни истайдилар».

3. Севгини тилга кўчирмоқ ниҳоятда аҳамиятлидир.

Ҳа, албатта, эрингни сеvasан. Лекин севги мунтазам қаровга муҳтождир. Севги билан ҳаётни янгидан жонлантиришнинг энг қулай йўли севгини ифода этмоқ ва севган инсонингга буни эслатишдир. «Эрим шундоғам уни севишимни билади»,

демаслигинг керак. Тўғри, билади, лекин сенинг эслатиб туришинг, ўртангиздаги муҳаббатни янада кучайтиради. Севгини ифода этишнинг йўллари турличадир. Аёл буларни бошқалардан кўра яхши билади. Хотиннинг эрига итоат қилиши ва унга қарши чиқмаслиги унга бўлган севгиси ифодасидир. Чунки севган инсон севганига итоат қилади.

Севимли ёзувчимиз Тоҳир Малик «Одамийлик мулки» китобидаги ишқ борасидаги бобини «Севган суйганига этар итоат» деб номлаган. Севги итоат қилишни ва қарши чиқмасликни талаб қилади. Хотиннинг эрига кўп қарши бориши эрини севмаслигининг бир аломатидир. Пайгамбаримиздан: «Қандай хотин хайрлироқдир?» – деб сўралганида, ул зот: «Юзига бокқанида эрини хурсанд қилган, буйруқларига итоат қилган, нафсида ва молида эри ёқтирмаган нарсаларни қилмаган ва буларда эрига қарши чиқмаган хотиндир», – дея жавоб берадилар.

Эрини севган, унга итоат қилган, у билан тортишмаган хотин эрини чин маънода севган аёлдир. Хайрли ишларда эрига итоатни давом эттирган аёл унинг кўнглидан муносиб жой олади. Аммо, итоат қилмаган, буйруқларини тингламаган, севгининг талабларини ўрнига қўймаган хотин, турли усуллар билан эрига севгисини ифода этса ҳам, ҳатто кўлидан келган ҳамма ишни қилса ҳам, аслида, севгиси учун ҳеч нарса қилмагандир. Чунки эрга итоат турмуш боғининг асосини ташкил қилади. Итоатсиз турмуш боғи эса бузилишга маҳкум бўлади.

4. «Ҳа» сўзини кўп айт.

«Ҳа» сўзининг инсонга хуш ёқувчи сўз эканлиги хусусида мен билан бир хил фикрдамисан? Кимки дўстига «ҳа» деса, унинг қалбига ҳам яқин бўлмайдимиз? Янаям тўғрироғи, у билан ўзини ишончли ва бахтли ҳис этмайдимиз?

Инсонга ёқмайдиган ва узоқлашиш, нафрат, рад этишни юзага келтирадиган «йўқ» сўзини кўп айтадиган киши, юқорида зикр

этанализм, ижобий натижаларнинг тамоман тескари ҳолига дуч келади.

Профессор Оверстреет «Инсонга таъсир қилиш санъати» номли китобида шундай ёзади: «Йўқ» сўзи ошиб ўтиш қийин бўлган доводдир. Инсон бир марта «йўқ» дедими, шахсияти ва ғурури бу жавобни ўзгартиришга тўсқинлик қилади. Сўнгра у «йўқ» сўзини ноўрин ишлатганини тушунгач, «қадрдон» ғурурини ўйлашга мажбур бўлади. Оғзидан чиққан сўзга «содиқ» қолишга ҳаракат қилади. Сўнгра эса соғлом ақл голиб келади ва энди бу киши айтганларидан тонади ҳамда узр сўрашга бошлайди. Бинобарин, бир инсон билан гаплашишни бошлаганда хушёр, одобли бўлиш, ноҳўя гап-сўз ва ҳоказо ҳолатдан сақланиш лозим».

Олим бу гаплари билан қуйидагиларни ифода этишни истади. Ҳар қандай инсон билан ижтимоий муносабат ўрнатишни истасанг, ундан жавобининг салбий бўлиши, «йўқ» дейиши мумкин бўлган саволларни сўрама, аксинча, унга муносиб саволлар бериб, мавзунини бошла. Тўғрироғи, «ҳа» деб жавоб бериши мумкин бўлган саволлар бер. Бирор кимса билан тортишиб қолганида, ўртангиздаги тортишув нуқталарини эмас, келишиш йўлини биринчи планга қўй ва жавобларининг «ҳа» бўлишини таъминлашга ҳаракат қил. «Ҳа» сўзи кулоққа яхши эшитилади. Бирор хусусда эринга қарши чиқишни истадинг, унинг бунга жаҳли чиқмаслигини аниқ билмайсан, лекин тахмин қиялсан, асло «йўқ» демагин.

Нафис суҳбат қилишни хоҳласанг, масалан, шундай дейишинг мумкин: «Ҳа, азизим, сиз айтгандек бўлсин. Лекин мен буни шу-шу сабабларга кўра истамайман». Шундай қилсанг ҳам эринг кўнглини оласан ҳамда унинг психологиясини ўзгартирадиган акс таъсирга сабабчи бўлмасдан, муаммони катталаштирмай, унинг қайсарлигига йўл очмасдан мақсадингни айта оласан.

5. Суккут баъзан олтин қалитдир.

Баъзилар «Кўп тинглаб, оз сўзлаш учун Оллоҳ бизга икки

қулоқ ва бир оғиз берган», дейишади. Агар бу гапни бир кишига йўналтирадиган бўлсак, эркаклардан кўра аёлларга айтмоқ муносибдир. Аёлларнинг жуда кўпчилиги сергап бўлишлари ҳақиқатдир. Кераксиз гапни кўп гапирадилар. Бу ўринда мавзуимиз сергаплик эмас, аксинча, турмуш ўртоғининг аҳволига қараб, баъзи пайтларда керак бўлган сукут ҳақидадир.

Шу ўринда эркакларнинг кўпинча тилидан тушмайдиган бир савол ўртага чиқади: «Нега эркаклар кўпроқ жим бўлишади?» Буни кўп эркаклар турмуш ҳақидаги гаплардан англаган. Унашилган кезларда ва турмуш қуришдан олдин ёшлар бир-бирларини яқиндан билишга интиладилар. Қиз ҳам, йигит ҳам қарши тараф танисин деб ўзлари ҳақида гапирадилар. Турмуш қургандан сўнг бир-бирларини билишади, одоб-ахлоқ ва шахсий хусусиятларини ҳам ўрганиб оладилар. Ҳаёт ташвишлари билан ишга кўмилган эркак ҳориб-чарчаган ҳолда уйга келгач, албатта, дам олишни хоҳлайди. Чунки кун бўйи қилинган суҳбатлар сабабли жуда чарчаган ва аёли билан ҳам гаплашишни унча истамайди. Бундай ҳолатда аёл турмуш ўртоғи билан гаплашиш учун муносиб пайтни кутishi, имкон қадар чарчаган пайтида гапирмаслиги лозим. Бундай пайтда гаплашиш жуда кўп муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Шу сабаб аёллар баъзан сукут сақламоқни ўрганмоғи лозим.

6.11. «Можаро – сўз орқали» ёки эр-хотинлар мулоқотида сукутнинг ўрни

Ўзаро мулоқот чоғида биргина товуш, сўздан тортиб, ҳар бир имо-ишора, хатти-ҳаракат ва ҳатто сукут (жим туриш) ҳам нолисоний восита сифатида иштирок этади ҳамда ўзига хос мазмун ифодалайди. Албатта, сукут сўз ёки гапдан фарқ қилиб, муомала жараёнидан ташқари ҳолларда, яъни уйку ва шунга ўхшаш

ҳолатларда коммуникатив мазмун ифода этмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам соҳа мутахассислари сукутни иккига:

а) коммуникатив мазмун ифода этадиган;

б) коммуникатив мазмун ифода этмайдиган турларга ажратишади.

Тили, мафкура ва ифода усули ҳар хил бўлишига қарамай, кўпгина халқларда *сукут* бир-бирига яқин коммуникатив мазмун ифода этади. Жумладан, ўзбекларнинг «Сукут – аломати ризо» деган гапи русларнинг «Молчание – знак согласие» деган гапи билан айнан мос келса, немислар нутқида қўлланадиган «Жавоб бермасликнинг ўзи жавобдир» мазмунидаги гап «Ахмоққа жавоб – сукут» деган ўзбек халқ мақоли мазмунига анча яқин туради. Аммо «Сўзнинг ҳақиқий ҳаёти матн ичида» (А.А.Потебня) бўлганидан сукутнинг ҳақиқий коммуникатив мазмуни ҳам табиий муомала жараёнида аниқ бўлади. Яъни турли вазият, қандай сўзлар қуршовида турган бўлишига кўра сукут розилик, норозилик ва ҳатто таҳқирлаш каби катор мазмунларни ифодалаши мумкин. Ёзувчи Тилаволди Жўраевнинг «Шароит» номли ҳикоясидан олинган қуйидаги парчада сукутнинг коммуникатив мазмун турлари беихтиёр санаб ўтилади: «...Машинада алланечук сукунат зоҳир эди. Бу асло *аразгина, ўпка, таъна, маломат* сукути эмасди. Бу сукут – *роз* сукути эди...»⁶³

Аммо ҳамма нарсанинг ҳам меъёри бўлгани каби ноўрин, ҳаддан зиёд сукут саклаш ҳам мулоқотнинг муваффақиятли чиқишига путур етказиши мумкин. Шунинг учун ҳам улуғ мутафаккир Муҳаммад Содик Кошғарий «Одоб ас-солиҳин» китобида яхши кишилар одобини санаб кўрсатар экан, «*ўзини беадабона сўздин ва феълдин ва ямон ҳаракатдин ва ноҳамвор (ноўрин) сукутдин сақлагай*», дея таъкидлайди.

Қадимги юнон донишманди Лукреций *сукутнинг етти хосияти*

63 Жўраев Т. Қишлоқликлар. – Тошкент: «Наврўз», 1993 й., – Б. 15.

хақидаги куйидаги фикрларини баён этади:

1. Тақинчоқсиз зийнатдир.
2. Салтанатсиз ҳайбатдир.
3. Меҳнатсиз ибодатдир.
4. Деворсиз қалъадир.
5. Узр сўрашдан қутилишидир.
6. Фариттадек эркин бўлишидир.
7. Айблардан холи бўлишидир.

Сиддиқ Мўминнинг «Сўзлашиш санъати» китобида сукутнинг суҳбатдошга қанчалар кучли таъсир кўрсатиши ҳаётий мисол асосида ёритиб берилган:

«...Олтинчи йиллари Фарғонадаги жамоа хўжаликларидан бирида ўта камгаплигидан «индамас раис» номини олган бир бошлиқ бўлган экан. Шу раиснинг ҳузурига бир қуни ипакчилик бригадаси бошлиғи қурт уруги олишдан бош тортаётган бир кишини бошлаб кирибди ва раисдан унга нўписа қилиб қўйишни илтимос қилибди. Аммо бу пайтда ёзув-чизув ишлари билан машғул бўлган раис «айбдор»га бир озиз ҳам сўз айтмабди – индамасдан ўз ишини давом эттираверибди. Узоқ давом этган жимликдан кейин охири шикоятчи «айбдор»га ташқарига чиқиб туриш ҳақида ишора қилибди. Раис билан холи қолган бригадир:

– Бир озиз индаб қўймадингиз-да, раис буво, – дея хафа бўлибди.

– У ҳозир уругни олиб кетади, – дебди раис гатни қисқа қилиб. Қурт уруги идоранинг ёнгинасидаги хонада тарқатилаётган экан. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, шикоятчи деразадан «айбдор»нинг қурт уругини олиб кетаётганини кўрибди вараиснинг индамаслигида ҳам ҳикмат кўплигига яна бир қарра қойил қолибди...»⁶⁴

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов «Сўз латофати» номли китобида мавзумизга боғлиқ жуда қизиқарли маълумотларни келтиради. Жумладан, «...Эшитганим бор, – дея

64 Сиддиқ Мўмин. Сўзлашиш санъати. – Фарғона: «Фарғона», 1997 й., – Б.53.

сўз бошлайди Э.Воҳидов. – дунёнинг қадам етмас узоқ оролларида яшовчи бир қабиланинг эркаклари бошқа, хотинлари бошқа гаплашар, бир-бирларини тушунмас эканлар. Эркакнинг хотин тилида, аёлнинг эркак тилида гапириши уят ҳисобланар экан. Ўзаро муносабат фақат имо-ишора орқали экан. Буни эшитиб аввал ҳайрон бўлгандим. Маданиятдан узоқ, ибтидоий қабилда, дегандим. Кейинроқ ўйласам, дунё тамаддуни етиб бормаган ўша қадам етмас ернинг халқи донишманд одамлар экан. Эркак ва аёл ўртасида ўтли нигоҳ, сирли имо, диллар талпинишидан бошқа яна қанақа гап-сўз бўлиши мумкин? Тилларнинг гаплашганидан юракларнинг тиллашгани минг бора авло эмасми?

Эр-хотин ўртасида меҳр – кўз орқали, можаро – сўз орқали бўлар экан. Севишганларда гап кам, термулиш кўп бўлади. Турмуш кургач, гаплашиб оладиган масалалар чиқади. Кўргиликлар шундан бошланади. Бошимизга не бало келса, тилдан келади.

Ўша ибтидоий қабиллага ҳавас қилдим. Қадим замонларда бизда ҳам шундай донишмандлик бор эди. Хотин билан гаплашиб ўтирган эр кишини хотинчалиш дейиларди. Эр хотиннинг, хотин эрнинг отини айтиб чақирмаган. Чорлаганда фарзанд номи, зарур гап бўлса, фарзанд тили восита бўлган. Аёл кўзлари ҳаё, эр кўнглидаги меҳру шафқат барча муҳокаманинг ўрнини босган. Биз шундай муносабатга гувоҳ бўлган, «қолоқ»лардан қолган авлодмиз. Эр-хотин ўртасида тилсиз муомалани олис ороллардан қидириш шарт эмас, ўзимизнинг чекка қишлоқларда ҳамон йўқолиб кетмаган.

Ўзбек тилида эркаклар тилга олмайдиган, фақат аёлларга хос сўзлар бор. Булар асосан нозу карашма, эркалик билан боғлиқ сўзлар. Фақат аёлларга хос қарғишлар ҳам борки, йиғса китоб бўлади.

XIX асрда яшаган маърифатпарвар шоира Осима Хоним эрдан зорланган хотин тилидан шундай сўзларни шеърга солган:

Илоҳи, дарбадар юрган ватансиз жонни ер ютсун,

Ҳамиша уйда ётган беҳунар ҳайвонни ер ютсун.
 Жаҳону осимону жумла мофиҳони⁶⁵ фаҳм этмас,
 Ўлукмас ё тирикмас бисмили нимжонни ер ютсун.
 Емак-ичмак, фалон қилмоқ, жаҳоннинг кори шулдир деб,
 Шароби гафлат ичган беҳабар подонни ер ютсун.
 Хотунлар сўзи бўлса гарчи маънан беғубор олтун,
 Қулоқ солмас жамоди маҳздек⁶⁶ қотгонни ер ютсун.
 Надоматдур биза ўлгунча нодон эрлара кетмак,
 Бизи ҳайвон каби боғлаб семиртиргонни ер ютсун.
 Ўқув билмас, ёзув билмас, яна дунёни фаҳм этмас,
 Бу аҳмақдин тугулгон бахтсиз ўзлонни ер ютсун.
 Узун тўн, катта салла, кирмаган ҳаммома умрида,
 Сасиб битган қаро кўйлак била шитонни ер ютсун...
 Гирифтори ҳавоий нафс ўлуб шайтонга алданган,
 Боқолмай қарзга ботуб, уч хотун олгонни ер ютсун.
 Қилиб дорию дармон, бел буқулган чоғда айш истар,
 Ҳалокатларни тавлид⁶⁷ айлаган дармонни ер ютсун...
 Фаройибдур жаҳоннинг кори сартосар назар солсанг,
 Ямон эр бирла кўргон роҳати давронни ер ютсун.

Ер ютсин деган сўзни фақат аёл айтиши мумкин, фақат қизу жувонларга ярашади. *Хотин тили*нинг ҳатто қарғишида ҳам назокат бор. Нозу карашмали сўзларини айтмай қўя қолай. Бошқа ҳеч бир тилда бўлмаган тотли, жозибали калималарни эшитиш бизларга насиб қилган».⁶⁸

Эр-хотинлар мулоқотида сукутнинг ўрни ҳақида гап кетганида таниқли адиб Улуғбек Ҳамдамнинг дастлабки вариантларида «Бир оғиз сўз», кейинчалик «Сўз» деб номланган ҳикоясини албатта

65 Мофиҳо – дунёда бор нарсалар.

66 Жамоди маҳз – қурук кесак маъносида.

67 Тавлид – туғдириш, дунёга келтириш.

68 Воҳидов Э. Сўз лагофати. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2014 й., Б. 107-109.

эслаб ўтишга тўғри келади. Бу ҳикоя ҳақида профессор Умарали Норматов шундай фикр билдиради: «Бир оғиз сўз»даги фароғат оғушида турган эрнинг умр йўлдоши оғздан чиққан бир ножўя сўз туфайли алам-изтироблар оловида қоврилиши тафсилотларида сизу биз кутган ҳодиса юз бермаганидан оғох топиб, бир чеккаси ажабланимиз: оқил, босиқ одам ўша топдаги изтиробларини ичига ютади, ҳар қанча ичдан ўртанмасин, мурсою мадора йўлини тутади. Ахир, ота романимиз қаҳрамони – донишманд Юсуфбек ҳожи чаладумбул умр йўлдошининг беандишалик билан айтган сўзлари, ҳатти-ҳаракатларига бир умр чидаб ўтади-ку! Ҳикояда шу мўътабар анъананинг янгича талқинини кўриб қувонасан киши. Ҳозирда синергетика – мурсою мадора фалсафаси деб аталаётган ақидасиз ҳаёт кечириб бўлмайди-ку...»⁶⁹

Зеро, бирорта ҳам исм берилмаган, ҳатто асар бош қаҳрамонлари номлари ҳам келтирилмаган бу ҳикояда эр-хотин дала ҳовлиларига бориб дам олишади, эр хотиннинг хурматини жойига қўйиб ҳар томонлама эркалайди, ҳатто қўлбола паловни ўзи пиширади, аммо эвазига хотинининг дугонаси билан телефон орқали гаплашаётган пайтдаги ушбу гапларини тасодифан эшитиб қолади: «...Асти сўрама, дугонажон, шунақанги бемаъни кун бўлдики, зерикканимдан нақ ёрилиб ўлай деяпман. Бир нималарни баҳона қилиб вақтлуроқ қайтсак керак... Чиққин-а олдимга кечкурун, ҳасратлашамиз...»⁷⁰

Меҳр эвазига қаҳр топган ҳар қандай эр бундай гапларни эшитган заҳоти ўзини босиб туролмаслиги, хотинига заҳрини сочиб, ундан ўрнида ўч олиши мумкиндек туюлади. Аммо ҳикоя қаҳрамони ҳар қанча изтиробга тушса ҳам, бу ишни қилмайди – ўзини босади, сукут орқали рўй бериши мумкин бўлган катта жанжалнинг амалга ошишига йўл қўймайди, оилани саклаб қолади.

69 Норматов У. Кичик жанрнинг катта имкониятлари //Улуғбек Ҳамдам. Ватан ҳақида кўшиқ. – Тошкент: «Академнашр», 2014 й., Б.- 427.

70 Улуғбек Ҳамдам. Ватан ҳақида кўшиқ. – Тошкент: «Академнашр», 2014 й., Б. 495.

6.12. Эр-хотинлар мулоқотида имо-ишора, хатти-харакатларнинг қўлланилиши

Киши жонли сўзлашув нуткида маълум ахборотни қисқа ва лўнда ифодалашда, фикрнинг таъсирчанлигини оширишда тилга ёндош бўлган *имо-ишоралар (нолисоний воситалар)*дан фойдаланади. Ўзаро мулоқот жараёни *лисоний (тил бирликлари)* ва *нолисоний (имо-ишоралар)* ёрдамида рўёбга чиқади.

Нолисоний воситалар нутқ алоқасини тўлдириб, изоҳлаб келувчи, ахборот алмашиш, фикр ифодалашда муҳим восита ҳисобланадиган тилшунослик соҳасидир.

Мутахассислар юзни уч қисмга – бошнинг соч коплами қисмидан қошга қадар, қошдан буруннинг қуйи қисмигача ва бурун учидан ниякка қадар бўлиб ўрганадилар ҳамда юзнинг шакли, ранги, суяк тузилиши ва гўшгдорлигига қараб, ҳар хил маъноларни уқиб олиш мумкинлигини таъкидлайдилар.

Кўз инсоннинг энг кўп маъно ифодаловчи аъзоларидан биридир ва шунинг учун ҳам «*Кўз – қалб ойнаси*» дейилади. Ўзаро мулоқот чоғида кишиларнинг юзи ва кўзига қараб, жуда кўп маъноларни уқиб олиш мумкин.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, соҳа мутахассисларининг фикрига қараганда, *кишилар мулоқот чоғида ўзлари айтмоқчи бўлган фикрнинг фақат 7 фоизинигина сўз, қолган 38 фоизини оҳанг, 55 фоизини эса имо-ишора орқали ифода этадилар.*⁷¹

Имо-ишора – киши тана аъзолари орқали қилинган белгини билдириб, қадимдан мулоқот чоғида ишлатилувчи восита сифатида қўлланган. «Девони луғотит турк»да «*им*», «*имлади*» сўзлари «*белги қилмоқ*», «*ишора қилмоқ*», «*кўзни қисмоқ*» каби маъноларни ифодалаш учун ишлатилган.

Тана аъзолари ҳаракати орқали фикр ифодалаш муомала

71 Қаранг: *Формановская Н.И. Речевой этикет и культура общения. – Москва: «Высшая школа», 1989 г. – с.117.*

имкониятини кенгайтиради, нутқий муомала жараёнига аниқлик киритади, фикрга кўшимча мазмун беради. Мулоқот чоғида имо-ишораларни қўллаш миллий, ҳудудий ва ижтимоий ўзига хосликларга эга. Жумладан, америкалик психолог Майкл Арчининг кузатишларига қараганда, *бир соатлик мулоқот чоғида финлар имо-ишорани атиги бир марта, италянлар 80, французлар 120, мексикаликлар 180 мартадан ортиқ қўллар эканлар.*

Ўзи ҳақида гапираётганда европаликлар кўкрагига ишора қилсалар, японияликлар бурунларига ишора қиладилар. Америкада бир хонада турган киши билан суҳбатлашишни рад этиш суҳбатдошга нисбатан ҳурматсизлик ҳисобланса, англияликлар учун бу одатий ҳолдир.

Ўзбеклар сўзлашув жараёнида ишлатилувчи ишоралар кишининг маълум тана аъзолари (бош, қўл, елка, кўз, қош ва б.) ҳаракати орқали ифодаланади ва сўзлашув жараёнининг катта қисми саналади.

6.13. Эр-хотинлар мулоқотида талаффузнинг ўрни

Ҳар нарсанинг меъёри бўлгани каби талаффузнинг ҳам ўз меъёри бор. Бу мулоқот ўрни, вақти ва бошқа ташқи, ички омиллар билан боғлиқдир. Яъни ҳар бир товуш ўз куршовидаги товушлар, қандай даврада, қайси пайтда айтилаётганлиги билан боғлиқ ҳолда ҳар хил талаффуз қилинади. Бу эса сўзловчидан юқори даражада ақл-идрок, фаҳм-фаросат талаб қилади.

Овознинг пасайиши ёки кучайиши, пауза ёки тўхтовсиз, йўгон ёки ингичка гапириш сўзлаш жараёнида маълум ахборот берувчи кўшимча омиллар саналади. Юқори тонда гапириш ишонч, савол-сўроқ маъноларини билдирса, паст оҳангда гапириш тасдиқ, ишончсизлик каби маъноларни англатиш учун хизмат қилади. Ўзаро мулоқот чоғида ёки омма олдида нутқ сўзлаётганда талаффуз

меъёрларини билмаслик турли тушунмовчиликларни келтириб чиқариши мумкин.

Куйида талаффузнинг мулоқотдаги ўрнини кўрсатувчи айрим ривоят ва шеърини парчаларни келтираемиз:

«Ўтмиш донишмандларидан бири Зайниддин Восифийнинг «Бадое ул-вақое» асарида келтирилишича, Навоий замонида бўлиб ўтган бир галги мушоирада давра иштирокчиларидан бири шеърни чунонам дабдабали оҳангда ўқибдики, унинг бу қилмиши кўпчиликка маъқул тушмабди. Шунда машхур донишмандлардан бири у кишига:

– Мавлоно, сиз шеър ўқийдирсизму ёки одам кўрқатадирсизму? – дея танбеҳ берган экан...»⁷²

Мақсуд Шайхзоданинг «Шоир қалби дунёни тинглар» номли шеърдан олинган куйидаги сатрларда ҳар бир товушнинг ўз жилоси борлиги таърифланади:

Товушларнинг кичик, улуги,

Товушларнинг ҳиди – бўйи бор.

Товушларнинг совуқ, илиги,

Товушларнинг ранги-рўйи бор.

Товушларнинг ширин-аччиги,

Бордир ҳатто юмишқ, қаттиги,

Шоир рассом бўлсайди агар,

Чизар эди шундай лавҳалар.⁷³

Талаффузнинг мулоқотдаги ўрнини тўлароқ тасаввур этиш учун куйидагидек турли машқларни бажариб кўриш ҳам мумкин:

1-машқ: Ажратиб кўрсатилган жумлаларга эътибор беринг ва улар персонаж нутқини тўлақонли англашда қандай аҳамиятга эга

72 Қаранг: Сиддик Мўмин. Мулоқот мезони. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2004 й., Б. 89-90.

73 Қаранг: Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхона нашриёти. – Б.79.

эканлигини тушунтириб беринг:

Ҳа, полвон, нима гап? Ҳалиям шу ерда безрайиб, касал бўлиб ўтирибсиз? – деди, лекин гап оҳангида қаҳр ва ғазаб туйғуси жилва қилди (Т. Тиллаев). Ҳа, бу ишга ҳушёрроқ одамни қўймасангиз, – деди бош агроном. Сўнг «ўзаро гап» дегандай овозини настлатди. (Ғ. Ҳотамов).

2-машқ. Ўқинг. Латифани талаффуз ўрни ва меъёрлари билан боғлиқ ҳолда тушунтириб беринг:

Бир кун Насриддин Афанди даладан қайтаётиб, ўғлига қозон-товоқларни чайла ёнига яхшилаб яшириб қўйишни тайинлабди. Ўзи чойхонага бориб ўтирса, ўгли баланд овозда дебди: «Дада, қозон-товоқларни чайланинг орқа томонига яшириб қўйдим!» Афанди бундай гапни секин қулоққа айтиши керак, деб ўғлига танбеҳ берибди.

Эртаси кун ўгли Насриддиннинг олдига келиб секин қулоғига шивирлабди: «Дада, кечаги нарсаларимизни ўғри уриб кетибди.

Афанди жигибийрон бўлиб:

– Падарлаънат, бундоқ гаплар бақариб айтилади! – дебди.

3-машқ. Ўқинг. «Нима дейсан?» жумласининг матнда вазиятга кўра англашга маъносини тушунтириб беринг:

– Ҳожси, – деди Азизбек сўз очиб, – маним сизни ўрдага чақирганим сабабини албатта билмагандирсиз? ...Сизни кенгашга чақирган эдим.

– Маъқул, тақсир.

– Қарорим шундан иборатким, эртадан бошлаб юртга ўттиз икки тангадан солиқ соласиз.

– Тақсир, амирингизга қарши турадиган жойим йўқ... – Менга қолса, бу кунларда ўттиз икки танга эмас, ўттиз икки қора пул солиш ҳам оғирдир. Юрт беиш-ўн кун орқа-ўнгини олсин, сўнгра...

Ҳожии сўзини тугата олмади, ҳожининг терс сўзига чидолмаган Азизбек ваҳиийларча бақирди:

– Нима дейсан?!

(Абдулла Қодирӣ)

4-машиқ. Турли вақтли матбуот нашрларидан олинган қуйидаги матнларни гуруҳларга бўлиниб ўқинг ва уларда оҳангнинг қандай хусусиятлари таъкидланаётганлигини тушунтириб беринг.

Францияда чиқадиган «Матэн» газетасининг таъкидлашича, мушукларнинг мумтоз мусиқага ҳайрон қоларли даражада ишиқибозлиги аниқланган. Айниқса, уларга Моцарт ва Вивальди мусиқалари жуда ёқар экан.

«Мушук қулогининг 27 рецептори, – дея таъкидлайди «Матэн» газетаси, – табиий равишда оҳанг қабул қилишига лаёқатли. Улар ёрдамида мушуклар ўз ўлжасининг билинар-билимас қимирлашини, майсаларнинг енгил ишитирилиши ва бошиқа жуда кўп товушларни илғайди. Ҳатто ультратовушларни ҳам эшитиши қобилиятига эга. Бундай қобилият одамларникига нисбатан уч баробар кучли...

Москвадаги ошқозон-ичак касалликлари илмий-текшириши институти тадқиқотчилари мусиқа ва саломатлик масалалари билан қизиқиб қолдилар. Улар Паганини «Кампанелла»ни уч соат давомида чалганда назорат пробиркаларидаги вибрион (вергул шаклидаги бактерия)ларнинг тўқсон воизи ҳалок бўлганлигини аниқладилар.

Япониянинг «Коденко» фирмаси қизиқарли тажриба ўтказди. Сабзавот экинлари майдонларига овозни кучайтириб берувчи қурилма ўрнатилиб, ундан кеча-ю кундуз машҳур композиторлар

– Бах, Бетховен ва Моцартларнинг куйи янграб турди. Қизиги шундаки, мусиқасиз майдон билан мусиқа чалиниб турган жойи солиштирилганда, мумтоз куйнинг сеҳрли кучи билан шу жойдаги сабзавотлар икки марта тез ўсиб, кўп ҳосил берган.

Россияда Качалкин деган йигит ҳеч уйғонмасдан 22 йил ухлаган. Ҳеч нарса уни уйғота олмаган. Академик И.П.Павлов кечаси соат учда – шаҳарга сукут чўккан маҳалда касал тўшаги ёнига бориб «Ўрнингдан тур» дея шиврлаган. Шунда Качалкин туриб кетган.

Кучли таассуротлар, шовқин-суронлар миясидаги тормозловчи съзоларини фаоллаштириб Качалкинни ухлатиб қўйган экан.

Америкаликлар товушдан қурол ўрнида фойдаланишини йўлга қўйишибди. Ноқонуний намойишларни тарқатиши учун инсоннинг қулоқ пардалари дош беролмайдиган даражада баланд товуш чиқарилса, оломон тумтарақай бўлиб қочар экан.

5-машиқ. Латифани ўқинг ва Насриддин Афанди нима учун бундай жавоб берганлигини тушунтириб беринг:

Насриддин Афанди ишдан чарчаб, кони очқаб келаётган экан, биров ундан сўрабди:

– Мулла Насриддин, дунёда ниманинг овози яхши: дуторникими, танбурникми ёки ғижжакникими?

– Ҳой, биродар, – дебди Афанди, – ҳеч бирининг овози капгирникига тўғри келмайди...

6-машиқ. Ўқинг. Оҳангнинг хотирани мустаҳкамлашдаги ўрнига эътибор қаратинг ва матида илғари сурилган ғояга амал қилинг:

Мутахассисларнинг фикрига қараганда, агар сиз чироқни

ўчираётиб «чироқни ўчирдим» деб қўйсангиз, бажараётган ишингиз ёдингиздан кўтарилмайди. Овоз чиқариб: «эшикни ёпдим», «газни ўчирдим», «дазмолни электрдан сугурдим» дейиш бажарилган иш-ҳаракатга диққатни жалб қилар, у эсда қолар экан.

Шеър ёдлаш ва уни вақти-вақти билан такрорлаб туриши хотирани мустаҳкамлашнинг энг қулай ва фойдали усулларидан биридир. Шунинг учун бўлса керак, атоқли ўзбек шоири Эркин Воҳидов учрашувларда «Ўқувчи ўрта мактабни битириши арафасида ўн минг мисра шеърни ёддан билиши керак» дея тез-тез таъкидлаб турарди.

ХУЛОСА

Юқорида айтилганлардан хулоса сифатида шуларни эътироф этиш жоизки, ҳозирги пайтда табиий муҳитнинг инсоният томонидан оммавий равишда бузилиши, инсон – табиат муносабатларининг тобора сусайиб, йўқолиб кетаётганлиги ташвишли ҳол, албатта. Олам ва одам муносабатларининг бир меъёрда сақланиб туриши учун инсон ўзини тубдан ўзгартириши, шунингдек, қилган ҳар бир салбий ҳаракати, жинояти ҳеч қачон изсиз, жазосиз қолмаслигини билиши ва ҳис этиши кераклигини табиий муҳит, табиий шароит кўрсатмоқда.

Инсон табиатан ўзининг моддий эҳтиёжларини қондиришни энг биринчи зарурият деб ҳисоблайди ва маълум маънода у ҳақ. Чунки у биринчи галда моддий эҳтиёжини қондирмаса, оч қолиб ўлишини билади. Буни ҳар қандай ҳайвону жонзоллар ҳам инстинктив равишда биладилар, ҳис этадилар. Бу масалада инсонлар ва ҳайвонларнинг тушунчалари, ҳиссиётлари бир хил. Агар инсон улар каби ҳаётда ўзини фақат моддий эҳтиёжларинигина қондириш учун яшаётган бўлса, унда унинг ҳаёти – ҳайвоний ҳаёт, деган мантикий хулоса келиб чиқади.

Инсон учун бундан ташқари яна илмий, маънавий ва ахлоқий ҳаёт кечириш тарзи деган нарсалар ҳам борки, инсон ҳайвонот олаmidан ўзининг ана шу хусусиятлари билан ҳам фарқ қилади ва бундай ҳаёт *инсоний ҳаёт* дейилади. Одам илмий-моддий ва илмий-маънавий эҳтиёжларини бирдек қондириб яшаса, ўзини ҳайвонот олаmidан фарқ қилувчи *инсон* деган юксак номга сазоворман деб ҳисоблашга ҳақли бўлади.

Фикримиз қанчалик тиниқ, беғубор, соф бўлса, гўзал манзараларни шунчалик кўп кўрамиз ва фақат фикр сифати учунгина эмас, балки инсон ва табиат, бутун борлиқ, чексиз коинотнинг ўзаро уйғунлиги учун масъул эканимизни англаймиз.

Бутунги кунда тиббиёт ходимлари ўртасида «*инфаркт эпидемияси*» деган жумла пайдо бўлган. Бир қарашда юқумсиздай бўлиб туюладиган *инфаркт* хасталигининг бир инсондан бошқасига ўтишида асосий воситачиликни сўз амалга оширади. Бундан сўз инсон организмига фақат салбий таъсир кўрсатади, деган хулоса

келиб чиқмаслиги керак. Чунки ёмон, кўпол сўз инсонга қанчалик салбий таъсир кўрсатса, яхши, ширин сўз инсон организмга жуда кучли ижобий таъсир ҳам кўрсатади. Фақат «сўз секин даволайди, тез жараҳатлайди».⁷⁴

Нутқнинг адресат руҳияти ва танасига таъсири ҳақида, асосан, медицина ходимлари ва физиологлар томонидан айрим фикрлар айтилган бўлса-да, нутқнинг ҳасрат типи ва унинг сўзловчи (адресант) руҳияти ва физиологиясига таъсири ҳақида муаллифлар томонидан илмий мулоҳаза юритилмоқда. Мазкур тадқиқотда адресантнинг реал ҳамсуҳбат (асл субъект)га, иллюзор ҳамсуҳбат (субъективлашган объект)га, хаёлий ҳамсуҳбат (квазисубъект)га, бадний персонажлар – (квазисубъектлар)га ҳасрати ва бу нутқ типининг адресант руҳияти ҳамда физиологиясига таъсири ҳақидаги илмий хулосалар ўртага ташланди.

Ёқимли мусиқа фақат маънавий озуқа бериб қолмай, инсон онгига, мия фаолиятига ҳам ижобий таъсир этади. Одам яхши куй эшитганда генлари фаоллашади, оксил ишлаб чиқариш кўпаяди ва бу хотиранинг кучайишига хизмат қилади.

Сўзнинг ижтимоий экологияга бу каби ижобий ва салбий таъсирини ҳар томонлама чуқур ўрганиб чиқиш фанимиз тадқиқотчилари олдида турган галдаги вазифалардан биридир.

Ўз асарлари билан китобхонлар қалбидан тобора мустаҳкамроқ ўрин олиб бораётган адиб ва шоир Улуғбек Ҳамдам «Наъматак» номли мини романига:

Қандай кўз-ла боқса одам оламга,

Шундай жавоб айлар олам одамга, –

байтини нақорат қилиб олади. Чиндан ҳам, бутун олам бизнинг муносабатимизга боғлиқ ҳолда биз билан мулоқотга киришади. Жумладан, тил ҳам айна нуктаи назаримиз, унга бўлган муносабатимизга боғлиқ ҳолда, шарофат ҳам, офат ҳам келтириши мумкин.

Оддийгина саломлашиш меъёрларига амал қилиш орқали инсон тилнинг жуда кўп шарофатларидан баҳраманд бўлади. Баъзан саломлашишдан олдин, баъзан кейин амалга ошириладиган

74 Гёте. Ҳикматлар. – Тошкент: «Маънавият», 2010 й., – Б. 12.

муурожаат суҳбатни муваффақиятли ёки муваффақиятсиз амалга ошишига сабаб бўлиб қолади.

Донишмандларнинг «Ўринсиз сўздан ўринли сукут афзал» деган нақли бор. Бу каби фикрларни билиш ва мулоқотда уларга амал қилиш адресат физиологиясига, жумладан, *ижтимоий экология* мусаффолигига катта таъсир кўрсатади.

Калом (сўз)нинг ёмони келтирадиган турли зарарларни уламолар «тил офатлари» деб номлашган. Ҳақиқатан, тилдан чиққан ёмон сўзлар ўз эгасига ҳам, ўзгаларга ҳам офат келтириши аниқ. Тилдан келадиган офатлар аввалида ёлгон, ғийбат ва чақимчиликлар туради. Сўкиш, масхаралаш нафақат тингловчига, балки сўзловчининг ўзига ҳам катта офатлар келтириши фанда исботланган. Сўзга эътиборсизлик, суҳбатга ноўрин аралаш, беҳуда сўзлаш суҳбатдошга нисбатан ҳурматсизлик бўлиб, бу унинг кайфиятига, демакки, саломатлигига таъсир кўрсатади.

Юқоридагиларнинг барчаси мулоқот чоғида санаб ўтилган ҳамма ёмон одатлардан ўзни тийиш зарурлигини ва шу йўл билан жамиятнинг соғлом ва узоқ яшашига ўз хиссасини кўшишни англатади.

Мулоқот жараёни фақат бир фан доирасида ўрганиладиган соҳа эмас. Чунки унинг тўғри амалга ошиши учун суҳбатдош шахсининг турли қирраларидан боҳабар бўлиш лозим. Шунинг учун мақтов ва танбехга тўғри баҳо бериш учун, тилшуносликдан ташқари, психология, педагогика, фалсафа ва бошқа катор фанлардан ҳам хабардор бўлиш талаб этилади.

Мақтов инсон кучига куч, ғайратига ғайрат кўшадиган, ўзига бўлган ишончни оширадиган мулоқотнинг сирли нукталаридан биридир. Ундан ўринли фойдалана олиш ижтимоий экологияни шакллантиришда катта аҳамият касб этади.

«Ножўя хатти-ҳаракат учун берилган таъзир, койиш, огоҳлантириш ёки жазо» маъносини англатадиган *танбех* мулоқот хулқининг ажралмас бир қисми бўлиб, унинг ўзига хос табиати, ижро усуллари мавжуд. Инсоний муносабатларнинг турли ҳолатларида юз беришига кўра танбехни фақат бир фан доирасидагина ўрганиш мумкин эмас. Танбех турли нуктаи назардан ҳар хил тур ва усулларга бўлинади: умуминсоний, миллий, индивидуал, ўринли,

ўринсиз, шеърӣ танбехлар каби. У жамият аъзолари томонидан белгиланган ахлоқ меъёрлари бузилган ҳолда юзага келади. Баъзан ўзаро низо ва келишмовчиликлар туфайли ҳам амалга ошиши мумкин.

Ҳар нарсанинг ўз таомили бўлгани каби, танбех тинглашнинг ҳам ўзига хос одоб ва қоидалари мавжуд. Танбех бериш ҳам, уни қабул қилиш ҳам – катта санъат. Унга қай даражада амал қилиш ҳар бир одамнинг ўзига боғлиқ. Бир қарашда адресант томонидангина берилаётгандай бўлиб кўринадиган танбехда адресат ҳам ботинан иштирок этади. Яъни бирор кишига берилаётган танбех, қойиш сўзининг адресант оғзидан чиқишига, аслида, адресатнинг ўзи сабабчи бўлади. Лисоний воситалар орқали бериладиган танбехларда синонимлар муҳим роль ўйнайди. Зеро берилиши зарур бўлган бир танбехни ҳар турли усул ва воситалар ёрдамида баён қилиш мумкин.

Танбехлар лисоний воситалар орқали ифодаланаётганда адресат кутганидан кўра бошқачароқ усулни қўллаш кўпроқ самара беради ва энгил ҳазм қилинади. Нолисоний воситалар мулоқот жараёнида сўздан ўн қарра кўпроқ қўлланилади ва буларнинг ҳаммаси танбехларга ҳам тегишлидир. Нолисоний усул орқали берилган танбех адресатга лисоний воситалар орқали ифодаланган танбехдан кўра кучлироқ таъсир кўрсатади.

Оила ва унга қўйиладиган талаб, оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар миллий ва ҳудудий ўзига хосликларга эга. Аммо бу соҳада ҳам умуминсоний, яъни турли миллат ва ҳудуд кишилари учун муштарак бўлган анъана, урф-одатлар мавжуд бўлиб, бунинг танбех бериш билан боғлиқ томонлари ҳам анчагина. Оилавий муносабатлар ўзаро муомалага, хусусан, танбех бериш ва уни қабул қилиш маҳоратига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ.

Устоз-шогирд ўртасида танбех бериш қоидаларининг бузилиши баъзан кутилмаган оқибатларга, ҳатто ўлимга олиб келиши ҳам мумкин.

Танбех беришдан олдин адресатнинг ижобий томонларини айтиш кўзланган мақсадга эришишда катта аҳамият касб этади. Шифокорнинг беморга берадиган кўпол танбехи хасталикнинг кучайишига ва адресант рейтингининг тушиб кетишига ва ниҳоят,

ижтимоий экологиянинг бузилишига сабаб бўлади.

Жамиятнинг пайдо бўлиши, кўпайиши ва ривожланиши учун албатта оила бўлиши шарт. Чунки инсон оилада дунёга келади, униб-ўсади ва жамият аъзосига айланади. Шунинг учун ҳам оилани жамият пойдевори деб атаймиз. Маълум тартиб-қоидалар ўрнатмай туриб, оилани ҳам, жамиятни ҳам бошқариб бўлмайди. Шу маънода *оила ахлоқи* ўта муҳим тушунчалардан бири ҳисобланади. Кишилиқ жамияти, оилалар пайдо бўлгандан буён шаклланиб келган ва такомиллашиб бораётган оила ахлоқи оилада соғлом муҳитни шакллантиришда жуда катта аҳамиятга эгадир.

Ахлоқни одобдан, одобни эса ахлоқдан айро ҳолда тасаввур этиш мумкин эмас. Бугунги кунда «одоб» кўринишида қўлланидиган сўз аслида арабча «адаб» сўзидан олинган. Адаб эса «маъдаба» – яхшилиқ қилиш маъносини англатади. Одоб инсонни бошқа махлуқотлардан фарқлаб турадиган энг ноёб фазилатлардандир. Шунинг учун ҳам «одоб – инсон зийнати» деб айтилади. Бу хислат, бу фазилатсиз жамиятни соғлом тасаввур этиш мумкин эмас. Демакки, *одоб* ижтимоий экологияни мусалфа сақлаб туришнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Маълум тартиб-қоидалар оила аъзоларининг бурч ва вазифаларини шакллантиради. Оиланинг ҳар бир аъзоси ўз бурч ва вазифаларини сидқидилдан адо этгандагина жамият соғлом, эртанги кун нурафшон бўлади.

Оилада соғлом ижтимоий муҳитни яратишда оналарнинг ўрни беқиёсдир. Аммо ўта нозик ва ўта серқирра бўлган бу мавзу ҳақида қанча кўп ёзилса, қанча кўп тадқиқот ўтказилса, шунча камлик қилади. Оналар болалар билан муомала қилиш маданиятини билишлари қанчалар зарур бўлса, болаларнинг оналари билан муомала қилиш одобини билишлари ҳам шунчалар зарурдир.

Оталар ва болалар ўртасидаги муомала худди севишганлар ўртасидаги муомала каби ўта нозик масала бўлиб, бу ҳақда ҳам кўплаб изланишлар, тадқиқотлар ўтказилган, ижодкорлар томонидан бир-бирдан сермаъно, таъсирчан асарлар яратилган. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кўпинча болаларга оталарини хурмат қилиш ҳақида гапиримиз. Аммо оталар ҳам болалар билан мулоқотда бўлиш одобларидан бохабар бўлганларида

ва билганларига амал қилганларидагина «олам гулистон» бўлади.

Оиладаги барқарорлик кўп жиҳатдан қайнона-келин ўртасидаги муносабатларга боғлиқ. Чунки ёшгина ниҳолга қиёс қилинадиган келинчакнинг янги боғда униб-ўсиб кетиши, гуллаб, мевалар тугиши кўп жиҳатдан оила боғбонлари – қайноналар маҳорати билан алоқадор. Ўз навбатида, келинчаклар ҳам қайноналари ҳурматини жойига қўйишлари, уларнинг хизматларини югуриб-елиб адо этишдан ташқари, тилларини ҳам ширин қилишларига тўғри келади.

Ҳар бир соҳада бўлгани каби икки ва ундан ортиқ кишилар ўртасида рўй берадиган мулоқот тўғри, реал амалга ошиши учун унда бир неча босқичларга риоя қилинади. Саломлашиш ва мурожаат босқичи танишувга бошловчи биринчи қадамдир. Чунки шундан кейин суҳбатдошлар учун ўзаро танишув учун имкониятлар эшиги очилади.

Мулоқот босқичлари орасида сўзловчига алоҳида масъулият юклайдиган, уни ички ва ташқи таъсир бирликларини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилувчи босқич – бу, кириш (даромад) босқичидир. «Даромад» форс-тожикча сўз бўлиб, фойда маъносидан ташқари, муқаддима, кириш тушунчаларини ҳам билдиради ва бирор мақсадни аниқлаш учун шу мақсад атрофида узоқдан бошланган гапни ифодалайди.

Ўзбеклар нутқида «Бердиси айтгунча шошмай тур», «Томдан тараша тушгандай гапирма» қабилдаги мақоллар замирида ҳам суҳбатдошни суҳбат мавзуга тайёрлаш – дипломатик мулоқот учун вазият яратиш фикри яширинган. Дипломатия – бирор мақсадга эришиш йўлида усталик билан олиб борилган муомала. Зеро, тадбиркор ва ақлли одамлар суҳбатдошларига бирор жиддийроқ фикрни айтишдан олдин тингловчини суҳбат мавзуга обдон тайёрлаб олишга, ўз фикрини олдиндан тасдиқлашиб олишга ҳаракат қиладилар. Шунда эшитувчи ҳар қандай ҳаяжонли ёки қайгули хабарни ҳам енгил қабул қилади ва тўғри муносабатда бўлади. Муҳими шундаки, умуминсонийлик хусусиятига эга бўлган бу усул суҳбатнинг муваффақиятли чиқишига ижобий таъсир кўрсатади.

Мулоқотнинг даромад босқичи бошқа миллатларга нисбатан ўзбекларда ўз ўрнида қўлланади ва ундан унумли фойдаланишга

ҳаракат қилинади. Бу ўзбекларнинг миллий менталитетларига ҳам бир жиҳатдан боғлиқ бўлиб, у шарқона ахлоқ-одоб белгиси бўлиш билан бирга, инсон кўнглининг нозик қирраларини теран ҳис қила билган ҳолда инсон кўнглини авайлаш, гапни узоқдан бошлаш орқали уни суҳбатга руҳан тайёрлаш, даромад босқичида қўлланган мурожаат бирликлари орқали тингловчининг берилajak хабар орқали ёлғиз эмаслигини ва бу билан сўзловчига тингловчи билан яқинлик даражасини билдириш каби вазифаларини бажаради.

Киши жонли сўзлашув нутқида маълум ахборотни қисқа ва лўнда ифодалашда, фикрнинг таъсирчанлигини ошириш учун тилга ёндош бўлган *имо-ишоралар* (*нолисоний воситалар*)дан фойдаланади. Ўзаро мулоқот жараёни *лисоний* (*тил бирликлари*) ва *нолисоний* (*имо-ишоралар*) ёрдамида рўёбга чиқади.

Нолисоний воситалар нутқ алоқасини тўлдириб, изоҳлаб келувчи, ахборот алмашиш, фикр ифодалашда муҳим восита ҳисобланади. Ўзаро мулоқот чоғида биргина товуш, сўздан тортиб, ҳар бир имо-ишора, хатти-ҳаракат, хатто сукут (жим туриш) ҳам нолисоний восита сифатида иштирок этади ва ўзига хос мазмун ифодалашни юқорида айтиб ўтилган эди.

Оҳанг бешта сезгидан бири – эшитиш орқали инсонга, нафақат инсон, балки шундай қобилиятга эга бўлган барча жонзотга таъсир кўрсатади. Бундай таъсир ижобий ва салбий хусусиятларга бўлинишини билиш ўқувчи ва талабаларнинг нутқ маданиятини эгаллашларида муҳим ўрин тутди.

Оҳангнинг сўз маъноси, гап мазмунини бир-бирдан фарқлашда логик; сезгиларга ижобий ёки салбий таъсир этишида эмоционал; сўз, гап қурилишига таъсирида эса грамматик вазифалари яққол намоён бўлади.

Ижтимоий экология ва унинг ўзига хос муаммолари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимизга яқун ясар эканмиз, бугунги куннинг энг долзарб муаммолари каби ижтимоий экология муаммоси ҳам инсон маънавияти билан чамбарчас боғлиқ бўлган муаммо эканлигини яна бир бор таъкидлашимизга тўғри келади. Зеро, ҳозирги даврда инсон ва табиат, фан-техника тараққиёти ва агроф-муҳит, жамият ҳамда экология ўртасида номутаносиблик вужудга келаётир. Буларнинг барчаси *экологик маданиятни*, демакки,

инсоний муносабатларни, бир сўз билан айтганда, маънавиятни янада юксалтириш масаласини кўндаланг қўймоқда.

Маънавий юксалишга эришиш эса бир йиллик ёки беш-ўн йиллик иш эмас: «Халқ, миллат ўз миллий маънавиятини йиллар, асрлар давомида юксалтириб, бойитиб боради. Чунки маънавият қотиб қолган ақидалар йиғиндиси эмас, аксинча, доимий ҳаракатдаги узлуксиз жараён бўлиб, тараққиёт давом этар экан, унинг шиддатли юриши тўғрисида маънавий ҳаёт олдига қўйиладиган талаблар ҳам муттасил пайдо бўлаверади...»⁷⁵

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ислоҳ Каримов. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1997 й.
2. Ислоҳ Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1996 й.
3. Ислоҳ Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: «Маънавият», 2008 й.
4. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Ўн жилдли. IX жилд, 2013 й.
5. Ал-Ғақиҳ Абу Лайс Самарқандий. Танбеҳул-ғофилийн. – Т.: «Мовароуннаҳр», 2003 й.
6. Абдурасулов Ё. Нутқ жараёнида сўз маъносини кучайтириш усул ва воситалари. // Нутқ маданияти масалалари. – Тошкент, 1993 й.
7. Абдурахмонов Ҳ., Маҳмудов Н. Сўз эстетикаси. – Т.: «Фан», 1981 й.
8. Аёллар овозининг сири // «Фан ва турмуш», 1989 й. 3-сон.
9. Афанди латифалари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989 й.
10. Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. – Т.: «Фан», 1990 й.
11. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: «Юлдузча», 1980 й.
12. Бегматов Э. Ўзбек нутқ маданияти масалалари // «Ўзбек тили ва адабиёти», 1980 й. № 4.
13. Богданов В. Молчание как нулевой речевой знак и его роль в вербальной коммуникации // «Языковое общение и его единицы». – Калинин, 1986 г.
14. Богомоллова Н. Массовая коммуникация и общение. – Москва: «Знание», 1988 г.
15. Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. – Т.: «Фан», 1995 й.
16. Вопросы социозкологии. – Львов, 1987 г.

75 Ислоҳ Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: «Маънавият», 2008 й., – Б. 171.

17. Вохидов Э. Сўз латофати. – Т.: «Ўзбекистон», 2014 й.
18. Головин Б. Основы культуры речи. – М.: «Высшая школа», 1980 г.
19. Гёте И.В. Ҳикматлар. – Т.: «Маънавият», 2010 й.
20. Громова Е.А. Сон и бодрствование. – М.: «Знание», 1969 г.
21. Дешериев Ю.Д. Социальная лингвистика. – М.: «Наука», 1977 г.
22. Дичев Т.Г., Тарасов К.Е. Проблема адаптации и здоровья человека. – М.: «Медицина», 1978 г.
23. Жабборов Ж. Муомала маданияти // «Мулоқот», 1997 й.
24. Жўраев Т. Қишлоқликлар. – Т.: «Наврўз», 1993 й.
25. Иброхимов И. Нутқ маданияти ва адабий талаффуз хақида. – Т.: «Фан», 1972 й.
26. Искандарова Ш. Аёллар нутқида ундов сўзларнинг қўлланиши // Республика ёш филолог олимларининг анъанавий илмий конференцияси материаллари. – Тошкент, 1991 й.
27. Искандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Самарқанд, 1993 й.
28. Йўлдошев М. Ҳамшира меҳнати психологияси. – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2002 й.
29. Каган М.С. Мир общения. – М.: «Политиздат», 1988 г.
30. Карнеги Д. Қандай қилиб дўст орттириш ва одамларга таъсир кўрсатиш мумкин? – Т.: «Шарқ», 2010 й.
31. Кайковус. Қобуснома. – Т.: «Ўқитувчи», 1986 й.
32. Камычек Я. Вежливость на каждый день. – М.: «Знание», 1988 г.
33. Колесов В. Язык города. – М.: «Высшая школа», 1991 г.
34. Колшанский Г.В. Коммуникативная функция структуры языка. – М.: «Наука», 1984 г.
35. Колшанский Г.В. Логика и структура языка. – М.: «Высшая школа», 1965 г.
36. Леонтьев А.А. Язык, речь, речевая деятельность. – М.: «Просвещение», 1969 г.
37. Ликсон Ч. Конфликт: семь шагов к миру. – Санкт-Петербург: «Питер», 1997 г.

38. Лупьян Я.А. Барьеры общения. Конфликты, стресс... – Минск, 1986 г.
39. Личность и общество. Методическое пособие для преподавателей. – Ташкент, 2006 г.
40. Маркович Д.Ж. Социальная экология. Кн. для учителя. Пер. с серб-хора. – М.: «Просвещение», 1991 г.
41. Маҳмудов Н. Ўзимиз ва сўзимиз. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1997 й.
42. Маҳмудов Н. Тил. – Т.: «Ёзувчи», 1998 й.
43. Маҳмудов Н. Маданий нутқ муаммолари // Таълим жараёнида нутқ маданиятини шакллантириш масалалари. – Т.: «Шарқ», 1999 й.
44. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007 й.
45. Маҳмудов Н. Тилимизнинг тилла сандиги. – Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012 й.
46. Маҳмуд Саттор. Ўзбекнинг гапи қизик. – Т.: «Фан», 1994 й.
47. Мўминов С. Ўзбек мулоқот ҳулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари. Филол. фанл. докт. дисс. автореф. – Тошкент, 2000 й.
48. Мўминов С. Нутқий кўникма ҳосил қилишда эшитиш қобилияти // «Тил ва адабиёт таълими», 1997 й., 3-сон.
49. Мўминов С., Холматова Д. Нутқ ва ижтимоий экология // Ўзбек филологияси ва уни ўқитишнинг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Фарғона, 2013 й.
50. Мўминов С., Холматова Д., Мамажонов О. Олам ва одам. – Фарғона: «Фарғона», 2014 й.
51. Нурмонов А. Ўзбек тилининг паралингвистик воситалари ҳақида. – Андижон, 1980 й.
52. Общество и здоровье человека // Под ред. Царегородцева Г.И. – М.: «Медицина», 1973 г.
53. Ортиқов А. Сухбатда бахslashув одоби // «Мулоқот», 1997 й. 2-сон.
54. Орипов А. Савоб. – Т.: «Маънавият», 1997 й.
55. Орипов А. Сурат ва сийрат. – Т.: 1981 й.
56. Орипов А. Менга хушхабар айт. – Т.: «Маънавият», 2009 й.

57. Орипов А. Эзгулик. – Т.: Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012 й.
58. Пўлодий А. Оила одоби. – Фарғона: «Фарғона», 2012 й.
59. Расулов Қ.А. Ўзбек мулоқот хулқининг функционал хосланиши. Филол. фанл. номз. дис. автореф. – Тошкент, 2008 й.
60. Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадир. – Т.: «Мехнат», 2001 й.
61. Рустамов А. Сўз хусусида сўз. – Т.: «Extremum press», 2010 й.
62. Саидхонов М. Алоқа-аралашув ва имо-ишоралар. – Т.: «Фан», 2008 й.
63. Сиддик Мўмин. Мулоқот мезони. – Т.: «Янги аср авлоди», 2004 й.
64. Содиқова Т. Сўз сеҳри. – Т.: «DAVR PRESS», 2009 й.
65. Содиқова Т. Яшаш тилсими. – Т.: Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.
66. Тилолов Т. Экологиянинг долзарб муаммолари. – Қарши: Насаф, 2003 й.
67. Холматова Д., Мўминов С. Жамиятдан – тилга, тилдан – жамиятга// Илмий-амалий конференция материаллари. – Фарғона, 2014 й.
69. Формановская Н.И. Речевой этикет и культура общения. – М.: «Высшая школа», 1989 г.
70. Шадиметов Ю. Введение в социэкологию. Учебник для высших учебных заведений.– Т.: «Ўқитувчи», 1993 г.
71. Шодиметов Ю. Ижтимоий экологияга кириш. Олий ўқув юртлари учун дарслик.– Т.: «Ўқитувчи», 1994 г.
72. Ўзбек халқ мақоллари. 2 томли, 1-2-томлар. – Т.: «Фан», 1987, 1988 йй.
73. Эргашев А., Эргашев Т. Агрэкология. – Т.: «Янги аср авлоди», 2006 й.
74. Эргашев А.Э. Умумий экология. Дарслик. – Тошкент, 2003 й.
75. Эргашев Ё., Сиддик Мўмин. Дили покнинг тили пок. – Фарғона: «Фарғона», 1997 й.
76. Қаххорова К. Чорак аср ҳамнафас. – Тошкент, 1987 й.

77. Абдулла Қодирий. Ўтган кунлар. – Т.: Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974 й.
78. Қосимов Э. Шифокорнинг нутқ маданияти ва бемор билан мулоқот санъати. – Т.: «Шарқ», 2002 й.
79. Қошғарий М. Яхши кишилар одоби. – Т.: «Янги аср авлоди», 2002 й.
80. Қўнгулов Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубияти асослари. – Т.: «Ўқитувчи», 1992 й.
81. Хошимов Ў. Дафтар хошиясидаги битиклар. – Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош тахририяти, 2008 й.

Мундарижа

КИРИШ	3
БИРИНЧИ БОБ	
<i>ИНСОН ВА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР</i>	
1.1. Экология – долзарб мавзу	7
1.2. Одамнинг ички ва ташқи экологияси	11
1.3. Табиат экологияси	16
1.4. Турар жой экологияси	18
1.5. Экология ва дин муносабатлари	20
1.6. Азалий удумлар ва экология	23
1.7. Экология ва мувозанат	27
ИККИНЧИ БОБ	
<i>СЎЗ ВА ИЖТИМОИЙ ЭКОЛОГИЯ</i>	
2.1. Фикрлаш экологияси	29
2.2. Сўзлашиш экологияси	32
2.3. Нутқнинг ҳасрат типи ва унинг сўзловчи физиологиясига таъсири	37
2.4. Оҳанг ва ижтимоий экология	45
УЧИНЧИ БОБ	
<i>ТИЛ ШАРОФАТЛАРИ</i>	
3.1. Саломлашиш ва ундан келадиган шарофатлар	49
3.2. Мурожаат одоблари ва ундан келадиган шарофатлар	51
3.3. Сукут ва ундан келадиган шарофатлар	52
ТЎРТИНЧИ БОБ	
<i>ТИЛ ОФАТЛАРИ</i>	54
4.1. Ёлғон ва ундан келадиган офатлар	55
4.2. Гийбат ва ундан келадиган офатлар	57
4.3. Чақимчилик ва ундан келадиган офатлар	58
4.4. Сўкиш ва ундан келадиган офатлар	59
4.5. Масхара ва ундан келадиган офатлар	60
4.6. Маддоҳлик ва ундан келадиган офатлар	60
4.7. Сўзга эътиборсизлик ва ундан келадиган офатлар	61
4.8. Сухбатга ноўрин аралашув ва ундан келадиган офатлар	62
4.9. Бехуда сўзлаш ва ундан келадиган офатлар	63

БЕШИНЧИ БОБ

МАҚТОВ, ТАНБЕҲ ВА ИЖТИМОИЙ ЭКОЛОГИЯ

5.1. Туташ фанлар туташуви	64
5.2. Мақтов ва унинг ижтимоий экологияни шакллантиришдаги ўрни	67
5.3. Танбеҳнинг тур ва усуллари	70
5.4. Танбеҳ тинглаш таомили	74
5.5. Лисоний воситалар орқали ифодаланадиган танбеҳлар таҳлили	78
5.6. Нолисоний воситалар орқали ифодаланадиган танбеҳлар таҳлили	84
5.7. Оиладаги танбеҳлар	89
5.8. Устоз-шогирд ўртасидаги танбеҳлар	97
5.9. Шифокор-бемор ўртасидаги танбеҳлар	102

ОЛТИНЧИ БОБ

ОИЛА ВА ИЖТИМОИЙ ЭКОЛОГИЯ

6.1. Оила – жамият пойдевори	105
6.2. Оила ахлоқи	108
6.3. Одоб – инсон зийнати	110
6.4. Оила аъзоларининг бурч ва вазифалари	112
6.5. Оналар ва болалар ўртасидаги муомала одоблари	116
6.6. Оталар ва болалар ўртасидаги муомала одоблари	119
6.7. Қайнона-келин ўртасидаги муомала одоблари	131
6.8. Эр-хотинлар мулоқотида саломлашув ва муурожаат босқичларининг тутган ўрни	135
6.9. Кириш (даромад) босқичи ва унинг эр-хотинлар мулоқотида тутган ўрни	138
6.10. Тилшарофати–оила фаровонлиги	152
6.11. «Можаро – сўз орқали» ёки эр-хотинлар мулоқотида сукутнинг ўрни	156
6.12. Эр-хотинлар мулоқотида имо-ишора, хатти-харакатларнинг қўлланилиши	162
6.13. Эр-хотинлар мулоқотида талаффузнинг ўрни	163
ХУЛОСА	169
Фойдаланилган адабиётлар	177

Илмий-оммабоп нашр

Сиддиқжон МЎМИНОВ, Дилшода ХОЛМАТОВА

ИЖТИМОЙ ЭКОЛОГИЯ МУАММОЛАРИ

Муҳаррир:

Ҳаётжон Бойбобоев

Техник муҳаррир:

Назиржон Ҳошимов

Дизайнер:

Сотволди Ҳасанов

Нашриёт лицензияси: АИ №162. 2009 йил 14 август.

Теришга берилди: 03.11.2014 й. Босишга рухсат

этилди: 27.11.2014 й. Бичими: 60x84_{1/16}. Нашриёт босма

табоғи: 11,5. Шартли босма табоғи: 11,75. Times гарнитураси.


Офсет усулида босилди. Адади: 100 дона. Буюртма №: 340.

«ФАРҒОНА» нашриёти.

150114. Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.

«КОҶИ-NUR» МЧЖ босмаҳонаси.

100097. Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўчаси, 44-уй.



FARG'ONA
nashriyoti

ISBN 978-9943-4275-9-4



9 789943 427594